



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

# ***Сурхондарё тарихи***

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



Мазкур фан 6-блок–танлов фанлар блокига кирган бўлиб, барча бакалаврият таълим йўналишларида таҳсил олаётган 1-курс талабалари учун мўлжалланган. Марузалар матни амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда курс бўйича маърузалар тўплами ўқитувчилар ва талабалар учун тавсия этилади.

Тузувчи: ўқ.М.Туропова  
Такризчилар: т.ф.н., доцент Т.Пардаев  
т.ф.н., доцент З.Холиқов.

## СЎЗ БОШИ

### Бакалавр «Сурхондарё тарихи» курси бўйича:

**Сурхондарё тарихи** инсоният тарихнинг ажралмас қисми эканлиги, унинг асосий давлари ва тараққиётининг тадрижий босқичлари тўғрисида, уларнинг узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеаларнинг ворисийлиги ва қонунийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

- Сурхондарё тарихининг тарихшунослиги;
- Жез даври ютуқлари ва илк зироатчилик маконлари;
- Тарихнинг илк босқичлари ва унинг тарихий аҳамияти;
- Бактрия Салавкийлар давлати таркибида;
- Юнон-Бактрия подшолиги даврида Сурхон воҳаси;
- Ўрта асрлар даврида Сурхон воҳасининг муҳим ижтимоий иқтисодий сиёсий воқеалари;
- Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида;
- Сурхон воҳаси Темур ва Темурийлар даврида:

**Сурхондарё тарихи** фанида кечган жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи назарига асосан хулоса чиқара олиши ва ўз фаолияти, соҳасининг жамият тарихидаги ўрнини белгилаш кўникмасига эга бўлиши лозим. Ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом ғурурни уйғотишда, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда тарихий тафаккурнинг аҳамияти катта.

Дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун тасдиқланган ўқув Асосий саволларсида Сурхондарё тарихи фанини ўқитиш бўйича тавсия этилган 60 (14 соат маъруза, 22 соат семинар, 24 соат мустақил иш) соат дарс ҳажми ҳисобга олинди.

**Курснинг мақсади:** “Сурхондарё тарихи” фанининг мазкур дастури Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни асосида ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида келиб чиқиб, давлат стандартлари бўйича бакалавриат даражасидаги малакали мутахассислар тайёрлашни, уларга “Сурхондарё тарихи” фанида Сурхондарё тарихини ўрганишдан мақсад. Сурхондарё тарихини даврлаштириш. Воҳа тарихига оид ашёвий манбалар. Воҳа тарихи юзасидан ёзма манбалар. Сурхондарё тарихи тарихшунослиги. Воҳа тарихини ўрганишнинг истиқболлари тўғрисида билимлар беришни мақсад қилиб кўяди. “Сурхондарё тарихи”ни ўрганиш шунинг учун керакки, у сохта тарихий тушунча ва тарихий хотирасизликка барҳам беради, миллий ғоя ва мафкура такомиллашувини тезлаштиради.

“Сурхондарё тарихи” фани 6-танлов фанлар блокига кириб, барча бакалавриат таълим йўналишларида Сурхондарё тарихини илмий жиҳатдан асосланган ҳолда манбаларга таяниб ўрганилади.

Курснинг вазифалари: Юқорида таъкидланган мақсаддан келиб чиқиб, фанни ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- талабаларни келажакда воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билишга кўмаклашиш;
- етук мутахассислар бўлиб етишишларида ёрдамлашиш;

- ўзи яшаётган ва атрофдаги ҳудудлар тарихини билишга қизиқтириш;
- бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш, шу мақсадда археология илми кенг ўргатиш;
- ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш;
- ёшларга миллий ва тарихий кадриятларни эъзозлаш, асраб-авайлаш руҳини сингдириш, уларда юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш;
- ёшларни Ватан ва халқ, миллат, фарзанд, ота-она, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларини чуқур ҳис этиш ва уларга садоқат руҳида тарбиялаш.

Фанни ўрганишда тарихий манба ва адабиётлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари, статистик маълумотлардан, шунингдек, мушоҳада, таҳлил, кузатиш усулларида кенг фойдаланилади.

#### **Курснинг мазмуни:**

“Сурхондарё тарихи” курсини ўрганиш жараёнида мавжуд ўқув дастурига асосланган ҳолда масалаларнинг туб моҳияти, тарихий-маданий жараёнларнинг асослари, омиллари ва ривожланиши, сабаблари, оқибатлари ва натижаларига катта эътибор қаратилади.

1.2. Ўқув жараёнида талабаларга мавзуларни мазмунини кенгроқ ёритиб беришда видео-кино материаллари, слайдлар ва бошқа материаллардан фойдаланилмоқда. Талабаларнинг ўзлаштириш мезони тест ва рейтинг усулида аниқланади.

## КИРИШ

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида Сурхон воҳасининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Чунки Сурхон воҳаси тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақаладиган қадим маскандир. Ўтмиш тарихимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган археологик ёдгорликларнинг ҳам аксарият қисми шу воҳада жойлашган, қолаверса, воҳа ҳудуди инсониятнинг энг қадим аجدодлари макон тутган замин ҳамдир. Воҳа ҳудудида жойлашган Зараутсой тасвирлари ибтидоий одамлар тафаккур ва тасаввури асосида яратилган бўлса, ўз аҳамияти жиҳатидан Сополлитепа обидаси ўтроқ тарзда турмуш кечирган аجدодларимизнинг бебаҳо илк манзилгоҳлари саналади. Жарқўтонда шакилланган дастлабки шаҳарсозлик маданияти мамлакатимизда урбанизациявий ривожланиш юзага келган жараёнларнинг дебочасидир.

Ўзбек давлатчилигининг илк тонглари ҳам шу заминда қарор топган қадим Бақтрия ҳудудлари билан чамбарчас боғлиқликлар касб этади. Мамлакатимиз ҳудудига жанубдан ёв ҳамла қилган даврларда ҳам воҳа аҳли қалқон бўлган. Юксак фалсафий-ахлоқий ақидаларга асосланган зардуштийлик дини негизларининг юзага кела бошлаган маънавий, руҳий қадриятлари шаклланишида ҳам воҳанинг муносиб ҳиссаси бор. Жаҳон фотиҳларидан бири саналган Искандар Зулқарнайн аҳолининг жасорати ва мардлигига қойил қолган. Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоликлари даврида воҳа аҳлининг маҳаллий маданияти қадим эллин маданияти билан омукталашиб, ҳатто унга таъсир ўтказган қудратли Кушонлар салтанатининг равақи ҳам бевосита ана шу табаррук замин билан чамбарчас боғлиқ.

Воҳа аҳли ўрта асрлар шароитида ҳам мамлакатимиз тарихида, қолаверса, Шарқ халқлари тарихида муҳим роль ўйнади. Ўрта асрлар мобайнида минтақада шаклланган барча давлатлар тараққиётида ана шу қадим масканнинг муносиб ўрни мавжуд. Ҳатто соҳибқирон Амир Темур хазратлари ҳам давлатчилик рамзи саналган туғ ва ноғорани пири Саййид Барака қўлидан Термиз яқинидаги Биё қишлоғида қабул қилиб олган эди. Ўрта асрлар даврида воҳада яшаган кўплаб алломалар диний ва дунёвий билимлар тараққиётига ўзларининг муносиб улушларини қушганлар. Инсоният маънавий хазинасини бойитган ислом дини равақида ҳам замин илм аҳлининг ўрни жуда катта.

## **1-Мавзу: Сурхондарё тарихи махсус курсининг мақсад ва вазифалари**

### **Асосий саволлар:**

1. Сурхондарё тарихини ўрганишнинг асосий вазифалари.
2. Сурхондарё тарихининг асосий босқичлари.
3. Сурхондарё тарихининг манбалари.
4. Сурхондарё тарихининг тарихшунослиги.

### **Таянч сўзлар:**

Сурхондарё тарихини ўрганишдан мақсад. Сурхондарё тарихини даврлаштириш. Воҳа тарихига оид ашёвий манбалар. Воҳа тарихи юзасидан ёзма манбалар. Сурхондарё тарихи тарихшунослиги. Воҳа тарихини ўрганишнинг истиқболлари.

Халқимиз босиб ўтган кўп минг йиллик тарихни холисона тарзда миллий истиқлол ғоялари асосида ёритиш тарихшунослик фанининг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири саналади. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган асл тамойилларни англаб олиш ва тарихга янгича назар билан ёндашишда мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Ким бўлишидан қатъий назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустақкамлайди».

Ўтмиш илдизи бақувват миллатни маҳв этиб бўлмайди, ўтмиш тарихидан баҳраманд халқни кул қилиш ҳам душвор масаладир. Шу сабаблн ҳам мустабид тарғиботлар ва жабрзулмга асосланган собиқ совет империяси даврида халқимизнинг бебаҳо қадим тарихи зулмат пардаси ортига олинсада, унинг қаърига сингдирилмади. Юртимиздан етишиб чиққан алломалар, уламо ва фузалолар қувғин ва қатл этилди, тарихимиз бузиб кўрсатилди, миллий қаҳрамонларимизнинг номлари бадном қилинди. Бироқ ҳеч бир зулм абадий бўлмаганидек, мустабид тузум инқироzi билан халқимиз тикланаётган қадриятларнинг бири сифатида ҳаққоний тарихини тиклаш ва ундан руҳий қувват олишдек улуғ бахтга мушарраф бўлди.

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида Сурхон воҳасининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Чунки Сурхон воҳаси тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақаладиган қадим маскандир. Ўтмиш тарихимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган археологик ёдгорликларнинг ҳам аксарият қисми шу воҳада жойлашган, қолаверса, воҳа ҳудуди инсониятнинг энг қадим аجدодлари макон тутган замин ҳамдир. Воҳа ҳудудида жойлашган Зараутсой тасвирлари ибтидоий одамлар тафаккур ва тасаввури асосида яратилган бўлса, ўз аҳамияти жиҳатидан Сополлитепа обидаси ўтроқ тарзда турмуш кечирган аجدодларимизнинг бебаҳо илк манзилгоҳлари саналади. Жарқўтонда шаклланган дастлабки шаҳарсозлик маданияти мамлакатимизда урбанизациявий ривожланиш юзага келган жараёнларнинг дебочасидир.

Ўзбек давлатчилигининг илк тонглари ҳам шу заминда қарор топган қадим Бактрия ҳудудлари билан чамбарчас боғлиқликлар касб этади. Мамлакатимиз ҳудудига жанубдан ёв ҳамла қилган даврларда ҳам воҳа аҳли қалқон бўлган. Юксак фалсафийахлоқий ақидаларга асосланган зардуштийлик дини негизларининг юзага кела бошлаган маънавий, руҳий қадриятлари шаклланишида ҳам воҳанинг муносиб ҳиссаси бор. Жаҳон фотихларидан бири саналган Искандар Зулқарнайн аҳолининг жасорати ва мардлигига қойил қолган. Салавкийлар ва Юнон-Бактрия подшоликлари даврида воҳа аҳлининг маҳаллий маданияти қадим эллин маданияти билан омукталашиб, ҳатто унга таъсир ўтказган қудратли Кушонлар салтанатининг равнақи ҳам бевосита ана шу табаррук замин билан чамбарчас боғлиқ.

Воҳа аҳли ўрта асрлар шароитида ҳам мамлакатимиз тарихида, қолаверса, Шарқ халқлари тарихида муҳим роль ўйнади. Ўрта асрлар мобайнида минтақада шаклланган барча давлатлар тараққиётида ана шу қадим масканнинг муносиб ўрни мавжуд. Ҳатто соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳам давлатчилик рамзи саналган туғ ва ноғорани пири Саййид Барака қўлидан Термиз яқинидаги Биё қишлоғида қабул қилиб олган эди. Ўрта асрлар даврида воҳада яшаган кўплаб алломалар диний ва дунёвий билимлар тараққиётига ўзларининг муносиб улушларини қушганлар. Инсоният маънавий хазинасини бойитган ислом дини равнақида ҳам замин илм аҳлининг ўрни жуда катта.

Тасаввуф тараққиётининг йирик вакиллари АлҲаким атТермизий, Хожа Алоуддин Аттор ва Сўфи Оллаёр ҳазратлари ҳам ана шу замин фарзандларидир.

Бухоро амирлигининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида амирликнинг шарқий бекликлари саналган Бойсун, Денов ва Шеробод бекликлари муҳим ўрин тутган. Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилиш учун Буюк Британия билан сиёсий майдонда рақобатлашган чор Россияси маъмурлари ҳам Термиз шаҳрининг муҳим стратегик макон эканлигини жуда яхши англаган ва шу сабабли шаҳарда ўзларининг таянч харбий истеҳкомларини барпо этган эдилар.

Зўравонликка асосланган совет жамияти йилларида эса воҳа ҳудуди курашлар майдонида айланди. Сохта ваъдалар, алдов ва зулм асосига қурилган мустабид тузумга қарши кураш олиб боришда воҳадан етишиб чиққан миллий қаҳрамонлар алоҳида мардлик намуналарини кўрсатдилар. Ҳисобсиз қирғинлар, қатлиом ва қатағонларга қарамасдан воҳа аҳли иқтисодий ва маданий тараққиёт учун фидокорона меҳнат қилди. Иккинчи жаҳон урушининг аянчли мусибатлари ҳам воҳа аҳлини четлаб ўтган эмас. Суронли йилларнинг машаққатлари ва йўқотишлари вилоят аҳолисининг қаддини бука олмади. Урушдан кейинги тинч қурилиш ва тикланиш даврида совет тузумида қарор топган расмиятчилик, зўравонлик ва бюрократия воҳа меҳнат аҳлининг бунёдкорлик салоҳиятини жиловлай олган эмас.

Республикаимизнинг мустақилликка эришуви вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида муҳим ўзгаришлар, янгиланишлар даврини

боитиб берди. Натижада вилоят саноати, қишлоқ хўжалиги, умуман, бутун инфратузилма илғор ва замонавий янгиликлар билан омукталашди. Мулкчиликнинг янги қирралари қарор топди, тараққиётнинг ҳаётбахш насимлари эса бошлади бу юртда.

Сурхондарё вилоятида қадимги манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши тош даврининг ўрта (мустъе) босқичида пайдо бўлган. Бойсунтоғдаги Тешиктош ғор маконида 8-9 ёшли бола скелетининг топилиши ўз даврининг олашумул кашфиёти бўлиб, Ўрта Осиёни ҳам инсоният шаклланган минтақалардан бири сифатида қарашга имкон берган. Археология ва антропология фанларининг янги маълумотларига кўра топилманинг етмиш беш минг йил аввалги даврга оидлиги аниқланди.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. , Т., «Шарқ»,. 1998.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат қилсин., Т., «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. 2008.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. 2011
5. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.
6. Турсунов С.Н., Сурхондарё тарихини ўрганиш., Т., Абдулла Қодирий номидаги мерос нашриёти, 1999.
7. Турсунов С.Н., Қобилов Э., Пардаев Т, Муртозаев Б., Сурхондарё тарих кўзгусида, Тошкент, «Шарқ», 2001.
8. Турсунов С.Н. Қобилов Э., Пардаев Т, Муртозаев Б. Сурхондарё тарихи, Тошкент, «Шарқ», 2004.
9. Жалолиддин Мирзо, Термиз тарихи, Т., «Шарқ», 2003.
10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т., ЎзМЭ нашриёти. 111 жилдлар. 2000-2006 йиллар

## **2-Мавзу: Сурхондарё вилояти тарихининг энг қадимги даври (4 соат).**

### **Асосий саволлар:**

1. Палеолит даврида Сурхон воҳаси.
2. Мезолит даврида Сурхон воҳаси.
3. Жез даври ютуқлари ва илк зироатчилик маконлари.
4. Сурхон воҳаси илк темир даврида.

### **Таянч сўзлар:**

Сурхон воҳасида қадимда аҳолининг ижтимоий яшаш тарзи улар фойдаланилган меҳнат қуроллари диний тасаввурларива териб термачилик билан шуғулланганлиги ва уларнинг ва воҳада қадимий инсон яшаган маконлар ва ёдгорликлар. Тарихнинг илк босқичлари ва унинг тарихий аҳамияти.

Маълумки, инсоният тараққиётидаги маданий тарихий даврнинг илк босқичи меҳнат қуроллари тошдан ясалганлиги сабабли палеолит (грекча «палайос» қадимги, «летос» тош деган маънони билдиради), яъни қадимги тош даври деб аталади. Олимлар инсоният тарихида узоқ давом этган тош даврини қуйидаги босқичларга бўладилар:

1. Қадимги тош даври (палеолит).
2. Ўрта тош даври (мезолит).
3. Янги тош даври (неолит).
4. Мис тош даври (энеолит).

Палеолит даврида меҳнат қуроллари такомиллашиб, инсон ҳаёти ҳам ўзгариб борди. Шунга кўра палеолитнинг ўзи ҳам уч босқичга бўлинади: илк, ўрта ва сўнгги палеолит. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар 1 млн. йилдан зиёд вақтдан бери, яъни илк палеолит давридан буён яшаб келаётганлигини археолог олим Ў. Исломов исбот қилиб берди. Ў.Исломовнинг ёзишича, «Ўзбекистон ҳудудида одамнинг пайдо бўлиш тарихининг илк босқичларига оид ёдгорликларни ўрганиш 1938 йилдан бошланган. Шу йили А.П.Окладников бошлиқ ибтидоий давр археологиясини ўрганиш отряди Бойсун туманидаги Сурхондарёнинг Зовталашгансой дарасида жойлашган Тешиктош ғорини тадқиқ қилди. Денгиз сатҳидан 1500 м баландликдаги ғорнинг узунлиги 21 м, эни 20 м, баландлиги 79 метрни ташкил қилади. Умумий майдони 300 кв. м, шундан 100 кв. м жойи неандерталлар яшаганлигига гувоҳлик берувчи археологик материалларга эга. Ёдгорлик 5 та маданий қатламдан иборат. Бу ҳол манзилгоҳ бир неча маротаба тарқатилганлигидан далolat беради. ғорнинг ҳар бир қатламида биттадан, баъзиларида иккитадан гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Бу гулханлар атрофидан кўплаб тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар хил қушларнинг суяк қолдиқлари топилган. Энг муҳими, юқори маданий қатламдан 9-10 ёшлардаги неандерталь боланинг қабри топилганлиги ёдгорликни дунёвий аҳамиятга

молик даражага кўтарди».

Ушбу антропологик топилма катта қизиқиш уйғотди ва мутахассис олимлардан Г.Ф. Дебеч, М.М. Герасимов, М.Д. Гремякий ва В.А. Алексеевлар уни ўрганишда жонбозлик кўрсатдилар. Аниқланишича, топилган неандерталь бола калла суягининг ҳажми 1450 см куб бўлиб, унинг ирқий жиҳатдан Европа ва Олд Осиё гуруҳига мансуб эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Тешиктош ғорини қазिश натижасида маълум бўлдики, ундаги кишиларнинг асосий ва муҳим касби кийик, архар, тоғ эчкиси ва бошқа ҳайвонларни овлаш бўлган.

Ғордан топилган ҳайвонларнинг 667 та суягидан 649 таси кийик суягидир. Ов кўп одамлар иштирокини талаб қилганлиги сабабли у ибтидоий одамларни бирга ҳаракат қилишга жипслаштирган асосий омиллардан бири эди. Яраланган йиртқич ҳайвон билан олишувда кўпинча одамлар ҳалок бўлганлар, улар қўлга киритган ўлжаларини бирга баҳам кўрганлар. Аёллар термачилик, яъни мевачева териш, илдиз қовлаш билан шуғулланган ва меҳнат қуроллари тайёрлаганлар.

Машҳур антрополог олим ва ҳайкалтарош М. М. Герасимов боланинг қиёфасини яратди, боланинг бош суяги жуда сиқик, пешонаси яйдоқ, паст, қошқовоғи осилиб туради. Чайнаш мускуллари бақувват, ияги текис, бош суягининг ҳолати ва букчайган қомати ўша вақт одамининг ҳали қадини ростлаб юришга одатланмаганидан далолат беради. У ўз қиёфаси билан Европада яшаган неандерталь шаклидаги одамларга жуда ўхшайди. Унинг қабри атрофига қуйилган така шохлари болани гўё жинлардан ҳимоя қилган, бу қуёш рамзи бўлиб, диний ахамиятга эга бўлганлигини тасдиқлайди. Худди шу ўринда академик Б.Ғафуровнинг фикрлари анча эътиборли кўринади, олим Тешиктошдан топилган тош буюмларни ўрта палеолит даврига оид деб ҳисоблайди. Ғордан топилиб ўрганилган уч минг донага яқин тош буюмлардан 339 таси тугалланган қуроллар сирасига киради. Улардан ўткир учли тошлар пичоққа монанд бўлиб, овланган ҳайвонларни терилашда, дарахтлари қайта ишлашда фойдаланган бўлишлари мумкин. Бу неандерталь одамлар, асосан, тоғ такаси, кийик, айиқ, сиртлон ва бошқа майда ҳайвонларни овлаган, булар мустъе даврига тўғри келади. Бундан ташқари бола скелети атрофида тоғ такаларининг шохлари етганлиги ҳодисаси, афтидан, махсус дафн маросими бўлганини хотирга туширади. Кўплаб тоғ ғорларида қадимий одам қуналғалари аниқлангани холда, муҳими Туркон (Шеробод)дарё соҳилларидаги Бойсунтоғнинг Тешиктош ғорларидан топилган бола бош суякларига монанд бошқа суяклар ҳали ҳануз бутун бошли Марказий Осиёда топилганича йўқ.

Қадимшунос олимларнинг фикри ва хулосасига кўра, Тешиктош ғоридаги ҳаёт мезолит даврида ҳам давом этган. Маданий қатламнинг қалинлиги 40 м ча бўлиб, ундан тоғ эчкиси, айиқ, тошбақа суяклари ҳамда кремний, чакмоқтош, оҳактош, кумтош, яшма, кварцит ва бошқа вулқоний тош жинсларидан ишланган турли хил гош қуроллари топилди. Тошдан

ясалган қуроллар ичида пайконлар, қирғичлар, тош пичоклар ва тош чопқилар бор эди. Бу топилмалар туфайли вилоят аҳолисининг кадимги ҳаёти ва ҳўжалик соҳасидаги турмуш даражасини аниқлаш мумкин. Умуман, Сурхондарё воҳасидан кадимги одамлар яшаган 15 та юқори палеолит манзилгоҳлари топилган. Тешиктош ёдгорлиги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидан топилган ўрта палеолит (мустье) даврига оид ёдгорликдир.

Вилоят ҳудудида тош даври ёдгорликлари жуда кўп, шундай ёдгорликлардан яна бири Амир Темур ғори ҳисобланади. Бу ғор Тешиктош ғорига анча яқин жойлашган бўлиб, асосан ўрта тош даврига оиддир. Амир Темур ғоридан топилган тош қуроллар Тешиктош ғоридан топилган тош қуролларга анча ўхшашдир. Амир Темур ғорида яшаган ибтидоий одамлар овчилик ва термачилик машғулоти билан шуғулланганлар. Ғорда олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида бу ердан жуда кўплаб ҳайвон суяқларининг топилиши юқоридаги фикрларнинг исботидир. Ўрта тош даврига келиб, иклимнинг исиши натижасида ибтидоий одамлар фақатгина ғорларда яшаб қолмасдан, балки пасттекисликлар ва водийларга кўчиб чиқиб, макон қура бошлаганлар. Бу даврда улар қорин илинжида ов ўлжалари изидан юриб, уларни таъқиб этиб, асосан дайди ҳаёт кечирганлар. Амир Темур ғори қатламларидан эни 11,5 метр келадиган гулхан, ёғоч, кўмир қолдиғи топилган. Бу жой паст ва захлиги туфайли неандерталь овчиларининг вақтинчалик қўналгоҳи бўлган бўлса керак.

Вилоятнинг ўрта тош даврига оид пасттекисликларида жойлашган археологик ёдгорликлар қаторига кўҳна Термиз атрофлари, Айритом ҳамда Тўпаланг дарёси ҳавзаларидан топиб ўрганилган ибтидоий давр одамлари манзилгоҳларини ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу мазилгоҳлардан тошдан ва суякдан ясалган жуда кўплаб ов қуроллари топилди ҳамда атрофлича таҳлил этилиб, тегишли ҳулосалар ўртага ташланди, Сурхондарё вилоятида юқори палеолит даври ёдгорликлари асосан Тўпаланг дарёси воҳаси атрофида ўрганилиб тадқиқ этилди. Ҳозирги Тўпаланг дарёси сув омбори ҳудудидаги бешта манзилгоҳдан юқори палеолит даврига оид тош қуроллари топилди, улар орасида учриндилар, паррак учриндилар ва қирғичлар мавжуд.

Вилоятдаги яна бир қадимий макон Мачай ғори мезолит, яъни ўрта тош даврининг йирик ёдгорлиги бўлиб, Бойсун тоғи этақларидаги Мачай сойининг юқорисида жойлашган. Мачай ғорида овчилар ва балиқчилар жамоаси яшаган, Ушбу ёдгорлик 1938-1941 йилларда Г.В. Парфёнов томонидан очиб ўрганилди. 1937 йилда археолог А.П.Окладников мустье даврига оид иккита қатламни очиб илмий изланишлар олиб борди. Археолог Ў. Исломов 1970-1971 йилларда Мачай ғорини ўрганиб, ундан топилган тош ва суякдан ясалган қуроллар мезолит даврига оид эканлигини исбот қилди.

Мезолит босқичининг энг муҳим манзилгоҳдаридан ҳисобланган Мачай ғори ўрта тош даврининг мил. авв. VII-VI минг йилликларига оид бўлиб, бу манзилгоҳ Юқори Мачай ва қуйи Мачай қишлоқлари ораларида жойлашган. Археологик қазув ишлари натижасида бу ердан жуда кўплаб

турли шаклларда тошдан ясалган ов қуроллари, тош пичоқлар, шунингдек, суякдан ясалган бигиз, игна ва кўплаб миқдорда хайвон суяклари ҳамда инсон суяклари топиб ўрганилди. Антрополог олим Т. Хўжаевнинг фикрига кўра, Мачай ғорида яшаган одамлар антропологик жиҳатдан европоид irqига мансубдир.

Мачай ғорида яшаган ибтидоий одамлар, асосан, ўзлаштирувчи хўжаликнинг овчилик ва термачилик машғулоти билан шуғулланганлар. Қолаверса, шу даврда ёввойи хайвонларни хонакилаштириш жараёни ҳам айнан мусте даврида содир бўлиб, Мачай ғоридан топилган суяк қолдиқлари ҳам бу фикрни тўлиқ исботлайди. қизиғи, бу ёдгорлик ўша давр кишиларининг суяк қолдиқлари асосида инсониятнинг антропологик қиёфасини ва хайвонот дунёсини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. ғордан кўплаб тоғ эчкиси, катта ва кичик шохли хайвон суяклари топилиб ўрганилди ва натижада мил. авв. VIII-VII мингинчи йилларда Мачай ғорида яшаган одамлар хайвонларни хонакилаштиришга ўтганлигидан далолат беради. Тағин эса ўша одамлар, яъни сизу бизнинг қадимий аجدодларимиз табиатдаги мавжуд тайёр нарсаларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки ишлаб чиқариш иқтисодига кўникма ҳам ҳосил қила бошлаганлар.

Энг муҳим томони шундаки, ушбу ғордан ибтидоий аجدодларимиз қули билан ясалган ва уларнинг ўзлари эҳтиёжларига яраша ишлатган тош қуроллар фан оламига олиб киритилди. Бу тош қуроллари Марказий Осиёнинг бошқа мезолит даври мазилгоҳларидан топилган тош қуролларидан ясалган усули ва шакллари жиҳатидан фарқ қилади. Тадқиқ этилган юқоридаги тош қуроллари мезолит даврининг ўзига хос маданиятини ташкил этади ва бу эса фанда *Мачай маданияти* номини олди.

Демак, Сурхондарё вилоятида энг қадимги палеолит давридан бошлаб, ҳозирга қадар инсон ҳаёти ва маданияти узлуксиз давом этиб келмоқда.

Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши. Зараутсой сирлари

Кишилиқ жамиятининг илк босқичи бўлган тош асрига оид тош манбалар, матнлар, битиклар, турли тасвирлар, расмлар ва айни чоғда тошдан ясалган меҳнат қуролларининг дастлабки намуналари одамлар ижодкорлигининг натижасидир. Одамлар табиат мўъжизаларини ва унинг сир-асрорларини тасаввур этиш туфайли тирик жонзотларга тақдид этишган, уларнинг қиёфаларини яратишган. Расмлар чизиш орқали табиатдаги нарса ва ҳодисаларга ўз таъсирини ўтказиш ёки ундаги асов ҳолатларни бўйсундиришга ҳаёлан ҳаракат қилишган. Ана шу тасаввурлар таъсирида шаклланган ва ўзларининг илк ибтидоий тажрибаларини тўплай бошлаган дастлабки одамлар мўъжизакор табиатдаги осори атиқаларнинг расмини чизиш учун табиий тайёр ғорлардан, қоялардан фойдаланганлар. Ана шундай манзилгоҳлардан бири Зараутсой бўлиб, у Ўзбекистон ҳудудининг Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбидаги Кўҳитанг тоғининг ён бағрида жойлашган дарадаги унғир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари бўлмиш маданият масканидир.

Шеробод туманидаги қизилолма (бу қишлоқ ҳам бир пайтлар Зараут деб аталган) ва Зараут қишлоқлари яқинидаги Зараутсой бўйида тошга қизил

кесак (бўёк) билан солинган суратлар топилган ва бу тасвирий санъат ёдгорликлари мезолит даврига оиддир. Унда чодир ёпиниб, ўзига дум боғлаган ва ўқ-ёй кўтарган овчилар ит ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан бирга тасвирланган. Афтидан, қадимги овчилар ов қилиниши лозим бўлган ҳайвонларни чўчиумаслик учун орқаларига дум боғлаб, чодир ёпиниб олган бўлсалар ажаб эмас. Бу дара Сурхондарёнинг ўтиш ва бориш энг қийин, энг мушкул бўлган Кўҳитанг тоғлари этакларида жойлашган бўлиб, қадимги санъатнинг ажойиб ҳамда ноёб ёдгорликларидандир. Шундай қалтис жойни, чиқиш қийин дара тепасидаги ғорни Зараутлик Рауф исмли ўн яшар бола қўй боқиб юрганида тасодиф кашф этади. Бу 1939 йилнинг баҳори эди. Бир ойлар чамаси ўтгач, топилма ҳақида хонадон аъзолари оиланинг қадрдон дўсти бўлиб қолган Иван Фёдорович Ломаевга айтиб беришади. Довжурак изчиовчи, тўғрироғи овчи-ўлкашунос, айна пайтда гиёҳшунос, табиатнинг чексиз ҳавасманди И. Ф. Ломаев дўсти Ваҳоб Давлатов ва унинг ўғли Рауф билан биргаликда камарга боришади. Уз навбатида И.Ф. Ломаев кўрганлари хусусида ўша пайтлари Термиздаги Сурхондарё округ музейи директори Г.В. Парфёновга хабар беради. кизиғи, Г.В. Парфёнов 1931 йили илк бор Сурхондарёга иш билан келганида хатаклик қариялардан тоғнинг қайсидир ғорларида ҳайвонлар, одамлар сурати чизилганлиги ва номаълум битиклар борлиги ҳақидаги маълумотларни ёзиб олган, аммо ўшанда бу сирли ғорларнинг қаердалигини ҳеч ким айтиб беролмаган эди. Қолаверса, И.Ф. Ломаевдан илгари ҳам камар расмлари билан қизиқувчилар бўлган, улардан бири 1912 йили суратлардан нусха олишга ҳаракат қилган ҳарбий топограф Фёдоров бўлган. Юқоридагилардан шу нарса аенки, илгарилари ҳам бу ноёб расмлар билан қизиқувчиларнинг бор бўлганлиги эҳтимолига заррача шубҳа йўқ.

Зараутсой суратлари дастлаб И.Ф. Ломаев томонидан ўрганилди, кейинчалик Г.В. Парфёнов раҳбарлигидаги экспедиция иш бошлади ва очиқ қоятошнинг антиқа қизил рангли расмларини суратга туширди, кўчирмалар олди, муҳими янги суратли жойлар аниқланди. Зараутсойни тадқиқ этишда Г. В. Парфёнов, А. Ю. Рогинская, А. С. Кириллов, И. Ф. Ломаев, А. П. Иванова, В. К. Сандул ва Ш. Исмоиловлар катта ишларни амалга оширдилар. Ҳатто экспедиция иштирокчиси асли касби рассом А. Ю. Рогинская «Зараутсой» номли рисоласини рус тилида 1950 йили эълон қилдирди. А.Ю. Рогинская 1942 йили Москвадан Сурхондарё вилоят театрига рассом сифатида ишга жўнатилган бўлиб, Г.В. Парфёнов томонидан экспедицияга жалб этилган эди. Айниқса, кейинги йилларда Зараутсой қоя расмлари таникли олим А. А. Формозов томонидан пухта таҳлил қилинди.

#### Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Термиз шаҳрининг рангли безакли альбоми.—Т.: Шарқ, 2001.
4. Турсунов С.Н. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. Т., 2001.

5. Аннаев Т. Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар Т., 1997.
6. Холмирзаев А. Зараутсой сирлари. Т., 2003.
7. Азимов М. Термиз тарихи, Термиз, «Жайхун», 2001.
8. Аминжонова Т.Н. Қадимий ёдгорликлар қиссаси. Т., «Ўқитувчи», 1977.
9. Бердиев Х., Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Т., 1991.
10. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., Северная Бактрия Тахаристан проблеми истории и культуры, Т. «Фан», 1990.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ



Янги маълумотларга кўра, милоддан аввалги 7-6-минг йилликларда Ўзбекистон худудида тасвирий санъатнинг илк кўринишлари юзага келган.

### Сармишсой қоятош сурати

Ўзбекистон худудида ўнлаб қоя тошларга битилган суратлар топилган бўлиб, уларда ов манзараси, ҳайвонот дунёси, инсонлар кўриниши ифодаланган.



### Сармишсой қоятош сурати

Қоятош суратлари Осиё, Африка ва Европа қитъаларида кенг тарқалган. Сармишсой ва Зараутсой ёдгорликлари Марказий Осиёда суратларга энг бой ҳисобланади.

Зараутсой суратлари орасида ёввойи буқаларни овлаш манзараси тасвир этилган суратлар айниқса муҳимдир. Зараутсой дарасидаги 200 дан ортиқ расмларда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, ҳашорат; турли ов буюмлари: ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар, ниқобланган одамлар ва бошқа ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб чизилган расмлар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Суратларда тасвирини топган ўқ-ёй ва хонаки итлар кўмагида ов қилиш сахналари уларнинг мезолит даврига оидлигини билдиради, деган хулосага келади А. А. Формозов. Зеро, ўқ-ёй ва уй ити мезолит давригача номаълум эканини фан аллақачон тасдиқлаган. Академик Б.Гафуров бўлса Зараутсой суратларининг неолит-энеолит даврига оидлиги ҳақида фикр баёнини беради. Г.В.Парфёнов Зараутсой суратларини юқори палеолит даврига оид деб белгилади. Энг сўнгги намуналар эса темир бронза даврига тўғри келади. Зараутсой камаридаги расмлар бир неча асрлар давомида чизилиб, аجدодларимизнинг ов билан боғлиқ урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган эзгу ниятлари, табиатга ҳурмати, ватанга муҳаббат ҳистуйғулари акс эттирилган эди.

Зараутсой қояларида чизилган 246 тадан ортиқ ибтидоий расмларнинг ҳаммаси бир вақтда чизилмаган. Баъзи тасвирларнинг бир-бирининг устига қалашиб кетганлиги қам буни тасдиқлайди. Зараутсойдаги дастлабки тасвирлар мезолит даврининг охирларига оид бўлиб, тахминан бундан 10 минг йиллар муқаддам чизилган. қоялардаги кейинги тасвирлар бронза даврига оид бўлиб, мил. авв. II-III минг йилликларнинг маҳсулидир. Зараутсойда топилган тасвирлар мамлакатимиздаги энг қадимий расмлар мажмуасидир. Одамлар ва ҳайвонларнинг ана шу расмларида бадий тасвир инсон меҳнати, унинг яшаш учун кураши билан боғланган. Бу санъат ибтидоий одам онгида вужудга келган қиёфаларни ўзининг ибтидоий тасвирига, қонунларига эга бўлган асарга айлантириш маҳоратига асосланган. Зараутсой мамлакатимизда биринчи марта санъатшунослик кўриқхонасига айлантирилган ноёб манба сифатида ҳам жуда ардоқлидир. Аммо юқоридагиларга қарамасдан, Зараутсой осориатикаларини сақлаш соҳасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳатто «Зараутсой95» ва «Зараутсой98» илмийамалий халқаро анжуманларида ушбу суратларни келгуси авлодлар учун асраб қолиш ҳақида фикрлар юритилганига қарамасдан, ҳозиргача мутлақо қаровсиз ва ҳимоясиз қолаётган Зараутсой тасвирларини амалда қаттиқ муҳофаза этиш лозим кўринади. Ибтидоий одамлар томонидак миснинг ўзлаштирилиши натижасида мисдан ясалган меҳнат ва ов қуролларининг такомиллашувига йўл очилди. Дастлабки ўтrockчиликка асосланган қишлоқпарнинг, ертўла ва чайлалар уйларнинг пайдо бўлишига имкон туғилди. Жуфт никоҳли оилаларнинг таркиб топиши туфайли аждодлар руҳини пок тутишга, руҳларга сиғинишга, дехдончилик ва чорвачиликнинг алоҳида ҳўжалик бўлиб ривожланишига йўл очиб берилди.

### **Жез даври ютуқлари**

Шеробод, Шўрчи, Бандихон туманлари ҳудудларида ўтказилган археологик қазилма ишлари туфайли Сополлитепа, Мўлалар, Жарқўтон каби ёдгорликларда уруғ жамоаси маконлари топилди. Сополлитепа маданияти Жанубий Ўзбекистонда шаклланган ва сунъий суғоришга асосланган илк макон бўлиб, қадимшунос олимлар бу ердан зироатчиликка оид буғдой, арпа, сулар, пахта уруғлари қолдиқларини, қулолчилик, чархни ишлатиш, ҳунармандчилик турмушига доир ашёлар ва санъат намуналари қолдиқларини топдилар. Ўнг муҳими қабилани ташқи душман ҳамласидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган қўрғон уч қаторли мудофаа девори билан ўраб олинган. Қўрғоннинг умумий майдони бир гектарга яқин бўлиб, унда саккизта маҳалла истиқомат қилган уйларда мўрили ўчоқ, айрим хоналарда сандал ўрни, ганч сувоқ қолдиқлари топилди. Қулолчиликка оид 20 дан зиёд хумдонлар, сифатли нафис қадах, кўза, хум, чойнак, лаган, мудофаа қулоллари, идишлар, кўзгу, тўқимачилик, ип ва ипак мато қолдиқлари топиб ўрганилди.

Сополлитепада истиқомат қилган аждодларимиз бронза давридаёқ қўшни халқлар билан бевосита яқиндан алоқада бўлганлар. Хусусан, бу ердан топиб ўрганилган кўпгина буюмлар Жанубий Туркменистонда

топилган буюмларга жуда ўхшашдир. Мил. авв. XVIII-XV асрлар оралиғида Сополлитепа манзилгоҳида қизгин ҳаёт мавжуд бўлган, аммо мил. авв. XV асрда Уланбулоқсой сувларининг қуриши оқибатида Сополлитепаликлар бу манзилгоҳни тарк этиб, Шеробод дарёсининг қадимий ирмоғи ҳисобланган Бўстонсой қирғоқларига кўчиб ўтиб, бу ерда Жарқўтон номи билан маълум ва машҳур бўлган илк шаҳар маданиятини шакллантирганлар.

Жарқўтонликлар рухий ва маънавий камолот борасида ҳам аجدодларига нисбатан анча юксакликка эришганлар. Бу ерда олиб борилган археологик изланишлар жараёнида қабрлардан топилган турли хил ҳайвонлар ва паррандаларнинг тасвирлари туширилган муҳрлар ва белгилар жарқўтонликлар диний эътиқодида тотемистик тасаввурларнинг бир қадар илдиз отганлиги, шунингдек, муғоналик одатларининг мавжуд эканлигидан далолат беради. Шунингдек, бу ердан олов ибодатхонаси ҳам топиб ўрганилди. Ушбу ибодатхона шаҳар майдонининг энг баланд жойида барпо этилган, бу эса Жарқўтоннинг нафақат сиёсий ва иқтисодий марказ, балки унинг айни шу минтақада ўша замон одамлари учун рухий ва маънавий марказ бўлганлигининг ҳам бирдан-бир исботидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, жарқўтонлик аجدодларимиз ўзларининг шаҳар, қабила, уруғ оқсоқолига тааллуқли муҳр ва тамғаларига эга бўлиб, унда бургутнинг қанот қоқиб учаётган тасвири, тўрт хил илоннинг ҳаракатланиб туриши, ҳар хил парранда ва ҳайвонларнинг, тўқай мушуги, тоғ эчкиси, шер, чўчқаларнинг сурати тасвирланган. Археологлар мил. авв. II минг йилликларга оид зардуштийлик динининг пайдо бўлишини ҳам Жарқўтон мисолида тахмин қилдилар. Зардуштийлик дини одатларига кура тўрт нарса муқаддас ҳисобланган: 1. Сув. 2. Тупроқ. 3. Ҳаво. 4. Олов. Зардуштийлик дини анъаналарига кўра ўлган кишини дафн қилишда ана шу тўрт нарсага қатғиқ амал қилганлар:

1. Сувга ташлаш мумкин эмас, чунки сув муқаддас.
2. Тупроққа кўмиш мумкин эмас, чунки тупроқ муқаддас.
3. Ҳавога ташлаш мумкин эмас, чунки ҳаво муқаддас.
4. Оловга ташлаш мумкин эмас, чунки олов муқаддас.

Шунинг учун бу даврда ўлганларни тоғу тошларга,

одам яшамайдиган жойларга олиб бориб махсус даҳмалар устига қўйиб, мурданинг гўштини йиртқичлар, қарғақузғунларга йедирганлар, суяқларини эса махсус идишларга, яъни остадонларга солиб қўйганлар.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»ни археологлар мил. авв. I минг йилликларнинг ўрталарида пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бу диннинг ҳақиқий ватани қаердалигини белгилаш тўғрисида тортишувлар, баҳсу мунозаралар ва ноаниқликлар бор эди. Археологларнинг 1982 йидан Шеробод туманидаги қадимги ёдгорликларда олиб борган илмий тадқиқот ишлари бу фикрларга анча аниқлик ва тузатишлар киритди. Баъзи олимлар бу диннинг ватани Хоразм деб ҳисобласа, иккинчи бир гуруҳи Эрон деб даъво қилар, учинчилари эса Бақтрия, тўртинчилари Сўғд деб ҳисоблар эди.

Хуллас, Жарқўтон ёдгорликларидан топилган топилмалар зардуштийлик динининг дастлаб Бақтрия, яъни Бақтрнянинг шимолий

қисмида, ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудида бронза даврида пайдо бўлганлигини исботлаб берди. Бу зардуштийлик дини пайдо бўлиши тарихини 500-600 йил, яъни бундан 2500-2600 йилга қадимийлаштириш имконини берди. Ҳумо деб аталган қуш қиёфасидаги идишлар, остадон деб аталган суякдонлар, зардуштийлик дини анъаналарига мувофиқ кўмиш усулининг пайдо бўлиши ҳам ушбу фикрлар исботидир. Археолог олим, академик А. А. Асқаров Сополлитепа ва Жарқўтон қишлоқ харобаси ва қабристонини тўлиқ ўрганиб, ушбу ёлгорликлар кўҳна Бактрия ҳудудидаги қадимги Шарқ цивилизацияси ва маданиятининг бир босқичи эканлигини илмий жиҳатдан асослади. А. Асқаров ва унинг шогирдлари бутун манбаларни уч босқичга бўлиб, Сополлитепанинг устки қатламларидан чиққан ашёларни «Сополли босқичи», Сополлитепанинг устки қатламларидан ва Жарқўтоннинг остки қатламларидан чиққан ашёларни «Жарқўтон босқичи», Жарқўтоннинг юқори қатламидаги манбаларни «Мўлали босқичи» деб юритди. Археолог олим Б. Абдуллаев Жарқўтон қабристони манбаларини синчиклаб ўрганиб, «Мўлали босқичи»нинг икки даврдан: «Кўзали» ва «Мўлали» даврларидан иборатлигини илмий жиҳатдан асослади. Шундай қилиб, Сополли маданияти тўртга босқичга бўлиниб, унинг биринчи босқичи «Сополли босқичи» мил. авв. XVII-XV асрлар, иккинчи босқич «Жарқўтон босқичи» мил. авв. XV-XIV асрлар, учинчи босқич «Кўзали босқичи» мил. авв. XIV аср ўрталари ва XIII аср, тўртинчи босқич «Мўлали босқичи» мил. авв. XI асрларга оид деб белгиланди.

Сополли маданияти даврида кулолчилик чархида тайёрланган идишлар шаклининг етуқлиги ва жарангдорлигига ҳеч қайси бошқа сопол идиш тенглаша олмайди. Сополли маданиятининг барча босқичларида сополлар, гарчи бирбирига ўхшасада, синчиклаб қаралса, фарқи сезилади. Узининг нозиклиги ва шаклининг етуқлиги жиҳатидан «Сополли босқичи»нинг сополлари бошқа барча босқич сополларидан ясаиш услуби билан устун туради. Жарқўтон босқичи сополлари «Сополли босқичи» сополларига қараганда оғир ва анча кўпол ишланган. Ўзбекистоннинг жанубида бундай юқори сифатли кулолчилик буюмлари тайёрланишининг сабаби, аввало юксак деҳқончилик маданиятининг ривожланганлиги натижасидир. Сополлитепада кулолчилик ҳамда ҳунармандчиликнинг ушбу тури анча юксалганлигини мавжуд устахоналар билан бирга бошқа йирик иншоотлар, яъни қалъалар, ибодатхоналар, маҳаллалар ҳам тасдиқлайди. Айниқса, Марказий Осиё шаҳарларининг илк намунаси деб тан олинаётган Жарқўтон турар жой маконида бутун бир илк шаҳарнинг барча унсурлари топиб ўрганилди.

Қадимги Шарқнинг бешинчи цивилизация ўчоғи сифатида фанга кирган Бактриянинг энг қадимги шаҳри – Жарқўтон ёдгорлиги - Сурхон воҳасида жойлашган. Бу ёдгорлик 100 гектардан ошиқ майдонни эгаллайди. Жарқўтонда ҳоким қароргоҳи, олов ибодатхонаси, сарой, шаҳар ҳунармандлари яшаган маҳаллалар ўрганилган бўлиб, у ердан илк зардуштийликка оид моддий маданият ашёлари топилган

А. Асқаровнинг қайд этишича, Жарқўтон икки қисмдан иборат бўлган, яъни «Арки аъло» ва «Шаҳристон»дан. «Арки аъло»да шаҳар ҳокимининг қароргоҳи ҳукмдор саройи жойлашиб, умумий майдони 3 гектарни ташкил этган. Унинг атрофи қалин мудофаа девори билан ўралиб, шарқий ва жанубий томонида шаҳарнинг асосий аҳолиси деҳқон ва ҳунармандлар яшаган «Шаҳристон» жойлашган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 20 гектар майдонни эгаллаган некрополь, янги шаҳар қабристони жойлашиб, 20 га яқин аҳоли тураржой даҳалари ҳамда деҳқон, ҳунармандларнинг патриархал жамоа қўрғонлари аниқланди.


Академик А.Асқаровнинг алоҳида таъкидлашича, шаҳарларнинг ташкил топишида, асосан аҳолининг ўтроқ ҳўжалик ҳаёти ва у билан боғлиқ яна уч омил мавжудлиги тарихан зарур ҳисобланади. Биринчиси қулай табиий шароит, янги унумдор тупроқ, сув ва бошқа географик омиллар, иккинчиси ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва учинчиси уни таъминловчи агротехниканинг вужудга келишидир. Булар шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги иқтисодий омиллар асосида вужудга келган табақалашган жамиятнинг диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизими туғилишига шароит етилган бўлиши билан боғлиқдир. Иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар, деҳқончиликда сунъий суғориш тизимининг кашф этилиши дарёлардан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқаришни таъминлади. Ерни ишлашда омов ва ҳайвон кучидан фойдаланиш, тўқимачилик соҳасида йигирув ва тўкув дастгоҳининг, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб хумдоннинг, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспорт сифатида фойдаланишга, қурилишда Асосий саволлар асосида уйжой ва монументал бинолар қуришга ўтиш, атроф муҳит қақида тўпланган билимлар асосида астрономия, астрология, қуёш соати, тақвим, мураккаб ҳисоблаш тизимини ихтиро этиш ва бошқалар туфайли ижтимоий ҳаётда табақаланиш юз берди. Олимнинг тинимсиз меҳнати туфайли уч гектарни ташкил этган Арки аълодан сомон қушилган хом ғишдан ишланган, эни 3 метр, баландлиги 56 метр бўлган мудофаа девори ҳамда учта турар жой даҳалари, махсус чилангарлик устахонаси, кенглиги 70 см, узунлиги 2,5 м, баландлиги 1 м келадиган супа устида бешта ўчоқ топилди. А. Асқаров ва унинг шогирдлари билан ҳамкорликда Арк майдонидан бутун бир металл эритиш цехи очилиб, «Металлургия заводи» бирбирига яқин қилиб қурилган иккита икки ярусли доирасимон металл эритиш печкалари очилди. Археолог тадқиқотчилар эришган энг катта ютуқлардан бири Шаҳристон қисмидан кенг пойдеворсупа устига қурилган уйжой мажмуаларини қазиш жараёнида хоналарнинг биридан қабила оқсоқолининг қабри топилди. қабр топилган хона тўрт хонали уйнинг энг каттаси бўлиб (майдони 39 кв. м), унинг ғарбий девори ичига мўрилли ўчоқ жойлаштирилган. қабрдан топилган ашёвий манбалар асосида оқсоқолнинг нафақат жамоа сардори, балки ҳаётлик давридаги касбикорини ҳам аниқдаб бериш мумкин. Сардор қабирида 50 дан ортиқ ашёлар бўлиб, шундан 17 таси оқсоқолнинг касбига алоқадор буюмлардир. Оқсоқолнинг

кабиладошлари томонидан марҳумга унинг руҳи нариги «дунёга» толиқмай, дадил етиб бориши учун ҳар хил овқатлар қўйилган. Марҳумнинг оёқ томонига 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлар, 2 та бронзадан ишланган косалар, сурмадон ва 2 та тўғнағичлар қўйилган. Буюмлар қабр эгасининг уста заргар ва оҳангар бўлганлигини исботлайди.

Жарқўтон ёдгорлигидан топилган илк шаҳар- давлат ҳукмдорларига тегишли муҳрлар.



Жарқўтондан топилган муҳрлар



Жарқўтондан топилган муҳрлар

Жарқўтон муҳрлари, ясашиш технологияси ва шаклларига кўра қадимги Шарқ дунёси муҳрлари билан бир қаторда туради. Улар бронза, тош ва сополлардан ясалган бўлиб, ишланиш хусусиятига кўра юксак ўринни эгаллайди.

Академик А. Асқаровнинг хизматларидан яна бири оташпараастлар ибодатхонасининг топилиши бўлди. Бу мажмуа Арки аълодан 350 метрлар чамаси жанубишарқда, яъни Жарқўтоннинг энг баланд қисмида қад кўтарган. Жарқўтон ибодатхонаси тўғри тўртбурчак шаклда (44,5х60 м), томонлари ёруғликка мослаштирилиб қурилган ҳамда чор атропофи хом ғиштли қалин (4,5 метр) мудофа деворлари билан ўраб олинган. Жарқўтон ибодатхонаси икки қисмдан, яъни муқаддас саждагоҳ ва унинг қошидаги хўжалик хизмат қисмидан иборат маскандир. Шаҳар деворлари сомонли лойдан тайёрланган ғиштан қурилган. қабрлар асосан уй ичига жойлаштирилган. Чунки аҳоли марҳумлар у дунёда ҳам яшайдилар, деган тушунчада бўлган. қабрларда эркаклар ўнг биқини (томони), аёллар чап биқини билан худди бола она қорнида ётган пайтдагидек ғужанак ҳолда ётқизиilib дафн этилган. Ҳар бир қаторда 10 дан 50 тагача сопол ва бронзадан ясалган идишлар, озиқ-овқат қўйилган. Бу сопол идишлар турлича бўлиб, улар хум ва хурмача, ваза, чойнак, косалар, кўзача ва лаганлардан иборат. Идишлар шунчалик нафис ва жарангдор қилиб

ясалганки, бу ўша даврда кулолчилик жуда тараққий этганлигидан нишона беради. қабристонни қазиш вақтида хумлардан узум ва жийда уруғлари топилиб, улар боғдорчиликнинг ҳам анча ривожланганлигидан далолат беради.

Мил. авв. X асрга келиб бир қатор табиий ва ижтимоий сабаблар оқибатида Жарқўтонда ҳаёт тўхтади. Бронза даврининг илк шаҳри ҳисобланган Жарқўтон сиесий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан марказ сифатидага ўрнидан жудо бўлади ҳамда кўп йиллар мобайнида бу ерда қайнаб турган ҳаёт излари сўнади.

### **Сурхон воҳаси илк темир даврида. Дастлабки давлатчилик бирлашмаларининг шаклланиши**

Сополли маданиятининг инқирози натижасида воҳада янги бир маданият, яъни Кучуктепа маданияти шаклланди. Кучуктепа маданияти Сополли маданиятидан синфий муносабатларнинг янада кучаяви билан фарқланади. Кучуктепа маданиятида кўзга ташланадиган яна муҳим бкр хусусият сунъий суғоришга асосланган анҳорнинг барпо қилинишидир. Чунки бронза даврида зироаткорлик хўжалиги асосан сой ва дарёларнинг бўйларида шаклланган бўлса, бу даврга келиб янги ерлар ўзлаштирилди ва анҳорлар қазиди. Ана шу хил суғориш манбалари асосида Шеробод, Бандихон, Шўрчи деҳқончилик марказлари шаклланди.

Ушбу деҳқончилик ўлкаларида Кучуктепа, Таллашқон, Жондаваттепа, Кизилтепа, Ҳайитободтепа, Ғозимулла, Бандихонтепа каби истехкомли кўрғонлар қад ростлади. Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб темирдан ясалган меҳнат қуролларининг кенг миқёсда ёйилиши жамият ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Археологик тадқиқотлар натижасига кўра Сурхон воҳасида сўнгги бронза ва илк темир даврига оид қадимий маданият намуналари ниҳоятда кўп эканлиги аниқланди. Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб воҳада темирдан меҳнат ва уруш қуроллари ясала бошлаганлиги исботланди ва ишлаб чиқаришнинг хўжалик шакллари яна гуркираб ривожланди. Шеробод, Бойсун, Жарқўтон, Бандихон, Шўрчи туманларидан топилган археологик манбаларга таяниб вилоят ҳудудида зироатчилик билан шуғулланиш усуллари ниҳоятда қадимий ва анъанавий эканлигини билиш мумкин.

Сурхон воҳасида деҳқончиликнинг такомиллашиб борганлигини сунъий суғориш шахобчаларининг барпо қилиниши натижасида пахта, арпа, дон, зиғир, кунжут, қовун уруғлари қолдиклари намуналарининг топилишидан ҳам билиш мумкин. Аждодларимизнинг тинимсиз изланишда бўлганликларини исботловчи манбалар беқиёс, масалан, мил. авв. VII-VI асрларга оид Бандихон воҳасидаги сунъий суғоришга оид канал қолдиклари, мураккаб мудофаа иншоотлари, Бандихонтепа, Кучуктепа, Қизилжарттепа манбалари бунга мисол бўла олади. Шундай бой тарихий манбаларни ўрганиш ва уларни илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга молик ҳамда кечиктириб бўлмас вазифадир.

Сурхондарёдаги қадимги маданият жаҳон цивилизацияси ютуқларида ўз ўрни ҳамда салоҳияти билан ажралиб туради, ана шундай жойлардан бири Кучуктепа ёдгорлигидир. Воҳадаги археологик қазилмалар бой тарихий меросимизни ўрганишни янада мукаммаллаштириб, ўтмиш аجدодларимиз турмуш тарзини ёритишга алоҳдда ҳисса қўшмоқда. Кучуктепа ёдгорлиги мил. авв. IX-VIII асрлар (Музрабод тумани)га оид бўлиб, бу ердан қўлда ясалиб, устига қизил буёқда нақш солинган сополлар чиқди. Кучуктепанинг устки қатламларидан эса цилиндр-конус шаклига эга бўлган ва кулолчилик чархида жуда пухта қилиб ишланган идишлар топилди. Академик А. Асқаров Кучуктепа мажмуаларини даврлаштириб, Кучук I мажмуасини мил. авв. XI-VIII асрлар ёки сўнгги бронза даври, Кучук II, III ва IV ларни эса мил. авв. VIII асрнинг иккинчи ярми ва V аср бошлари билан белгилашни қайд этди. Кучуктепа харобаларидан топилган хом ғишт ва пахсадан бино қилинган истехкомлар, улар атрофидаги то ҳозирги кунгача сақланиб қолган суғориш ариқларининг қуруқ ўзанлари, сопол ва металл буюмлар сўнгги бронза ва илк темир даври маданиятини ўрганишга имкон беради.

Кучуктепа маданияти кейинчалик Бактрия маданияти учун асос бўлиб хизмат қилган. Сурхон воҳасида илк темир даврига оид ёдгорликлар ҳам анчагина бўлиб, бунга Жондавлаттепа, Қизилтепа, Таллашқонттепа, Бандихонттепа, Ғозимулла ва Ҳайитободтепа каби ёдгорликларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Деҳқончилик майдонларининг кенгайиши, меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва Бандихон воҳасида сунъий суғориш иншоотининг барпо этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги ошиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади. Ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши эса ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига сабаб бўлди.

Темир буюмларни ҳаётда кенг миқёсда қўллаш кишлоқлар тараққиетига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. кишлоқларнинг атрофлари мудрофаа деворлари билан ўралиб, ушбу манзилгоҳлар қалъаларга айланиб борди.

Шу даврда ҳам деҳқончилик ўлкаси ўзининг бош шаҳрига, кишлоқ кўрғонларига, ҳарбий истехком ва ибодатхоналарига эга бўла бошлади. Археолог олимлардан А. Асқаров, Л.И. Альбаум ва А. Сагдуллаевлар томонидан ушбу даврни ўрганиш борасидаги саъйҳаракатлар натижаси ўлароқ қизилтепа ва Ҳайитободтепа шаҳарларининг умумий майдони 10-12 гектар атрофида эканлиги аниқланди. Ушбу шаҳарлар мудрофаа иншоотлари билан ўралган бўлиб, асосан 2 қисм, яъни арки аъло ва шаҳристон қисмларидан иборатдир. Шўрчи туманида жойлашган Кизилча ёдгорлиги ҳам қадимги Бактрия уй-кўрғонларидан бири бўлиб, бу ердахи уйжойлар пахса ва хом ғишдан барпо этилган. Бу ернинг аҳолиси ҳам суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари билан шуғулланган.

Мил. авв. II минг йиллик охири I минг йилликнинг биринчи ярмида воҳада ибтидоий муносабатларнинг тўлиқ емирилиб, синфий жамиятга ўтиш жараёни содир бўлади. Сўнгги бронза ва илк темир даврида ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг маданий жихатдан чорвадор қабилаларга нисбатан анча устунлиги сезилади.

Хуллас, Сурхондарё воқасида сўнгги бронза даврига мансуб атрофи мудофаа деворлари билан ўралиб мустахкамланган қишлоқ харобаларининг топиб текширилиши бронза даври маданиятини ўрганишда жуда бой ва қимматли манбалар берди. Кейинги йилларда ўтказилган археологик текширишлар туфайли илк темир даврига оид бир қанча ажойиб маданият ёдгорликлари аникланди.

Синфий табақаланиш кучайган сайин жамиятни бошқариш қийинлашади. Жамоа бойликларини тақсимлаш, жамоани бошқариш, суғориш иншоотларини барпо қилиш, хўжалик ишларини йўлга қўйиш, уруғ ва қабилалар-аро муносабатларни тартибга солиш, қўшни қабилалар ҳужумини бартараф этишни ташкил этиш давлат зиммасидаги муҳим вазифа эди. Шундай қилиб, мил. авв. VIII-VII асрларда Сурхон воҳаси ҳудудларида давлатчилик муносабатларининг шаклланиши учун эҳтиёж туғилади ва шу зарурият асносида тарихи 2700 йилга бориб тақаладиган қадимги Бақтрия давлати қарор топади. қадимги Бақтрия давлати Эрон аҳамонийлари истилосига қадар шаклланган давлат бирлашмаси эди. Қадимги Бақтрияни бошқарган сулолалар тўғрисида биронбир илмий хулосага келиш қийин.

Аҳамонийлар саройида табиблик қилган юнон муаррихи Ктесий (430354)нинг «Персика» асарида Бақтрия лаъли тўғрисида ҳамда Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган истилочилик юришлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ктесийнинг маълумотларига кўра, ўша пайтда Бақтриянинг подшоси Оксиарт исмли киши бўлган. Нилнинг Бақтрия заминига жуда кагга қўшин билан ҳужум қилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўша даврда Бақтриянинг ҳарбий қудрати анча юксак даражада эканини тахмин қилиш мумкин. Бу даврда Бақтрия аҳолисининг катта қисми зироаткорлик ва ҳунармандчилик билан машғул эди. «Авесто»нинг «Видевдат» (иккинчи номи «Вендидод») китобида Бақтрия энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири сифатида эътироф этилади. Рим тарихчиси Квинт Курций Руф Бақтрия номининг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб, «Бақтрия дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан», деб ҳисоблайди.

Мил. авв. 700-540 йиллар қадимги Бақтрия давлатининг ривожланган даври ҳисобланади. Бақтрия давлатининг бу қадар юксак даражада ривожига қудратли шаҳар ва қалъаларнинг ушбу давлатнинг марказий савдо йўллари устида жойлашганлиги, ҳунармандчилик ривожига ва бошқа омиллар сабаб бўлган.

Шундай қилиб, Эрон аҳамонийлари истилосига қадар Жанубий Ўзбекистон минтақасида қадимги Бақтрия давлати мавжуд эди. Ушбу давлатнинг истеҳкомли қалъа ва шаҳарлари сифатида Кучуктепа, қизилтепа, Таллашқон ва Бандихон 2 манзилгоҳларини кўрсатиш мумкин. Буларнинг ҳар бири маҳаллий ҳокимларнинг ўрдаси ҳисобланиб, қадимги Бақтрия подшолиги эса ушбу туман ва вилоятларни бирлаштирувчи ҳарбий демократик типдаги конфедерация эди.



Ўзбек давлатчилиги тарихи уч минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Милоддан аввалги II минг йилликда Бақтрияда шахар–давлатларга асос солинган. Бу давлатлар Месопотамия, Қадимги Хитой илк давлатлари тенгдоши ҳисобланади. Ватанимиз ҳудудида давлатчилик тарихи 3000 йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Худудий давлатларнинг конфедерацияси асосида милоддан аввалги VIII асрда қадимги Бақтрия подшолиги шаклланади.

#### Бақтрия ўлкаси харитаси

### 3-Мавзу: Сурхон воҳаси Аҳамонийлари ва Искандар Зулқарнайн салтанати таркибида

#### Асосий саволлар :

1. Бақтриянинг тарихий географик жойлашуви.
2. Аҳамонийлар истилоси ва унинг оқибатлари.
3. Бақтрияда юнонмакедон истилоси.
4. Бақтрия Салавкийлар давлати таркибида.

#### Таянч сўзлар:

Бақтрия ва унинг тарихий географик жойлашуви. Бақтрияда Аҳамонийлар истилоси. Бақтрияда Искандар истилоси. Катан қўзғолони. Бақтрия ва Салавкийлар давлати. Антиох I ислохотлари. Эллинизм ва унинг маҳаллий маданиятга таъсири.

Маълумки, қадимги Бақтриянинг ҳудудий жойлашуви ва географик чегаралари ҳақидаги масала XIX асрдан бошлаб муҳим илмий муаммо сифатида ўрганиб келинмоқда. 1877 йили австралиялик шарқшунос В.Томашек биринчилардан бўлиб Бақтра сатрап (ҳоким)лигининг Оксдан шимолга ёйилганлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган эди. Бу ғояни археология маълумотларига асосланган М.М.Дьяконов ривожлантирди ва «Шимолий Бақтрия» тушунчасини илмий муомалага киритди. Шу даврдан бошлаб бу атама шимолдан Ҳисор тоғ тизмаси, ғарбдан Кўҳитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тизмалари билан чегараланувчи кенг географик ҳудудни англатадиган бўлди. Лекин бир қатор олимлар бу фикрга қўшилмайдилар. Улар ёзма манбаларга таянган ҳолда юқорида кўрсатилган ҳудуд Сўғдиёнага қарашли бўлган ва Бақтриянинг шимолий чегараси Амударё Окс орқали ўтган деб ҳисоблайдилар. Америкалик олим Р. Фрайнинг фикрига кўра, Бақтр шахри кенг қамровли ўлканинг маданий маркази бўлиб, уни шимолдан, шарқдан ва жанубдан тоғлар ўраб турган. Унинг ерларини суғорувчи Амударё уни икки қисмга: жанубий Сурхондарё вилояти, шимолий Жанубий Туркистон (Шимолий Афғонистон)га ажратиб

турган.

Мутахассислар томонидан Шимолий Бактрия худудида жойлашганлиги тахмин қилинаётган Габаза ва Паретака вилоятларининг географик ўрни масаласи ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, Курций Руфнинг «Искандар тарихи» ва Аррианнинг (95 175) «Искандар юришлари» асарларидаги хабарларида Шимолий Бактрия ва Сўғдиёнада жойлашган вилоятлар, қалъалар ва шаҳарлар хусусида қимматли маълумотлар мавжуд. Унинг маълумотларига кўра, Искандар юришларининг учинчи ойида қўшин билан қишлик қароргоҳидан чиққан ва Габаза вилояти сари юриш қилган.

Искандарнинг Марказий Осиё жанубий вилоятларига юришининг иккинчи босқичи мил. авв. 327 йилнинг баҳорида бошланган бўлиб, асосан «паретақлар мамлакати» орқали ўтганлиги айтилади. Ушбу вилоятнинг жойлашган ўрни хусусида олимлар турлича фикр билдирадилар. Масалан, В.Томашекиннинг фикрига кўра, Паретака вилояти Бадахшон худудида жойлашган ва у тоғли мамлакат бўлган. В.В.Григорьевнинг тахминича, Паретака атамаси «тоғли мамлакат» маъносини англатиб, у Сурхондарё, Сурхон ва Кофирниҳон воҳаларида, яъни Ҳисор ўлкасининг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган. И.Маркварт Паретакани «дарё ювиб турувчи вилоят» деб атайди ва унинг ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон худудида жойлашганини маълум қилади.

Бактр давлати кенг бепоён ўлка бўлиб, жанубда Ҳиндикуш (Парапамис), шимолда Сўғдиёна, ғарбда Марғиёнагача (Мурғоб воҳаси) бўлган худудлардан иборат бўлган. Машҳур тарихий манба «Авесто»да бу ўлканинг бекиёс юрт эканлиги таърифланади ва Бахди (Бактрия) байроқдари доимо баланд ҳилпираб турадиган, яъни шоншавкат ўлкаси сифатида тилга олинади. Бактриянинг таркибий қисми бўлмиш ҳозирги Сурхон воҳаси худуди Оксинг ўнг соҳилида жойлашган ниҳоятда равақ топган йирик шаҳарларга эга бўлиб, улар савдосотиқ ривожланган иқтисодийсиёсий ва маданий марказлар сифатида машҳур эди. Бактрияни йирик сулолалар бошқаради, унинг сиёсий кучи чексиз, ҳарбий қудрати шу даражада даҳшатли эдики, ҳатто у йирик давлатларни ҳам қўрқувга солиб турган. Юнон тарихчиси Ктесийнинг ёзишича, Оссурия (Геродотнинг айтишича, эронийлар Сурияни шу номда юритишган) подшоси Нин Бактрияга қарши 1 млн. 700 минг пиёда, 210 мингдан кўпроқ отлиқ аскар, 10 мингдан ортиқ жанг аравалари билан бостириб келиб, бутун шаҳар ва қишлоқларни талаб, кўплаб олтинкумушлар ва қулларни олиб кетган. Муаррих Помпей Трог қадимги манбаларни кўздан кечирган ҳолда ёзишича, Ниннинг Бактрияга қилган босқинчилик юриши даврида «... Бактр подшоси Зардушт (Зароастр) бўлган» экан. Академик А. Асқаровнинг таъкидича: «Ктесий ҳикояларининг асо сида қандайдир тарихий ҳақиқат борлигига ишониш қийин эмас. Масалан, Бактрия билан Оссурия ўртасида иқтисодий алоқалар бўлганига шубҳа йўқ, чунки Бактриядан ўз даврида Оссурияга икки ўрқачли туялар қатнаган, бу туяларда Бактрия лазурати оқиб борган. Булар ҳақида Саргон II даври (мил. авв. VIII аср)га оид манбаларда хабарлар берилади».

А. Асқаров давом этиб ёзади: «Мил. авв. VIII-VII асрларда бир бутун

йирик маданият маркази сифатида шаклланган юртлардан бири Бақтриядир. Унинг ҳудудини Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, Жанубиғарбий Тожикистон ерлари, Шимолий Афғонистон (ва Шарқий Туркменистон *Б.М.*) ташкил этади. Бу юртда мил. авв. **VIII-VII** асрларда «қадимги Бақтрия подшолиги» ташкил топди. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар шу юртда шаюшанди. Бу юрт зардуштийлик динининг илк маконидир. Унинг ҳукмдори Кави Виштаспа эса Заратуштра диний ислоҳотини биринчилар қаторида қабул қилиб, уни давлат дини деб эълон қилган».

**Искандар истилоси.** Эрон аҳамонийларига қарашли кўагина ҳудудларни эгаллаган Искандар мил. авв. 329 йилда ўзининг азалий душмани Доро III ни ўлдиртирган Бақтрия сатрапи Бессдан «қасос» олиш баҳонасида Аракс (Амударё)дан кечиб ўтиб ҳозирги Сурхондарё ҳудудларига бостириб киради. Искандар истилоси арафасида Бақтрия сатраплиги сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлкалардан бири ҳисобланарди. Курций Руфнинг таъкидига асосланиб Бақтриядан Окс дарёси кечувигача бўлган масофани 400 стадий (75 км) деб ҳисобласак, Искандар аскарлари Термиз ва Келиф шаҳарлари оралиғидаги кечувдан ўтганлиги маълум бўлади. Ушбу кечув жойи Термиздан ғарбда жойлашган Шўроб ва Чўчкагузар кечуви бўлган. Бу пайтда Бесс ва унинг ҳамроҳлари Наутакага чекинган эди. Искандар хужумига дучор бўлган илк маконлардан бири ҳозирги Шеробод тумани ҳудудида жойлашган Таллашқонтепа ўрнидаги Бранхийлар шаҳарчаси ҳисобланади. Искандарни Наутакага олиб борадиган асосий йўл ҳам айнан Шеробод воҳасидан ўтган бўлиб, бу йўл сув манбалари, озиқовқат маҳсулотларига бой маконлари билан қадимдан машҳур эди. Шеробод воҳасида қадимий деҳқонларнинг қишлоқдари мил. авв. XVII-XV асрлардаёқ пайдо бўлиб, шунинг учун ҳам ушбу воҳада кўплаб қўрғонлар жойлашган. Шеробод воҳасини кесиб ўтиб Сўғдиёнага элтувчи бу йўл македонлар учун жуда қулай бўлган.

Таллашқонтепада олиб борилган археологик қазиш ишлари натижасида академик Э.В. Ртвеладзе бу тепада бир пайтлар бино бўлган шаҳарни юнон бранхийлари номи билан боғлайди. Юнон бранхийлари бу заминга Искандар Зулқарнайн (356323) юришларидан 150 йил бурун келиб қолганлар. Бу воқеалар аҳамонийлар шоҳи Ксеркснинг Юнонга юриши пайтида, яъни мил. авв. 480 йилда рўй беради. Кичик Осиё ҳудудида жойлашган Милет шаҳрида Бранх исмли нуфузли қоҳин авлодлари бунёд этган Аполлон худоси шарафига қурилган машҳур ибодатхона бўлиб, ЭронЮнон уруши вақтида шаҳар аҳолисининг беҳуда қирилиб кетишини истамаган қоҳинлар форс шоҳи Ксерксга ибодатхона хазинасини топширадилар. Кейинчалик бранхийлар юнон халқининг ғазабидан қўрқиб, интиқомдан чўчиб, енгилган форслар билан Эронга қочишга мажбур бўладилар, чунки ибодатхона хазинаси муқаддас саналиб, у дахлсиз ҳисобланган. Манбаларнинг ғувоҳлигича, милетликларни шоҳ Ксеркс гононлар сира етиб боролмайдиган шарқ томондаги вилоятлардан бирига кўчириб юборади. Курций Руфнинг айтишича, бранхийлар Амударёнинг нариги томонидаги ерларда кичик бир шаҳарчага асос солганлар. Орадан 150 йил ўтган бўлса ҳамки, бранхийлар,

маҳаллий халқ анъаналар қабул қилган бўлсаларда, ўзларининг урфодатлари, расмрусумларини ҳали эсдан чиқармаган эдилар.

Искандар Оксдан кечиб ўтади. Бу кечув жойи, Э.В. Ртвеладзе ва А. Сагдуллаевлар фикрича, Шўроб кўрғони (Туркондарё, яъни Шерободдарёнинг давоми қорасувнинг Амударёга қуйилиш жойи) орқали содир бўлган, сабаби Бақтра (Балх)дан дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Шўроб кўрғони (Парадагви)гача бўлган масофа 70 км, Калифгача бўлган масофа 90 км ни ташкил этади. қолаверса, Калифдан Наутака (гоҳо Ксениппа, қдрши)га бориш қийин, чунки у ерлар чўл минтақасига киради, Искандар эса ўз қўшинини зинҳор муқаррар ўлим чангалига ташламас эди. Демак, Бессни таъқиб этган Искандарнинг Окс (Амударё)дан ўтган жойи ҳар қалай Шўробкўрғон бўлганлиги ҳақиқатга яқин туради. қолаверса, манбаларнинг ғувоҳдигича, Бесс ўз ҳамроҳлари Спитамен ва бошқалар билан Термиз орқали Оксдан ўтади ҳамда кўприк вазифасини ўтовчи ягона кемани ёндириб кетади. Бундан ташқари Туркондарё (Шерободдарё) соҳили бўйлаб қаршига бориш ва Мароқандга юриш анча қулай бўлиб, аҳоли худди шу воҳаларда яшар эди, бу эса озиковқат муаммолари ва емҳашак учун жуда муҳим эди. қадимий ипак йўли ҳам худди шу ҳудуддан ўтганлиги тахмин этилади.

Искандарнинг Шимолий Бақтрия ерларига ҳужуми даврида бу ерда Кучуктепа, Бешкўтон, Таллашқон, Жондавлат, Бандихон, Бўйрачи, қизилча ва бошқа кўплаб мустаҳкам қалъалар ва уйқўрғонлар бўлган. Сурхон воҳасининг маркази қизилтепа бўлган, аҳоли суғорма зироаткорлик ҳўжалиги билан шуғулланган. Юқорида номлари зикр қилинган археологик манзилгоҳларда олиб борилган қазилш ишлари жараёнида кўплаб миқдорда сопол идишлар, бронза ва темирдан ясалган уруш ва меҳнат куруллари, урчуқ тошлар, игна ва зебзийнат буюмларининг топилиши бу даврда қурилиш, ҳўнармандчиликнинг темирчилик, кулолчилик, тўқувчилик, тикувчилик ва заргарлик соҳалари жиддий тараққий этганлигини билдиради. Искандарнинг ҳарбий юришлари тўғрисида қалам тебратган Курций Руф Бақтрия ҳақида маълумот бериб, «Бақтриянинг табиати бой ва турлитумандир. Баъзи жойларда кўпданкўп дарахтзорлар, ток новдаси ширин ва сероб мева ҳосил қилади, унумдор ерларни кўп сонли булоқдарёлар суғорадилар, ҳосилдор тупроғида бугдой экилади, бошқа ерлар ўтлоқ учун қолдирилади», деб ёзади Квинт Курций Руф. Шимолиғарбий Бақтриядаги икки вилоят Паретака ва Бубакенани тилга олган. Ушбу вилоятлардан бири Паретакага Шеробод воҳаси ва унга туташ тоғолди ҳудудлари киради, Бубакенага эса Боботоғнинг ҳар иккала ҳудудлари, яъни кун чиқиш ва кун ботиш томонлари ҳам кирган.

Искандар Паретакадаги кўзғолонни бостириш учун Кратер исмли саркардаси бошлиқ қўшинни қолдириб, ўзи Амударёдан ўтиб, Зарияспага (Балхнинг иккинчи бир номи) йўл олади. Паретакада кўтарилган кўзғолонга Катан ва Австан исмли жангчилар бошчилик қилишган. Икки ўртада кечган шафқатсиз жанг жараёнида Катан ва бир ярим минг бақтриялик кўзғолончилар ҳалок бўлади, Австан эса асирга олинади.

Юнонларнинг Паретакадаги айнан мана шу жангги Бактрия тупроғидаги охирги жанглардан бири эди.

Искандарнинг истилоси даврида воҳа аҳолиси жуда катта йўқотишни бошидан кечиради. Хусусан, вилоятдаги Бактрия маданиятига оид бўлган 36 та ёдгорликнинг 33 таси вайрон қилинади. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб, илғари аҳоли гавжум яшаган Музрабод, Шеробод, Бандихон ва Миршоди воҳаларини одамлар ташлаб кетиб, бошқа жойларни макон тутати. Юнонлар билан бўлган жангда жуда кўплаб аҳоли қирилиб кетади. Хўжалик қаёти анча издан чиқади, қадимги Бактрия даврига оид бўлган бой маданият инқирозга юз тутати.

Искандар вафотидан кейин Бактрия ерлари Салавкийлар давлати таркибига киради. Салавкийлар сулоласининг асосчиси Салавка I Никатор мил. авв. 311 302 йиллар оралиғида бактрияликлар устидан ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Салавкийлар давлатида шарқий сатраиликлардан бири саналган Бактриянинг ҳам ўрни жуда катта бўлган. Салавкийлар даврида Искандар истилоси пайтида вайрон бўлган шаҳар ва қишлобутир қайта тикланади, хўжалик изга тушиб, савдо жонланади. Айнан шу даврда эллин маданияти билан маҳаллий маданиятнинг ўзаро аралашуви содир бўлади. Бактрияда юнон ёзуви тарқалади. Янгиянги қароргоҳлар вужудга келади, савдо ривожланиши билан юнон тангалари ва юнон оғирлик ўлчови бирликлари тарқала бошлайди.

Хусусан, бу давр меъморчилиги ва шаҳарсозлигида ҳам эллин анъаналарининг кенг миқёсда ёйилиши кузатилади. Кўпгина тарихчилар шу пайтгача Термиз шаҳрининг шаклланиши борасида ҳам эллин маданиятининг таъсири мавжуд деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Ҳофиз Абду Термизга Искандар асос солган деса, айрим тарихчилар Термизнинг шаклланишини ЮнонБактрия подшоси Демитрийнинг номи билан боғлайдилар. Бу иккала фикр ҳам изоҳга муҳтож бўлиб, Термиз шаҳрининг шаклланиши жуда қадимга бориб тақалади. Термиз шаҳри бронза ва темир даврларида Шимолий Бактрияда шаклланган Жарқўтон, Таллашқон, Жондавлат, қизилча ва шунга ўхшаш шаҳар ва қўрғонларнинг тадрижий давоми бўлиб, унинг шаклланишида Шимолий Бактрия урбанизация жараёнининг таъсири катта бўлган. Демак, Термизнинг шаклланиш жараёни ЮнонМакедон истилосидан олдинги даврларга бориб тақалади. Демак, Ипак йўлининг шох бекатида жойлашган Термиз шаҳрининг мил. авв. VIV асрларгача ривожланган шаҳар бўлганига шубҳа йўқ.

Искандар Зулқарнайн Термиз шаҳрини таянч қалъа сифатида мустаҳкамлаб, унга «Окс бўйи Александрияси» номини берганлиги инглиз олими В. Тарн асарларида қайд этилган. Искандар дарё бўйидаги бу манзилгоҳни маҳаллий халқ ғалаёнларидан сақлаш учун муҳим ҳарбий истехком шаҳарга айлантириш Асосий саволларси билан уни қайта қурдиради. Уруш оқибатида харобага айланган шаҳар қайта таъмирланиб такрор тиклангач, унга «Окс Искандарияси» деб ном қўядилар. Искандар Зулқарнайн юришигача ҳам дарё соҳилида шаҳар мавжуд бўлган, унда одамлар яшаган. Буни исботловчи янга бир топилма яқинда Эски Термиз

худудида қайд қилинди, ушбу манзилгоҳ ҳам мил. авв. 8 минг йилликнинг ўрталарига тааллуқлидир. Бироқ Искандар вафотидан сўнгги тахт талашишлар Термизнинг ижтимоий ҳаётага салбий таъсир кўрсатиб шаҳарда бирмунча вақт тараққиётнинг сустралгани ҳақида археологик ва ёзма манбалар хабар беради. Шунинг учун бўлса керак А. Томашек Термизнинг энг биринчи номлари сифатида Антиохия, Тармита номларини келтиради. Гарчи бу фикр тўлиқ исботланган бўлмасада, Термизнинг Антиохия деб номланиши тарихий ҳақиқат бўлиб, буни биз қоратепа ёдгорлигидан топилган сопол идиш парчасида мазкур номнинг учрашида ҳам кўришимиз мумкин. Боиси мил. авв. II асрда ҳукмронлик қилган шоҳ Антиох харобага айланган шаҳарни қайтадан тиклайди ва уни ўз номи билан «Окс Антиохияси» деб юрита бошлайди.

Термиз шаҳри тарихини ўрганишда Салавкийлар ва ЮнонБактрия шоҳларининг номидан зарб қилинган тангалар алоҳида ўрин эгаллади. Бу топилмалар мил. авв. III асрлардаёқ Термизнинг каттагина шаҳар бўлганлигидан далолат беради, шаҳар тахминан 10 гектар майдонни ишғол этган. Археологик изланишлар туфайли Термиз харобаларидан мил. авв. IV III асрларга оид маданий ҳаммом топилди. Зикр этилган асрларда шаҳарнинг анча тез суръатлар билан ривожланганлигини тахмин этиш мумкин бўлади. Археологик изланишлар натижасида Термизнинг мил. авв. III асрларга оид моддий маданиятини ёритувчи турли топилмалар қайд этилди. Фил суягидан ясалган турли нарсалар, аёл маъбуданинг ҳайкалчаси, най бўлаги топилмалари шаҳарда кулолчилик тараққий қилганлигидан далолат беради.

Кушон давлатининг асосий бешикларидан бири ҳисобланган Сурхон воҳаси бу даврга оид Эски Термиз, Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Кампиртепа, Зартепа каби шаҳарлари, Қоратепа, Фаёзтепа сингари буддавийлик ибодатхоналари билан қадимги дунё тарихи ва маданиятида муҳим ўрин тутди. Бу шаҳарлар ва буддавийлик ибодатхоналаридан топилган деворий суратлар, қадимги ёзувлар, ҳайкалтарошлик, ҳунармандчилик, заргарлик намуналари билан жаҳон санъатида муносиб ўрин эгаллаган. Бу ҳудуд аҳолисига қадимдан ва айниқса, Кушон подшолиги даврида диний бағрикенглик хос бўлган.

#### Адабиётлар.

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ., Т., «Шарқ», 1998.
- 2.Термиз шаҳрининг рангли безакли альбоми.—Т.:Шарқ, 2001.
- 3.Турсунов С.Н. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида.Т., 2001.
- 4.Аннаев Т., Шайдуллаев Ш., Сурхондарё тарихидан лавҳалар, «Мерос» нашриёти, 1997.
- 5 Пьянков И.В., Бактрия античной традиции, Душанбе, «Дониш», 1982.
- 6 Термизбуюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т., «Шарқ»,2001.
- 7.Сагдуллаев А.С. Усадьби древне Бактрии. Т., «Фан», 1987.
- 8.Сагдуллаев А.С., Бактринеская легенда. Т., «Ўзбекистон», 1990.

#### **4-Мавзу: ЮнонБактрия ва Кушон подшоликлари даврида Сурхон воҳаси**

##### **АСОСИЙ САВОЛЛАР:**

1. Юнон-Бактрия подшолиги даврида Сурхон воҳаси.
2. Кушон подшолиги даврида Сурхон воҳаси.
3. Сурхон воҳасининг Юнон-Бактрия ва Кушонлар даври маданияти.

##### **Таянч сўзлар:**

ЮнонБактрия подшолигининг ташкил топиши. ЮнонБактрия подшолигининг ижтимоийиқтисодий аҳволи. Юэчжилар миграцияси. Кушон подшолигининг ташкил топиши. Кушонлар даврининг муҳим ижтимоийиқтисодий воқеалари. Кушон даври ёдгорлилари ва унинг ўрганилиши. Буюк Ипак йўли ва Сурхон воҳаси.

Мил. авв. 250 йилда Бактрия сатрапи Диодот Бактрия ерларини Салавкийлар давлатидан ажратиб, ЮнонБактрия давлатига асос солади. Бу даврда ЮнонБактрия давлатига нафақат Бактрия ерлари, балки Сўғдиёна ва Марғиёна ерлари ҳам бўйсунган бошлаган эди. Бактрия ерларининг Салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши аҳолига бир қадар енгиллик беради. Бу даврда Бактрия сатраплари, бир томондан, салавкийлар марказий ҳокимияти хуружларига қарши курашган бўлса, иккинчи томондан, Парфия подшолари тажовузига қарши кураш олиб боради. Мустақилликка эришган Бактрия Диодот I даврида қудратли давлатга айланади. ЮнонБактрия подшоси Евтидем даврида мамлакатнинг чегара ҳудудларини мустақамлашга алоҳида эътибор берилади. Мил. авв. 206 йилдан бошлаб Бактрия ерларига Салавкийлар давлатининг солиб турган хавфи йўқотилади. Бу даврда воҳада сунъий суғоришга асосланган зироатчилик ва хунармандчиликнинг қатор тармоқлари анча юксалади. Пировард натижада кўплаб шаҳарлар қад ростлайди, хусусан, Миршоди воҳасида яшаган аҳоли Далварзинтепа ўрнидаги шаҳарга, Шеробод воҳасида яшаган аҳолининг бир қисми Жондавлаттепа ўрнидаги шаҳарга, яна бир қисми эса Таллашқон II номи билан аталган манзилгоҳга, Шўрчи қишлоғи ўрнида эса Кофирқалъа (Кампиртепа) сингари шаҳрларга асос солинади. Бу даврда Термиз (Тармита) шаҳрининг майдони бир неча гектарга кенгаяди. Шунинг учун ҳам юнон муаррихлари ўз асарларида Бактрия хусусида тўхталиб: «Бактрия минг шаҳарли мамлакатдир» деб таъкидлаб ўтишлари бежиз эмас эди, албатта.

Бактрия ўша даврда жуда каттагина қўшинга ҳам эга бўлган. Тезтез бўлиб турадиган жангу жадаллар ҳам Бактрия тараққиётини тўхтата олмаган. Хўжаликнинг турли соҳаларидаги ривож натижасида савдосотиқ ҳам анча камол топган. Бу даврда бактриялик савдогарлар ЧинМочин, Ҳиндистон ва Эрон каби мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар олиб борганлар. Бактрия зироаткорлари етиштирган маҳсулотлар ҳақида юнон ва чин манбаларида ўта

ҳаяжон билан сўз юритилади.

Бактриялик ҳунармандлар олтин, кумуш, қўрғошин, қалайи, мис ва бронзадан жуда нафис зебу зийнат буюмлари, уйрўзгор ва хўжалик қуроллари ясаганлар. Бу даврда тўқувчилик, кўнчилик, қуролсозлик ва заргарлик ҳунаrlари анча юксалади.


**Кушонлар давлати.** Юэчжий қабилалари Бактрия ерларида ўрнашгандан кейин ҳам маълум вақт ягона давлат барпо қила олмаган. Орадан анча йиллар ўтгач, гуйшуан қабиласи сардори Кудзула Кадфиз бешта қабилани бирлаштириб Кушон давлатига асос солган. Кушон давлатининг дастлабки ўзагини Бактрия ерлари ташкил этган. Кушонлар давлатининг дастлабки пойтахти ҳам Шўрчи тумани ҳудудида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги ҳисобланади. Кушонлар давлатини ябғу унвонига сазовор бўлган ҳокими мутлақ подшо бошқарган. Подшонинг асосий таянчи яхши қуролланган ҳарбий қўшин бўлган. Кушонлар қўшини асосан отлик ва пиёда қисмлардан иборат бўлиб, улар қилич, ханжар, найза ва жанговар болта билан қуролланган. Кушонлар давлатида давлатни сатрапликларга бўлиб идора қилиш тартиби сақдаб қолинган. Кушон подшолари катта ва кучли қўшинга таяниб, мамлакат чегараларини кенгайтириб борганлар. Олиб борилган истилочилик юришлари натижасида Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон ва Марказий Осиёнинг каттагина қисми Кушонлар давлатига бўйсундирилган. Кушонлар салтанати подшо Канишка даврида (78 123) ниҳоятда гуллаб-яшнади. Бу даврда Хитой, Рим, Парфия сингари ўша даврнинг нуфузли давлатлари билан савдосотик, иқтисодий ва расмий алоқалар йўлга қўйилади, маданий соҳадаги алоқалар ҳам анча кенгайди.



Кўхна дунёнинг тўрт империясидан бири - Кушонлар империяси милодий I - III асрларда Ватанимизнинг қадимги тарихий – маданий ўлкаси Бактрияда шаклланиб, ўз тасарруфига Марказий Осиёнинг катта қисмини бирлаштирган. Бу даврда шаҳарсозлик, ички ва халқаро савдо, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик юксак даражада таваккий топган.

#### Кушон ҳукмдори Хувишка тасвири. Зартепа

Кушонлар даврида бадиий санъат юксак даражада тараққий топган. Бу даврнинг юксак маҳорат билан яратилган ҳайкалтарошлик, деворий рангтасвир санъати Эски Термиз, Холчаён, Далварзинтепа, Айритом каби шаҳарларда кўплаб топилган.





**Эски Термиз. Фаёзтепа. Деворий сурат**

Кушон империясида ҳунармандчилик ва заргарлиkning барча турлари ривож топган. Бундай буюмлар ҳозирда Сурхон воҳасининг Кушон подшолиги даврига оид 150 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқлардан топишган.

**Далварзинтепадан топишган олтин буюмлар**

Хитой тарихий манбаларида қайд этилган гуйшуанлар милодий I асрда Бактрияда ўз ҳокимиятларини Киоцзюко раҳбарлигида ўрнатиб, унинг асл исми Кудзула Кадфиз эди. Кудзула Кадфиз Хюми, Шуанми, Хэйтун, Гаофу сулолаларидан иборат тўрт ҳокимликни ҳам ўзига бўйсундирди. Бактрияда ҳокимиятни мустаҳкамлаб олган Кудзула Кадфиз кўшни вилоятлар бўлган Сўғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимолиғарбий қисмларини истило қилди. Кушонлар империясини мустаҳкамлашда Кудзула Кадфизнинг ўғли Янгаочжен, яъни Кадфиз II муҳим аҳамиятга эга бўлган ички ва ташқи сиёсат юритиб, Ҳиндистоннинг Ҳинд дарёси қуйи оқимлари, ҳатто Ганг дарёси водийсигача бўлган ерларни ҳам ўз ихтиёрига ўтказди.

Кушоғшаар давлати Канишка ҳукмронлиги даврида, яъни I аср охири II аср биринчи чорагида янада кучайди. Кушонлар ҳокимиятини ҳинд заминининг жанубий вилоятлари, Сўғдиёна орқали Фарғона, Шарқий Туркистон ҳам тан олди. Канишка даврида Туркистон ўлкасининг асосий ҳудудларини ўз ҳокимиятига бўйсундириб, Хоразм билан иқтисодиймаданий алоқаларни яна мустаҳкамлади. Канишка олиб борган сиёсатни Васишка, Хувишка, Канишка II, Васудева, Канишка III, Васудева II лар давом эттириб, сиёсий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилганлар.

Бироқ сиёсий келишмовчилик, ўзаро низожанжаллар, ҳокимият учун курашни кучайтириш туфайли кушонлар салтанати астасекин заифлашиб борган. Кушонлар салтанати сиёсиймаъмурий бошқарув тизими анъанавий сатрапиялар тизимига мослашув асосида қурилган бўлиб, сатраплар олий ҳукмдор томонидан унинг ишончини қозонган, чамаси улар ўз доираси намояндалари орасидан танланган. Шу билан бирга батраплик лавозимига ҳарбий юришларда жонбозлик кўрсатган лашкарбошилар ҳам лозим топишган вақтларбўлган, умуман олганда эса сатраплар бактрияликлар орасидан бўлиши шарт эди.

Кушонлар давлати кўшини яхши қурулланган бўлиб, умумий ҳарбий қудрати 150200 минг кишини ташкил этган. Кушон жангчилари узунлиги 1 метрдан ошиқроқ ҳар икки томони ўткир қилич, ханжар, найза, жанговар болта, сипқон каби қуруллар билан қурулланган. Кушонлар суяк ё шох билан қопланган мураккаб кўш камонни ихтиро қилганлар. Бу камон

Уралолди ерлари орқали Шотландиягача, Шарқда Эрон, Ҳиндистон ва Хитойгача кенг тарқалиб, ҳарбий ишларда кенг қўлланилган.

Кушонлар даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳўжалиги кенг тараққий этиб, металсозлик, шишасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб, олтин, кумуш, қўрғошин, қимматбақо тошлар, қурилиш хом ашёлари қазиб олиш анча такомиллашиб борган. Кадфиз II нинг амалга оширган пул ислоҳоти натижасида 8 грамлик олтин тангалар, кумуш, бронза тангалар савдо муомаласига чиқарилди. Маданий тараққиёт натижасида ёзувлар анча такомиллашиб сўғдча, хоразмча, парфияча, бактрияча ёзувлар мукамаллашиб, ижтимоийсиёсий ва маънавий ҳаётда ижобий натижаларга эришди. Кушонлар даврида Сурхондарё ҳудудида саройлар қуриш, архитектура қурилиши ривожланиб, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик санъати энг юқори натижаларга эришди. Кушонлар империясига хос моддий маънавият асослари кенг ривожланиши туфайли расмий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, сунъий суториш, мудофаа, тижоратга тааллуқли қурилиш бинолари билан уйғунлашган ҳолда қурилган.

Кейинги пайтларда Кушонлар давлатининг шимолий чегаралари масаласи ҳам маълум даражада кўриб чиқилди. Ушбу масала илк бор 1938 йили С.П. Толстов томонидан кўтарилган эди. Унинг фикрича, Сўғдиёна Кудзула Кадфиз ҳукмронлиги даврида кушонлар салтанати таркибига қўшиб олинган. Кейинчалик у Хоразмда топилган тангаларга асосланиб, Хоразмни ҳам Кушонлар давлати таркибига киритади. Кушонлар давлатининг шимолий ҳудудлари тўғрисидаги С.П. Толстов хулосалари кейинги тадқиқотчилар учун узоқ вақт илмий асос бўлиб хизмат қилди, натижада қатор бошқа ўлкалар ҳам ушбу салтанат таркибига киритила бошланди. Жумладан, 1950 йилга келиб К.В.Тревер Чоч вилоятини ҳам Кушонлар давлати таркибига киритади. Тяньшан ва Помир-Олтойда олиб борилган археологик қазилмаларнинг яқунларига асосланган А.Н.Бернштам Фарғонани ҳам Кушонлар давлати таркибига киритади. Кейинчалик Уструшона ҳам Кушонлар империяси таркибида бўлган, деган фикр пайдо бўлади.

Кушонлар подшолиги даврида Шимолий Бактриянинг қадимги шаҳар маданияти анча раванқ топди. Кушонлар даврида Термиз шаҳрининг иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланганлигини ҳунармандчилик буюмлари, уй қуриш соҳасидаги меъморчилик санъати, суғориш иншоотлари, ишлаб чиқарган маҳсулотлари орқали ҳам билиб олиш мумкин. Бу даврда Термиз шаҳрининг майдони 350 гектар бўлиб, Дунётепа ва Чингизтепа харобалари ўрнида жойлашган. Чингизтепа ва Қоратепа оралиғида Амударёга қурилган чиғириқтар ёрдамида шаҳар марказига ичимлик суви чиқарилган. Сув чиқарилгач, қоратепа ибодатхонасида махсус ҳовузлар ёрдамида сув тиндирилиб, кейин шаҳар ташқи деворининг шимолий томони бўйлаб қурилган ариқча орқали шаҳарга тақсимланган. Милодий II асрда подшо Канишка қоратепа ёдгорлиги ўрнида Будда ибодатхонасини қурдиради. Мамлакатда қишлоқ жамоалари анча кенгайди. Бу даврда воҳада иккита йирик марказ мавжуд бўлиб, булардан бири:

Амударё бўйидаги Тармита (Термиз) бўлса, иккинчиси эса Чағонруд (Сурхондарё) бўйидаги Далварзинтепа шаҳарлари эди. Бу шаҳарлар Кушонлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлади. Бундан ташқари Кампиртепа, Зартепа, Ҳайитободтепа каби шаҳарлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу шаҳарлар муҳофаа деворлари билан ўраб олинган.

Вилоят ҳудудида кушонлар даврига оид 130 та ёдгорлик мавжуд бўлиб, шундан 80 таси қишлоқлар кўринишидаги манзилгоҳлар ҳисобланади. Кушонлар даврида марказлашган давлатнинг қарор топиши хўжаликнинг равнақига сабаб бўлган. Бу даврда ҳам зироатчиликнинг ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик ва полизчилик соҳалари жадал ривожланади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик хўжалиги равнақ топади. Ерни қайта ишлаш, хусусан, алмашлаб экиш борасида бой тажриба тўпланади, янги янги суғориш тизимлари бунед қилинади. Чорвачилик хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилган. Айнан ана шу даврда хунармандчилик хўжалиги юксак даражада ривож топиб, ушбу соҳанинг кулолчилик, металлсозлик, куролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик каби турлари анча юксалган. Ҳатто Бактрия шишасозлари 420 йилда Хитой пойтахтида турфа рангдаги шишалар тайёрлаб хитойликларни лол қолдирганлар.

Кушонлар даврида хўжаликнинг равнақи савдосотиқнинг ривожига ҳам туртки бўлади. Хусусан, шу даврда Бактрия савдогарлари Парфия, Рим, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларига бориб савдо қилганлар. Римнинг Помпей шаҳри харобаларидан кушон тангаларининг ёки қоратепа кулол идишлари, Термиздан топилган май ҳамда айшу ишрат худолари Вакхония, тагин ВакхБолус шарафига уюштирилган байрам сахнаси тасвири солинган лой идишлар, шунингдек, Ҳайитободтепадан император Нерон тангаларининг топилиши юқоридаги фикрнинг исботидир. Бу даврда Сурхон воҳаси савдо йўллари ўзаро туташган ҳудуд бўлиб, албатта, бу ҳолат ўлканинг иқтисодий ва маданий тараққиётига катта ижобий таъсир ўтказган. Термиз шаҳри хунармандлари томонидан тайёрланган мақсулотлар қўшни давлатларга, жумладан, Парфия, Сўғдиёна, ЧинМочин, Озар ва мусулмон дунёси мамлакатларига чиқарилган ҳамда юқори баҳоланган.

Кушонлар даврида маданий ҳаёт ҳам юксакликка бўй чўзган. Подшо Канишка замонидан бошлаб бохтар тили давлат тили деб эълон қилинади. Кушонлар даврида меъморчилик анча юксалиб, турар жой бинолари, ибодатхоналар ва саройлар қуриш анча авж олавд, Иморатларни безаш, нақш солиш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланади. Бу даврда маҳаллий маданият билан ҳинд маданиятининг ўзаро аралашishi жараёни содир бўлади. Айниқса, Канишка замонида Будда динининг давлат дини деб эълон қилиниши натижасида буддавийлик эътиқоди билан боғлиқ равишда ҳайкалтарошлик санъати анча юксалади. Будда дини мил. авв. I минг йиллик ўрталарда Ҳиндистонда шаклланган. Буддавийлар 1956 йилда ўз динлари шаклланганлигининг 2500 йиллигини нишонладилар. Ҳиндлар бу диннинг асосчиси Шакъя Муни, яъни ҳинд шахзодаси Сиддхартма Гаутама

Будда деб ҳисоблайдилар. Буддавийлик дастлаб кулдорлар мафкураси сифатда шаклланган. Буддавийликда ёмонликка қарши бош кўтармаслик тояси катта ўрин эгаллайди.

Буддавийликда бешта ахлоқий талаб (панчашина)га риоя қилиш илгари сурилган. Улар: биронта ҳам тирик мавжудотни ўлдирмаслик, бировнинг мулкини олмаслик, бировнинг хотинига кўз олайтирмаслик, ёлғон гапирмаслик, спиртли ичимлик ичмасликдан иборат. Кушонлар даврида буддавийлик давлат дини даражасига кўтарилди. Унинг хинаяма, махаяма, кейинчалик ламаизм йўналишлари вужудга келди. Кушонлар даврида Термиз шаҳрининг буддавийлик таянчига айланганига шу нарса далолат берадики, бу даврда Термиз шаҳрининг ибодатхоналари, уларнинг ёнида эса монастирлар ҳам мавжуд бўлган. Кушон подшоси Канишканинг муҳим хизматларидан яна бири шу бўлдики, у мамлакатни бирлаштириш учун кураш олиб бориб, мамлакат аҳолисини мақсад, мафкура байроғи остида бирлаштириш йўлида муваффақиятли ҳаракат қилди.

Канишка Кадфиз 78 йилда Панжоб вилоятида буддавийларнинг умумжаҳон йиғилишини чақиртиради ва буддавийликнинг Махаяма йўналишини тарғиб қилади, унга биноан Махаяма «ҳамма учун бирдек улуғ йўл» деб билади. Кушоншоҳдар эътиқод эркинлигини жорий этган бўлсалар~да, буддавийликни кенгроқ ёйиш ва уни ривожлантириш учун турли шаҳарларда такагоҳ, хонагоҳ, ибодатхоналар қуриб, буддавийликнинг муқаддас китоблари («Трипитака»)ни кўпайтириш, уларни ўрганиш, таржима қилиш ва изохлаш, янги тафсирлар езиш каби динийфалсафий тафаккур ривожини учун шароит яратиб беришди. Бундай сиёсат натижасида Тармита ўз даврининг йирик иқтисодий, маданий ва буддавийлик дини марказига айланди.

Кушонлар даврида будда динининг раванқига бактриялик роҳиблар ҳам жуда катта ҳисса қўшадилар.

Хитой, Тибет манбаларида буддавийлик дини тарғиботчилари қаторида тармиталик Дхармамитара ва тохаристонлик Гхошакаларнинг номлари ҳам қайд қилинган. Буддавийлик динининг йирик мазҳаблари саналган Хинояма ва Махаяма йўналишлари ҳам айнан шу заминда раванқ топади. Вилоят ҳудудида жойлашган кушонлар даврига оид археологик ёдгорликлар кенг миқёсда ўрганилган ва ушбу тадқиқотлар жараёнида Кушоялар салтанатига доир бой тарихий маълумотлар аниқланди. Бу маълумотларга асосланиб воҳада Кушон салтанати даврида «ўжалик ва маданият юксак тараққий этганлигини кузатиш мумкин.

Мавжуд ёдгорликлар бу тўғрида жуда кўп тарихий маълумотлар беради. 1932 йилда Амударёда «Октябрёнок» катерида кетаётган чегарачилар Айритомга яқин жойда оқтош кўрганлар, бу ноғорачи тасвири уйиб солинган тош фриз эканлиги аниқланди. 1933 йилда бу топилмага профессор М. Е. Массон бошчилигида археологик экспедиция юборилди. Термиз шаҳридан 18 км шарқда баландлиги 22,5 метр, қалинлиги 1,5 метрли истехком деворлари билан ўралган III асрларга оид будда ибодатхонаси топилди. У оҳақтошдан ишланган ажойиб фриз билан безатилган эди.

Айиқтовон барглар орасида бешта созанда сурати уйиб ишланган. Ноғорачи билан рангбаранг кийимлардаги созанда аёллар сурати айниқса диққатга сазовордир. Бу созандалардан бири уд, яна биттаси арфа чалаяпти, фризда қўлларида гулчамбараклар ҳамда чиройли идишлар кўтариб кетаётган қизлар тасвирланган.

Ибодатхонада будданинг ҳайкали ва бошқа ибодатхона қисмлари каторида тошдан ясалган одам ҳайкаллари топилган. Улар мусиқа чалувчилар, ҳадялар ташувчи эркак ва аёлларнинг ҳайкаллари бўлиб, ибодатхонанинг ташқи томони карнизи шу ҳайкаллар билан безатилган. Ҳайкалларнинг қиёфаси ва кийимларида Ҳиндистонга хос белгилар ёрқин бўлиб, бу ажойибсанъат едгорлиги икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар самарасидир.

1936 йилга келиб М.Е.Массон бошчилигида ташкил этилган ТАКЭ кушон даври тарихи ва маданияти масалаларини изчил тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қуйди. Хусусан, Термиз шаҳрининг ривожланиш палласи кушоштар даврига тўғри келиши ва унинг тарихий топографияси аниқланди. ТАКЭ ишлари Айритом, Чингизтепа ва қоратепада олиб борилди ҳамда тадқиқотларда М. И. Вязьмитина, Г.А.Пугаченкова, Б.Б.Пиотровский сингари олимлар иштирок қилдилар. Айритом пештоқдарининг топилиши Шимолий Бактриянинг антик давр мусиқа санъати ҳақида ҳам сўз юритиш ҳамда уларни Афғонистон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ҳайкалтарошлигида учрайдиган шуларга айнан ўхшаш мусиқа асбоблари билан қиёслаш имконини берди. Тадқиқотлар натижасида Термиз яқинида дарё кечувлари мавжуд бўлиб, дарёнинг ўзи Юқори Панж ва Хоразм воҳаларини боғловчи қулай сув йўли бўлганлиги аниқланди. Кўҳна шаҳар ҳудудларидан кушон подшолари Кадфиз II, Канишка, Хувишка ва Васудеваларнинг кўплаб тангалари топилди. ТАКЭнинг ташкил этилиши Айритом ва Эски Термиз едгорликларининг даставвал ва қаъ томонлама ўрганилишида муҳим аҳамият касб этди. Уша йиллари бу едгорликларнинг жойлашган ўрни, уларга асос солинган вақт, уларнинг бошқа ҳудудлар билан муносабатлари ҳамда моддий маданияти масалаларига аниқдиклар киритилди.

Шимолий Бактриянинг тарихи ва маданиятини ўрганишда Ҳамза номидаги Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (ЎЗСЭ) тадқиқотларининг ўрни ва аҳамияти масалалари ҳам кўриб чиқилди. 1959 йилда Г.Л.Пугаченкова ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу экспедиция изланишларида турли даврларда Э.В.Ртвеладзе, Б.А.Турғунов, А.С.Сагдуллаев, З.А.Ҳақимов, Е.Некрасова, В.А.Лунева, С.В.Левушкина, Т.В.Беляева, С.А.Савчук, Д.Илёсов сингари олимлар иштирок этдилар. Шимолий Бактрия ҳудудидаги Далварзин, Холчаён, Кўҳна Термиз, Кампиртепа, Зартепа, Айритом каби едгорликларда археологик тадқиқот ишлари олиб борилди. ЎЗСЭ ходимлари томонидан бактрия ёзуви едгорликларининг топилиши, айниқса муҳимдир. Бу борада 1977 йилда Айритомдан топилган ҳайкал қолдиқлари ва унинг остидаги олти қаторли бактрия ёзуви фан оламида муҳим воқеа бўлди. Бу Сурхкутал (қизилтоғ)

ёзувларидан кейинги иккинчи ўринда турувчи, аниқ тарихий мазмундаги Кушон-Бактрия ёзуви бўлиб, унга кўра, иншоот мажмуини ўраб турувчи тўсиқ Шодийа (шахси номаълум) томонидан қайта тикланган ва бу воқеа Кушон подшоси Хувишка ҳукмронлигининг тўртинчи йилида содир бўлган. Ёзув ва ҳайкал Мирзод исмли уста томонидан амалга оширилган.

II асрда Кушон давлати будда динини Ҳиндистондан Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонга тарқатиб, уни давлат дини даражасига кўтарган. III асрда Эронда монийлик дини вужудга келади, лекин у Эронда узоқ тура олмайди, унинг тарафдорлари Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонга қочиб ўтади, кўпроқ савдо йўли устидаги шаҳарларда бу динни тарқатадилар. Баъзи археолог олимлар Марказий Осиёда топилган кўплаб сураткашлик, рассомлик ҳамда ҳайкалтарошлик ёдгорликларидаги сюжетларнинг мураккаблигига қараб, уларни моний дини билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Аслида бу ҳрл Кушон империяси даври (III асрлар) қулдорлик тузумининг Марказий Осиё шароитида энг ривожланган даври бўлганлиги билан боғлиқдир. Бу даврда, биринчидан, кўчманчи қабилаларнинг суғориладиган ерларда жойлашиши кучайган бўлса, иккинчидан, қулдор зодагонлар жамоалар ерини тортиб олиб, ўзлаштира бошлайдилар. Шу тариқа жамоалар ўзичидан бузилиб, бутунбутун қишлоқдар қулдор зодагон деҳқонларга тобе бўлиб қолади.

Далварзинтепанинг чеккароқ жойидан I асрда тикланган Будда ибодатхонаси, шаҳристонида Будданинг боши, Бодхисатванинг маҳорат билан ишланган маҳобатли ҳайкали, фил суягидан тайёрланган шахматнинг икки донаси топилди. Будданинг боши лой ва гипсдан ясалган бўлиб, баландлиги 39 см, эни 25 см келади. Бодхисатванинг (ўша даврга оид) ҳайкали ҳам лой ва гипсдан ясалиб, ранг билан бўялган. Унинг баландлиги 2 метр 18 см, эни 89 см. У бир пайтлар Будда бутхонасида турган ҳайкаллар гуруҳидан биридир. Бу кўҳна топилмалар бошқа ёдгорликлар билан биргаликда 1988 йили Япониянинг Нара шаҳридаги «Ипак йўли Нарага боради» деб номланган халқаро кўргазмада намоиш этилган эди. 1995 йили эса улар Париждаги муҳташам «ГрандПалес» («Катта сарой»)нинг нодир галереясида муваффақият билан намоиш этилди.

Вайрон бўлган антик давр девори устида тикланган бинонинг қачон қурилгашлигини жуда аниқлик билан белгилаш мумкин. Равоқ очилганда ғиштлар орасидан VIVII асрларга оид турксўғд тангалари чикди. Девор қурилиши учун ишлатилган тўртбурчак ғиштлар ҳам шу даврга тўғри келади. Далварзинтепадаги антик давр истехкомининг ташландиқ ҳолатга келиб емирилиш жа~ раёни, афтидан, IVV асрларга тўғри келади. Мамлакат VIVII асрларда инқироздан чиққач, истехком кулай, баланд манзил сифатида қайта қурилиб тикланади, шаҳдрнинг ўзи эса хароба бўлиб қолади. Далварзинтепа аҳоли маскани сифатида араблар истилоси чоғида узилкесил тугади, чунки аркда ҳам, шаҳристонда ҳам араблар келганидан кейинги даврнинг изи йўқ. Чағаниённи 705 йили қутайба босиб олади ва 737 йилда унинг ҳокими Чағонхудо арабларга ўлпон тўлайдиган бўлади. Халқ орасида ҳозирги Далварзинтепа жуда қадимий мамлакат пойтахтининг

қолдикдаридир, ҳукмдори афсонавий қахрамон Дол (Зол) бўлган. Араблар бу шаҳарни халифа қазрат Алининг бевосита раҳнамолигида эгаллаганлар, сўнгра бу шаҳарда ҳаёт бутунлай сўнган, деган нақл юради. Далварзинтепанинг жуда катта жойни эгаллаганлиги, қурилишлар зичлиги, археологик қатламлар қалинлиги мазкур қадимий шаҳарнинг мил. авв. I асрда ва милоднинг дастлабки йилларида барқ уриб, яшнаб турган вилоят маркази бўлганлигидан далолат беради.

Чағониён қайд этилган антик давр маълумотлари бизгача етиб келмаган. Бу вилоят дастлаб араблар истилосидан олдинги вақтга оид тарихий манбаларда эслатилади. VII аср Хитой солномасида шундай дейилади: «Чингайенна бу мамлакат машрикдан мағрибга 400 *ли* ва шимолдан жанубга 500 *ли* га яқин майдонда ястанган. Пойтахти айланаси тахминан 10 *ли*. Шарқ томонда Хволомо деган жойга бориб туташади». 10 *ли* тахминан 5 км га тенг. Бу ерда гап Чағониеннинг анъанавий маркази Далварзинтепа тўғрисида бораётган бўлса керак. Чағониён жанубда Термиз вилоятига туташган эди. Шимолда эса Хволомо Хварамо вилояти жойлашган, араб муаллифлари асарларида Хорун ёки Охарун деб қайд этилган. Ибн Хурдодбеҳ ва кудама (IX аср) Чағониёндан 6 (ёки 3) фарсах узоқликда Навандак, ундан 7 фарсах масофада Хамоварон номли жойлар бўлганлигини ёзадилар.

Далварзинтепа антик даврда давлат маъмурияти, йирик ибодатхоналар, иқтисодий алоқа тармоқлари, ҳарбий салоҳият мужассамлашган катта тарихиймаданий вилоят маркази бўлиб, йирик марказий шаҳарлар сирасига кирган. Ўзидан кичик бўлган кўплаб аҳоли қароргоҳлари унга бўйсунган. Шундай бўйсунувчи шаҳарлар сирасига Холчаён ҳам киради.

Кампиртепанинг ўрганилиши натижасида ёзма манбаларда қайд қилинган Окс бўйидаги Парадагви Кампиртепа ўрнида бўлганлиги тахмин қилинди. Бу борада Кампиртепадан Марказий Осиёда ягона бўлган искандар тангасининг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хуллас, узоқ йиллар фанга номаълум бўлган антик давр, хусусан, кушон даври тарихи ва маданияти ЎзСЭнинг тадқиқотлари туфайли дунёга машҳур бўлди ҳамда тарих фанига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўша даврга оид яна бир ёдгорлик Холчаён бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилоятининг Денов туманида топилди. 1959 йилнинг баҳорида Холчаён жамоа хўжалигининг техник таъмирлаш жойи кенгайтирилаётганда бульдозер кичик бир тепаликнинг четини қирққанида учта тош устун бўлақларини судраб чиқарган, топилган нарсалар тўғрисида археологларга хабар берилган. 1960 йилда Санъатшунослик институтининг профессори Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедиция Холчаён тепалигини текшира бошлайди. Бу ердан топилган ёдгорликлар олимларнинг ҳар қандай тасаввуридан ошиб тушди, фанга яна бир тарихий бойлик Бақтрия бадий маданиятининг ажойиб ёдгорлиги қўшилди. Холчаён топилмаларини илмий текшириш жараёнида Хонақоҳтепа, қорабоғтепа, Маслаҳаттепа каби тепаликлар очиб ўрганилди.

Хонақоҳтепадаш сарой пойдевори тошдан, девори эса қалин (1,04 2,30 м) хом ғиштдан ишланганлиги аникланди.

Холчаендаги текширишлар БактрияКушон замонининг бинокорлик техникаси тўғрисидаги маълум тасаввурни янада кенгайтирди. Холчаён саройи архитектура жиҳатидан ғоят муҳимдир. Асосий залининг уч девори 3 м баландликда оқ ганч билан сувалган, ундан юқори қисмларда маҳобатли ҳайкаллар жойлаштирилган. Тўртинчи деворнинг тўқ қизил фонида оқ ганчдан барг, гул, бир бош узум тасвирланиб, нақш солинган. Саройнинг асосий залидан чиқиладиган айвондаги нақшларда эркаклар сурати ҳам бор: эркаклардан бири бактрияликка, яна бири мўғулга ўхшайди. Уч метр баландликдаги панель тепасидаги ҳайкал қизил ва қора ранг минерал бўёқ билан бўялган. Ҳайкални тўла тиклаш мумкин бўлмади, чунки унинг майдамайда бўлақларигина сақланган. Ҳайкалларнинг катталиги одам бўйининг учдан икки қисмига тўғри келади. Археологлар бу бошни ердан эҳтиётлик билан ковлаб олганда уларга киприклари осилиб турган, салгина ғилай қора кўзлар қараб тургандай кўринган. Топилган аёл ҳайкали ҳам диққатга сазовордир: юзи кенг, оқ дубулға тошда ҳурпайган сочлари аниқ кўриниб туради. Ҳайкал танасидан топилган парчада ҳайкал устидаги халат ёки ёпинғич сақланган, халат тагида тўқ қизил ранг кўйлак устидан белдан юқорида оқ тасма боғланган. Бу ҳайкал, танаси, вазияти, қўлларининг туриши, дубулға ва халатига қараганда, маъбуда Афина ҳайкали бўлса керак. Марказий Осиёга юнонлар маъбудасининг қиёфасини македониялик Искандар олиб келган, албатта. Холчаён ҳайкаллари орасида Митра, Ника ва бошқа маъбудаларнинг қиёфаларига яқин қиёфали ҳайкаллар ҳам бор.

Ҳайкал парчалари орасида Холчаён созандалари ҳайкалларининг гтарчаларини ҳам учратиш мумкин. БактрияКушон ёдгорликларининг гоксак санъатида эллин ҳайкалтарошлиги билан Парфия санъати анъаналари кўринади. Холчаён ҳайкали ҳозиргача номаълум деса бўладиган қадимги Бактрия санъатининг аллақачонлар унутилиб кетган сўқмоқ йўлидаги ёрқин изларидандир. Холчаёнда тадқиқот олиб борилган бир нечта жойда ЮнонБактрия подшоҳлиги даври (мил. авв. III асрлар) археологияси акс этган. Демитрий тангасининг топилиши ҳамда қорабоғтепада мил. авв. I асрларга оид иморатлар қайд этилгани бунга мисол бўла олади. Холчаёнда оссуарий сифатида оғир қопқоқли аъло даражада тайёрланган хум танланган. Унинг ичида бир тўп кўкрак суяги ва шикастланган бош суяги ётарди. Афтидан, «кўмишга тайёрлаш» маросимида «Авесто»даги маздакчилик қонунқоидаларига амал қилинган кўринади. Мурда дастлаб йиртқич қушлар ёки махсус боқилган мурдахўр итлар еб кетиши учун қўйилган. Сўнгра тозаланган суяк қолдиклари суякдонга жойлаштирилган.

Бактрияликларнинг дафн маросимлари тўғрисида қадимий муаллифларнинг маълумотлари деярли йўқ. Страбон Онесикритнинг бактрияликлар тирик кексаларни махсус боқилган одамхўр «гўрков» итлар емишига ташлашлари ҳақидаги хабарини келтиради. Бу одатни Александр Македонский таъқиқлайди, аммо кўмиш маросими тўла тасвирланмаган. Айни пайтда парфияликлар ҳақида ёзганда, уларнинг «одатдаги кўмиш

маросими итлар еки кушлар еб кетиши»дан иборат, ғажиб ташланган суякларни эса улар ерда сақлайдилар, дейилган. Страбон ёзган маълумотга кўра, Бақтриядаги шаҳар девори орти тоза бўлган, бироқ ички катта қисми «одам суяги билан тўлибтошиб кетган экан». Шундай қилиб, гап мархумнинг суягини қандайдир ташқи қабристонда эмас, балки айнан аҳоли маскани ичида сақлаш тўғрисида бораётир. Буни Холчаёндаги хум оссуарийнинг қадимий кўрғоннинг аҳоли зич яшайдиган қисмида сақпаниб қолганлиги ҳам тасдиқлайди. Антик даврда хумга солиб кўмиш анъанаси Жанубий Тожикистон ҳудудида (мил. авв. III асрлар) ҳам учрайди. Бироқ, у ерларда ярим қокданган мурда хумга солиб кўмилган, Холчаёнда эса фақат суякнинг ўзи кўмилган. Бу топилма археологик адабиётларда хумга солиб кўмиш оссуарий дафналарга хос, фақат кейинги даврга тааллуқли урфодат эмас, балки бу кўмиш маросимининг бошқа тури деб қайд этилган мулоҳазани тўла тасдиқлайди.

Умуман, қадимий Бақтрия аҳолиси орасида кўмиш маросимининг турли шакллари мавжуд бўлган. ЮнонБақтрия зодагонларининг асосан ўз эътиқодлари ва удумларига амал қилгани ва Холчаёндаги оссуарий (идиш)га солиб кўмиш маросими бунга ёрқин далилдир. Бу масалада Холчаёндан топилган мил. авв. III асрларга оид санамлар ҳайкалчалари, шунингдек, суякдан ишланган яланғоч маъбуда шакли акс этган тақинчоқ қадимда Шарқда мавжуд бўлган Она Худога сиғиниш удуми билан боғлиқдир. Айни пайтда, ЭллинЮнон бадий тасвир услубларининг Холчаеннинг Бақтрия даври меъморчилигига таъсирини акс эттирувчи топилмалар ҳам бор. Холчаён тараққиётининг йирик қурилиш тадбирлари билан боғлиқ навбатдаги босқичи мил. авв. III асрларга тааллуқлидир. Бу давр тарихий жиқатдан улкан сиёсий воқеалар билан боғланган. Мил. авв. 140 йилларда Гелиоклнинг ўлими билан ЮнонБақтрия подшоҳлигининг инқирози юз беради.

ЮнонБақтрия подшоҳлигининг инқирозга учраши, афтидан, Бақтрияга сакларнинг дастлабки бостириб келиши ва ўзлари эгаллаган ҳудудларда ўтроқ бўлиб қолиши, сўнгра юечжийлар бостириб келиб, сакларни Амударёнинг нариги соҳилига улоқтириб юбориши даврига тўғри келади. Бу зарба Холчаённинг ҳам тақдирига ўз таъсирини кўрсатган ва мазкур жойдан топилган археологик топилмаларда, қатламларда ўз аксини топган. Вақт ўтиши билан қаёт ўз изига туша бошлади, янги қурилишлар ҳамда таъмирлашлар бундан далолат беради. Сакюэчжий (ёки «тохар», қадимий ёзма араб манбаларида тахор битилади) даври Холчаён тарихида археологик жиҳатдан аниқ акс этган.

Мил. авв. III асрлар учун хос бўлган «бадавий Гелиокл» деб аталувчи бронза тангаларнинг топилиши айнан шу даврдаги гавжум шаҳар ҳдётдан дарак беради. Уларнинг шахристоннинг турли жойларидан топилганлиги бу ерда ҳар хил пуллар муомалада бўлганини ва бозорнинг эҳтиёжи кенг кўламлигини англатади. Узининг археологиктопографик қолдиқларида мил. авв. III асрларда Холчаён йирик аҳоли маскани сифатида намоён бўлади. III асрларда, яъни кушонлар даврида Холчаён ривожланишда давом этади.

Кадфиз II тангаларининг топилиши, Канишка, Хувишка, Васудева тангаларининг (аксарияти катта ва ўртача ҳалқали) кўплиги ва кўплари сийқаланиб кетганлиги уларнинг кенг кўламда бозор муомаласида бўлганлигини кўрсатади.

Милодий II аср охири III аср бошларида Кушон империяси инқирозга юз тутади. Бу жараён Холчаенда айниқса ёрқин из қолдирган. қорабўтепа истехкоми дарвозаси катта ёнғинда қолган ва унинг излари кушонлар даври қурилишларида ёнғин қатлами тарзида сақланган. Хонақоҳтепада ўрганиб чиқилган учала иморат ҳам хароб этилган ёки қулатилган. Бу ҳол айниқса, саройда яққол кўзга ташланади. Бу ерда қимматбаҳо ашёлар ва ибодат буюмлари талонторож қилиб кетилганлиги билан бирга, тахтхонада тош тагликлардан бири ағдариб ташланган, айвонда эса устун тагликлари кўпорилган, баъзилари улоқгириб юборилган. Демак, Холчаён тақдирда археологик жиҳатдан муҳрланиб қолган ўлимга маҳкумлик III аср бошида Кушон шоҳлигини қамраб олган умумий воқеа бўлган.

Холчаёндан VI аср охири VII асрга оид турксўғд туркумига тааллуқли иккита танга топилди. Улар Сўғд ва Шошдан топилган тангалар билан олд томон тузилиши иконографик жиҳатдан ўхшаса ҳам, улардан маълум даражада фарқ қилади. Бу тангалар Амударенинги шимолий қисмидаги айрим феодал вилоятлар турк. хоқонлигига мансублигини англатади, тамгалар ва бошқа белгилардаги фарқ эса чағонхудоётлар зарб қилган ашёларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Дарвоқе, араблар 719 йили Амударё бўйи вилоятларига етиб келган вақтда, туркча «ябғу» унвонли Тиш исмли Чағониён ҳукмдори Тохаристон кўшинларига бош бўлиб турган.

Араблар босиб олган даврдан бошлаб Холчаён узоқ вақт эътиборсиз қолади. XIII аср охири XIV аср бошида антик тепаликларнинг баъзиларидан қабристон сифатида фойдаланилади. XVI асрда қорабўтепанинги шимолишарқий қисми дўнглигида қандайдир мулк пайдо бўлади. Шундан сўнг шаҳристон атроф ҳудуди янада ботқоқликка айланиб, бизнинг давримизгача ўзлаштирилмай қолади. Холчаённи тадқиқ этиш Бактрия мадағшй ҳаётига, айниқса, унинг бадиий маданиятига янги маълумотлар киритади. Бу кузатишлар Марказий Осиёнинг мазкур йирик вилоятида антик давр шақар қурилишининг баъзи жиҳатларини қайта очиб беради. Бу борада тарихий маълумотлар ниҳоятда кам.

Эски Термизнинг қадимги маданияти замирида ҳам кушон даврига хос кўпгина ёдгорликлар бор. Улар шу даврнинг яққол намуналаридан, сопол буюмлардан ва моддий маданиятга доир бошқа нарсалардан иборат. Тохаристон воҳаси Кушон империясининг ғоят катта марказий вилоятларидан бири бўлган. Тохаристон тупроғидан тохаристонликларнинг юксак маданиятидан далолат берувчи ёдгорликлар топилди. Ҳозирги Термиздан 10 км келадиган жойдаги қоратепа ғоридан топилган ажойиб ёдгорлик ана шундай далиллардан биридир. Кдзиш ишлари Кушон давлати маданияти тўғрисида ғоят қимматли ашёвий далиллар ва буюмли материаллар берди.

Қоратепа буддавийлик ёдгорлиги Эски Термиз мажмуаси таркибига

кириб, майдони 7,5 га ни ташкил қилади. Тадқиқотлар натижасида қоратепага милодий I аср охирларида асос солинганлиги, ёдгорлик жанубий, ғарбий ва шимолий тепаликлардан ташкил топганлиги аниқланди. қоратепанинг ўрганилиши 1928 йилда А.С. Стрелков томонидан бошланган бўлиб, турли танаффуслар билан ҳозирга қадар давом этмоқда, ҳозиргача тўққизта ибодатхона очиб ўрганилди. қоратепада ганчдан ясалган ҳайкалларнинг парчалари тоғшлди, улар ичида ғалати бир вазиятда букланиб турган тўртта бармоқ сақланган қўл парчаси диққатни ўзига тортади. Бу қўл парчаси катталигига қараганда киши бўйидан анча баланд ҳайкални ки бўлса керак. Будда ва унга доир манбаларнинг ҳайкаллари ҳовли ўртасида жойлаштирилган бўлиши мумкин. Оқ мраморга ўхшаган мергел оҳақтошдан ясалган архитектура безаклари (одам бошининг барельефи, аканфа барги ва бошқалар) диққатга сазовордир. Булар Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистондан топилган археологик ёдгорликларга жуда ўхшаб кетади. Йўлак ва айвондаги нақшларда ҳам худди шундай муштаракликлар борлиги сезиларли даражададир.

Қоратепа қазилганида ундан будда дини маросимларига оид буюмлар: тошдан ясалган соябон, қопқоқлар, нилуфар сурати ва бошқа кўплаб нарсалар топилди. Сопол буюмлар ва деворлардаги ёзувларнинг ҳам бу борадаги аҳамияти каттадир. Сопол буюмлардаги ёзувларнинг кўпи ҳиндча кахарошти ва брахма ёзувларидир, аммо бинодан кушон ёзуви пополок ҳам топилди. Кушон ёзуви маҳаллий шарқий форс тилига мослаштирилиб, юнон алифбоси асосида тузилгани аниқланди. Будда ибодатхонаси тўсатдан юз берган зилзиладан емирилган бўлса ажаб эмас, чунки унинг кўпгина қисмлари шундай ағнаб ётибди. Бу билан археологлар Марказий Осиё халқларининг маданий ҳаётини ўрганишда гоят қимматли ёдгорликка эга бўлдилар. Бундан ташқари қоратепадаги будда ёдгорлиги Марказий Осиёдаги қадимги халқларнинг Ҳиндистон ва Хитой билан бўлган алоқаларини ўрганишга ҳам имкон беради. Ахир, қоратепа ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистон, Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Ёттисув, қашқар орқали Хитойга борадиган карвон йўлининг жуда қизғин, серқатнов жойида бўлган.

Кушонлар даврида Марказий Осиёга кириб келган будда дини билан бирга қадимий маҳаллий анъаналар ҳам давом этаверган. Тохаристон тупроғидаги қадимги қайқубодшоҳ шаҳрида ўнг қўлида қандайдир идиш тутиб ўтирган хотин тасвирланган сопол ҳайкалча топилган эди. Тахминларга қараганда, бу Вахш дарёсидаги маъбуда бўлса керак. Душанбе яқинидан топилган қадимги тўпхона қабристонини маҳаллий диний эътиқод билан боғланган. У ерда ўликни қабрга орқаси билан чўзиб, бошини шимолга, оёғини жанубга қаратиб солганлар. Шуниси қизиқки, ўликнинг оғзига ёки кўкрагига кумуш танга пул қўйганлар. қадимги эллин Юнонистонидан ва Яқин Шарқдаги эллин мамлакатлари ҳудудида айти шундай одат мавжуд бўлган. Бу одатга удумлар, расмрусумлар астаекин кулдорлик давлатлари бўлмиш Юнон-Бактрия подшолиги билан Кушон империяси тарафларга ўтиб кела бошлаган. қадимшунослар топган кумуш

фалслар чамбараксимон рамка ичига олинган дўнг гардишдир. Ичига фил сурати солинган, устига тўрт бурчак ёмби қопланган, ундаги тасвирга кўра, бўйнида махсус калтак ушлаб фил ўргатувчи ёки фил ҳайдовчиси ўтирган. Фил ҳайдовчининг бошида салла, қулоққа исирға, фил устига ўрнатилган кулфнамо қандайдир нарса, жанг давом этмоқда, жанг пайти минора тепасида иккита жангчининг калласи кўриниб турибди. Бирининг бошида дубулға, қўлида найза, у ҳарбий бошлиқ бўлса керак, яна бири бош яланг, у ҳарбий аскар бўлса эҳтимол.

ЮнонБақтрия пуллари аксар кумушдан, камданкам ҳолларда бронзадан зарб қилинган, танга пулларнинг бир томонида подшо сурати солинган. Дўнг пешонаси, қирғий бурни, бўртиб турган дағал ияги унинг кучли ирода эгаси эканлигидан далолат беради. Бошқа бир чақа пулнинг бир томонида Ҳиндистонни забт этган Демитрий подшонинг лаблари бирбирига қаттиқ ёпишган, шиддатли муҳр тасвири билан зарб қилинган, иккинчи томонида подшонинг юнонча унвони ёзилган. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар қадимги давр тарихини даврлаштириш масаласини илмий асосда қайта ҳал қилиш имконини берибгина қолмай, балки қулдорлик тузумини ҳамда бу даврдасавдо ва ҳунармандчиликнинг маркази бўлган шаҳарлар маданиятини ўрганишда ҳам жуда бой манбалар берди. Археологик тадқиқотлар туфайли вилоят ҳудудида қулдорлик даврига мансуб ажойиб тасвирий санъат обидалари очилди. Термиз яқинидаги Айритомда топилган тошга ўйилган бўртма суратлар, ҳайкаллар ва деворий расмлар ҳамда Деновдаги Холчаён ва Далварзинтегтадан топилган лой ва ганчдан ясалган кўпданкўп турли ҳайкаллар Сурхон воҳасида қадимда ўзига хос юксак тасвирий санъат маданияти яратилганлигини исботлайди. Сурхондарёда топилган қадимги санъат обидалари Марказий Осиё халқлари маданияти билан Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Кавказ халқлари маданиятининг бирбирига таъсир кўрсатганидан ҳамда дунё халқлари маданиятининг яратилишида Марказий Осиё халқлари ҳам фаол қатнашганлигидан дарак беради. қоратепадаги будда ибодатхоналаридан чиққан қимматбаҳо ҳайкаллар ва бошқа тасвирий санъат обидалари, айниқса нодир ва ноёбдир. Бундай тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ўз даврининг ҳаётий, мафкуравий ва диний эътиқодлари, маданий ва маиший ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи қимматбаҳо манба ҳисобланади.

1998 йилда қоратепадаги будда ибодатхоналари гуруҳини ўрганиш бўйича Ш.Р.Пидаев раҳбарлигида ўзбекяпон қўшма экспедицияси ташкил этилиб, ҳозирга қадар фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида олиб борилаётган ҳамкорликдаги тадқиқотлар натижасида антик даврда Сурхон воҳасида рўй берган тарихиймаданий жараёнлар аниқланиб, фанга татбиқ этилмоқда.

Кушон даври археологик ёдгорликларидан бири Фаёзтепа, Эски Термиз деворларининг шимолиғарбида, қоратепа текислигининг шимолиғарбидан жанубишарққа йўналтирилган ҳолда қурилган Будда ибодатхонасидир. Бу тўртбурчакли зиёратгоҳнинг ичкари ҳовлиси икки томондан тиргак

вазифасини ўтавчи йўғон устунлар билан кўтарилган бўлиб, махсус айвон билан ўралган иморатдир. Ушбу Будда обидасининг қурилган пайти уйсозлик, бинокорлик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, умуман, шаҳарсозлик ва меъморчилик ривожланган Кушон-Бактрия давлати даврига, яъни милоднинг 111 асрларига тўғри келади.

Сўз юритилаётган жамланма асосан уч қисмдан: коҳинлар ётоқхонаси (ҳиндбохтар меъморчилиги анъаналари асосида қурилган), марказий ибодатхона ва коҳинлар жамоаси учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлайдиган хўжалик ва ёрдамчи иморатлардан иборат. Иншоотнинг асосий қисмларидан бири муқаддас, табаррук ва муборак диний ёдгорликларни сақлайдиган жой кўнғироқсимон пастки қисми туртиб чиққандек ишлов берилган ҳовончадир. Ҳовонча хом ғиштдан терилган, унинг усти оппоқ қорсимон ганч билан сувалган. қизиғи, ҳовонча ибодатхонанинг бош~ қа жамланмалари сингари ҳовли марказида бўлмай, балки ҳовлининг ташқарисида «Сиймо уйи» будда ҳайкалчаси даргоҳига қарамақарши ўрнатилган. «Сиймо уйи»дан топилган оҳақгил тошидан моҳирлик билан ишланган 118 килограммлик Будда ҳайкали ва унинг икки ёнида қўл қовуштириб, сиғиниб ўтирган икки роҳибнинг ҳайкалчаси бор. Бу даргоҳдан ҳовончагача ғишт ва оҳақгил тошлари парчалари ётқизилган йўлак ўтказилган.

Марказий ибодатхона атрофида каттакичик хоналар, яъни зиёратгоҳ, хужра ва жамоа йиғини хоналари мавжуд бўлган. Масжид ибодатхона билан бир эшик орқали туташтирилган, эшик ибодатхона ҳовлисининг ғарбий деворида бўлиб шимолиғарбий томондадир. Эшикнинг хрвли тарафдаги ёнида каттакатта оҳақгил тоши бўлакларидан териб қурилган ҳовузча бўлган. Ҳовузчанинг бир томони иккинчисидан торроқ, айти шу томоннинг пастки қисмида оғзи очик шер боши тасвирланган сув жўмраги ўрнатилган. Бу ҳовузча эҳтимол диний маросимларда ювиниб покланиш учун қурилган, ибодатхона тоқчаларида эса ганч ҳайкалчалар бўлиб, уларнинг ичи лой билан тўлғазилган. Илмий адабиётлардан маълумки, ана шу хил ҳовузчалар ҳикд будда саждагохларида таҳорат қилиш учун ишлатилган. Археолог олим Л.И. Альбаумнинг фикрича, Кушон буддавийлик санъатида шер акси ва тасвири катта аҳамиятга молик бўлган, оқибатда аксар кулолчилик идишларида шер калласи, гоҳо тоғ такаси бош қисми тасвирининг туширилиши арьанага айланган эди. Г.А. Пугаченкова томонидан Эски Термиз шаҳарчасидан топилган қулоғи тик арслон гавдали қанотли баҳайбат маҳлуқ расми туширилган оҳақгилдан ишланган яхлит қолипнинг топилиши юқоридаги мисолга далил бўлади.

Фаёзтепадаги деворлар қурилишига асосан пахса ва хом ғишт ишлатилган, томлар харила билан ёпилган, томларнинг баъзилари гумбазсимон шаклда бўлган. Мажмуа хоналарининг деворларига турли манзарали суратлар, ҳайкаллар билан безак берилган. Ҳар хил табиий офат ва муҳораба синовларига бардоши етган кўпгина ҳайкаллар тупроқ уюмлари остида сақланиб, уларнинг шикаст топган синикдаригина бизнинг замонимизгача етиб келган, холос. Сақланиб қолган ҳайкал бўлаклари ва

синикларининг ҳажмига қарағанда айрим ҳайкалларнинг бўйи 4 метргача эканини тахмин қилиш мумкин, улар одатда қизил бўёққа бўялиб, устидан тилла суви юритилган. Ана шу бўлакланган ва синган ҳайкаллар билан бирга топилган Канишка ва Васудева Т тангалари зикр этилган вайрона Будда ибодатхонаси эҳтимол Васудева I даврида емирилган, деган хулосага келишга имкон беради. Жамланмага тобин учинчи хўжалик қисмининг деворлари монастр ва ибодатхона деворларига туташтириб кўтарилган. Жамланма хоналарининг бирида хом ғиштдан қилинган эни 0,7метр келадиган узун супа бор, бу афтидан, овқатланиш жойи бўлган. Барча хоналарнинг деворлари сомон сувоқ қилинган, фақат иккитаси ғанч билан сувалган, хонанинг ерига ғанч ва йирик кум қоришмаси тўшалган. қолган икки хонада тандир қолдиқлари ва безакли тоштовокларнинг синиғи, бошқа бир хонада жанубга қаратиб ўрнатилган сув қувури, кулолчилик ўчоғи борлиги аниқланди. Демак, ибодатхонага сув қувурлар воситасида олиб келинган, ҳатто шунга ўхшаш қувурларнинг қоратепа томон, яъни жануб тарафга ётқизилганлиги (56 метрли қувур бўлаклари) қовлаш натижасида кузатилган,

Аммо шаҳарга сув қувурлар орқали қайси томондан олиб келингани муаммоси анча йиллар баҳсли бўлиб турди. Бу масалаи 1945 йили ўрганган олим Д.Д. Букинич ҳам муаммонинг ечимини тополмай «Термизга сув қайси томондан келганлиги саволига қониқарли жавоб олиш амри маҳол» дейишдан нарига ўтмаган эди. Шу ўринда В.А. Козловский, В.П. Николаев, Л.И. Альбаум фикрларини келтириб ўтиш жоиз, улар шаҳарга сув Амуларёдан олинган дейишади. Лекин тарихий асарлар бунинг тескарисини кўрсатади, чунончи, XV аср жуғроф олими Ҳофиз Абру «Термиз Чағониён(Сурхон)дан сув ичади», дейди. Ниҳоят термизлик ёш қадимшунос олим Т.Аннаев муаммонинг ечимини топишга муяссар бўлди. Саловотдан маълум миқдор юқори (шимол)да Толитоғорада олиб борилган қазилма самараси ўлароқ Кушон даври Термиз ва унинг атрофларини суғориш тизими аниқланди. Унга кўра сув Чағонруддан Каттақум орқали амалга оширилгани исботланди. қазилмада сув олиш жойи ва унинг қўриқаш истехкоми топилди.

Кушон даври Термизининг III асрларда қурилган йирик буддавий жамланмаси Фаёзтепа II асрда будда қоҳинлари тарафидан ташлаб кетилган, деган ақида мавжуд. Балки бу ҳодисалар ер қимирлаши билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган тахминлар юради. Аммо диндорлар муқаддас зиёратгоҳ саналмиш ҳовончани ўз ҳолича қолдириб, уни эътиборсиз ташлаб кетмадилар. Ҳовончани сақлаш мақсадида унинг чор атрофини хом ғиштли девор билан ўраб олдилар ва ҳовончанинг узоқ сақланишига имкон яратдилар.

Фаёзтепа атрофида V асрда Термизда ҳукмронлик қилган эфталлийларнинг қабристони бўлган. Хуллас, Фаёзтепа мажмуасидан топилган ҳайкалча дунёнинг кўпгина мамлакатлари, жумладан, Япония, Скандинавия мамлакатлари бўйлаб саёҳатда бўлди. Эндиликда у Тошкентда сақланмоқда. Умуман, Фаёзтепа сирларини очиш ва таҳдир этишда олимлардан

Л.И.Альбаум, Б.М.Массон, А.Асқаров, Г.А.Пугаченковаларнинг илмий изланишлари катта самара берди. Археологлар қизиққанга қадар бу тепа номсиз эди, археологларга яқиндан ёрдам бергани учун Сурхондарё вилоят ўлкани ўрганиш музейининг шу йиллардаги директори Раҳмат Фаёзовнинг отаси шарафига бу тепа Фаёзтепа деб аталадиган бўлди ва шу ном билан оламга танилди.

Милоднинг дастлабки асрларида Ҳиндистондан Марказий Осиё жанубига буддизм тарқалади. Бу ерларга диний ақидалар билан бирга будда санъати ҳам келади. Шу даврларда Кушон Термизида ва унинг девори атрофларида буддизмнинг кўплаб ибодатхоналари, саждагохлари, хонақоҳдари ва бошқа иншоотлари қурилди. Термиз буддизмнинг муқаддас зиёратгоҳларидан рига айланди. Зўрмўла Кушон Термизи қўрғон деворлари шимолий шарқида қад кўтариб турибди. қачонлардир шаҳардан ташқаридаги бу ерларда буддизмнинг юксак меъморчилик услубидаги қурилмаларининг бутун мажмуаси Вихара ибодатхона бўлганга ўхшайди. Лекин ўрта аср Термизида бу ерлар экин майдонлари бўлгани маълум. Фақат бу ернинг бош қурилмаси муқаддас жой улкан ҳовончага ўхшаш будда муқаддас ашёлари сақланадиган минора ўз қопламалари ва шаклини йўқотмай, асрлар оша яшаб келмоқда. Олиб борилган қазилма натижаси тўғри бурчакли супа (тагкурси) устига ўрнатилган цилиндрсимон минорадек ҳовонча ўз ниҳоясида гумбаз билан тугалланганлигини кўрсатади. Бу иншоот асосан хом ғиштдан терилган бўлиб, унинг тагкурсиси (пъедестолли) сирти оқ тоштахталар билан қопланган. Эҳтимол, бу тошлар оҳақгил бўлиб, Хожа Гулсувар (Бургут тоғи)даи келтирилгандир. Ҳовончанинг юза қисми хом ғишт устидан пишиқ ғишт қоттланган ва юз (олд) томони очик қизил рангга бўялган. Ҳовончанинг диаметри 14,5 метр, умумий баландлиги қачонлардир 16 метрга тенг бўлиб, унинг бўйини хода (таёқ)га осилган «Ҳурмат соябони» баландроқ кўрсатарди. Зўрмўланинг бунёд бўлиши улуғ кушонлар даврига, яъни милоднинг II асрига тўғри келади. Унинг қурилиш ишларидаги кўлами Фаёзтепаникидан ортиқ ва Термиздаги будда иншоотлари қурилишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Зўрмўла минораси Марказий Осиёдаги шундай ҳовончалардан ва археологик қатламлардаги минораларга ўхшамайдиган йирик меъморчилик обидаларидандир. Зўрмўла ҳовонча ёки минора эканлиги қақида олимлар орасидаги баҳслар ечими топилгани йўқ. Б.Н.Костальский («СурхонШеробод водийси тарихийжуғрофик образи», Тошкент, «Вестник ирригации», 1930, № 3, 4) бу масалага шубҳа билан қараган. Г.А.Пугаченкова Зўрмўлани буддизм минораси деб атади. Б.В.Лунин эса «Каттатепа» деб номлади. Ҳовонча русча ступанинг таржимаси бўлиб, уни бу ёдгорликка қиёслаш тўғри келмайди. Зўрмўла атамаси русча «Зурмула» деб бузиб ифодаланиб келинганга ўхшайди. У асли Зўрмўла, яъни «Катта мўла» маъносини англатади. Маҳаллий шевада «мўла» сўзи лойдан баланд кўтариб ясалган, лекин минорадан кичик ва ундан фарқ қиладиган қурилма маъносини англатади. Дехқонлар оқ жўхори, тарик пайкаллари ани

шундай мўлалардан палахмон отиб, ҳосилни кушлардан қўриганлиги маълум. Ана шундай мўлалардан азончилар дин ихлосмандларини ибодатга, намозга чақирганлар. қадимда Зўрмўланинг ўз номи бўлганлиги ажаб эмас, ҳозирги номи бу улкан иншоот қолдиғининг маҳаллий халқдар томонидан аталишидан олинган бўлиши мумкин.

Таниқли олим А.С.Стрельцов (Сборник культуры Востока. Выш. 1. Москва, 1927) ўз асарини «Зўрмўла ёки Каттатепа» деб номлаши бежиз эмас. Ўрта аср Термиз работи ўртасида, унинг шимолий девори яқинида бир қатор иншоотлар бор эдики, уларнинг пишиқ ғишлари аллақачонлар ташиб кетилган. Бу иморатлар эскидан (кушонлар даврида) одамлар яшаб келган жойларда қурилган, бу ерлар IV асрларда кушонлар ташлаб кетгандан кейин бўш ётган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, II асрда ер қимирлаши оқибатида кўпгина иншоотлар, уйжойлар вайронага айланди, улар қайтадан тикланмади, балки урфодатга кўра, ирим қилинган ёки тиклашнинг иложи бўлмагандир. Шу туфайли буддизм ибодатхоналари, хонақоҳдари ва бошқа иншоотлар қурилиши Кушон Термизининг шимолишарқида Зўрмўла атрофида ривожлантирилади.

Илк ўрта асрларда бу ерлар тиклана бошлайди, VI VII асрларда катта бўлмаган, лекин ўз шакли бўйича диққатга сазовор феодал қасри (қўрғони) саройи қурилади. Кўшкнинг пастки қисми 25х25 метр бўлиб, пахса девордан кўтарилган, унинг бош ўқи бўйлаб ётган марказий даҳлизи, унинг икки томонида бештадан узунроқ хоналари бўлган. Даҳлиз ва хоналар гумбазлар билан ёпилган, деворларида тешиксимон деразалар бўлган. Кўшкнинг иккинчи қавати енгил материаллардан ёпилган бўлиб, ёзда яшашга мўлжалланган. Термиз қўрғони Марказий Осиё қасрига хос кўшк эди, у кўп асрлар кишиларга хизмат қилди. Ислон дини ривожидан даврида унинг яқинида қурилган масжид ва кўшма хоналар зиёратга келувчилар учун ётоқхона, сайёҳ дарвешлар учун хонақоҳ вазифасини ўтади. Кўшк вайроналари ҳозирги Катта Ўзбек трактининг Эски Термиз ҳудуди остида қолиб, йўқ бўлиб кетди.

Умуман, кушонлар даврида воҳада иқтисодийсиёсий ва маданий ҳаёт юксак даражада ривожланган. Кушон ҳукмдорларининг тинимсиз равишда олиб борган урушлари, кўчманчиларнинг ҳужумлари ҳамда бўйсундирилган ўлкаларда мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатлар оқибатида кушонлар салтанати инқирозга учрайди. IV аср охирларида тохар қабилалари кушонлар салтанатига хотима беради.

Илк ўрта асрлар даврида Сурхон воҳасини ҳам ўз тасарруфига бирлаштирган Тохаристон қадимги дунё тарихи ва маданиятида ўзига хос ўрин эгаллаган. Болаликтепа, Куёвқўрғон, Тавка қўрғони деворий суратлари ва ҳайкаллари қадимги дунёнинг энг ноёб бадиий санъат асарлари туркумига киради.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ., Т. «Шарқ», 1998.
2. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар., Мерос,

1997.

3. Турсунов С.Н. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида.Т., 2001.
4. Термиз шаҳрининг рангли безакли альбоми.–Т.:Шарқ, 2001.
5. Аннаев Т. «АлҲаким атТермизий». Тошкент , 1998.
6. Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи., Тошкент, «Шарқ» 2001.
7. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳакимов З.А., Средневековые памятники Сурхандарёи. Т., Летура тура и искусство. 1982.
8. Ибраҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т, 1993.
9. Маънавият юлдузлари. Т., Халқ мероси, 2001.
10. Муртозаев Б, Қодиров Б. Чағониён адабиёти. Янги аср авлоди, Т., 2003.
11. Муаллифлар жамоаси. Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Т. Фан, 2001.
12. Омонтурдиев Ж., Ал Ҳаким ат Термизий таълимоти. Т., Университет, 2000.
13. Турсунов С.Н. Буюк сиймолар. Т., Шарқ, 2002.

## **5-Мавзу: ЎРТА АСРЛАРДА СУРХОН ВОҲАСИ**

### **Асосий саволлар:**

1. Ўрта асрлар даврида Сурхон воҳасининг муҳим ижтимоий сиёсий воқеалари.
2. Ўрта асрларда Сурхон воҳасида иқтисодий муносабатлар ва мулкчилик шакллари.
3. IXХII асрларда илмфан ва маданият.
4. Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврида Сурхон воҳаси.
5. Мўғуллар истилоси ва унинг оқибатлари.
6. Сурхон воҳаси Темур ва Темурийлар даврида.

### **Таянч сўзлар:**

Араблар истилоси ва унинг оқибатлари. Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида Сурхон воҳаси. Илмфан, I ХХI асрларда Чағониён адабиёти. Термиз саййидлари. Мўғуллар истилоси. Чиғатой улуси даврида Сурхон воҳаси. Сурхон воҳаси Темур салтанати таркибида. Темурийлар даврида Сурхон воҳаси.

Милоднинг IV асрларида ҳукмронлик қилган Кушон империяси даврида Сурхондарё воҳаси иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этади. Аммо III асрнинг иккинчи ярмида салтанатда юз берган кучли тўқнашувлар империяни ҳалокат ёқасига олиб келади. Кушон салтанати Эрон сосонийлари кўшинлари томо нидан мағлубиятга учрагач, унинг ерларида босқинчиларга қарам вилоят ташкил этилади. Бу ерлар асосан БактрияТохаристон ҳудудларига тўғри келади, вилоятни эса сосоний шахзодалар идора қила бошлаганлар.

Тохаристонда тохарлар иқтисодий ва маданий ҳаётга кўп аралашмай маҳаллий сулолалардан солиқ олиш ҳисобига яшаганлар. Бу ерда 1 миллионга яқин аҳоли яшаб, мамлакатда сунъий суғориш, хунармандчилик, курувчилик, тўқимачилик анча ривожланган. Буюк ипак йўлининг ривожланиши натижасида Жанубий Европа, Кичик Осиё, Ҳиндистон билан боғлайдиган савдосотиқ йўллари янада фаоллашди. Тохаристон билан Хитой ўртасида иқтисодийсавдо алоқалари анча тараққий этди ва ушбу ҳудудда иқтисодиймаданий ҳаёт анча юксалди. Хитой сайёҳи Чжан Цяннинг тахминан мил. авв. 128 йил маълумотида қараганда, юэчжийлар Тохаристонда тинч ҳаёт кечиришиб, улар хунларга қарши урушга қатнашишга рози бўлмайдилар. Тохарлар милодий IV асрларда донг таратган Кушонлар империясининг ташкил топишида алоҳида қисса кўшганлар.

IV асрнинг 6070йилларида Шопур II Марказий Осиё ерларига шимолдан кириб келган хионийлар билан кураш олиб боради ва иккинчи маротаба енгилади. Милодий 380 йилда хион қабиаларининг ҳаракати туфайли Шимолий Тохаристонда хион қабиаларининг мустақил вилояти вужудга келади. Шарқий Тохаристонда эса эфталийлар уюшмасидан иборат бирлик ташкил топади. Мамлакатимиз тарихида алоҳида ўрин тутган Эфталийлар давлати ижтимоийиқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторида ажралиб турган. Эфталийлар сиёсий ҳукмронлиги V аср ва VI асрнинг иккинчи ярмига қадар мавжуд бўлган. Эфталийлар ҳақида хитой, ҳинд, форс, арман, сурия, лотин тарихий манбалари маълумот беради. Хитой манбаларида эфталийлар ида, ияда, идан, идян атамалари билан, сурия ва лотин манбаларида эптал, абдал; арман манбаларида идал, тетал, хептал; араб ва форс манбаларида ҳайтал, йафтал, ҳатал; ҳинд манбаларида ҳуна каби номлар билан қайд этилган. Хитой манбаларида эфталийларнинг юэчжий ё уйғур қабиаларига тегишли эканлиги таъкидлаб ўтилади. Византиялик тарихчи Прокопий эфталийлар хуннлардандир, таналари эса оқ, деб маълумот беради. Паҳлавий ёзувида битилган «БаҳманЯшт»даги манбада Эрондаги подшоҳлик ва олий ҳокимият эроний бўлмаган кулваччаларга, яъни хион, турк, ҳафтал (эфтал), тибетликлар кўлига ўтади. Шунингдек, «БаҳманЯшт»да лўнда қилиб эфталийлар эроний эмас, деб ёзиб қўйилган. Хитой манбаларида Идан (эфталийлар) сулоласи Хан сулоласи давридан маълум катта юэчжий авлодидир. Дахя (Бактрия) бу Ту хо ла (Тохаристон) демакдир. Бу ерлик ҳукмдорларнинг номи Иэде (Эфтал, эфталан, эфталит) бўлиб, бу ном билан давлат номи аталган. Эфтал авлодлари мамлакатни мустаҳкамлаш учун бир қатор муҳим ислохотлар ўтказиб, ўзларининг ҳукмрон мавқеларини анча мустаҳкамлаб олдилар. Тахминан 457 йили Вахшунвар (Ахшунвар) бошлиқ эфталийлар Чағониён (Сурхондарё вилоятининг Термиздан юқори қисмлари), Тохаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Рим тарихчиси Прокопий (VI аср)нинг ёзма манбаларида «Эфталийлар давлатни қонунлар асосида бошқарадилар», деб таъкидлайди. Чунки давлатни маъмурийсиёсий жиҳатдан бошқариш учун мукаммал қонунчилик ҳамда қаттиққўл сиёсий

бошқарув тизими мавжуд бўлган. Эфтапийлар даврида минтақада сўғдча, хоразмча, бухороча, карошти (кхароштхи), эфталийча ёзувлар маданий жараёнга ўз ҳиссасини қўшган. Эфталий ёзуви ҳақида чинлик Сюан Цзан қуйидагича маълумот келтиради: «Ёзувларидаги асосий ҳарфлар сони йигирма бешта бўлиб, улар ёрдамида иборалар, сўзлар ясайдилар. Сахяфага хатни энига туширадилар, чапдан ўнхта қараб ўқийдилар».

Сосонийлар Эрони Тохаристон ерларини яна қайтариб олиш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб боради. Хусусан, Ёздигард II даврида бу ҳаракатлар янада кучаяди. Арман тарихчиси Егише Варданетнинг ёзишича, сосонийлар шоҳи хоинийлар билан икки йил кураш олиб бориб, уларни бўйсундира олмаган. Шарқий Тохаристондаги бой берилган ерларни қайтариб олиш учун эфталийлар билан сосонийлар ўртасидаги тўқнашувлар V асрнинг 30йилларидаёқ содир бўлган эди. Арман тарихчиси Варданетнинг ёзишича, V асрнинг 50йилларида эфталийлар иттифоқининг кучайиб кетиши натижасида, улар жанубдаги ерларга қараб силжий бошлаганлар. Тахминан 457 йилда Вахшунвар бошчилигидаги эфталийлар Чағониён, Тохаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятини ўрнатадилар.



Куёвқўрғондан топилган ҳайкал

V-VII асрларда Сурхон воҳаси, яъни шимоли-ғарбий Тохаристон Эфталитлар давлати ва Турк ҳоконлигининг таркибий қисми бўлган. Бу даврларда кўплаб шаҳарларга ва қишлоқларга асос солинган. Бударч, Болаликтепа, Куёвқўрғон, Тавка қўрғони ва бошқалар бу даврнинг ноёб обидалари ҳисобланади.

Бу даврда воҳада ҳайкалтарошлик ва деворий рангтасвир санъати ўз ривожининг юқори босқичига кўтарилган.



Болаликтепадан топилган  
ириқдон



Куёвқўрғондан топилган ҳайкал

Илк ўрта асрлар даври воҳа хунармандчилиги ўзига хос услубда ривожланганлиги билан ажралиб туради. Бу даврда юксак маҳорат билан яратилган кулолчилик, заргарлик, мисгарлик ва шишасозликка оид ноёб буюмлар Ватанимиз маданиятининг нодир намуналари ҳисобланади.

Эфталийлар VI асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёнинг бу қатга қисмини бирлаштирган кучли давлат тузади. қисқа вақтга бўлсада, ўз давлатининг асосий ўзагини ташкил этган Тохаристон ерларини сосонийлар Эронига қарамликдан сақлаб қола олади. 563 – 567 йилларда Турк ҳоконлигининг ҳужуми туфайли эфталийлар мағлубиятга учрайди, аммо эфталийлар ҳукмронлиги Чағониёнда сақланиб қолади.

Турк ҳоқони Истеми ва Хусрав I Анушервон орасида тузилган шартномага кўра Хусрав I Анушервон < 571 йили Чағониённи ва эфталийларга қарам бўлган бошқа жойларни олади. Шу тариқа, Чағониён деярли , етмиш йил Эфталийлар давлати таркибда бўлди. Чағониён Эфталийлар таркибида ҳам, Сосонийлар давлатига кирганда ҳам муайян даражада мустақил бўлган. қизиғи шундаки, Хусрав I Анушервон эғаллаган ўша вақтдаги барча Бақтрия вилоятлари орасида адДиноварий фақат Тохаристон ва Чағониённи кўрсатиб ўтади. Ўзбекистон жанубининг эфталийларга бўйсунганлигини Перуз тангаларига тақлидан ясалган эфталий тангаларининг Термиз, Хайрободнинг барча ҳудудидан топилганлиги ҳам тасдиқлайди. Бирмунча кейинроқ, аниқроғи VII-VIII асрлар биринчи ярмида Чағониёнда Чочнинг туркий ҳоқими ва Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари ҳукмдорлари тангаларига тақлидан зарб қилинган бу тангаларнинг олд томонида ҳукмдор ва унинг рафиқасининг тасвири, орқа томонида эса юқори ва пастки учлари илгаксимон ромб шаклидаги тамға бўлган. Сосонийлар зарб қилган тангаларга тақлидан яратилган оддинғи тангалар билан Чочнинг туркий ҳукмдорлари тангаларига тақлид қилиб зарб этилган мазкур тангаларнинг бирбиридан кескин фарқ қилишига асосланиб, Чағониёнда VII асрнинг биринчи ярмида ҳукмдор сулолалар алмашуви содир бўлган ва оддин ҳукм суриб келган эфталийлар сулоласи ўрнига бу ерда ҳокимиятга туркий сулола келган, дейиш мумкин. Аммо чағонхудоуларнинг эски сулоласи ўз мавқеларини сақлаб қолган ҳолда сосонийларга эмас, балки 589 йилда Тохаристонга кириб келган туркларга мослашиб олган деган тахмин бор, чунки турклар бир неча марта Тохаристонга бостириб келганлар. қоон Тун Ёбғу даврида (618-630) Тохаристон узилкесил туркларга қарам бўлади. Туркий қабилалар Тохаристонга, айниқса унинг шимолий қисмига кўплаб кириб борганлар. Мазкур жараёнлар юз берган вақтда Сурхон воҳаси Тохаристоннинг шимолиғарбий қисмини ташкил этган. Хитой манбаларида (Сюан Цзян, ХойЧо тафсилотларида, VII-VIII асрлар) Шимолиғарбий Тохаристон ерларида Термиз ва Чағониён мулкликлари мавжудлиги тилга олиб ўтилади. Термиз Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни ва ҳозирги Ангор, Жарқўрғон туманларини ўз ичига олган. Чағониён эса Чағонруд (қизилдарё) дарёсининг юқори ҳавзасидаги ерларни, Ҳисор ва Боботоғ тоғ олди майдонларини ўз таркибига олган. Мулкчиликнинг марказий шахри Будрачтепа ўрнида жойлашган. Шунингдек, бу даврда Куфтан мулклиги ҳам бўлиб (бу археологик

далилларга кўра, Шеррбод воҳасига тўғри келади), унинг пойтахти Хушвара деб аталган.

VII аср ўрталарида Хуросонни истило қилишни тугаллаган араблар Тохаристон ерларига ҳам ҳарбий ҳаракатларини бошлайдилар. 651 йилда араблар билан бўлган жангда чағониёнликлар ҳам иштирок этадилар. 652 йил бошида Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Амир Чағониённи эгаллашга муваффақ бўлади. 676 йилда Хуросон ноиби Саид ибн Усмон Термизни босиб олиб, шаҳарни талонторож қилади. Араблар томонидан олиб борилган бу ҳарбий ҳаракатлар вақтинчалик муваффақиятлар бўлиб, ҳали улар кенг миқёсдаги ҳаракатлар учун ҳозирлик кўрмоқда эдилар. 689 йилда арабларнинг қайсим қабиласининг раҳбари Абдуллоҳ ибн Хозимнинг ўғли Мусо ибн Абдуллоҳ кичик ҳарбий гуруҳ билан Термизни қўлга олиб, термизшоҳни шаҳардан қувиб чиқаради. Маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга бўлган Собит ибн қутба алХузаннинг Мусо ибн Абдуллоҳ томонига ўтиши ва уни қўллабқувватлаши натижасида Мусо араб халифаси учун солиқ йиғувчиларни Мовароуннаҳрдан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлади. Бу йиғимларнинг, яъни олиқсолиқларнинг Термизда тўпланиши натижасида шаҳар арабларнинг Мовароуннаҳрдаги марказига айланади. 704 йили араб лашкарбошиси Усмон ибн Масъуднинг СўйГҳукмдори ва Хутталон подшоси билан биргаликда амалга оширган юриши натижасида Мусо ибн Абдуллоҳ бошлиқ исёнкорлар даф этилиб, Термиз эгалланади. Араблар Мовароуннаҳр ерларини бутунлай босиб олишга халифа Абдумалик ибн Марвон (685-705) даврида киришадилар. Улар Тохаристон ерларининг майдамайда мулкликларга бўлингани ва улар ўртасида доимий адоват мавжудлигидан усталлик билан фойдаланадилар. 704 йили чағонхудо Тиш Талиқон (Афғонистоннинг Тохар вилояти) шаҳрига олтин калит ва совғасаломлар билан ташриф буюриб, қўшни Шумон, Аҳарун мулкликларига қарши курашларда араблардан ёрдам сўраган. Чағониён ҳукмдорлари арабларнинг ҳарбий юришларида иштирок этган. Масалан, 706 ва 709 йилларда қутайба ибн Муслимнинг Бухоро ва Пайканд юришлари бунга мисол бўла олади.

Чағониён Тохаристонда нисбатан йирик ва қудратли вилоятлардан саналган ва унинг авлодданахлодга ўтиб келган ўз ҳукмрон сулоласи Тохаристон ҳукмдори бўлади. Чағониён ҳудудида кўплаб қишлоқлар, йирик шаҳарлар бўлган, улар ўз пулини зарб қилиб чиқарган. Бу вилоят шохлари бошқа давлатлар билан дипломатик, диний ва сулолавий алоқалар ўрнатганлар. Масалан, Афросиёб саройидаги деворий ёзувларда таъкидланишича, VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандни бошқарган шох Вархуман саройига Чағониён ҳукмдори номидан элчи келган.

Термиз ва Чағониёнда содир бўлган барча ижтимоий-қисодий жараёнлар Араб халифалиги таркибида бўлгани сабабли мусулмон дунёси мамлакатлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. 806-810 йилларда аббосийларга қарши кўтарилган Рафи ибн Лайс кўзғолонини бостиришда Термиз ва Чағониён халқлари иштирок этишган. IX асрдаги Термиз ва

Чағониённинг сиёсий ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланган. 821 йилдан бошлаб бу ўлкалар ҳам Тоҳирийлар давлати таркибида бўлган. Бунини Абдуллоҳ ибн Тоҳир даврида ёзилган солиқ рўйхатда Термиз ва Чағониённинг ҳам учрашидан билиш мумкин. Бунда Чағониён араб халифаси хазинасига йилига 48.500, Термиз эса 47.100 дирҳам тўлаб турган.

Йирик олим, қомусий билим эғаси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир атТабарий «Тарих аррасул валмулук» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи»), IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида яшаган сайёҳ ва географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад алФорсий алИстахрий (850-934) «Масолик улмамолик» («Мамлакатларга олиб борадиган йўллар ҳақида») асарларида кўп мамлакатлар қатори Мовароуннаҳр, хусусан, Термиз вилоятининг чегаралари, иқими, маъмурий бўлиниши, аҳолиси ва унинг машғулотли, машҳур кишилари, савдосотиқ масалалари ҳақида маълумот берган. Уларда айтилишича, Жайхун бўйидаги Термиз қалъаси ва шаҳристон шаҳар чеккасида жойлашган ҳамда мустаҳкам девор билан ўраб олинган работдан иборат. Ҳукмдор саройи қалъада, қамоқхона (зиндон) кўҳандизда эмас, шаҳристонда, яъни бозорнинг ўртасида бўлиб, шу ерда жомеъ масжиди мавжуд, намозгоҳ (фуқаролар намоз ўқийдиган жой) эса работда, яъни деворнинг ичкарасида қад кўтариб турибди. Бозор ичкарасидаги иморатлар хом ғиштдан қурилган, кенг кўчаларга ва майдонга пишиқ ғишт ётқизилган. Жайхун бўйида, дарёнинг кечув жойида шаҳар аҳолиси истиқомат қилади, Термизнинг экинзорлари Сағониён (Чағонруд) дарёси суви билан суғорилади, аҳоли учун ичимлик суви қувурлар ёрдамида Жайхун дарёсидан олинган.

X аср охирида яшаган АлМуқаддасий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр алМуқаддасий) ўзининг «Аҳсан аттақосим фи маърифат алақолим» («Иқлимларни ўрганиш учун яхши қўлланма») номли асарини ёзиб қолдирган. Муаллиф, Термиз Жайхун бўйидаги энг катта шаҳар эканлигини, ҳамма жойдан бу ерга кўплаб зиёратчилар, савдогарлар келишини қайд қилган. Шаҳарнинг кўҳандиз қалъаси алоҳида таъкидланади, кўҳандизда битта, шаҳристонда эса учта дарвоза борлиги эътироф этилади. Ал Муқаддасий, шунингдек, юқоридаги фикрларни тасдиқлаб, Сағониён шаҳри Рамиуга, унинг вилояти эса Фаластинга ўхшашлигини, унинг пишиқ ғиштдан терилган баланд устунли, равоқсиз масжиди бозорнинг ўртасида жойлашганлигини, шаҳарнинг ҳар бир маҳалла ва уйхонадонларига сопол сув қувурлари ўтказилганлигини таъкидлайди.

IX-XII асрлар давомида Термиз ва Чағониён Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган давлатлар таркибий қисми бўлган. Термиз ва Чағониён каби шаҳарлар ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида йирик марказлар бўлган. Ўлкада шаҳарсозлик жадал ривожланган, ички ва ташқи савдо юқори даражада тараққий топган.



Шўробкўргондан топилган сиркор коса



**Будрачдан топилган мис кели**

Ривожланган ўрта асрларда ўлканинг Термиз, Чағониён, Хушвара, Хошимгирд каби шаҳарлари ҳунар-мандчиликнинг шишасозлик тури билан алоҳида ажралиб турган.

IX-XII асрлар мобайнида Термиз ва Чағониён шаҳарларида мисгарлик ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кўтарилади. Идишлар ислими, зооморф ва эпиграфик нақшлар билан безатилган бўлиб, амалий санъатнинг ноёб дурдоналари ҳисобланади.



**Ғармалитепадан топилган шиша**

X асрнинг кўзга кўринган йирик олими Истахрийнинг шогирди сайёҳ географ Ибн Ҳавқал (Абулқосим ибн Ҳавқал анНасибий) устозининг илтимосига кўра «Китоб улмасолик»нинг хатоларини тузатиб, унга хариталар илова қилади. Ибн Ҳавқал ўзининг «Китоб сурат алард» («Ернинг шакли») номли асарининг Мовароуннаҳр қисмига тарихий воқеаларни киритиб, китобнинг қимматини оширишга эришади. Сағониён Амударёга Термиз шаҳридан пастроқца кўшилишини тасвирлаган Ибн Ҳавқал ўз асарида Истахрий қўллаган «қалъа» атамасини ишлатмайди, балки фақат кўҳандиз эски кўрғон ҳақида маълумот келтиради.

Термиз ўз навбатида қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида бўлиб турадиган музокаралар ва расмий учрашувлар жойи ҳам бўлган. Шундай расмий учрашувлардан бири 1025 йилда бўлиб ўтади. Тарихчи Гардизийнинг ёзишича, 1025 йили Султон Маҳмуд ғазнавий катта кўшин билан Балх шаҳрига келган. Бу ерда Мовароуннаҳрдан келган одамлар Бухоро ва Самарқанд ҳокими Али Тегин устқдан амирга шикоят қиладилар. Мовароуннаҳрни кўриш ниятида бўлган Маҳмуд ғазнавий бундан фойдаланмоқчи бўлади ва у катта кўшин билан Балхдан Амударё томон йўл олади. Сурхондарё устига вақтинчалик кўприк қуришга буйруқ беради. Афсуски, Гардизий нима учундир Маҳмуд ғазнавийнинг Амударёдан кечиб ўтганлигини қайд қилмайди. Аммо Маҳмуд ғазнавийнинг 1017 йилда Хоразмга қилган юриши пайти Термиз яқинида Амударё устида кўприк қурдириб, шу орқали дарёдан ўтганлиги шоир Фаррухий қасидаларида ўз ифодасини топган. Ушбу кўприкнинг қурилиши ва унинг Пайғамбар ороли орқали ўтганлигини тахмин қилиш мумкин. Термизда катта жанг олдида ўз кўшинини жамлаб турган Маҳмуд ғазнавий истиқболига атроф

вилоятларнинг амирлари пешвоз чиқади, булар орасида Чағониён амири ҳам бор эди, афсуски, унинг номи эслатилмаган. Балх шаҳри ёнида 1008 йили рўй берган жангда ғазнавийлар ўз ғанимлари қорахонийлар лашкарини тормор этганларидан сўнг, Термиз ғазнавийлар давлати таркибига батамом қарам этилади. Термиз ғазнавийлар давлатида нафақат йирик савдо маркази, балки мамлакатнинг шимолий чегараларини қорахонийлар хужумидан ҳимоя қилувчи қалъа вазифасини ҳам ўтай бошлайди. Худди шу даврда Чағониён амирлиги ҳукмрон сулолалар қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасидаги ўзаро кураш вазиятини тўғри баҳолаб, ўз мустақиллигини сақлаб қола олган. Чағониён қудратли ғазнавийлар давлатига қўшни бўлсада, унинг амирлари Музаффар қия ва Фахр ад-Давла Аҳмад ибн Муҳаммад ўзларини қорахонийлар вассали деб ҳисоблаганлар. Чағониён давлатининг сиёсий ҳаётини ўша даврда зарб этилган ва археолог олимлар томонидан қазиб топилган тангалар орқали англаш мумкин. Мавжуд тангалар шундан далолат берадики, 1025-1027 йилларда Чағониён қорахонийлар давлати таркибида бўлган, 1027-1039 йилларда эса мустақил давлат сифатида фаолият юритган. Аммо 1038-1039 йиллар ва 1042-1043 йилларда Чағониён ўз мустақиллигидан махрум бўлиб, уни қорахоний Бўри Тагин идора қилган. Бироқ Термиз ва ҳатто Чағониён ҳам 1031 йиллар, афтидан, 1041 йилларгача ҳали ғазнавийлар тасарруфида бўлган кўринади. Буни муаррих Абулфазл Байҳақий ўзининг «Масъуд тарихи» номли асарида тўқис ёритган, унда 1031 йилнинг 15 18 апрель воқеалари ҳикоя этилади. Ҳикоя қилинишича, Султон Масъуд ибн Маҳмуд ғазнавий 1031 йилнинг 15-18 апрель кунлари Термизда бўлади, Жайхун соҳилларида ов қилади, тўрт шерни шахсан ўзи отиб ўлдиради, дабдабали маишат уюштиради. Термиз аҳди ва унинг кутволи (қалъа бошлиғи) қутлуғ камоли эҳтиром ила Султон Масъудни кутиб олади, катта тантана уюштирилади, созандалар, хонандалар, бозандалар тиним билмай хизматга шай турадилар. Ҳатто тарихчи Байҳақийнинг шахсан ўзи бу хил чексиз ҳурмат билан қарши олиниш ҳодисасини Термиздан бошқа жойда учратмаганини бир гувоҳ сифатида ҳаяжонланиб сўзлайди. Демак, ҳали XI асрнинг 30-йиллари Термиз ва Чағониён ғазнавийлар ихтиёрида эканлиги анча ойдинлашади, чунки Термизга ташриф буюрган Султон Масъуд хузурига Чағониён амири ҳам келган эди.

Термиз ва Чағониён 1056 йидан эътиборан Салжуқийлар давлати таркибига қўшиб олинади, 1063 йилга келиб Чағониённи тўла бўйсундириш учун салжуқийлар султони Алп Арслон ҳарбий юриш уюштиришга мажбур бўлади. Ибн ал-Асир берган маълумотларга қараганда, салжуқийларга бўйсунини истамаган Чағониён ҳокими Мусо салжуқийлар қўшинининг Чағониён шаҳрига яқинлашиб келаётганини билгандан сўнг, оз сонли жасур кишилардан иборат кичик тўда билан Сина қишлоғидаги баланд тоғда жойлашган қизқўрғон қалъасига ўрнашиб олиб, қаршилиқ кўрсата бошлайди. Аммо катта қўшинга эга бўлган Алп Арслон қалъани қўлга олиб, Мусони қатл этади ва бутун вилоятни ўз давлати таркибига қўшиб олади.

Чағониён ва Термизни 1065 йили Алп Арслон укаси Илёсга иқто

сифатида инъом этади. Термизнинг ҳарбий жиҳатдан мавқеи қорахонийларни мазкур шаҳарни эгаллаш орзусидан бир кун ҳам воз кечтирмаган. 1072 йилда қорахоний Шамс алМулук Термизни эгаллайди ва келаси йили салжуқийларнинг шаҳарни эгаллаш учун қилган ҳарбий ҳаракатини қайтаради. 1073 1074 йилларда шаҳарни салжуқий Султон Маликшоҳ қорахонийлардан қайтариб олади ва шаҳарнинг мудофаа иншоотлари мустаҳкамланади.

Тарихда салжуқийларнинг Мовароуннахр ерларига кириб келиши X аср билан боғланади. Ўша кезларда Балхаш кўлининг жанубидан Волгагача бўлган кенг ҳудудда туркий халқларнинг ўғуз қавми яшар эди. Кўплаб қабила ва уруғларга эга бўлган ўғузларнинг бир кичик уруғи орасидан чиққан Салжуқ исмли шахс катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришади. Салжуқ ўз тарафдорлари билан X асрнинг ўрталарида Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарк этиб, дарёнинг қуйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилоятига кириб келади ва шу ерда ўрнашади. Албатта, улар ўша даврнинг ҳукмрон сулоласи бўлмиш сомонийларнинг тарафдори сифатида Мовароуннахрнинг сиёсий ҳаётига фаол аралашиб туради, бу эса табиий ҳол эди.

Шундай қилиб, Термиз тинч йўл билан салжуқийлар қўлига ўтади. Султон Масъуднинг ўғли Мавдуд 1048 йилда Термизни қайтариб олиш учун ҳарбий юриш қилади, аммо йўлда вафот этади. Салжуқий Чағрибек Довуд ушбу мавзелардаги Балх, Термиз ва атрофдаги мулкларни қўлга киритгач, уларга ўғли Алп Арслонни ҳукмдор қилиб тайинлайди. Манбаларда рақам кддинишча, Алп Арслоннинг вазири Абу Али ибн Шазак кўплаб ободончилик ва қурилиш ишларини амалга оширади.

Салжуқийлар салтанати устуворлиш ва улар юритган давлатчилик сиёсати қанчалик барқарор бўлмасин, уларда ҳам беқарор сиёсий вазиятнинг келиб чиқиши учун шароит пишиб етилган эди. Бу ҳол табиий равишда Салжуқийлар давлатининг таркибига дахлдор сарзамин ҳамда ҳудудлар тақдирига ўз таъсирини кўрсата бошлади. Салжуқийлар сулоласининг асосий ғаними қорахонийлар узлуксиз равишда Термиз шаҳрига таҳдид солиб туради. қорахоний ҳукмронлардан Табғачхон Иброҳим ибн Наср XI аср ўрталарида қисқа муддат ичида Термизни ўз тасарруфига олади, аммо АлпАрслон тезликда шаҳарни яна салжуқийлар ихтиёрига қайтаради.

Туғралбек 1063 йили оламдан ўтади, натижада АлпАрслон Салжуқийлар салтанатининг бош ҳукмдорига айланади ва у укаси Илёсга Термиз шаҳрини топширади. Алп Арслон 1072 йилда вафот этади ва вазиятдан фойдаланишга 'ҳаракат қилган қорахоний Шамс улМулук Термизни қайтариб олади. Бу орада Алп Арслоннинг Аёз исмли ўғли Термизни қайта қўлга киритиш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб боради, бироқ у 1073 йилнинг 1 феввалидаги икки томон тўқнашувида мағлуб бўлади. Аёзнинг қўл остида бўлган ўн минг отлиқнинг бир қисми қорахонийлар тарафидан кириб ташланади ва уларнинг катта қисми Амударёга чўктирилади. Юқоридаги воқеалар давомида Шамс улМулук

иниси Буга Тегин Хидирни Термизга жўнатиб, ўзи эса салжуқийларга қарши урушга ҳозирлик кўра бошлайди. Алп Арслон вафотидан сўнг салжуқийларнинг янги бош ҳукмдори Султон Маликшоҳга қорахонийларнинг бу қиликлари ёқмаслиги табиий эди. Бу ҳам етмагандек, Шамс улМулук, устигаустак, Султон Маликшоҳ номига хат юборади ва хатда Термиз шаҳрининг Мовароуннаҳр сарзаминига дахддорлиги, шунга кўра шаҳарни қорахонийлар вакили бошқариши мақбуллиги таъкидланган эди. Афтидан, Шамс улМулук мақсадига эришади, боиси хатдан мурод Маликшоҳни очикчасига жангга ундаш эди. Оқибатда Маликшоҳ машҳур вазир Низом улМулук ҳамроҳлигида 1074 йилнинг кузида Термизни қамал қилиб, шаҳар ҳандақлари (махсус ҳимоя чуқурлари)ни турлитуман нарсалар билан тўлдириб, тошотар манжанақларни шаҳар деворларига яқин келтириб тўғрилаб қўяди. Натижада иложсиз қолган шаҳар аҳолиси таслим бўлиб, раҳмшафқат сўрайди ва Маликшоҳ аҳолига омонлик беради. Аммо жангдан кейин икки ғулом(кул)нинг баҳси туфайли ҳарбий ҳаракатлар яна авжига чиқади, қалъа аҳолиси асирга маҳкум этилади. Кейинроқ Маликшоҳнинг амри билан сипоҳсолор Сов Тегин раҳбарлигида қалъа таъмирланади, қалъа деворлари пишиқ ғиштлар билан қопланиб, мустаҳкамланади. Орадан бир йил ўтарўтмас, Шамс алМулук Термизни қисқа фурсатда эгаллайди, бироқ ўзи жангда мағлубият аламини тартади.

Салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинлари 1141 йилнинг 9 сентябри куни Самарқанд яқинидаги Катвон чўлида Мовароуннаҳр ҳудудларига шарқ томондан бостириб кирган қорахитойлар билан тўқнашади. Бу жанг қорахитойлар фойдасига ҳал бўлади, оқибатда Марказий Осиёдаги сиёсий кучларнинг мувозанатига кескин таъсир ўтказади. Мағлуб Султон Санжар Термизга чекинади, унинг бирданбир умиди Термиз аҳлидан эди, аммо мағлубият Султон Санжарнинг сиёсий майдондаги обрўйига шикаст етказади. Масалан, Алоуддин Отсиз Хоразмшоҳ фурсатни ғанимат билиб, мустақилликка интилади, Султон Санжар барибир Хоразмни қайтадан буйсундиришга эришади. Султон Санжар марказий ҳокимиятга таҳдид солиб турувчи Алоуддин Отсизни жиловлаш ва унинг бежо ҳаракатларидан воқиф бўлиб туриш мақсадида Хоразм мамлакатига машҳур шоир Адиб Собир Термизийни элчи сифатида жўнатади. Марказий ҳокимиятга доимо адоватда бўлган Алоуддин Отсиз Хоразмшоҳ хуфиёна тарзда икки қотилни Марвга юборади, қотилларнинг ягона вазифаси Султон Санжарни ўлдириш эди. Бундан тасодиф хабар топиб қолган Адиб Собир Термизий зудлик билан чора кўриб, воқеадан Султон Санжарни воқиф этади ва унинг ҳаётининг саклаб қолинишига сабабчи бўлади. Энг мудҳиш томони шундаки, бунини сезиб қолган Алоуддин Отсиз Хоразмшоҳ буюк шоир Адиб Собир Термизийнинг қўлоёқларига кишан солиб, уни асов Амударёга чўктиртиради. Бу воқеалар 1147 йили содир бўлади ва 1148 йили Султон Санжар интиқом олмоқ ниятида катга қўшин билан Хоразмшоҳ устига юриш қилади.

Балх ҳудудидаги ўғиз қабилалари 1153 йили марказий ҳокимиятга

қарши ғалаён кўтарадилар, Султон Санжар уларнинг устига кўшин тортади. Минг афсуски, Султон Санжар кўшини ўғизлар томонидан енгилади, ўзи асирга олинади ва у уч йил мобайнида ўғиз амирлари тутқунлигида яшайди. Султон Санжар 1156 йилнинг куз ойида асирликдан қочади ва Термиз шаҳрига келади. Тарихчи Равандийнинг ҳикоя қилишича, бу воқеалар Султон Санжарга содиқ қолган термизлик мулозимлар томонидан амалга оширилган экан. Айниқса, ўша пайтдаги Термиз шоҳи Абулмузаффар Имоуддин Ферузшоҳ Аҳмад бин Абу Бакр айна шу воқеалар ривожига муҳим мақомга эга бўлади. Гоҳо манбаларда термизшоҳ Имоуддин Аҳмад ибн Бакр қумоч тарзида тилга олиб ўтилади. Умуман олганда бу давр воқеаларига янада равшанликлар киритиш керакдек кўринади. Тарихчилардан Жувайний, Равандий, Ватвот, Оксаройли рақам қилишларига қараганда, юқоридаги воқеалар давомида Термиз шаҳри Хуросон пойтахтига айланади. Чунончи, Султон Санжар Термиз шаҳридан туриб, атрофдаги барча хукмдорларга унга келиб кўшилиши ҳақида мурожаат қилади. Лекин Термиз шаҳрида жамланган Султон Санжар мулозимлари ўртасидаги мавжуд кескин зиддиятлар Султон Асосий саволларларининг амалга ошишига жиддий тўсқинлик қилади. Ана шу адоватлар туфайли Султон Санжар мулозимлари бирбирларини ўлдириш билан машғул бўлиб, асосий Асосий саволларлар иккинчи ўринга тушиб кетади. Томонлар пировард натижада маълум маънода битимга келишадилар, келишилган шартномага биноан гаровга олинган Санжар ҳибсдан озод этилади ва у Марвга равона бўлади. Султон Санжар кўп ўтмай Марвда 1157 йилнинг апрель ойида бандаликни бажо келтиради.

Султон Санжар вафотидан кейин ҳам у билан боғлиқ айрим можаролар давом этади. Шундай воқеалардан бири 1158 йилнинг август ойида рўй беради. Хутталон хукмдори Абушужоъ Фаррухшоҳ гўё Султон Санжар даъватига биноан Термизни қуршаб олиб, қамал эълон қилади. Термиз хукмдори Аҳмад ибн Абу Бакр ибн қумоч ўз навбатида Фаррухшоҳни жангда мағлубиятга учратиб, уни чекинишга мажбур қилади.

Термиз шаҳри XIX асрларда Салжуқийлар салтанатининг ижтимоийсиёсий марказларидан бирига айланди ва ҳар соҳада тараққиётга эриша бошлади. Бу даврда шаҳар худуди кенгайди, бир қатор янги иншоот ҳамда сервис бино ва миноралар қад кўтарди, шаҳарда савдосотиқ ривож топди. Шаҳарда савдосотиқнинг ривожига қатор омиллар билан изоҳланади, аввало шаҳарнинг жуғрофий жойлашуви, Буюк ипак йўли чорраҳасида эканлиги, иккинчидан, мазкур шаҳарда ҳунармандчиликнинг жадал ўсганлигидандир. Шулар билан бир қаторда шаҳарнинг дарё соҳилида ва айниқса кечув жойда жойлашганлиги, бандар (порт) шаҳри эканлиги ҳам унинг йирик савдо марказига айланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Султон Саодат 10291030 йилда Термизни ғазнавий Баҳромшоҳга топширади. XII асрнинг иккинчи ярмида Салжуқийлар давлати қулагандан сўнг Термиз ва Чағониён қарлуқлар қўл остига ўтади.

Хуллас, XIII аср бошларига қадар Термиз ва Чағониён навбатманавбат қарлуқлар, гурийлар, қорахонийлар қўл остида бўлади. 1206 йидда Гурийлар

давлати таркибида бўлган Термизни қорахитойлар ва қорахонийлар билан ихтилофда бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ эгаллайди, Чағониён ҳам унинг улкан давлати таркибига киради. Термиз ва Чағониён Хоразмшоҳлар давлатида муҳим ўрин эгаллаган. Термизда олтин динар, Чағониёнда кумуш дирҳам пулларнинг зарб этилиши шундан далолат беради. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг улкан сиёсий Асосий саволларларида Термиз саййидлари катта аҳамият касб этади, ҳатто улардан бири Аъло алМулук мусулмонларнинг янги халифаси деб эълон қилинади.

Марказий Осиё сарҳадларида мўғул қўшинларининг пайдо бўлиши билан вазият тубдан издан чиқади ва 1220 йилнинг кузида мўғул қўшинлари Термиз ва Чағониёц ерларини эгаллаш учун юриш бошлайди. Термиз Балх ва Ҳиндистон йўлларидаги кечув жойи эди. Шаҳар аҳди ўзининг Амударё билан чегараланган қалъаларига таяниб, Чингизхонга қаршилик кўрсатади. Шаҳар мудофаасини ўша пайтдаги шаҳар ноиби Фаҳриддин Ҳабаш бошқаради, ўн бир кунлик жангу жадалда сўнг Термиз мўғуллар томонидан забт этилади, шаҳар аҳолиси қатл учун мўғул аскарларга тақсимлаб берилади. Жувайний шундай деб ёзади: «Бир хотин ўлиши олдидан ўзининг қотилидан шафқат сўраб, ялиниб ёдворган. Ўзини фидо қилиб, ютган қимматли дуруни беришга ваъда беради. Мўғул шу дамда аёл қорнини ёриб унинг ичидан дур топган. Шундан сўнг ҳамма хотинларнинг қоринларини ёриб қарашга фармон берилди». Чингизхонга қаттиқ қаршилик кўрсатган Термиз Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида «Мадина тўрижол» («Мардлар шаҳри») деб тилга олинади. Мўғул истилоси натижасида қадимий Термиз шаҳри батамом вайронага айланган эди. Истилодан сўнг у ўзини қайта тиклай олмади, унинг ўрнини вайрона бўлган ташландиқ тепалар эгаллади. Чунки, биринчидан, омон қолган халқ мўғул ҳукми туфайли ҳалок бўлган қариндошлари руҳини безовта қилгиси келмайди, иккинчидан, узоқ давом этган жанг халқнинг тинкамадорини қуритган эди. Янгидан бунёд бўлаётган шаҳар эса жанубий йўналишда дарё бўйлаб жойлашиб, ўзини1 г қаддини тез ростлай бошлайди, лекин у йирик ҳимоя деворлари билан ўраб олинмайди, қурилиш ишлари суст олиб борилади. Термиз шаҳрини бошқариш, бутун Чағониён ҳудудини назорат қилиш Чиғатойнинг невараси Есун Тува ихтиёрига берилади.

Термиз тарихини тадқиқ қилишда ўрта аср ёзма едгорликларининг аҳамияти каттадир. Ҳозирги замон тарихнавислари шаҳар тарихи ва маданий тараққиёти манзараларини тиклашда, унинг янглиш саҳифаларини ҳақиқат қўли билан тузатишда ўша манбаларга таянадилар. Буюк араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1372) ҳаётининг 28 йилини сафарга бағишлаб Шимолий ва ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Туркия ва Эрон, Марказий Осиё ва Ҳиндистон, Шарқий Европа ва Испания, Афғонистон ва Хитойнинг кўплаб шаҳарларини зиёрат қилади, қолган умрини ўз таассуротларини батафсил баён қилишга бағишлайди. Сайёҳ 1333 йилда Марказий Осиёга келади, бу даврда Термиз Чиғатой улуси тасарруфида бўлиб, мамлакатда мўғул хонлари орасида биринчи бўлиб исломни қабул қилган Аловуддин Тармаширин (1326-1334) ҳукмронлик қилар эди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд

шаҳарларида ва Тармаширин қароргоҳида меҳмон бўлган Ибн Баттута Термизга тахминан май ойининг охирида келади. Олдинроқ сайёҳ шаҳар ҳукмдори Аъло алМулук Худовандзода билан учрашиб, ундан махсус йўлланма олади. Ушбу маълумотнинг ўзиёқ шаҳар тарихидаги қоронғи саҳифаларни ёритишда катта аҳамият касб этади. Биринчидан, Термизда ҳам Марказий Осиёнинг бошқа кўплаб шаҳарлари каби, ҳокимият мўғуллар кўлида бўлсада, маҳаллий халқ вакиллари ҳукмронлик қилишган. Иккинчидан, Аъло алМулук Термиз саййидлари хонадони вакили бўлиб, бу бошқа манбаларда ҳам қайд қилинган. Бу айрим тадқиқотчиларнинг, шубҳасиз, Чингизхон Термиз аҳолисини бутунлай қириб ташлаган, деган фикри ҳақиқатга зид эканини тасдиқлайди.

Шу даврда мўғуллар томонидан вайрон этилган Балх XIV асрнинг биринчи ўн йилликларигача хароба ҳолида қолган. Термиз шаҳри тез орада бошқа бир жойда янгидан қад кўтаради. XIII асрларга оид Хитой манбаларида айтилишича, Термиз эски ва янги шаҳардан иборат бўлган. Бир неча юз оилани ташкил қилувчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган, Амударёнинг шарқида жойлашган Тислими шаҳри балиқлари билан машҳур бўлган, тўқай ва қамишли чакалакзорлар ғарбга томон чўзилиб кетган. Академик И.Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, «хонаки китобхон эмас, балки ўрта асрларнинг энг йирик, тажрибали географсайёҳи» бўлган Ибн Баттута (Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Иброҳим ибн Юсуф алЛавоти Тажний) Термиз орқали ўтган. У «Тухорат аннузар фи ғаройиб аламсар ва ажойиб алафсар» номли асарида ёзишича, Термиз «ўзининг чиройли иморатлари ва бозорлари билан машҳур бўлган катта шаҳардир. Шаҳарни кўплаб ариқ ва анҳорлар кесиб ўтади, унинг чиройли боғлари бор, жуда ширин узум ва беҳилар етиштирилади. Аҳоли гўшт ва сутни кўп истеъмол қилади. Шаҳарликлар ҳаммомга тушганларида қатиқ ва тафла деб аталувчи лой совун билан ювинишган. Бу нарсалар ҳар бир ҳаммомчида бўлган. Ҳаммомда кўплаб кўзалар сакланиб, улар қатиқ билан тўлдирилган, қатиқ ва тафлада ювиниш сочни тозалайди ва юмшоқ қилади. Эски Термиз Жайхун бўйида жойлашган эди. Чингизхон уни вайрон этгандан сўнг, янги шаҳарни дарёдан 2 мил (4 км) узоқликда барпо этдилар».

Ибн Баттута Чингизхон босқини натижасида Термиз вайрон қилинганлигини айтиб, янги шаҳар икки араб миляси узоқликда қурилганлигини маълум қилади. «Саёҳатнома»да янги Термизнинг тасвири шундай берилган: «Бу чиройли иморатлари ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳардир, уни бошданоёқ анҳорлар кесиб ўтади, боғлари ҳам жуда кўп. Айниқса, узум билан беҳиси жуда ширин, гўшт, сут жуда сероб». Сайёҳ Хоразмда бўлганида, у ерга дарё орқали ўн кун муддатда Термиздан буғдой ва сўли келтирилганига гувоҳ бўлади. Демак, Термиз XIV асрнинг биринчи ярмида йирик иқтисодий марказ бўлган.

Ибн Баттута саёҳати давомида сўфийларнинг хонақоҳдаридан, уларнинг меҳмондўстлигидан кўп марта фойдаланган. Хонақоҳни сайёҳ Мағриб анъанаси бўйича зовия деб атаган ва у Термиз ҳақидаги таассуротларида

буни алоҳида таъкидлайди: «Биз бу ерда катта ер ва боғлар соҳиби энг муҳтарам ва обрўйли шайхлардан бири шайх Азизон зовиясига қўндик. Шайх ўз бойликларини зиёратчиларни боқишга сарфлар эди». Фикримизча, бу зовия ҳозирги Султон Саодат мақбараси бўлиши керак, чунки, биринчидан, таомилга кўра, хонақоҳлар мақбаралар қошида бўлган, иккинчидан, Султон Саодат мақбарасининг шайхлари асрлар давомида Азизон мақбараларига эга бўлганлар.

Термиз шаҳрида буюк сайёҳни ҳайратда қолдирган янгилик бу ҳамшаҳарларимизнинг бош ювишда қатикни ишлатиши бўлган. Чунки, бошқа мамлакатларда бу даврда бош ювишда асосан лой ёки унинг бирор турдаги аралашмаси ишлатилар эди. Ҳокимнинг ҳомийлиги туфайли шаҳар аъёнлари Ибн Баттутани муносиб кутиб оладилар. «Термизда эканлигимизда бизга ҳар куни егуликлар келтириб, меҳмон қилиб туришди», деб ёзади у ва шаҳар қозиси қавомиддин билан танишганлигини эслатиб ўтади. Келтирилган тафсилотлардан маълум бўладики, қози қавомиддин жанобларининг лақаби ҳам Худовандзода, яъни саййидлар хонадонига мансуб экан. Кейинчалик ибн Баттута қози билан унинг укалари Зиёвуддин, Бурҳониддин, Имомиддин ва Сайфиддинларни Ҳиндистонда учратганини ёзади. қози қавомиддин жанобларининг ўғиллари Ҳиндистон подшосининг вазири Хожа Жаҳоннинг икки қизига уйланганлиги ҳам «Саёҳатнома» орқали маълум бўлсада, улар юқорида исмлари келтирилган саййидларнинг авлодлари шажарасида қайд қилинмаган, бу эса уларнинг Ҳиндистонга кетиб қолганлиги билан изоҳланади.

Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳр уласрор фиманоқиб алаҳёр» китобида: «Гарчи Термиз Мовароуннаҳрга тааллуқли ҳудудлардан бўлсада, бироқ ҳозирда у Балх таркибига киради», деб битади. Асарнинг яна бир жойида эса «Балхдан Жайхунгача 20 фарсах келади, унинг таниқли кечув жойларидан бири Ёргоҳдир», дейди. Бошқа бир тарихчи Ҳофиз Абрунинг таъкидлашича, бу кечув жойи Термиз яқинида бўлган. Рус олими В. Ф. Минорский ўзининг «Юнон кечуви» номли асарида: «Ёргоҳ (Ердагоҳ) кечуви Термизнинг ўзига Александр Македонский томонидан асос солингунига қадар ҳам бор бўлиб, Амударё орқали ўтувчи муҳим гузаргоҳ бўлган», деган фикрни баён қилган. Маҳмуд ибн Вали асарининг қимматли томони шундаки, унда бир пайтлари бўлган ва эндиликда йўқ жойлар хусусидаги маълумотлар ҳам сакланган. Масалан, муаллиф «Айн Аҳмад» деган булоқ хусусида қуйидагиларни битган: «Айн Аҳмад» Термиздаги булоқ бўлиб Жайхун яқинидадир, у билан Жайхун дарёси оралиғи ҳаммаси бўлиб, ўн қадам келади. Булоқ суви Жайхунникига қараганда ширинроқ. У ҳайрат ва шодликка сабаб бўлиши билан танилган».

Муаррих ўз асарида ҳар хил муносабат билан Термиз ва Чағониёндаги бошқа аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар, қишлоқлар хусусида ҳам тўхталади. Масалан, бир ўринда Жайхун бўйидаги шаҳар борасида қисқача қилиб: «Бу шаҳарнинг қишлоқлари ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларида муқаддас жойлар ва сиғиниладиган мақбаралар кўп» деса, яна бир ўринда Термиз хусусида батафсил маълумот беради: «Термиз Мовароуннаҳр

шаҳарларидан бўлиб, тўртанчи икдимдадир. У Жайхун дарёси қирғоғида жойлашган бўлиб, мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган, жанубий қисми Жайхун дарёси узра юксалиб туради, қишлоклари ва аҳоли истиқомат жойлари кўп, унинг энг муҳим 1дисмларидан бири Салавот бўлиб, бу ерда ҳоким саройи, бозор, мадраса ва катта жомеъ масжиди бор. Баланд минораси ҳам мавжуд. Бу ҳудудда боғу бўстон камроқ, у ер қумли жой бўлиб, шу сабабдан иклими иссиқ, ғалласи ва қовунлари яхши бўлади. Шубҳасиз, бу ҳудуд одамлари жасур ва довюрак эмаслар, улар орасида чиройли чехрали ва қаддиқомати келишган кишилар кам».

Муаллиф асарида термизлик саййидлар ҳақида илиқ гапларни айтади. Уларнинг қадимқадим даврлардан буён ҳукмронлик қилиб келганлиги, диний маҳкамаларга ҳам раҳнамолик қилганликлари, улар орасидан кўплаб шайху уламолар етишиб чиққанлигини таъкидлаб, шулардан Ҳаким Термизий ва Варроқ Термизийларни тилга олади. Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр уласрор»ида ЗулКифл пайғамбар, Исҳоқ Кунда Шикин қабрлари, бу ердан етишиб чиққан буюк инсонлар қатори эса Жалолиддин Румийнинг устози Бурҳониддин Саййид ҳақидаги битикларни ўқиш мароқлидир. Маҳмуд ибн Валининг: «АлҲаким атТермизий мақбараси ҳақида эшитдимки, кимки бу табаррук жойда икки ракаат намоз ўқиса, бу бошқа жойда ўқилган етти юз ракаат намоз ўқиш билан тенгдир», деган гаплари диққатга сазовордир. Сурхон воҳасининг ривожидида Амир Темур шахсининг алоҳида ўрни бор. Кейинги тарихий изланишлар шу нарсани аниқ таъкидламоқцаки, Амир Темурнинг давлат бошқарув фаолиятида Сурхон воҳасининг ўзига хос ўрни бўлиб, унинг жанубий мамлакатлар билан олиб борган жамики ҳаракати Термиз билан боғлиқ эди. Айниқса, Темур билан амир Ҳусайннинг Арсифда турганларида уларнинг ишончли кишиси Томуқанинг Термиздаги савдосотиқ ишлари билан танишуви, Темур қопиққа етганда мўғул жетеларининг Мовароуннахрни талаб чиқиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу воқеадан Термиз Темур қопиқ катта аҳамиятга эга бўлган ҳарбийстратегик марказ бўлганини, Амир Темур ўз армиясига янги куч қўшиб, унунг иқтисодий таъминотини Термизда мустаҳкамлаб олганини билишимиз мумкин. Тарихчи олим Б.Аҳмедов ўзининг «Амир Темур» тарихий романида Сурхон воҳасидаги йирик иқтисодий марказ Денов ва Термизни тилга олиб ўтиб, қуйидаги манбани келтириб ўтади: «Маълум бўлишича, мўғуллар билан ёвлашиб, Самарқанд тоғлари ва қоратоғда яшириниб юрган Чигатой беклари: Сулаймон Барлос, Амит Мусо, Жоку Барлос, Жалолиддин Барлос ва Ҳиндука Барлослар Термизга келиб тушибдилар».

Демак, Термиз ўзининг ҳарбийстратегик аҳамияти билан алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Жайхун кечувининг қулай жойида жойлашуви кўпинча урушларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Термиз ўзининг иқтисодий, маданий ривожиди билан алоҳида ажралиб турган шаҳар, унинг атрофида қишлоқ хўжалиги анча ривожланиб, боғдорчилик ва сабзавотчилик кенг кўламда олиб борилган.

Ўз навбатида шаҳар қўшинларни, лашкарларни боқишга ҳам алоҳида хизмат кўрсатган. Амир Темур Балх жилғасида оғир аҳволда қолганда Термиздаги бекларнинг ёрдами туфайли қуршовдан чиқиб олиб, катта хужумга ташланганлигини, шу жангдан кейин Амир Темур Жайхун дарёсидан Термиз кечуви орқали ўтиб, Мовароуннаҳрга қадам қўйганлигини тарихий манбалар орқали билишимиз мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: Амир Темур Термиз атрофида лашкаргоҳ қуриб ўтиради, у ўз она заминига қадам қўйиб энди эркин нафас олишга киришади. Темур ўзининг жанговар юришлари даврида жуда катта ҳарбий тажрибани эгаллаб, Термизда турган вақтида бу тажрибаларини анча мукаммаллаштириб олади. Чунки Темур ўзи амал қилган тўрт нарсадан иккитасини: яъни қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрликни ҳамда эҳтиёткорликни айнан Термиз воқеасидан кейин билиб олган бўлиши мумкин. Академик Бўрибой Ахмедов бу ҳақда қуйидагича ёзади: «Термиз ёнида юз берган воқеалар уни тинчитмади. Кечаю кундуз шу ҳақида ўйлади. Хўш, нега бу воқеа содир бўлди? Бунга нима сабаб? Ўзининг бир қадар бепарволигимиз? Ё сотқинлик содир бўлдимиз? Буларнинг ҳар иккиси мавжуд, лекин яна биттаси бор. Ҳар кишининг сўзига ишонавермаслик, уни қайтақайта текширувдан ўтказиш зарур». Бу воқеадан кейин Амир Темур ўз қўшинини ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлаб, ишончли, яқин одамларни ўз атрофида тўплаб, ҳар қандай шароитда унга панд бермаслик учун, яъни Амир Ҳусайн ва унинг Тоғуқа хизматкорларининг хоинлигини инобатга олиб, ягона қарорга келади. Амир Темур ўз тузукларининг қуйидаги бўлимида, яъни «лашкарини иттифоққа келтириш учун қилган ўн иккинчи кенгашида: унга Термизга келиб қўшилиб, оғир вазиятда ёрдам қилган кишилар масаласида қуйидаги фикрни қайд этади: «Амир Жоку, Ики Темур, Амир Сулаймон ва Амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ҳамда уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат қуриб, «давлатимга шерик бўласизлар», дедим. Бу билан ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим». Бу воқеаҳаракат туфайли Амир Темур жуда катта ҳарбийсиёсий обрўга эга бўлади.

«Темур тузуклари»да ушбу тарихий воқеа яна бир бор эслатилади: «Термиз кечуvidан нариги қирғоққа ўтгач, Қаҳалка қалъаси (Термизга яқин қадимий қалъа) тарафига қоровуллар юбордим. Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва қоровуллар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим». Бундан шу нарсa маълумки, Амир Темур сиёсий фаолиятининг мустаҳкамланишида Термиз ва Чағониён вилоятининг алоҳида ўрни бор. Амир Ҳусайнга нисбатан 1370 йили амалга оширилган ҳарбий юриш тарихда Термиз ва Чағониён вилоятлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этганини яхши биламиз. Амур Темур ҳамиша Термиз ва унинг атрофида бўлганида ўзининг кейинги жангида содир этиладиган ҳаракатини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида қисқа муддат тўхтади. Баронғор билан бўлган жангларда ишончли амирлар Жоку барлос билан амир Сайфиддинни қўяди. Амир Темурнинг Термизга яқин Биё қишлоғида тўхтаб, «Темур

тузуклари»да қайд этилган: «Биринчиси давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим», деган фикрига эътибор беришга тўғри келади. Чунки, Биё кишлоғида Амир Темур Маккаю Мукаррама саййидларининг бошлиғи Саййид Барака билан учрашиб, унинг ҳамда саййидлар, машойихлар, уламолар, фозил кишилар дуосини олиб, отасининг берган, яъни «Алардин диний, ҳуқуқий, ахлоқ масалаларини, ҳаром билан ҳалолни ажратишни ўргангин. Шунинг учун ҳам мажлисларингни шулар беаба турсин», деган маслаҳатига амал қилади. Худди шу учрашувда Саййид Барака ҳамманинг кўз ўнгида тожу тахт ва салтанат рамзи бўлмиш ногора билан байроқни Темурбекнинг қўлига тутқазади. Бу Оллоҳ ва Ислом динининг Амир Темурга нисбатан берган улуғ қудрати эди. Бутун Термиз, Хутталон, Чағониён, Балх, Ҳирот, Ҳисор, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм бўйлаб Темур дея ҳайқираётган қаландарлар, дарвешлар важоҳатларидан унинг душманларининг дами ичига тушиб кетади.

Ким ислом ғалабасини тиласа, ўша Темур учун овоз берсин! Бундай ҳайқириқлар Термиз, Чағониён, Хутталон, Балх шаҳрининг ҳар бир бурчагида янграрди. Мунажжимлар эса атрофларига одамларни тўплаб, тунги осмонда чараклаб турган юлдузларни кўрсатиб, Темур юлдузи порлаётганига ишора қилишарди: Соҳибулқирон! Соҳибулқирон! Мунажжимлар Темурга шундай унвонни, яъни юлдузлар султони унвонини тақдим қилишади. Амир Темур Соҳибқирон Биё кишлоғидаги маросимдан кейин бўлғуси жангга ҳозирлик кўриш мақсадида Чағониён вилоятининг маркази Чағониёнга бориб тушади. Чағониён, ибн Хурдодбекнинг таъкидлашича, дарё бўйида жойлашган. «Худуд алолам»да ёзилишича, унинг атрофи кенг далали, деҳқончилик қилиш, суғориш учун жуда қулай бўлиб, Абу алҲасан ибн Маҳмудга қарашли катта боғ ва қурғон мавжуд. Чағониён ахли ва беклари Амир Темурга сидқидилдан хизмат қилиб, катта миқдорда аскар, озиқовқат, от ва чорва моллари ҳамда уруш анжомлари етказиб беради. Амир Темурнинг Чағониёнда бўлган вақтида Куфтон (Гуфтан, ҳозирги Шеробод воҳаси), Барманган (баъзи манбаларда Чарманган ёки Жарминкан, ҳозирги Жарқўрғондан 4 км жанубиғарбдаги Култепа шаҳри маркази), Хутталон, Ҳисор, Темур қопуғидаги ерларда катта миқдорда куч тўплайди. Ана шу Оллоҳ берган кучқудрат ҳамда Саййид Барака берган қутлуғ шохий дуо кучи билан ақлзаковатли машҳур саркарда Амир Темур Балхни эгаллаб, анчадан буён унга бўйсуннишни истамаётган Амир Ҳусайн устидан зафар ғалабасини қўлга киритади.

Жаҳонгир Амир Темурнинг ақли, тадбиркор, кучли ҳарбий саркарда, шароитни тўғри тушуна оладиган сиёсатчи эканлигини у томондан амалга оширилган ҳар бир иш якунидан билиш мумкин. Унинг 1384 йил баҳори бошида Эрон заминини ўзига бўйсундириш мақсадида Термиз атрофини лашкаргоҳга айлантириб, Термиз саййидлари ҳиммати билан Форсга юриш қилганлиги, бу юриш учун мавжуд харажатлар шу ўлкада тўпланганлиги тарихий манбаларда алоҳида таъкидланади. Б. Аҳмедов «Амир Темур»

тарихий романида: «У яна Термиз ва унинг теваккатрофини лашкаргоҳ деб эълон қилди, вилоятларга лашкар тўплаш учун тавочи ва жарчилар юборди. Мовароуннахр вилоятларидан чиқарилган барча лашкар ўн кун деганда шу ерга Термиз ва унинг теваккатрофига йиғилди. Ўша 1384 йил баҳорининг аввалида Амир Темурнинг чўл қумлари ва дарахт баргидан ҳам кўп лашкари Жайхундан ўтиб, қуббат ул ислом Балхнинг жилғасига келиб қўнди», деб ёзади. Бу воқеаларнинг тарихий изоҳига эътибор берсак, Амир Темурга тобе бўлган Термиз ва Чағониён ўлкаси унга доимо иқтисодийсиёсий таянч бўлганлиги, бу ўлкада ҳеч қачон унга қарши фитнафасод бўлмагани аниқ ва равшандир. Бу садоқат эвазига Амир Темур мазкур юртларнинг ижтимоийиқтисодий жиҳатдан ривожланишига алоҳида эътибор берди.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида кўхна Термиз ҳақида маълумот берар экан, 1399 йил 11 сентябрда Кеш (Шахрисабз)дан Балхга бораётган Амир Темур бир неча термизлик саййидларнинг қабрларини, жумладан, Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий ва Шайх Абу Бакр Варроқнинг мазорларини зиёрат қилиб ўтганлигини эслатади. Амир Темур 1404 йилнинг ёзида Балхдан орқага қайтаётганида ҳам Термиз саййидларидан Худовандзода Аъло алМулук хонадонидида тўхтаб ўтади. Худди шу йилнинг кузида Испания ёдролли Генрих III нинг элчиси Клавихо ҳам Термизда бўлган эди. Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур ҳузурига саёҳат кундалиги» («Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура» (1403-1406 г.г.) асаридаги маълумотга кўра, Темур Хуросонга қилаётган юришида Амударёга қайиқ устида турувчи ёғоч кўприк қурдиради ва қўшинлар ўтиб бўлгач, уни буздириб ташлайди.

Кушон империяси инқирозидан сўнг Термиз ва Чағониёндаги маданий ҳаётда ҳам инқироз аломатлари кўзга ташланади. Эрон сосонийлари қўшинларининг IV аср охирида Шимолий Тохаристон ерларига юриши оқибатида, даставвал марказий шаҳарлар таназзули бошланади. Термизнинг қоратепа Фаёзтепа ўрнидаги диний марказяар, Ангордаги Зартепада ҳаёт тушкунликка юз тутди. Шимолиғарбий Тохаристоннинг марказий шаҳарлари VI аср бошларига келиб қаддини қайта ростлаб, тиклана бошлайди. Термиз шаҳрида 630 йили бўлган чинлик сайёҳ Хуан Чао шаҳарда ўнта будда ибодатхонаси мавжудлиги ҳақида хабар бериб ўтган. Яна бир бошқа чинлик жаҳонгашта Сюан Цзян 639-645 йилларда бу заминларга ташриф буюрганида Дами (Термиз) ҳақида, муҳофаа деворининг узунлиги 10 километр (20 ли), Чағониённинг марказий шаҳри девори 5 километр (10 ли)га тенг бўлгани хусусида диққатга молик маълумотлар беради.

Манбаларнинг гувоҳлигича, Тохаристоннинг V-VIII асрлардаги шаҳарлари тўғри тўртбурчакли кўринишга эга бўлиб, ягона муҳофаа иншоотлари билан муҳофаза этилган арки аъло ва шахристоннинг ўртасида ёки биронбир бурчагида жойлашган. Арки аъло ва шахристон кушон даври шаҳарлари мустаҳкам муҳофаа девори ва хандақлар билан ўралган. Бутун Мовароуннахрда бўлгани каби, IX асрдан бошлаб, Сурхон воҳасида ҳам шаҳарсозлик жадал ривожланди, бу даврда ўлкада уч қисмли шаҳарлар

батамом шаклланди. Араб тарихчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳаний ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, Термиз шаҳристон (ички шаҳар), кўхандиз ҳамда бора (мудофаа девори) ва работ (ташқи шаҳар)дан иборат бўлган. Чағониённинг марказий шаҳри Чағониёнда, ибн Хавқалнинг таърифича, арккўхандиз бўлган. АлМуқаддасий шаҳарда муҳташам бозорлар бўлганлигини қайд этади.

Термиз ва Чағониённинг ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда археологлар М. Массон, Э. Ртвеладзе, Ш. Пидаевлар томонидан ўтказилган қазишма ишлари жуда муҳимдир. Ш. Пидаевнинг фикрига кўра, XXII асрлар оралиғида Термиз шаҳрининг умумий майдони 500 гектарни ташкил этган. Чағониённинг марказий шаҳри Чағониён 6 квадрат километрга тенг майдонни эгаллаган. Шаҳар XXI асрнинг биринчи яримида Сангардак (қизилсув)нинг ҳар иккала қирғоғини эгаллаган. Араб тарихчиси Истахрийнинг маълумотига кўра, «Сағониён Чағониён Термиздан майдони жиҳатидан катта, лекин Термиз аҳолиси сони ва бойлиги билан Чағониёндан устун».

Сурхон воҳасида VVII асрлар бадий санъатнинг, айниқса ҳайкалтарошлик ва девор ранғтасвир санъатининг юксакликка эришган давридир. Бунга Куёвқўрғон ёдгорлиги ёрқин мисол бўлади, ундаги ҳайкаллар кўшкнинг юқори қаватидаги катта хоналардан бирини безаб турган. Болаликтепа ёдгорлиги деворий суратлари VVI асрларда яратилган бўлиб, улар 1,4 метрга яқин девор юзасига ҳусн бериб турибди, ундаги суратларда заминдор кўшкидаги базм маросими акс эттирилган.

Меъморчиликда IX асрдан эътиборан мураккаб қурилиш услублари, яъни куббалар, ёйсимон арklar, гумбазлар, пештоқлар ва кунгурали устунлар кенг қўлланила бошлайди. Мазкур даврда яратилган қадимий меъморчилик обидаларидан бири бу Чорустун масжидидир, у Термиз кўшкidan жанубда қурилган. Чорустун бу масжидга қўйилган маҳаллий ном бўлиб, аслида масжиднинг 9 устуни бўлган. Ҳар бир устуннинг диаметри бир метр атрофида бўлиб, у пишиқ ғишт ва ганч қоришмасидан терилган. Масжид унчалик катта бўлмай, ички ўрқачи 10x10 метр бўлиб, унинг сатҳини тўққизта гумбаз ёпиб турган, икки томони девор билан ёпилган. Масжиднинг қолган икки томони очик турган ва ниҳоят XI асрга келиб унинг деворлари пишиқ ғишт билан қогшанган. Чорустун масжидида шаҳар ва атрофдан тўпланган эркаклар намоз ўқишган. 1032 йилда Чорустун масжиди шимолида қадимий Термиз минораси қурилган. Минора кичик ҳажмдаги пишиқ ғишtdан терилган бўлиб, асосан кўп қиррали цилиндрга ўхшайди.

Сурхон воҳасидаги қадимий миноралардан яна бири бу Жарқўрғон минорасидир. Минор қишлоғидаги бу минора пештоқида сақланиб қолган ёзувлар иншоотнинг 11081109 йиллар оралиғида қурилганлигидан далолат беради. Санъатшуносмеъморларнинг таъкидлашича, унинг умумий баландлиги 50 метрга яқин бўлиб, ҳозир миноранинг омон қолган қисми 21,6 метрни ташкил этади. Жарқўрғон минораси қурилишида оддий ғишт, равоқлар ва эпиграфик ҳошиялар жуда усталик билан қўлланшган,

миноранинг асоси баланд саккиз қиррали курсига ўрнатилган. Ҳар бир қирранинг марказида равоқли тахмончалар ишланган, ана шундай тахмончалардан бирида жойлашган эшик орқали минора ички қисмидаги айланма зинага чиқилган. Барча миноралар каби Жарқўрғон минораси ҳам гумбазсимон муаззинхона билан якунланган. Минорада сакданиб қолган ёзувлар бу иншоот Хуросон ҳокими Султон Санжар буйруғи билан сарахслик уста Али ибн Муҳаммад бошчилигида барпо этилганлигидан далолат беради.

Термизнинг XXII асрлар меъморчилик туркумига ЗулКифл мақбараси ҳам киради. Афсонага кўра, ЗулКифл мақбарасида дафн этилган шахс Калифдалстиқомат қилган. Мўътабар ёшга етиб, ўз кунининг охирлашишини сезган бу зот муридларига уни сандиққа солиб, Жайхунга қўйиб юборишини буюрган. Шогирдлар айтиши шу йўсинда иш тутганлар, лекин сандиқ дарё оқимида тескари томонга қараб сузиб кетган. Оломон сандиқни Калифдан ҳозирги «Пайғамбар ороли» жойлашган ергача кузатиб келади. Айтиши шу ерда сандиқнинг қопқоғи очилиб, ундан пир чиқиб: «Оллоҳ таолога шу ер лозим экан», деб жон беради. Бир вақтнинг ўзида бу жойда орол пайдо бўлиб, пирни мурвдлари шу ерда дафн этишиб, унинг хоки устида мақбара бунёд этишади. Пайғамбар оролини ҳазрати Хизр билан Хожа алҲаким Термизийнинг учрашув жойи ҳам дейишади. Мавжуд тарихий далилларга кўра, бу мақбарада 992993 йилларда вафот этган машҳур араб лашкарбошиси Исҳоқ ибн Кувдаж дафн этилган. қабр атрофидаги иморатларнинг қурилиши XI асрда амалга оширилган, даставвал қабр ёнида пештоқли гумбазсимон масжид қурилиб, соғона тўғри бурчакли гўрхонага айлантирилган. XII асрда гўрхонанинг ғарбий томонидан гумбазсимон ёпилган ёрдамчи хоналар барпо этилган.

XIX асрлар меъморчилигида энг кўп тарқалган иншоотлардан бири марказий хонаси гумбазсимон услубда бунёд этилган мақбаралардир. Ана шундай меъморчилик иншоотларидан бири Рўшноий мақбарасидир, бу мақбара XI асрда бунёд этилган. Ёдгорлик АнгорТермиз йўлидан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган, обвда бир хонали мақбарадан иборат, бинонинг пастки қисми унчалик тўғри бўлмаган тўртбурчак шаклда, эшиги шарққа қараган. Унча катта бўлмаган, аммо чуқур пештоқ ярим гумбаз билан якунланувчи арк билан беркитилган, гумбаз эса саккиз қиррали арк кошонлари узра турибди. Мақбара 26x25x5 см ли хом ғиштдан тикланган, залнинг кенглиги томонлари билан қўшиб ҳисоблаганда 6 м ча келади. Меҳроб унча ёмон сақланмаган, аммо обиданинг ташқи деворлари ва гумбази ўтган замонлар мобайнида каттиқ зарарланган. Мақбара маркази аҳолининг мустақил равишда таъмирлашлари туфайли қониқарли ҳолатини сақлаб турибди. Аммо бундай таъмирлашлар оқибатида у аввалги аниқ шаклини йўқотиб кўполроқ кўринишга эга бўлиб қолган. Ёдгорликнинг гумбаз қисми пишган ғиштдан қайта тикланган, 1960 йилда мақбарани ўрганган ва ўлчаган В. А. Нильсон унинг XI асрга оид ёдгорлик эканлигини аниқлаган.

Султон Саодат Термиз саййидларининг даҳма мақбараси сифатида машҳурдир. Бу оилавий мажмуа асрлар давомида ташкил топган бутун бошли мукамал бир иншоотдир. Мажмуанинг энг қадимги қисми унинг жанубиғарбидаги XI асрда қурилган баланд гумбазли айвон пештоқи остидаги гўрлар билан тўла икки мақбарадир. Улардан биринчисининг ички ўлчами ЮхЮм, иккинчисиники 9х9 м бўлиб, икковини бирлаштирувчи гумбаз остидаги кенг майдон масжид хизматини бажарган. Унда шакли турлитуман ўйма ғиштлар жуда моқирона ва турли услубда терилган. Биринчи мақбарада IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган шу атрофдаги ерларнинг эгаСи, обрўли оила бошлиғи, Муҳаммад пайғамбарнинг авлодидан ҳисобланган Ҳасан алАмир исмли саййиднинг хоки ётибди. Бу зал ҳар хил шаклдаги ғиштлар билан турлитуман услубда терилган.

Қадимий Мовароуннаҳр сарзаминида шуҳрат тутиб жаҳон бўйлаб илму урфон таратган Бухоро, Самарқанд ва Урганч каби шаҳарлар сирасига Термиз шаҳри ҳам киради. Бунга, энг аввало, Термиз шаҳрининг қулай географик жойлашуви кўп жиҳатдан омил бўлиб хизмат қилгани сир эмас. Боиси, мавж уриб оқаётган асов Окс дарёси соҳилида қад кўтарган кўҳна Тарамата шаҳри ўзининг мустаҳкам мудофаа деворлари билан жаҳон фотиҳдари аҳамоний шохдар Кир ва Дорони қамда македониялик Искандар Зулқарнайнларни лол қолдирган эди. Термиз шаҳри Балх шаҳри каби зардуштийлик ва буддавийлик динларига ҳам маскан, ҳам Ватан экани фанда аллақачон ўз исботини топгандир. Бу икки шаҳар машҳур Аракс (Амударё)нинг ўнг ва сўл соҳилларида жойлашган ҳамда доимий равишда бирбирининг ижтимоийсиёсий ҳаётига ўзаро таъсир кўрсатиб турар эди. Ўнг соҳил шаҳри Термиз ва чап соҳил шаҳри Балх ўз тарихи ҳамда осориатикалари жиҳатидан қимматли қирраларни намоён этади.

IX асрларда яшаб дин соҳасида баракали асарлар ёзган зот Абу Абдуллоҳ алҲаким атТермизийнинг асарларини тадқиқ қилган мисрлик олим Абдул Фаттоҳ Бараканинг айтишича, у 205 ҳижрий йилда (820 милодий йил) таваллуд топган, 25 ёшга етгунча Мовароуннаҳр шаҳарларида таълим олган. Бу даврда унинг диний фанлардан асосан тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларини катта ғайрат билан ўқигани ривоят қилинади. У 27 ёшга етгач, ҳажга бора туриб, Бағдодда тўхтаган вақтида ҳам илмтаҳсилни давом эттирганини ўзининг таржимаиҳолига доир асари «Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ»да ёзади. Унда ҳали ўзи олган билимларидан қоника олмганини ҳам айтади ва шу вақтдан бошлаб ўз йўлини ўзгартириб, тасаввуф сулукига киради. АлҲаким «Асрор ассалот» («Намоз сирлари»), «Асрор ассавм» («Рўза сирлари»), «Асрор алҳаж» («Ҳаж сирлари») сингари бир қанча муҳим асарлар ёзади ва намоз, рўза, ҳаж каби ибодатларнинг инсонга фойдали бўлган ички ҳикматларини очиб беради.

Ҳаким атТермизий ўзининг қуръонга маъно айтиш, ҳадисни шарҳлаш ва фикҳ масалаларига амал қилиши билан тасаввуф йўлидан борганлигини ҳам таъкидлайди. У зоти шариф тасаввуф йўлини киши виждонига, қалбига ором берадиган ягона йўл деб тушунади. Шу билан баробар у мусулмон оламига IX ва X асрларнинг энг кўзга кўринган диний пешвоси ва ислом

дини таълимотини янада чуқурроқ талқин қилувчи буюк шариат арбобларидан бўлиб келади. АлҲаким ўзининг дадил фикрларини муросасизлик билан айтгани сабабли қаттиқ қийноқ ва азобларга қолади, ҳатто бир қанча вақт ўз элидан бадарға ҳам қилинади.

Ҳаким атТермизийнинг буюк мутасаввуф бўлиб етишишида унинг устозлари Абу Туроб анНахшабий, Аҳмад ибн Хизравия каби шайхлар билан қилган суҳбатлари муҳим аҳамиятга эга. Шом, Бағдод ва Миср мутасаввуф олимлари билан ҳам мулоқотларда бўлади ва бу билан Марказий Осиё тасаввуф илмини бойитади, камолот даражасига етказди. Ҳаким атТермизий Нишопурдаги маломатийа тариқатидан айниқса кучли даражада таъсирланади. Шу боисдан бу тариқатнинг йўли Мовароуннахрнинг кейинги асрлардаги мутасаввуфлари Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд сулуқларига таъсир қилади. Доктор Усмон ибн Яҳёнинг Ҳаким атТермизийнинг «Хатм алавлиё» асарига ёзган муқаддимасида айтишича, унинг кўп умри хилват ва узлатда ўтгани сабабли шогирдлари унча кўп эмас. Улар ичида машҳурларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар алҲаким алВарроқдир.

Бу улуғ зотнинг исмишарифи қадимий манбаларда қуйидагича битилади: Ашшайх Абу Бакр Муҳаммад бинни Умар алҲаким алВарроқ атТермизий. Ашшайх ва алҲаким унвон, Абу Бакр куня, Муҳаммад исми, Умар оталарининг исми, Варроқ таҳаллусидир. АтТермизий дейилишига боис, уни бошқа Варроқ таҳаллусли алломалардан фарқлаш учун ишлатилган ва шу орқали ул зоти шарифнинг термизлик эканлиги таъкидланган. Ўтмишда қадимий ва кўҳна китобларни қайта кўчириш ва муқовалаш билан шуғулланган кишиларга «варроқ» дейилган. Кейинчалик бу истилоҳ шоир ва адибларга нисбатан ҳам қўллана бошлайди. «Варроқ» сўзи арабча «вароқ» сўзидан олинган. Абу.Бакрга бу таҳаллус нима учун берилгани ноаниқ, аммо буюк юртдошимизнинг шеърӣ девони борлигини мутафаккир Алишер Навоӣ эътироф этади.

Варроқ Термизий асли Балхнинг Аёз деган жойида дунёга келган ва худди шу Балхдаги Сиёхжурд (гоҳо Сиёхгурд) қишлоғида оламдан кўз юмади, ўз васиятига кўра Термизда дафн этилади. Варроқнинг таваллуд санаси аниқ эмас, лекин алломанинг вафоти йили сифатида 907 (ҳижрий 294) йил қабул қилинган, бироқ бу санани ҳали барқарорлаштириш лозим. Варроқ умрининг маълум қисмини Балхда ўтказди ва машҳур сўфӣй Аҳмад Хизравия (вафоти 855)нинг яқин дўстларидан бири бўлган. Варроқнинг отабоблари термизлик, Варроқ зоти олийлари, буюк аждодимиз улуғ муҳаддис Исо Термизий (824-892)нинг тоғалари ҳамдир. Варроқ Термизий муқаддас «куръони Карим»дан ташқари яна осмонӣй китоблардан «Таврот» ва «Инжил» ларни ҳам ўқиган бўлиб, ўз даврининг энг одобли авлиёси деган ном билан шуҳрат қозонган. «Таврот» ва «Инжил»ни ўқӣй оладиган киши, табиӣйки, яҳудӣй ва юнон тилларини мукаммал эгаллаган бўлиши лозим эди, демак, Варроқ бу тилларни бекаму кўст билган.

Юсуф Ҳайёт Термизий IXX асрлар етук шайхи, ислом дини

донишмандларидан биридир. У киши сўзда жуда ўткир бўлган, унинг ажойиб фазилатларини Варроқ Термизий юқори баҳолаган. Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да донишмандона таъбирлардан, маъномоҳияти обдон шарҳланиши лозим ҳикматлардан биттасини Юсуф Ҳайёт Термизийдан келтиради: «Сен уйингдан қанчалар узоққа кетма, барибир, қайта уйингга қайтасан». Ҳайёт Термизийнинг бу айтганларидан муқаддасроқ шуки, инсон нечоғлик юксак уфқларга, фахру ғурурга интилмасин, у, албатта, уйига тупроққа қайтади, у тупроқдан яратилган ва тагин тупроққа ўзлигига қайтиши муқаррар. Варроқ Термизий айтар эканки: «Ҳайёт Термизийнинг бу сўзлари юз йиллик ибодатдан яхшироқдир».

### **Абу Исо Муҳаммад атТермизий**

Дунё илму маърифатида алоҳида обрўга эга бўлган Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо азЗарир атТермизий алБуғий хижрий 209 (милодий 824) йили Шеробод туманидаги Чуқурқўл қишлоғида таваллуд топган. Нуриддин Атар «АлИмом атТермизий валМувазанат байна жомиъихи ва байнассаҳийҳайн» (Дамашқ, 1988) китобида АлИмом атТермизий Шерободдаги Буғ қишлоғида оддий камбағал бир оилада хижрий 209 йилда таваллуд топганлигини ёзади. Тарихчи олим Абу Саъад Абулкарим асСамъоний (1113 1167) ўзининг «Китоб аласноб» китобида Имом атТермизий Буғ қишлоғида вафот этганлиги учун алБуғий тахаллуси билан ҳам аталгани ҳақида ёзишига эътибор берсак, Буғ қишлоғи Термиздан шимолишарққа, Шеробод туманида жойлашганлиги, ўша даврда бу қишлоққа таълим олиш учун имконият йўқлиги туфайли илм истаб мадраса бор жойга бориб таълим олганлигини билиш мумкин. Имом атТермизий ёшлигидан ўта зийрак, тиришқоқ, аклидрокли бўлганлиги учун ўз юртини ташлаб, дастлабки савод ва билимларни эгаллаш мақсадида аввал Термизга, кейинчалик Бухоро шаҳрига боради. Ўша даврда йирик илмий марказлардан бўлган Ҳирот, Самарқанд, Марв ва Балхда ижод қилган олиму фозилларнинг асарларини кунт билан ўрганиб, аклидрок ва одоб маҳсулини мужассамлаштириб, ҳадис илмини ўрганишга дадил киришади. Талабалик йилларида у кишида ислом илоҳиётига, ҳадиснависликка сидқидилдан эътиқод, самимий содиқлик (чунки айрим мусулмонлар, руҳонийлар хурофот, бидъат, жохиллик доирасига кириб кетган эдилар) сифатлари шаклланади. Имом атТермизий ислом илми, ҳадиснавислик билан бир қаторда Ҳижоз, Макка, Мадина, Ироқ, Хуросон, Дамашқ каби шаҳарларда бўлганида илм алқироат, албаён, фикҳ, тарих, фалакиёт каби фанларни мунтазам ўрганиб, йирик қомусий олим сифатида машҳур бўлади. Ҳадис илмини мукаммаллаштириш, баён этиш, қайтақайта таҳлил этиш мобайнида тўпланган тажрибасини умумлаштириб қуйидаги услубда иш юритади, яъни Саҳийҳ (тўғри, ишончли), Ҳасан (яхши, маъқул), Заиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати). Бўлажак олим устози, бутун ислом Шарқида ҳадис илмининг асосчиси ва бобокалони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил алБухорийга эргашиб Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳаёти, ижтимоий фаолияти, нутқ ва кўрсатмаларини тўплаб, ўргана

бошлайди. Олим ўз илмини янада ривожлантириш мақсадида кўплаб олиму фозиллар суҳбатида бўлиб, аксар баҳсли масалаларни ҳамкорликда ҳал этиб боради. Шу туфайли Имом Муслим, Абу Довуд, кутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн ғийлон, Сўфён ибн Вақийъ ва бошқалар Имом атТермизийни яқин шогирд ва дўст тутганлар. Илм аҳли ва ислом оламида кенг танилган Исо атТермизий ҳадис илмини халқ орасида тарғиб қилишда, унинг ҳаққоний илмий баёнини таҳлил этишда Абу ибн Муҳаммад анНасафий, Ҳамид ибн Шокир, Макхул ибн алФазл, Абу алАббос Муҳаммад ибн Маҳбуб алМаҳбубий каби ўнлаб шогирдларга устозлик қилиб, уларнинг халқ орасида танилишига ҳисса қўшади.

Абулҳасан Али бинни Муҳаммад Мунжик Термизий ўз даврининг йирик шоири, ҳажвиётда яловбардор, беқиёс машшоқ, хушовоз ҳофиз бўлиб Чағониён амирлари саройида нашъу намо топади. Мунжик манбаларда Чағониён амирлари Тохир ибн Фазл (хукмронлиги 988992) ва Абул Музаффар (хукмронлиги 9921010)ларнинг маддоҳи сифатида тилга олинади ҳамда қасидаларининг бениҳоя бадиийлиги мақталади. Шоир Термиз атрофидаги Мунжик номли қишлоқда туғилган ва таҳаллуси боис уни Мунжик Термизий, Мунжикий Термизий, кўпинча Мунжик, гоҳо Мунжикий деб аташади, ўзи эса шеърларида Мунжик сўзини қўллайди. Мунжикнинг ҳаёт йўли ҳақида кўп нарса билмаймиз, унинг\* таваллуд ва вафоти санаси, Чағониёнга келгунча маскани, таҳсил йиллари қаерда кечгани, Чағониёнда неча муддат тургани, сўнгра қайси томонларга равона бўлгани аниқ эмас. Шоирнинг бой ижодий меросидан бизгача атиги 517 мисра шеър етиб келган ва булар адиб маҳоратига доир айрим нуқталарни англашда қўл келади.

### **Абул Музаффар Термизий**

У ўз даврининг машҳур шайхи ва тасаввуф олимла РВДан биридир. Алишер Навоийнинг ёзишича, Абул Музаффар Термизийнинг севган сўзлари ушбулар экан: «Кимки сенга яхшилик қилса, сени ўзига яқинлаштиради, демак, у сени ипсиз боғлаб олади, кимки ёмонлик қилса, сени ўзидан узоқлаштиради, узоқлаштириш ипсиз боғлашдан авлороқдир. Озодлик яхшими, қуллик?». Абул Музаффарнинг ушбу сўзлари замирида ғоят улкан маъно ва моҳият, мантиқ ва мазмун тажассум, тасаввуф илмида худо васлига етмоқ учун ранжу алам чекиш ғоялари илгари сурилади. Сабаби, мақсадга осонгина етишга интилмаслик мақбул, унинг лаззати, унинг мазаси қийноқларда намоён бўлади, қолаверса, бир инсон бошқасига муте бўлмаслиги лозим.

Оллоҳ таолонинг олий неъматинсон, у ҳур ва эркин, озод ва беғубор мавжудотлар тоифасига мансуб. Абул Музаффар Термизий машҳур шайх, тасаввуф илмининг таниқли пешвоси Ҳаким атТермизий масжиди (мақбараси)нинг бош шайхулисломи вазифасини бажарган.

**АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ.** Собир Термизий Шаҳобиддин ибн Исмоил (1147 йили вафот этган) машҳур шоир, форс тилида ижод этган. У золим амир деб ном чиқарган Термиз амири Ахтитни майпарастликда айблаб, ҳажвия ёзган. Султон Санжар (11181157) саройида Марвда ҳам

яшаган. Умрининг охирида Хоразмга боради ва Хоразм шоҳи Отсиз (1127/1156) унинг оёққўлини боғлаб, Амударёга чўктириб

**ЖАВҲАРИЙ.** Заргар Термизий, XIX асрлар шоири, асли бухоролик, таҳсилни Термизда олади. Адиб Собирнинг шогирди, қасидалари ўзгача услубда битилган. «Машшоқ аёл ва амир Аҳмад» ҳикоятининг муаллифи.

**ЖАЛОЛИДДИН.** Жалолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн Термизий, машҳур фалакиётчи олим.

**АЛОВУДДИН ТЕРМИЗИЙ.** Саййид лақаби билан машҳур (XIII асрда яшаган). У ҳам замонасининг фикр ва ҳадис илми билимдонларидан бири.

**АҲМАД АТТЕРМИЗИЙ.** XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида яшаб ўтган. Даврининг йирик ҳаками, заргари, фалакиёт илми ва илми нужумда бекиёс бўлган. Аҳмад атТермизий забардаст шоир, унинг форсий ва туркий тилда битган шеърлар девони мавжуд.

**Чағониён тарихига чизгилар.** Кўҳна Сурхон воҳаси Бактрия давлати таркибидаги вилоятлар сирасига кирган, бу мил. авв. IXVIII асрларга тўғри келади. Кейинги асрларда Бактрия сарҳадларида янги давлатлар барпо бўлиб, Бактрия шу янги давлатларнинг таркибий қисмларига айлана бошлайди.

Чағониён атамаси ёзма манбаларда VI асрдан бошлаб учрайди ва солномавис адДиноварий (вафоти 952)нинг «Китоб алахбор»да битишича, сосоний Хусрав I Анушервон (ҳукмронлиги 531/579) кўшинлари Эфталийлар давлатининг Тохаристон, Кобулистон ва Чағониён вилоятларини босиб олади. Тарихий воқеаларга мурожаат қилсак, 563/567 йилларда эфталийлар билан туркий ҳоконликлар ўртасида Бухоро ўртасида тўқнашув рўй беради ва уларнинг биринчиси қаттиқ шикаст топади. Шикаст топган эфталийларнинг қолганқутган қисми Чағониёнга чекинади ва асли эфталийлардан бўлган Чағониён ҳокими Фағонишни ўзларига йўлбошчи қилиб кўтарадилар. 571 йили Чағониён Хусрав I Анушервон ихтиёрига ўтади. Бу ҳодиса икки хил изохданади: Фағониш гўё туркий ҳоконларга қарши курашда Анушервонга таянмоқчи бўлган ёки турк ҳокони Истамий билан Анушервон шартномасига биноан Чағониён сосонийларга тегади. Чағониён Эфталийлар давлати таркибида етмиш йил турди, ҳатто, Чағониён ҳокими эфталийлар уюшмасининг раҳнамосига айланди, кўринадик, Чағониён Сосонийлар ва Эфталийлар давлати таркибида кўп жиҳатдан мустақил бўлган. Чағониёнда VII асрга келиб сулола алмашуви рўй беради эфталийлар ўрнига турк ҳоконлиги сулоласи устуворлиги кучайди. Чағониёни идора қилган эски чағонхудотлар сулоласи ўз мавқеини сақлаб қолган ҳолда Турк ҳоконларига суяндилар, туркий қабилаларнинг Чағониёнга кириб келиши 589 йиддан бошланади.

Турк ҳокони (қоон, қоғон, ҳокон, хон) Тун Ябғу (Ябу, жабу, хукмдор, бак, бек, бий, 618/680 йиллар) даврида Тохаристонни бошқариш унинг ўғли Тарду Шоди зиммасига юклатилади. Чағониёнда туркий қабилалар сулоласи мустаҳкамланиб борди. Чағониён ҳукмрони Тиш Узоқ Шарқ манша (718/719)ларида Тохаристон ябғуси, яъни бош ҳукмрони тарзида тилга олинишининг ўзи жиддий воқеадир. Ана шу Тиш Чағониённинг

чағонхудоти ўз қўшнилари Шуман ва Ахарун ҳукмрон (қоратоғ дарёси ва Ҳисор воҳаси ўлка)ларини бўйсундириш учун қутайба лашкарларини мададга чақиради. Мовароуннаҳр ерларига ондасонда ҳужум қилиб, талонторожлик юришларини амалга ошириб турган араблар учун бу қулай ҳодиса эди. Шу муносабат билан араб қўшинлари Сурхон воҳасига кириб келди ва Чағониённи эгаллаб олади. Арабларнинг Чағониёнга илк ҳужуми 667 йилда рўй берган эди, 651 йили араб қўшини бошлиғи билан Чағониён шоҳи яккамайка жанг қилганини яхши биламиз. Бу ҳодиса ва воқеалардан шу нарса аниқки, Чағониён шоҳи, демак, бутун бошли араб босқинига қарши ҳаракатнинг раҳнамоси бўлган. қолаверса, 650 йилларда Чағониён ўлкасининг ҳокими Туронтош эди, унинг исми туркий тилли аҳоли вакили эканини аниқ кўрсатиб турибди. Бинобарин, илк ўрта асрларда Тохаристонда туркий халқпарнинг алоҳида сиёсий ва ижтимоий мавқеини илмий тадқиқотлар исботлаб турибди. Қутайбанинг Чағониёнга кириб келиши билан Чағониён янги ислом дини таъсирига берилиб кетди деб бўлмайди, балки асл бошқарув ҳалихануз чағонхудотлар ихтиёрида эди ва уларнинг ҳукумати юз йилга яқин турган. ғалати томони шундаки, Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларига юриш қилган араб қўшинларига биринчи галда Чағониён худотлари (Мовароуннаҳр вилоятларини араб истилосигача бўлган даврда турли номларда аталувчи маҳаллий ҳукмронлар бошқарганлар, яъни Термизни шоҳ, Бухоро ва Чағониённи худот, Сўғдни ишхид, Фарғонани афшин, Хўжандни дехқон, Хоразмни подшоҳ) ҳарбий кўмак берар эди. Чунончи, 706 йилги қутайба бинни Муслимнинг Бухоро ва Пайкандга ҳамда 737 йилги Асад бинни Абдуллоҳнинг Хуттал (Хаптал, Эфтал) ҳамда турк ҳоқонлигига қарши юришларида Чағонхудот шахсан ҳамроҳ бўлган.

қолаверса, VII асрнинг 70йилларида бошланган Муқанна раҳнамолигидаги оқ кийимлилар ҳаракатига чағонхудотлар рўйхушлик билдиришмади, балки уларга қарши сиёсат юритишди.

Чағониён мулки Тохаристон таркибидаги энг йирик ва энг кучли ўлка эди, боиси бу ўлканинг ўзига хос анъаналари ҳамда ажойиб сулолавий тарихи мавжуддир. Бу ҳудудда каттакатта қишлоқлар ва улкан шаҳарлар қад кўтара бошлади, бу юрт ўзида зарб қилинган хусусий тангаларига эга эди. Чағониён ҳукмронлари бошқа узоқ ва яқин ҳукуматлар билан диний, иқтисодий ҳамда сулолавий алоқаларни яхши йўлга қўйди, оқибатда, савдосотиқ ишлари анча ривож топди. Айниқса, Афросиёб саройи харобалари топилиб очилгандан кейин Самарқанд шоҳи Вархуман саройи деворларида битилган битиклар ўқилгач, шу нарса аниқландики, VII асрнинг иккинчи ярмида Самарқандга (650-670) Чағониён давлати элчиларига девонхона бошлиғи, яъни дапират (дабир ёзувчи, котиб) раҳбарлик қилган экан ва Самарқанд шоҳи Вархуманга совғасаломлар билан биргаликда келин ҳам олиб келган экан. Яна ҳам қизиғи шундаки, чағонхудотларнинг ҳукмронлиги кезларида 719 йилда чағонхудот Тиш (Тиштрия Сириус, авесточа, энг равшан юлдуз) тарафидан Чин (Хитой)га Монийлик дини пешвоси МоЖо бошчилигидаги элчилар жўнатилганини

кам биламиз. қаранг, Сурхон воҳаси Зардуштийлик ва Буддавийлик динларининг маскани бўлиши баробарида бу ерда, демак, Монийлик дини ҳам ривож топган ва расм бўлган экан.

Чағониён амирлиги сарҳадлари кенг бўлиб, унинг ҳудудларига Бойсуну Дарбанд, шимолдан Ҳисору Душанбе, жанубдан Жарқўрғондан юқори туманлар, шарқдан Боботоғ этакларигача чўзилган заминлар кирган. Умумвоҳа Чағониён номи билан юритилган, қадимда Сурхон дарёси эса Чағонруд дейилган, Чағониён ва Чағонруд кўҳна сак элати номи ила ҳамоҳангликлар касб этади, яъни дарё атамаси Саконруд Шаконруднинг талаффуздаги ўзгаришлари натижасидир. Бу эса Чағониён (Сакониён Шакониён ёхуд Чағон, Сакон, Шакон, Чакон)га ҳам тўқис тааллуқлидир. Зеро, бу ном айримлар айтганидек, Чағона сўзи (қизил ёки мусиқа асбоби)га мутлақо алоқадор эмас. Сакларнинг Бақтрия билан алоқаси қадимдан мавжуд эканлиги маълум, чунончи, аҳамонийлар давридаёқ, балким ундан ҳам илгари сак ва бохтарларнинг қўшинлари ягона лашкарга бириктирилиб ЭронЮнон урушларида қатнашганини яхши биламиз. Чағониённинг қадимги маркази ҳозирги қизилсув (Сангардак)нинг Сурхонга қуйиладиган чап соҳилида харобага айланган Будрачтепа ўрнида бўлган, кейинроқ бу марказ ҳозирги Деновга кўчган. Воҳа ҳам, унинг маркази ҳам Чағониён дейилган. Араб манбаларида Чағониён Сағониён тарзида битилган. Бу эса араб тилида «ч» товушининг йўқлиги туфайли рўй берган ҳодисадир.

Чағониён кўҳна замин, у турли замонларда турфа номларда аталади, чунончи, Бақтрия, ЮнонБақтрия, Кушон, Тохаристон, Чағониён ва ниҳоят ҳозирги атамаси Сурхондарё номини олган. Бақтрия деган юртда Бубакен, Габоз, Парейтакен номли вилоятлар борлиги тарихда қайд этилган ва Рустам ҳамда Алпомиш туркум достонларининг яратилиши, тарқалиши ҳолатлари ҳам Сурхон замини билан боғлиқ эканлиги жуда муҳимдир.

**Чағонруд паҳлавонлар юрти.** «Алпомиш» достони Сурхон воҳаси замини ила боғлиқ ва у шу ўлка бағрида йўғрилган, достонда таърифланган Бойсун кўнғирот эли ва Бобоҳон тоғи атамаларининг ўзи бунга аниқ далил. Юнон муаррихларидан Аристокл, Клитарх, Птолемей Лаг ва қисман Каллисфен солномаларида (уларнинг барчаси Искандар ҳарбий юришларининг иштирокчилари ва лашкарбошилари) қадим Бақтриянинг саховатли, серунум, гўзал гўшаларидан саналмиш Парейтакен сингари вилоятлари ҳақида хабарлар берилади. ПарейтакенШеробод воҳаси, Габоз, Бойсун воҳаси, Бубакен эса Боботоғ (Бобоҳон, Бобокон, Бобокен) этакларида жойлашган сўлим воҳа эканлиги аллақачон ўз исботини топган. Парейтакен тоғли ўлка маъносига эга, боиси поурата, парвата кўҳна санскритчада тоғ демакдир. Чунончи, Кўҳитанг этакларидаги қишлоқларнинг бир туркум номда яқинияқинларгача Даҳпаркент (гоҳи Даҳпарикент) деб аталиши бунинг жонли гувоҳидир. Зеро, Парейтакен ва Даҳпаркент таркибида «пар» бирикмаси мавжудлиги бунинг тўқис исботи (Паркана, Фарғона ва Паркент ҳам шундан)дир. «Бу юртда мил. авв. VIII-VII асрларда «қадимги Бақтрия подшолиги» ташкил топди. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар шу юртда шаклланди. Бу юрт

зардуштийлик динининг илк маконидир».

Бойсун номли маскан қорақалпоқ заминида ҳам мавжуд, боиси чорвадор эллар тиним ва қўним билмай кўчиб юришган, зеро, чорвадор учун яйлов яшаш манбаи, ҳаётий зарурат. Кўчманчи чорвадорлар қайси масканга келиб қўнмасинлар, одатан, ўзларининг илк масканлари номини табиий равишда янги масканга олиб келишган. Энди Бойсун номининг шимолдан жанубгами ёки жанубдан шимолгами бориб қолишига келсак, айнан шимолдан жанубга кўчиш билан боғлиқ фаразларга ёпишиб олиш масаланинг туб моҳияти ечимини акс эттира олмайди. Чунки кўчманчи чорвадор элат фақат жанубга эмас, балки жанубдан шимолга ҳам силжиб турган ва бу жараён узлуксиз давом этган, яъни акс таъсирлар ҳодисаси ҳам зинҳор эътибордан соқит қилинмаслиги лозим.

Бизнинг воҳа Сурхондарё деб аталади, жой номларининг аксари дарё номи ила аталиши кўҳна тарихдан маълум, чунончи, Сурхондарё, қашқадарё, Мурғоб (Марғиёна) ва ҳоказо. қадимги Сурхондарёни Чағонруд, умумвоҳани эса Чағониён деб юритишган. Ушбу атама, Г.А Пугаченкованинг фикрича, кўчманчи саклар номи ила чамбарчаслик касб этади. Чағонруд асли Саконруд ёки Шаконруднинг, Чағониён бўлса, Сакониён ва Шакониён атамаларининг талаффуздаги ўзгаришлари натижасидир. Инглиз олми И.Маркварт эса Чағон сўзи мўғулча Цаган (оқ) сўзидан келиб чиққан, деган фаразни илгари суради. Чунончи, воҳамизнинг юртсевар ва элпарвар шоири Низомжон Парда Амударёнинг Окдарё деб аталган манбага дуч келганини ҳикоя қилади. Академик Э.В.Ртвеладзенинг гумонича, Чағон сўзига кўплик «он» қўшимчаси кейинги асрларда илова этилган. Башарти Чағон сўзининг ўзаги Чағ бўлса, у ҳолда Чағониён атамасига биратўла иккита кўплик «он» қўшимчаси тиркалган бўлиб чиқади.

«Авесто»да ана шу саклар Тур деб битилади ва улар кўчманчи бўлгани айтилади, Турнинг Турк сўзига алоқаси борйўклиги ҳозирча баҳсли. Айрим фаразларга кўра Турк сўзидаги «к» товуши, эҳтимол, авесточа ёки бақтарча «лар» кўплик қўшимчасини ифода этган. Бу хил ҳодисани тожик (тази, този, тозик) сўзидаги «к» товуши мисолида ҳам яққол кўрса бўлади. Энг қадимги замонларда сакларни, тарихчи Полибийнинг ёзишича, «Аспасиак» дейишган. Улар Окс (Амударё) ва Танаис (Дон) дарёлари оралиғида яшаган, лекин кўпчилик Танаисни Искандар юришларигача Сирдарё деб тушунган, Сирдарё эса, Аристокл таъкидлаганидек, Яксарт деб аталган. Аспасиак таркибидаги аспа, асп от; саик, саак, сак чавандоз маъносини англатади, худди шу чавандоз турларни, Герадотнинг хабарича, эронийлар сак, юнонлар скиф деб аташар экан. Сак сўзи шу каби кудратли, эпчил, чаққон, жасур, азамат, мард маъноларига эга эканлиги кўплаб манбаларда ўз таъкидини топган. Гоҳо уларни Испака, Спака, Сабака, Сак тарзида шарҳлаб, нечундир ўта ғайриилмий фаразлар ўртага ташланади. Жумладан, «Авесто»да Спаа бирикмаси учрайди. Бу эса аспа отнинг бузилган шакли, чунки кейинги сўзда олд «а» унлисининг тушиши (прокопа ҳодисаси) рўй берган.

**Чағонийён амирлари.** Чағонийёнда X аср охири XI асрнинг биринчи чорагида амирлар сулоласи ҳукмронлик қилади ҳамда бу сулолага Амир алМухтож деган шахс асос солганлиги боис сулола унинг номи билан мухтожийлар сулоласи деб юритилади. АлМухтожнинг исми шарифини билмаймиз, ёзма манбаларда унинг номи нари борса, Амир алМухтож Чағоний шаклида битилгани учраб туради, холос. Афтидан, мухтожийлар сулоласи сомонийларга ойлавий яқин бўлган, Исмоил Сомоний (ҳукмронлиги 892907 йиллар)нинг ўзи ҳам мухтожийлар хонадонини қўллабқувватлаган. Чунки Исмоил Сомоний, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Термиз атрофидаги Сомон қишлоғидан ва ҳатто Термиз шаҳри маълум муддат бекорга шаҳри Сомон деб номланмаган бўлса керак. қолаверса, мамлакат ҳукмрони Исмоил Сомоний (таваллуди 849 йил) тезтез Термиз ва Чағонийёнга ташриф буюриб турган ва унинг Маҳсума (асли Моҳисиймо) исмли қизига Термиз саййидларининг асосчиси Ҳасан алАмир (865 йилдан Термизда яшай бошлаган)нинг ўғли Саййид Амир Абдулла уйланади. Ҳасан алАмир ҳазрат Али ва Биби Фотима авлодларидан бўлиб, унинг отаси Амир Ҳусайн, бобоси эса Жафъар алХужжат Мадина ҳокими лавозимида фаолият кўрсатган. Жафъар алХужжатнинг отаси Амир Убайдулла ҳатто халифа алМансур (754 755) даврида халифа деб эълон қилинади. Амир Убайдулланинг отаси Ҳусайн алАсқар, бобоси эса Али номда юритилган, Алининг отаси ҳазрат Али ва Биби Фотималарнинг фарзанди Ҳусайндир. Ҳусайн сўнгги сосоний шоҳи Яздигарднинг қизига уйланади ва бош фарзандларига ҳазрат Али ибн Абу Толиб шарафига Али деб исм қўядилар. Термизлик саййидларнинг шажараси Ҳасан алАмрдан ибтидо топади ва бу шажара авлодлари ҳазрат Али ҳамда Биби Фотиманинг давомчиларвдир. Демак, Ҳасан алАмир ибн Амир Ҳусайн ибн Жафъар алХужжат ибн Амир Убайдулла ибн Ҳусайн алАсқар ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб Термиз саййидлари шажарасининг бош аجدодлари қаторида туради. қисқаси, Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон (ҳукмронлиги 892907 йиллар) ва Ҳасан алАмир қудаандачилиги ҳамда Саййид Амир Абдулла ва Маҳсумадан тарқалган авлодлар эндиликда саййид эмас, балки худовандзода лақаби билан атала бошлайди.

Чағонийён амирлигининг Сомонийлар салтанати (875999)даги нуфузи ғоятда катта бўлиб, бу сулоладан чиққан амирлар аксар Хуросон ноиблигини бажарган. Чунончи, чағонийлар сулоласининг ажойиб бир вакили Абу Бакр 930939 йиллар Чағонийёни бошқарган ва айни замонда у 933 йилдан эътиборан Хуросон ноиби ҳам эди. Бу дегани, Сомонийлар салтанатининг тенг ярми унинг тасарруфида эканини англатади ва катта ҳуқуқ, улкан имтиёз ноиб ихтиёрида бўлган. Чағонийлар сулоласининг асосчиси Мухтож Чағоний ҳисобланади, бироқ у амирлик қилган давр саналари ҳозирга қадар ноаниқ қолиб келмоқда. Худди шу сулолага мансуб Тохир Чағонийнинг исмишарифи «Ашъори ҳамасрони Рудакй»да тўлиқ келтирилади: Амир Абу Яҳё Тохир ибн Абул Аббос Фазл ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саид Музаффар ибн Мухтож Чағоний. Ана шу ррқали

Абу Бакрнинг исми Муҳаммад экани ва Абу Саид Музаффар унинг падари бузруквори эканини билиб оламиз. Айни пайтда сулола асосчиси Муҳтож Чағоний биз сўз юритаётган Амир Абу Бакр Муҳаммаднинг бобосидир. Абу Бакр Муҳаммад 930 йили Чағониёнда ҳукмронликни бошлаган бўлса, табиийки, унгача Чағониёни унинг отаси Абу Саид Музаффар ҳамда бобоси Муҳтож Чағоний бошқарган ва улар ҳукмронлиги саналарини 900 ва 930 йиллар орасидан излаган маъқул. Демак, сулоланинг ибтидоси 900 йиллар билан боғлиқ ва бу сулола ҳукмронлиги XI асрнинг 30йилларигача давом этган. Зеро, чағонийлар сулоласининг биз билган охирғи вакилларида бири Фахр удДавла 10101018 йилларда Чағониёнда амирлик қилган.

Абу Бакр Муҳаммаддан сўнг Чағониён амирлиги машҳур Абу Али Чағонийга тегади, у Абул Аббос, яъни Тохир Чағонийнинг отаси билан акаука. Хулоса шуки, Абу Али ва Абул Аббослар Абу Бакрнинг ўғлонлари ва Чағониён амирлиги Абу Алига ота мерос экан. Абу Али Чағониёни 939952 йиллар давомида бошқаради ва 945 йилгача Хуросон ноиблигини бажаради, боиси 945 йилга келиб Амир Нух ибн Наср (943954) уни Хуросон ноиблигидан четлатади. Оқибатда 947 йилги машъум воқеа, яъни Нух ибн Насрнинг Бухородан Самарқандга қувилиши содир бўлади, Абу Али бўлса маълум муддат Бухоронинг Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад қўлида сақланишини таъминлаб турган. Абу Алининг Нух ибн Насрга қарши исён кўтариши кўп жиҳатлари билан унинг Хуросон ноиблигидан четлатилишига бориб тақалади. Нух ибн Наср, ниҳоят 952 йилга келиб Абу Али Чағонийни қайта Хуросон ноиблигига тайинлашга мажбур бўлади. Абу Али ўз навбатида Чағониён амирлигини ўғли Абу Мансур Насрга топширади ва ўзи, асосан, Хуросон ноиблиги юмушлари билан машғул бўлади, Абу Али 955 йили Хуросонда тарқалган вабо касалидан вафот этади.

Абу Али Чағоний ва Нух ибн Наср можароларига мабодо яна қайтадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, Нух ибн Наср даврига келиб мамлакатда алғовдалғов ҳодисалар, зиддиятли воқеалар кучайиб кетади. Нух ибн Насрдан норози бўлган қўшин ва лашкар, айниқса қўшин бошлиқлари ўртасида палапартишлик сезиларли тус олади, шу кезларда Чағониён амири ва Хуросон ноиби Абу Али нечундир Амир Нух ибн Насрга қарши исён кўтаради. Ана шу исёндан фойдаланган Нух ибн Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад Бухорони эгаллайди ва Абу Али қўшинлари ёрдамида сомонийлар тахтига эга бўлади. Аммо Иброҳим ибн Аҳмад тахтда узоқ туролмайди, сабаби Абу Али қўшинлари шаҳар ахлининг маълум норозиликлари туфайли Бухорони ташлаб чиқиб кетадилар. Шундан сўнг Нух ибн Наср Бухорога қайтади (бунгача Нух Самарқандда бир оз турган эди), тахтни қайта қўлга киритиб, биринчи гадда исёнчи кариндошуруғларини жазолашга ҳукми олий беради. Абу Али Чағонийнинг марказий ҳокимият билан кураши ва низолари давом этаверади, икки ўртада тузилган битим ва шартномаларда Нух ибн Наср ҳатто Чағониён ҳокими Абу Алига кўп масалаларда ён босишга мажбур бўлган эди. Бу келишмовчиликлар Нух ибн Наср вафотидан сўнг унинг ўғли Абдумалик

(954961) замонида ҳам ўз асоратини йўқотмаган.

Наршахий матнини шарҳлашга ўтсак, маълумотда ғализлик бор. Масалан, Абу Али Исфаконий эмас, балки Чағонийдир, унинг Нишопур амири бўлгани аниқ эмас, лекин у Хуросон ноибиди. Тўғри, Хуросон ноибларининг Нишопур амири дейилишига боис, ўша кезларда Хуросон минтақасининг маъмурий маркази Нишопур эди ҳамда Хуросон ноибиди ва Нишопур амири атамалари синоним сифатида ишлатилган. Абу Али Чағоний ҳатто Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги (914-943)нинг охириги йиллари ҳам Хуросон ноибиди бўлган кўринади. Дарҳақиқат, Абу Али билан Нух ибн Наср (943-954) ёки Абдумалик (954-961) ўртасидаги зиддиятлар ундан ҳам олдинроқ бошланганини тахмин этиш мумкин. Чунки Абу Алининг отаси Абу Бакр 939 у. йили оламдан ўтади, у 930-939 йиллар оралиғида Чағоний ҳокими эди. Абу Бакр 933 йилдан бошлаб Наср ибн Аҳмад (914-943)нинг хоҳишироҳи билан Хуросон ноибиди вазифасини ҳам бажара бошлайди. Абу Бакр вафоти (939)дан сўнг Чағоний ҳокимлиги ва Хуросон ноиблиги унинг ўғли Абу Али Чағоний зиммасига юкланди. Худди шу воқеалар Наср ибн Аҳмад (914-943) даврида бўй берган ва Абу Али Чағоний 945 йилга келиб, яъни Нух ибн Наср (943-954) замонида Хуросон ноиблигидан четлатилди. Демак, Абу Алининг исми, норозиликлари, асосан, Нух ибн Наср замонида тўғри келар экан. Ана шу ўзаро келишмовчиликлар 945 йилдан 952 йилгача ва ҳатто ундан кейин ҳам давом этганини гумон қилиш мумкин. Абу Али Чағоний 952 йили қайта Хуросон ноиблигига тайинланади, бу Абу Алининг Сомонийлар салтанати сиёсий майдонида устувор мақомга эгалигини намойиш этади. Бундан ташқари, Абу Алининг сиёсий майдондаги обрўи Абдумалик амирлиги йиллари (954-961) ҳам давом этганлиги муқаррар ҳақиқатдир.

Абу Али Чағоний 945 йилда Хуросон ноиблигидан четлатилгани ҳақида айтиб ўтдик, ана шу кезлар Абу Али ўз иниси Абул Аббос Фазлни Жабал вилояти (Тус, Рай, Ширвон томонлар)га ҳоким этиб тайинлайди. Жабал арабча тоғ демакдир, бу минтақалар ҳозирда Кўх(тоғ)истон (Доғистонни эсланг) дейилади. Герадотнинг гувоҳлигича, қадимда бу заминда паретакен қабилалари яшаган. Шундай қилиб, яна Абул Аббосга қайтсак, у ўз оғаси Абу Али ҳукмига тескари Жабалга бормай, Бухорога боргани ва Нух ибн Наср унга Шош ҳокимлигини берганидан хабардормиз. Афтидан, Нух ибн Наср оғаниларнинг ўзаро ихтилофларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилган. Бу воқеалардан сўнг Нух ибн Наср ва Абу Али ихтилофлари ғоят жиддийлашади, Абу Али 946 йили Насрга қарши жангга киради, биринчи галда Хуросон ноиблигига янги тайинланган Нишопурдан Иброҳим бинни Симжурийни ҳайдаб юборади. Кейин катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухорони босади, Наср Самарқандга қочади, Абу Али эса Амир Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад номига хутба ўқитади. Абу Али 946 йилнинг декабридан 947 йилнинг мартигача Бухорода туради, аммо Бухоро аҳолисининг норозилиги сабаб у Чағонийга

қайтишга мажбур бўлади. Ниҳояси кўринмаган бу курашлар 948 йилнинг декабрь ойида сулҳ тузиш билан тўхтади, сулҳга кўра Чағониён ҳокимлиги.Абу Алига қолади. Бунинг эвазига Абу Али Чағонийнинг ўғли Абул Музаффар Абдуллоҳ ибн Аҳмад гаровга олинади, Бухорода Абул Музаффар ҳурмат билан қаршиланади. Бу орада Абу Али ва Амир Нух ибн Наср (943954) муносабатлари анча иликлашади. Ана шу воқеалар Гардизийнинг «Зайнул ахбор» асарида ҳам келтирилади, айтилишича, гаровга олинган Абул Музаффар Бухорода бахтсиз тасодиф туфайли отдан йиқилиб ўлади. Бу бахтсиз ҳодиса муносабатларга совуқлик солмаган кўринади. Абул Музаффарнинг жасади Чағониёнга олиб келинади ва дафн этилади. Абул Музаффар вафотидан икки ой ўтгач, Хуросон сипоҳсолорлиги қайта Абу Алига тегади, Чағониён ва Термиз амирлиги Абу Алининг ўғли Абу Мансур Наср ибн Аҳмадга берилади. Ушбу ҳодисалар 952 йилда содир бўлади.

Воқеалардан аёнки, Нух ибн Наср иложсиз Абу Алини такрор Хуросон ноиблигига тиклайди, Абу Али Хуросон мулкида тартибантизм ўрнатади. Абу Али туфайли Сомонийлар давлатига қарши ҳаракатлар қилаётган бувайҳийлар билан тинчлик битими амалга оширилади. Негадир битим янги ҳукмрон Абдумаликни (954961) қониктирмайди ва у Абу Алини Хуросон ноиблигидан олади. Натижада Абу Али ғазабланиб бувайҳийлар кўмагида Абдумаликка қарши ғалаён кўтаради ва ўз номини хутбага кўштиради. Абдумалик 954 йили Абу Алига қарши йирик қўшин юборади, лашкарга Хуросон ноиблигига энди тайинланган Бакр бинни Малик бош эди. Бу орада Абу Али Хуросонда тарқалган вабо касалидан 955 йили ўлади, сомонийлар ва бувайҳийлар ўртасида сулҳ тузилгач, Абу Али жасади Чағониёнга олиб келинади ҳамда дафн этилади. Бувайҳийлар сулоласига Эрон шохдари наслидан бўлган Бувайҳ исмли кимса асос солган, у 930 йили сомонийларга бўйсунитдан бўйин товлаб, уларга қарши жанглар олиб боради.

Абу Али Чағонийнинг ўғли Абу Мансур Наср Чағониённи 952 йилдан 976 йилгача бошқаради, кейин Чағониёнда Абул қосим алҲасан ибн Аҳмад ҳукмронлиги бошланади. Абул қосим алҲасан асли Абу Мансур Насрнинг инисидир, у тахминан 976 йилдан 986 йилгача Чағониёнда амирлик қилган. 986987 йилларда Чағониённи Гузгон (ҳозирги Жузжон) амири Абул Хорис бошқаради, шундан сўнг Чағониён амирлари тахтига Тоҳир Чағоний келади ва у 987992 йилларда ҳукмрон бўлади. Шу тариқа 9921010 йиллар Абул Музаффар Чағоний ва 10101018 йиллар Фаҳр адДавла Аҳмад бинни Муҳаммад ҳукмронлиги юз беради.

**Адабиёт ва шеърят.** Чағониёнда ХХІ асрларда илмфан анча юксалади, бу даврда етишиб чиққан олиму фозиллар юртимиз илми ривожига ҳамда фан равнакига чексиз улуш қўшганлар. Улар нафақат ўз она заминида, балки дунёнинг турли чеккаларида ҳам илм ривожини йўлида хизмат қиладилар. Абу Бакр асСағоний (IX аср), Аҳмад асСағоний (X аср), Абу Ҳамид асСағоний (X аср) ва бошқалар айни Чағониён илмий муҳитида нашъу намо топган олимлар сирасига киради.

**Абу Бакр асСағоний.** Бу алломаи замон ҳақида маълумотлар жуда кам, тахаллусидан унинг Чағониёндан эканини биламиз, холос. Манбаларда Абу Бакр асСағоний хусусида билдирилган фикрлар кўпроқ буюк муҳаддис Абу Довуд Сулаймон (817888) билан боғлиқ ҳолда баён этилади. Чунки Абу Бакр асСағоний буюк муҳаддис Абу Довуд Сулаймоннинг «Сунан» китоби ҳақида сўз юритиб, ушбуларни нақл қилган экан: «Довуд алайҳиссалом учун темир Оллоҳ таоло томонидан мумдай юмшатирилган бўлса, ҳадис ҳам Абу Довуд Сулаймон учун худди шу хилда қулай ҳолга келтирилган эмиш». Афсуски, бу фикрлар асСағонийнинг қайси асаридан олингани ноаниқ, аммо шунинг ўзи алломанинг XIX асрларда яшаб ўтгани ва етук олим, айниқса, муҳаддисшунос эканини англашга кифоя қилади.

**Аҳмад ибн Муҳаммад асСағоний** асли чағониёнлик, шу ерда таваллуд топиб, илк билимини ўз она юрти Чағониёнда олади. Сўнгра у ўқишини ўша даврнинг улкан масканлари ҳисобланмиш йирик шаҳарлар Бухоро ва Самарқандда давом эттиради. Аҳмад асСағоний 998 йилдан бошлаб ўз илмий фаолиятини Абу Саҳл Кухий раҳбарлигидаги Бағдод обсерваторияси билан боғлайди. У йирик мунажжим ва жўғрофий олим бўлиши баробарида, Берунийнинг айтишича, ўз устози Абу Саҳлдан кейин буюк юлдузшунос сифатида эътироф топган экан.

**Абу Ҳамид Устурлобий асСағоний** етук мунажжим, фалакиёт илмида бетаққос олим, устурлоб (осмонни кузатадиган) асбоби ихтирочиси. Абу Ҳамид асСағоний 980990 йилларда оламдан ўтган, демак, алломанинг туғилган замони X аср бошлари билан белгиланади. Беруний ўзининг «Ал осор албоқия» асарида Аҳмад Сағоний ва Ҳамид Сағонийлар ҳақида илиқ фикрлар изҳор этади.

**Сағоний (Чағоний)** луғатшунос олим, таржимаи ҳоли аниқ эмас, исмишарифи Разиуддин (баъзан Разийиддин) Абул Фазл алҲасан ибн Муҳаммад ибн алҲасан алЧағоний эканлиги маълум. Манбаларда олимнинг 1181 йили Лоҳурда туғилгани ва 1252 йили Маккада вафот этганлиги қайд этилган. У кўп йиллар Лоҳурда Бағдод халифаларининг яловочи сифатида фаолият юритади, умрининг охириги йиллари Бағдодга қайтади, ниҳоят Маккада ҳаж сафарида бўлади ва ўша ерда оламдан ўтади. Тахаллусидан отабоболари асли чағониёнлик экани муқаррар бўлган бу олим форстожик луғатшунослигининг асосчиларидан, у араб лексикогорафияси ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлардан. Кейинги аср форстожик луғатшунослигидаги янги йўналишлар кўп жиҳатлари билан Сағоний илмий фаолияти анъналарига бориб тақалади. Сағонийнинг ўн икки жилдлик «Мажмаъ албаҳрайн» («Икки денгиз мажмуи») ва йигирма жилдлик «Алубоб уззоҳир вал лубоб ул фохир» («Юксак тўлқин ва очиқ ўзаклар») ҳамда бир неча жилдни ўз ичига олувчи «Аттакмила ваз зайл ва ссила» («Тўлдирувчи, қўшимча ва изоҳлар») номли луғатга доир илмий китоблари мавжуд. Сағоний асарларидан Фирозободий (XIV аср) ўзининг «Алқомус» луғатини яратишда самаралри истифода этган бўлса, Юсуф Мағрибий ва бошқа қатор мероси таъсирининг натижаси ўлароқ ривож топди.

**Абу Али Ҳусайн ибн Аҳмад асСалломий.** У тахминан X асрда яшаб ижод этган, умуман, X аср алломаси. Чағаниён амирлари саройида мулозимлик қилган шоирлардан бири, у йирик олим ҳамдир. АсСалломий дастлаб фаолиятини Абу Бакр Муҳаммад Чағоний (930 939)га хизмат қилишдан бошлайди, сўнгра хизматни Абу Али Аҳмад Чағоний (939952) қошида давом эттиради. Ҳам шоир, ҳам олим Салломий ҳақида манбаларда битилган мавжуд хабар ва маълумотлар анча узукюлук ва зиддиятли жиҳатларга эга. АсСаолибий (961 1038)нинг ахборотича, асСалломий Нишопурдан бир оз нарида жойлашган Байҳақ вилоятидан. АсСалломий машҳур олим ва истеъдодли шоиргина бўлиб қолмай, балки ўз даврининг етук котиби ҳам эди. Ўтмишда котиблик санъати кенг ривож топган бўлиб, котиблик жуда улкан қадрланарди. Айни замонда котиб ва хаттот даврининг сўз санъаткори ҳам ҳисобланган, чунки шоҳларнинг шоҳларга мактубларини улар амалга оширганлар. Бу ўта масъулиятли иш бўлиб, мактубда эътиборсизлик билан ишлатилган ҳар қандай сўз ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррар бўлганидек, ҳар қандай яхши сўз, яхши ибора, яхши ифода муносабатлардаги ғуборларни тарқатишга ёрдам ҳам берар эди.

АсСалломий Чағониён амирлари Абу Бакр (930 939) ва Абу Али (939952) саройида мактублар девонини бошқарган. Абу Али унинг тарихдан яхшигина хабардорлигини сезгач, унга Хуросон тарихини рақам қилишни топширади. Бу асар «Китоб аттарих фиахбор вулот Хуросон» («Хуросон ҳукмронлари тарихи ҳақида китоб») деб аталиб, 955 йилда ёзиб тугалланган, таассуфки, асар бизнинг замонгача етиб келмаган. Аммо асСалломийнинг зикр этилган асари кейинги аср тарихчиларининг кўплари учун муҳим манба сифатида хизмат қилган. Булар ичида асСаолибийнинг «Ятимат аддаҳр» («Замона ягоналари», 1017), Гардизийнинг «Зайнул ахбор» («Хабарлар зийнати», 1050), Ибн Асирнинг (11601234) «Алкомил фит тарих» («Мукаммал тарих») ва яна кўплаб бошқа тарихий асарлар асСалломий асаридан фойдаланиб яратилган.

Етук билим соҳиби асСалломий яна қатор ажойиб асарларнинг муаллифидир, жумладан, «Китоб ва натф ва аззарф» («Ҳикматли сўзлардан намуналар»), «Китоб алмисбоҳ» («Чироқ ҳақида китоб») ва «Китоб ассор» («Тасдиқ ҳақида китоб») шулар жумласидандир, лекин бу асарлар ҳам бизнинг замонгача етиб келмаган. АсСалломийдек даврининг етук тарихчиси, машҳур хушнависи, иқтидорли шоири Чағониён амирлари саройида тарбия топганлиги муҳим жиҳатларга эга.

**Абул қосим Али ибн Муҳаммад алИскофий.** Етук хаттот, йирик хуишавис ва тенги йўқ сўз устаси алИскофий аслида Нишопур шаҳридан. У ижодий фаолиятини Абу Али Чағоний хизматида бошлайди. АлИскофий шоир ва ўз даврининг фозил кишиси эди, унинг ҳақида тарих китоблари саҳифасида кўплаб латифанамо воқеалар ҳикоя қилинади. АлИскофий чиройли ёзиш санъатини мукаммал эгаллагани сабабли Абу Али Чағонийнинг мактублар девонида раҳбарлик қилади. Ўзаро муносабатлардаги маълум беқарорликлар туфайли Абу Али Чағоний ва

Бухоро амири Нух ибн Наср Сомоний кўшинлари 947 йили Журжон (асли Гургон)да тўқнашадилар. Жангда Абу Али Чағоний енгилади, бунга сабаб Абу Али томонида турган айрим лашкарбошиларнинг сотқинлиги ва бекарорлиги оқибатида бу машъум воқеа рўй беради. Абу Алининг кўп одамлари асирга олинади, шулар орасида алИскофий ҳам бор эди. Шундан эътиборан буюк хаттот Искофий фаолияти Нух ибн Наср (943954) ва Абдумалик (954 961) билан боғланади ва у Бухорода яшай бошлайди. Истеъдодли шоир ва бемонанд сўз санъаткори алИскофий 955956 йилларда вафот этади.

**Тохарий.** Шоир X аср бошларида яшаган, у Чағониён шоирларининг сардафтери ҳисобланадй, унинг таҳаллуси қадимги Тохаристон (ҳозирги Сурхон ва Ҳисор воҳалари) номидан олинган. Аммо айрим манбаларда шоир таҳаллуси Таховий шаклида ҳам учрайди. Аксар олимлар шоир таҳаллусининг Тохарий шаклини тўғри дейишиб, айти шу шаклни мақбул билишади, «Фарҳанғи Сурурй»да ҳам шу хилдадир.

Фотимийлар ижтимоий тенглик ғояларини илгари сурган бир оқим ва уларнинг тарафдорлари кўп бўлган. Аммо улар қаттиқ жазоларга мустаҳиқ этилган, шу ҳаракатнинг вакили сифатида Рудакийнинг кўзларига мил тортилган. Шундан Маъруфийнинг Бухорога ташрифини 935940 йиллар оралиғидан излаш лозим, зеро, Рудакий ва Маъруфий учрашуви айти Рудакийнинг аламли йилларига тўғри келиши ҳақиқатга яқин туради. Маъруфий амир Нух ибн Наср (943954) даврида ва ҳатто Абдумалик (954961) замонида ҳам Бухорода бўлган кўринади. Маъруфий маълум фурсат Сейистонда ҳам бўлган, унинг Чағониёндалик кезлари, албатта, Бухорога ташрифидан олдин рўй берган. Унинг Чағониёнда бўлиши 925935 йилларга тўғри келишини тахмин этиш мумкин. Ана шу 925935 йиллар Чағониён таҳтида Абу Саид Музаффар ибн Муҳтож Чағоний (фаразан 920930) ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саид Музаффар (930939)лар ҳукмрон эдилар. Маъруфийнинг таваллуд ва вафоти саналари ноаниқ, ундан 92 мисра шеър сақланиб қолган. Шоир шеърларидан айрим парчалар Умар арРодуёний (XI аср)нинг «Таржимонул балоға», Шамси қайснинг «АлМўъжам» (1233) асарларидан ва бошқа тазкира ҳамда баёзлардан жой олган. Хулоса шуки, Маъруфий кейинги умри ва ижодини батамом Бухоро билан боғлаганлиги аён бўлади. У X аср бошларида туғилиб, шу асрнинг 70йиллари оламдан ўтган бўлиши эҳтимол.

Маъруфийнинг айрим шеърлари ўз вақтида араб тилига ҳам таржима қилинган. Бу биринчи гадда Маъруфийнинг шоир сифатидаги эътирофини исботласа, бошқа бир томондан унинг Бухоро адабий муҳитидаги нуфузини тайин этишда қўл келади. Маъруфийдан арабчага таржима қилинган шеърлар Саолибийнинг «Ятимат аддахр» асарига киритилишининг ўзи катта гапдир, чунки ҳар қандай шоирнинг шеъри ҳам таржима қилинавермаганидек, «Ятимат аддахр» сингари тўпламларга ҳам киритилавермаган. Шундай таржималардан бири Ибн алМуаммал деган шоир томонидан амалга оширилган. Унинг мазмуни қуйидагича:

*Бўлмаса менга сендан саховат,  
Тухфанг умиди қалбда қабоҳаш.  
Сен ҳам менга ўхшаш одамсан,  
Бил: Одам зогтига бош эгмасман.*

Шоир ва ижодкорлар зикрида гап кетар экан, шуни таассуф ила айтиш жоизки, биз шу кунгача Мухтож Чағоний (фаразан 900920), Абу Саид Музаффар (тахминан 920930), Абу Бакр Мухаммад (930939) ҳукмронлиги кезлари Чағониёнда яшаб ижод этган шоирлардан кимлар борлигини билмаймиз, бунинг учун эса кўплаб қадимий манба ва сарчашмаларни эринмай ўрганиб чиқиш зарур. Аммо Абу Али Чағоний даврида Чағониёнда яшаб ижод этган шоирлардан айримларини биламиз. қуйида шундай шоирлардан бир нечтасининг ҳаёт йўли ҳақида фикр юритилади.

**Абул Ҳусайн Мухаммад бинни Мухаммад ал Муродий Бухорий.** «Ятимат аддаҳр» муаллифи асСаолибийнинг ёзишича, Муродийнинг Абу Алига бағишлаб ёзган қасидалари бор экан. Абу Али Чағоний 947 йили Бухорони забт этганда кўплаб шоирлар унга бағишлаб қасидалар битган, шулар қаторида Муродий қасидалари ҳам мавжуд. Бироқ Муродийнинг вафоти тахминан 940 йилларда рўй берган ва у Рудакийнинг энг севимли шогирдларидан бири эди.

Муродий араб ва форстожик тилида ижод этган, шоирнинг шеърлар девони эларо машҳуру манзур бўлган. Муродий ижод бисотиға тааллуқли форстожик тилидаги шеърлардан бизнинг давримизгача айрим намуналаргина етиб келган. Шоир ўз шеърларида ахлоқийтаълимий, маърифиймаънавий ғояларни тажао , сум этади.

**Дақиқий (930977).** Абу Мансур Мухаммад ибни Аҳмад Дақиқий нуфузи жихатидан форстожик адабиётида буюк Рудакийдан кейин иккинчи ўринда туради ва бу фанда аллақачон ўз исботини топган. Дақиқий ҳақида Беруний (9731048) «Алосор албоқия» (1000), Мухаммад Авфий (11701233) «Лубоб улалбоб» (1221), Абдурахмон Жомий (14141492) «Баҳористон», Лутф Алибек Озар «Оташкада» (XVIII аср) асарларида ва бошқаларнинг китобларида маълумотлар битиб қолдирилган. Беруний шоирни балхлик, Авфий туслик, Лутф Алибек самарқандлик дейди ва бу баҳслар кейинги асрларда ҳам давом этади ҳамда шоир гоҳ Бухородан, гоҳ Марвдан, гоҳ Хиротдан дейилади. Беруний бошқаларга нисбатан Дақиқий замониға яқин яшаган, шунинг учун шоирнинг асли балхлик эканиға шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Авфийнинг «Лубоб улалбоб» тазкираси Дақиқий давридан 250 йил кейин яратилганиға эътиборни жалб этмоқ лозим.

Беруний шоирни Абу Али Мухаммад ибн Аҳмад Балхий тарзида, Авфий эса Абу Мансур Мухаммад ибн Аҳмад Дақиқий шаклида тилға олиб ўтади. Ҳар икки ҳолатда ҳам Мухаммад ибн Аҳмад, яъни исмишариф бир хил, фақат куня (Абу Али ва Абу Мансур)лар ва тахаллус (Балхий ва Дақиқий)лар турлича. Беруний тилға олган шоир Дақиқий экани В. В. Бартольд, Н. О. Осмонов, И. В. Брагинский, Б. Ф. Лившиц, Э. В. Ртвеладзелар тарафидан тасдиқланган. Зеро, «Шоҳнома»ни илк бор назм инжусига айлантирган шоир Дақиқийлиги ҳаммага маълум, демак, Беруний

эслатган шоир Дақиқийдан бўлак ҳеч ким эмас.

Энди Дақиқийнинг Абу Али ва Абу Мансур куняларига келсак. Шоир тахминан 950 йилларда Чағониёнга келади ва Абу Али вафотидан сўнг ҳам шу ерда бўлиб хизматни давом эттиради. Агар Дақиқийнинг 970 йилгача Чағониёнда бўлгани тахмин этилса, у ҳолда шоир қарийб 20 йил чағонийлар хизматида бўлган. Ана шу узоқ йиллик кадрдонлик эвазига Дақиқий ўз ҳомийлари Абу Али Аҳмад Чағоний ва Абу Мансур Наср Чағоний (отабола)ларнинг кунясини ўзига куня тариқасида қабул қилади.

Дақиқий узоқ йиллар Чағониёндек гўзал воҳа бағрида яшади, шу заминда ижоди камол топди, доврўғи элга ёйилди, мухлислари кўпайди. Шоир Тус, Ҳирот, Самарқанд каби шаҳарларда бўлади, аجدодлар тарихини ўрганди, тасаввурини бойитади, катта таассуротлар олади. Ниҳоят, Бухорога боради, бу тахминан 970 йилга мос тушади, ўлкада бу пайтлар сомоний Мансур ибн Нух (962976) ҳукмрон эди.

**Тоҳир Чағоний (вафоти 992 йил).** Чағониён амири ва ўз даврининг кўзга кўринган давлат арбоби, истеъдодли шоир Тоҳир Чағоний ҳаётини, ижодини ўрганиш, аввало, Чағониён адабий муҳити билан боғлиқ X аср охирларига оид кўплаб жумбоқларни ҳал этишда кўл келиши билан ғоят муҳим. Тоҳир Чағонийнинг таваллуд йили аниқ эмас, вафот йили бир қадар аниқланган, аммо бу борада айрим баҳсу мунозаралар мавжуд. Чунончи, Муҳаммад қазвиний (18771949) аниқ санани айтмай, манбага ишора қилмай, Тоҳир ўз амакиваччаси Абу Мансур Наср (952976) ўрнига амир бўлганини таъкидлайди ва Тоҳирнинг вафоти санасини 987988 йиллар дейди. Е. Э. Бертельс ҳам айнан шу фикрда, фақат унинг айтишича, Тоҳирдан сўнг Чағониён тахтига Фахр адДавла Музаффар Аҳмад бинни Муҳаммад чиққан. Афғон олими Муҳаммад Муҳсин бўлса Тоҳирни 992 йилда ҳалок бўлган ва бу ҳалокат амакиваччаси Абул Музаффар бинни Муҳаммад билан Чағониён тахти учун жангда содир этилган деган ақидани илгари суради. Тоҳир Чағоний ҳукмронлиги даврида Чағониёнда адабий муҳит учун маълум имкониятлар яратилгани тарихий манбаларда эътироф этилади. Мисол учун «Ашъори ҳамасрони Рўдакӣ»да Тоҳир замони адабий муҳити доираси намояндалари сифатида Маъруфий, Дақиқий, Мунжик, Лабибий сингарилар эслатилади. Юқорида эслатилгани каби Маъруфий ва Дақиқийлар Тоҳир Чағоний давридан анча илгари Чағониёнда бўлган, чунончи, Маъруфий 925935 йиллари, Дақиқий 950970 йиллари Чағониёнда эдилар. Бу Тоҳир давридан қарийб 4060 йил илгари содир бўлган воқеалардир. Энди Мунжик ва Лабибийга келсак, Мунжик, дарҳақиқат, Тоҳир замонида Чағониёнда эди ва у билан Бадеъий бирга бўлган ҳамда ҳар иккисининг Тоҳирга бағишланган қасидалари бор, Лабибий бўлса Абул Музаффар даврида Чағониёнда бўлган.

Кўҳна шахримиздан етишиб чиққан кўплаб буюк тарихий сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти Термизнинг инсоният тарихида ўчмас из қолдиришида аеосий сабаб бўлган. Ана шундай буюк тарихий инсонлар орасида Термиз саййидлари хонадонининг намояндалари ҳам бор. «Саййид» сўзи луғатан арабчада «жаноб» маъносини англатиб, пайғамбаримиз

Муҳаммад алайҳиссалом авлодларининг фахрий унвонидир. Мусулмон дунёсида шариф, хожа (хўжа), тўра сўзлари саййид атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Айрим ҳолларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг неваралари Ҳасан авлоди шариф ва Ҳусайн авлоди саййид унвонлари билан алоҳида ажратилади. Термиз саййидлари хонадонига доир маълумотлар шарқ ёзма меросининг машҳур намуналари орқали етиб келган. Жумладан, Термиз саййидлари хусусида Ота Малик Жувайний, Ҳамидулло қазвиний, Ибн Баттута, ғиёсиддин Али, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳофиз Таниш алБухорий ва бошқа алломаларнинг дурдона асарларида қимматли маълумотлар келтирилган. Термиз саййидлари хонадони тарихини ўрганишдаги асосий манба уларнинг оилавий шажарасидир, унда мусулмон дунёсининг тарихига доир айрим маълумотларни учратиш мумкин. Ана шу шажара асосида 1914 йили академик А. А. Семёнов «Термиз саййидларининг келиб чиқиши ва уларнинг қадимий мақбараси Султон Саодат» мақоласини эълон қилади.

XIX аср охири XX аср бошларида рус шарқшунослари В. В. Бартольд, А. Кун, М. С. Андреев ва бошқалар ўзларининг илмий тадқиқотларида Термиз саййидлари хонадони тўғрисида тўхталиб ўтадилар. Накл қилинишича, Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан туғилган ўғли Ҳусайн сўнгги сосоний шоҳи Яздигирднинг қизига уйланади. Уларнинг ўғиллари Алидан Ҳусайн алАсқар, ундан эса Убайдулло дунёга келади. Халифа алМансур даврида (754-755) Амир Убайдулло халифа деб эълон қилинади. Унинг ўғли Жаъфар алХужжат Мадина ҳокими эди. Термиз саййидлари хонадонининг асосчиси Ҳасан алАмир Жаъфар алХужжатнинг ўғли Амир Ҳусайннинг фарзандидир. Келтирилган шажара мусулмон дунёсида кенг тарқалган бўлиб, кўп манбаларда учрайди.

Ҳасан алАмир ўзининг яқинлари билан 850 йидца Самарқандга келади ва у ерда 11 йил яшаб, 861 йилда Балхга кўчади. Тахминан 865 йилдан Ҳасан алАмир Термизга келади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб қолади. Ҳасан алАмир ва унинг яқинлари Мовароуннаҳрга келган пайтда сомонийлар сулоласининг юксалиши бошланган эди. Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласида ҳозиргача илмий доираларда ягона фикрга келинмаган. Баъзи манбалар сомонийларни Термиз билан боғлайдилар, уларга кўра, Сомон қишлоғи ҳозирги «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Термиз саййидларининг шажараси ҳам шулар жумласига кириб, Исмоил Сомонийнинг ҳар йили Термизга келиши тўғрисида манбалар аниқ хабар беради. Саййид Амир Абдулло мамлакат ҳукмдори Исмоил Сомонийнинг Маҳсума (ёки Моҳисиймо) исмли қизига уйланади, уларнинг фарзандларидан бошлаб Термиз саййидлари Худовандзода лақабини олади.

Термиз саййидларининг Султон Саодат номли мақбара мажмуасининг илк пойдевори сомонийлар даврида қурила бошлаган эди. Саййидлар жамоаси ўзининг алоҳида бошлиғига нақибига ҳам эга бўлганлар. Муҳаммад авлодлари яшаган ҳар бир ҳудудда уларни бошқариб турадиган алоҳида нақиб бўлган. X асрғача барча нақиблар аббосийлардан бўлиб, Алининг авлодлари ҳам уларга бўйсуннишган, кейинчалик улар ўртасида бўлиниш юз

беради. Термизда ҳам саййидларнинг нақибӣ бўлган, унинг вазифасига ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ва нафақаларни тарқатиш кирган. Термиз нақиблари орасида энг машҳури Али ибн Жаъфар алМусавийдир. Мусулмон дунёсининг машҳур олими Абул Фатҳ Муҳаммад ашШаҳристоний асарлари Термиз нақибларига бағишлангандир.

Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида (12001220) Хоразм давлати Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан Форс қўлтиғигача, Кавказдан Ҳиндиқуш тоғларигача бўлган минтақани бирлаштириб, қудратли давлатга айланади. Муҳаммад ўзининг халифа томонидан ислом ва мусулмонларнинг султони сифатида тан олиншини талаб қилади. Халифа анНосир (11801225) эса Муҳаммад Хоразмшоҳ номини хутбага қўшиб ўқитишдан, яъни бўйсунитишдан бош тартади. Хоразмшоҳ ҳам ўз навбатида анНосирни, умуман аббосийларни халифалик ҳокимиятининг ноқонуний ворислари деб эълон қилади. 1212 йилда Муҳаммад Хоразмшоҳ уламо ва имомларни йиғиб, аббосийларни халифалиқдан маҳрум қилади ва Термиз саййидларидан бўлмиш Аъло улМулукни халифа деб эълон қилади.

Термиз саййидлари хонадони тарихидаги энг ёрқин саҳифалар Амир Темур ва унинг авлодлари билан боғлиқдир. Бунинг сабаби, фикримизча, соҳибқироннинг пири Шамсиддин Саййид Амир Кулол айна Аъло улМулук Худовандзоданинг ўғли бўлиши керак. Пирнинг барча номлари саййидлар хонадонига мансублигидан далолат беради. Шунингдек, унинг мақбараси Термиз саййидларининг Шаҳрисабздаги мақбараси Гумбази Саййидон билан қўшилиб кетган. Амир Темур бутун умри давомида саййидлар хонадонининг вакиллари билан чамбарчас алоқада бўлган. Соҳибқирон ҳокимият учун кураш бошлаганда ҳам, энг зафарли кунларида ҳам Термиз саййидлари жаҳонгирнинг ҳамроҳлари бўлган. «Темур тузуклари»да Аъло улМулукнинг жиянлари акаука Ҳасан ва Зиёвиддинлар бир неча бор тилга олинади. 1370 йилда Амир Темур Балхга кетаётиб, Термизда Саййид Барака қўлидан ҳокимият рамзи ноғора ва байроқни олишга муяссар бўлади. Шайхнинг дуосини олиб, Амир Темур Балхни ўз тасарруфига олади ва Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдорига айланади. Амир Темурнинг тахтга чиқиш маросимида Аъло улМулукнинг еттинчи ва саккизинчи ўғиллари Абул Маъоли ва Али Акбар иштирок этганлар. 1371 йилда Темурга қарши уюштирилган фитнада Абул Маъоли ҳам иштирок этади. Фитна мағлубиятга учрагач, унинг қатнашчилари қатл қилинади, Абул Маъоли эса давлат ишларидан четлаштирилиб, Шаҳрисабзга қўчирилади.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида кўрсатилишича, Соҳибқирон Абул Маъолига қуйидагича мурожаат қилган: «Насабинг силсиласи пайғамбар аҳли байтига, унга ва уларнинг барчасига Оллоҳнинг раҳматлари ва саломлари бўлсин, уланганлиги учун ҳеч қачон бирор заҳмат ғубори сенинг ҳаётинг этагига қўнишини раво кўрмасин. Лекин сен нолойиқ ишларни тарк этмаяпсан, маслаҳатим шу турурки, бу вилоятдан чиқиб кетсанг». Лекин саййид тезда кечирилган бўлиши керак, чунки бир йилдан сўнг у Амир Темурнинг Хоразмга юришида қатнашади. Шундан сўнг Термиз саййидлари авлодларининг қашқадарёдаги хонадони вужудга келади,

юқорида эслатилган Гумбази Саййидон уларнинг оилавий мақбарасига айланади. Баъзи манбаларга кўра Амир Темурнинг қизи Султон Бахтбегим Термиз саййидларидан бўлмиш Ҳасанга никоҳланган ҳамда қашқадарё воҳасидаги маълум бир қисм ерларини куёвига вақф қилиб беради. Абул Ҳасан бу жойда ўз лангарига асос солади. Лангар сўфилар макони бўлиб, Термиз саййидлари нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа жойларда ҳам лангарлар ташкил қилишган. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ уссаъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ёзилишича, Саййид Тожиддин ўз лангарини Кумулда қурган экан. Шунингдек, афғон қабилаларининг диний раҳнамоси Пир бобонинг асли "исми Саййид Али Шоҳ атТермизийдир. Умуман, XIV асрда Термиз саййидлари Мовароуннаҳрнинг турли жойларида фаолият кўрсата бошлаганлар.

1359 йилда Тошкентда мўътабар шайх Хованд Тоҳур вафот этади. Муҳаммад қозининг Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарида таъкидланишича, шайх Термиз саййидларидан бўлиб, Хованд сўзи Худовандзоданинг қисқаргани экан. Бу борада мусулмон дунёсида машҳур Хўжа Аҳрори Вали айни шу Шайхонтоҳурнинг жияни эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Амир Темур Термиз орқали ўтганида саййидларнинг уйида меҳмон бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, 1399 йил 11 сентябрда ва 1404 йил ёзида Темур Аъло улМулукнинг уйида меҳмон бўлади. Ғиёсиддин Али томонидан ёзилган Темурнинг Ҳиндистонга юришига бағишланган асарида Аъло улМулукнинг олтинчи ўғли Алоуддин ҳам тилга олиб ўтилади. Сурхондарё ўлкашунослик музейида сакланаётган бу китобнинг 1915 йилдаги форсча нашрида Термиз Худовандзодалари Амир Темур ва унинг қўшинига икки кун тўй берди, деб таъкидланади.

## **6 Мавзу: XVIII-XIX АСРЛАРДА СУРХОН ВОҲАСИ**

### **Асосий саволлар:**

1. Шайбонийлар ва аштархонийлар ҳукмронлиги даври.
2. Сурхон воҳаси Бухоро амирлиги таркибида.
3. XIX аср охирида Сурхон воҳаси.

### **Таянч сўзлар:**

Шайбоний ва Аштархонийлар даврида воҳанинг ги аҳолининг ижтимоий сиёсий ҳолати ва Термиз ва Чағониён аҳолисининг истилочиларга қарши мардоновор курашлари Сурхон воҳаси Бухоро амирлиги таркибига Бойсун, Шеробод, Денов бекликларини қўшилганлиги ва унинг тарихий аҳамияти.

Амир Темур ворислари ўртасидаги ўзаро тожу тахт кураши, ички низоларнинг жиддий кескинлашуви Темурийлар салтанатининг инқирозига сабаб бўлади. Бу эса темурийларга қарашли ерларнинг биринкетин даштиқипчоқлик Шайбонийхон томонидан истило қилинишига олиб келади. Муҳаммад Шайбонийхон 1499 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр томон жиддий

ҳаракат қила бошлайди. У дастлаб Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ва бошқаларни истило қилгач, ҳаракатини темурийларнинг жанубий ерлари томон давом эттиради. Темурийлар давлатининг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари, бу ерларда ҳам маҳаллий ҳокимларнинг ўзаро бирбирларини қўллабқувватламаслиги, ишончсизликлари шайбонийларга қўл келади.

Шайбонийлар истилоси арафасида Термиз ва Чағониёнга қўшни бўлган Балхда Султон Ҳусайн ўғли Бадиуззамон ҳокимлик қилар эди. У Термиз шаҳрини шайбонийларга топширмасликка уриниб кўради. Худди шу даврда Ҳисор ва Бадахшон вилояти ҳокими Хусравшоҳ жуда кучли ва бой бўлган ўз вилоятининг кучига етарли баҳо бера олмайди. У темурий шаҳзодаларга ёрдам бериш ўрнига, улардан қўрқади. 20 минг аскар билан Бадиуззамон Хусравшоҳни Термизда узоқ кутади. Хусравшоҳ бу пайтда шайбонийлар келаётганини эшитиши билан ўз мулкани ташлаб қочади ва оқибатда ундан мадад кутиб турган Бадиуззамон Термиз шаҳрини тарк этиб, Балхга қайтишга мажбур бўлади.

Шайбонийхон 1504 йили Термиз ва Жайхун ёқасидаги ерларни ўз қўл остига олади ва шаҳарга шайбонийлардан Саид Муҳаммад Султон ҳоким этиб тайинланади. Муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Термизнинг қўлдан кетиши келажакда Амударёнинг нариги қирғоғидаги темурийларга қарашли ерларнинг истило қилинишига йўл очар эди. Ана шу тариқа бу орада 1505 йили Ҳисор ҳеч қандай қаршиликсиз Шайбонийхон томонидан эгаллаб олинади ва шундан сўнг Бағлон, кундуз, Бадахшонлар Маҳмуд Султон ҳамда Муҳаммад Темур султонлар томонидан истило қилинади. Хусравшоҳга тобе бўлган мулклар Шайбонийхон қариндошларига тақсимланади ва Чағониён эса Махдий Султонга берилади.

Шайбонийхон вафотидан сўнг, 1511 йилнинг январь 1512 йилнинг февраль ойларида шайбоний султонлар Вахшдаги Пули Сангинда бобурийлар томонидан мағлубиятга учрайди. Бунинг натижасида Чағониён, Ҳисори Шодмон ва қабодиён бобурийлар қўл остига ўтади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, 1513 йилда бобурийлар лашкари шайбонийлар сулоласидан бўлмиш Убайдуллохон томонидан қувиб чиқарилади.

Балх ва Жайхун дарёсининг ўнг соҳилидаги ерларга XVI асрнинг 20йилларида бобурийлар томонидан доимий равишда хавф солиб турилган. Пирмуҳаммаднинг амалга оширган ички ҳамда ташқи сиёсати туфайли XVI асрнинг 4060йилларида Термиз ва Чағониёнда маълум бир давр осойишталикка эришилган эди. Аммо Бухоро ва Балх ўртасидаги муҳим ҳарбий истехком бўлган Термиз шайбонийлар ва уларнинг Балхдаги гумашталари ўртасида тезтез юз берадиган жанжаллар туфайли ўзаро кураш майдонига айланган эди. Шайбонийлар салтанатининг йирик арбобларидан бири саналган Абдуллахон ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлашда Термизнинг стратегик мавқеига алоҳида эътибор қаратади. Унинг 1572 йил майиюнь ойларида Термизни эгаллаш учун олиб борган кураши бунга мисол бўлади. Ҳофиз Танишнинг берган маълумотларига қараганда, Термиз ҳокими этиб Абдуллахоннинг амакиваччаси Маҳмуд Султон тайинланган эди.

Дарё қирғоғидаги кўҳна Термиз қалъаси ўзбеклар Хукмронлиги даврида ҳам мавжуд эди. Бу давр ҳақида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг 1572 йили ёзилган йШарафномаи шоҳий» («Подшоҳни шарафловчи китоб») асарида Термизнинг топографик ўрни, шаҳардаги бинолар, осориатикалари, халқнинг этник таркиби хусусида маълумотлар берилади. Ўша пайтда Термиз Абдулланинг душмани Балх ҳукмдори Динмуҳаммадга бўйсунарди. Абдуллахон Термизни қамал қилишдан олдин Ҳаким атТермизий ва Абу Бакр Варроқ мазорларининг шайхларини ёнига чорлаб, уларни махсус совғалар билан сийлайди.

Термиз ва унинг атрофидаги ерлар XVII асрда ўзбекларнинг қўнғирот уруғи қўлига ўтади. Бу давр ҳақида балхлик йирик тарихчи Махмуд ибн Вали ўзининг «Баҳр уласрор фи манокӣб алахёр» («Олижаноб кишилар ҳақида сирлар денгизи») асарида Термиз тўртинчи иқлимдан ва Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бири эканлигини, унинг мустаҳкам деворлари Жайхун қирғоғида қад кўтарганлигини, дарвозаси ҳам дарё томонда эканлигини қайд этади. Муаллифнинг таъкидлашича, шаҳарда қишлоқ ва маҳаллалар қўп бўлган. Сурхондарёнинг шимолий қирғоғида жойлашган, асли номи Солиҳобод бўлиб, маҳаллий халқ тилида Салавот деб юритилган мавзе шаҳарнинг энг муҳим манзилларидан ҳисобланган. Салавот XVII аср бошларида ҳам мавжуд бўлган Чингил ариқ (Жингил ариқ) қишлоғи билан ёнмаён жойлашган. Салавот ҳукмдорнинг қароргоҳи бўлган, унда бозор, мадраса ва жума масжиди ҳамда баланд миноралари алоҳида ҳолда ажралиб турган. Яна Махмуд ибн Валининг таъкидича, вилоятда боғ ва экинзорлар кам учрайди, ери қумлоқ бўлганлигидан иқлими иссиқдир, бу ерда ғалла ва қовун яхши етилади.

Ўз даври сиёсий майдонида йирик мавқе ва мақомга эга бўлган Абдуллахон 1584 йили Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни, жумладан, Термиз шаҳрини ўғли Абдулмўминга инъом этади. Бухоро тахтини 1601 йили эгаллаган жоний (аштархоний)лар Чағониён юртида ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, унга шайбоний Жонибек Султон авлоди Муҳаммад Салим Султон ҳоким этиб тайинланади. Термиз ҳокими ва қалъа кутволи амир Одилбий жонийларга бўйсунмасликка ҳаракат қилиб, қаршилик кўрсатади. Боқи Муҳаммад 1602 йилнинг баҳорида Термиз ва Чағониёндаги қаршиликларни бостириб, бу ерларни Жонийлар давлатига тобе қилади. Хуллас, XVII асрдаги ўзаро урушжанжаллар Термизнинг қадимий ривож ва машҳурлигига салбий таъсир кўрсата бошлайди. Шаҳар 1646-1647 йилларда ҳатто бобурийлар сулоласидан бўлмиш ҳинд шаҳзодаси Аврангзеб томонидан истило қилинади ва бошқарилади. Кейинчалик мусулмон ҳинд саркардаси Саодатхон томонидан Термиз қайта истило қилиниб, таланиб, вайрон етилади.

Аштархонийлар даврида ўзбек уруғларининг ўзаро рақобати натижасида марказнинг таъсири пасайиб боради, алалхусус, 1702 йили Убайдуллохон ҳукмронлиги даврида марказ билан маҳаллий ҳукмдорлар курашида Термиз ҳокими катта мавқега эга эди. қўнғирот уруғидан бўлган Шералихон ўзининг иттифоқчиларига таяниб Убайдуллохонга бўйсунмай

қўяди. Шералихоннинг нияти шайбонийлар ва аштархонийлар давридаги ўзаро кураш исканжасида таназзулга юз тутган Термизни қайта тиклашга уриниб кўриш эди. Аммо бу уринишлар натижа бермагач, Шералихон ўз мулки доирасида қалъа қурдиради ва унга Шеробод номини беради. Аштархоний Убайдуллохон бўлса, Муҳаммад Раҳимбийнинг маслаҳати билан Термиз ҳокимлигига найман уруғидан бўлган Неъматулло тўқсабони тайинлайди. Шералихон бу орада Неъматуллонинг Термизга келишини кутмасдан Шеробод қалъасига кетиб қолади. Ана шу қўнғирот уруғининг умумий йиғилишида аниқ бир фикрга келиша олмаслик туфайли, бу қавм аҳди иккига бўлинади: уларнинг бир қисми Шералихонни ёқлаб Шерободга кетишади, қолганлари ўз жойлари Термизда қолишади.

Термиз шаҳри ўз тарихининг энг қора кунларини бошидан кечириётганда воҳада янги марказ шакллана бошлайди. Кейинчалик Бухоро амирлигининг янги ҳудудий бирлиги Шеробод беклиги ташкил қилинади. Худжи шу даврда Чағониён (Будрач)нинг батамом тушкунликка юз тутиши оқибатида қизилсувнинг юқори Ҳавзасида янги шаҳар Дехи нав (Деновянги кишлок) шаклланади.

Сурхон воҳасидаги сиёсий ҳаёт XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб манғитлар сулоласи билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу давр тарихчиси Муҳаммад Вафо маълумотларига қараганда, манғитлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Раҳимхон воҳага уч марта юриш қилган. Биринчи жанг Пашхурд кишлоғи атрофида юз беради, иккинчи юришда Муҳаммад Раҳимхон Шеробод қалъасини эгаллаб, 3 минг от, 500 туяга ортилган қимматбаҳо моллар ва 20 минг тилло тангани Бухорога олиб кетади. Сурхон сарҳадларига қилинган қуроли ҳаракатлар бу билан тўхтаб қолмайди, балки Раҳимхон бошчилигидаги қўшин 1757 йилнинг рамазон ойида учинчи маротаба бу юртга юриш қилади. Бу юриш Денов аҳолисининг хон зулмига қарши кўтарилган исёни туфайли содир бўлган эди. қўзғолон Раҳимхон бошчилигидаги 40 минг кишилик қўшин билан шафқатсизларча бостирилади.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида Сурхон воҳаси тўлиқ Бухоро амирлиги таркибига киради. Маълумки, Бухоро амирлиги таркибига Шарқий Бухоро ва ғарбий Помир туманлари кириб, кишлок хўжалигига асосланган аграр мамлакат эди. Аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган улкан ҳудудга эга амирликнинг ишловга яроқли ерлари кам эди.

Бухоро амирлигида кишлок хўжалиги ва чорвачиликнинг ривожланиши натижасида чорва маҳсулотларининг нархи ҳам унчалик юқори бўлмаган. Масалан, чорва моллари сотиладитан энг катга бозор Миршодига Бухоро амирлигининг турли жойларидан ва Жануби Шарқий Тожикистондан моллар келтирилган. Миршоди мол бозорида Марказий Осиёнинг барча тарафларидан келган савдогарларни учратиш мумкин эди. Миршоди бозорида чорва моллари қуйидаги нархда сотилган: қўй 20, 30 танга, эчки 15, 20 танга, йирик шохли мол (қорамол) 40, 100 танга, от 120Г 150 танга, яхши боқилган соғлом туя 250, 300 танга.

Бухоро амирлигидаги арзон нарх туфайли Бухоро, қарши, ғузор, Юрчи, Денов, Шеробод савдо йўлларида 8 минг туягача бўлган карвон билан савдогарлар юришган. Бухоро қайиқларининг Амударёда юриш қатнови XIX асрнинг 80йилларидан бошланади, бунда Термизнинг алохдда ўрни бор. Ҳар бир қайиқца 120 пудгача буғдой ортиб ташилган. Буғдой нархи ҳам унча юқори бўлмаган, масалан, 1 ботмон буғдой 15 танга; гуруч 22 танга; арпа 8 танга атрофида баҳоланган.

Бухоро хонлиги даврида Термиз ва Чағониённинг шаҳар ва қишлоқлари ҳаётида маълум ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Сурхон воҳасининг марказий шаҳри XVI асрда ҳам Термиз ҳисобланар эди. Маҳмуд ибн Вали «Баҳр уласрор» асарида Термиз шаҳри ҳақида шундай ёзади: «У Жайхун дарёси ёқасида жойлашган ва мустаҳкам девор билан айлантирилган. Жанубий томони Жайхундан юқори кўтарилган, дарвоза ҳам шу томонда, шаҳар атрофида қишлоқлар жуда кўп. Улардан энг каттаси Салавотдир, у ерда ҳокимлар қароргоҳи бор, бозор, мадраса, катта Жомеъ масжиди ва баланд минора бор».

Сўнгги ўрта асрларда ҳам Термиз ва Чағониёнда меъморчилик қурилишлари давом этади. Бу давр меъморчилигида маҳобатли иншоотлар қуришга интилиш ғояси кўзга ташланади. Кокиддор ота хонақоси ва Саййвд оталиқ мадрасасининг баланд пештоқли кўринишга эга эканлиги, Бандихонсойда қурилган Искандар кўприги шайбонийлар даври Зарафшон воҳасида қурилган сув айиргичга айнан ўхшашлиги, Султон Саодат мақбараси мажмуасининг ғарбий тарафдаги мақбара пештоқида юлдузсимон тиллакор қошиқ ва ислимий ёзувларнинг қўлланилиши бундан далолат беради.

Бу давр меъморчилик ёдгорликлари сирасига бекликлар кўрғони ҳам киради. Беклик қароргоҳлари ҳисобланган кўрғонлар табиий тепаликлар, хушманзара ва сув манбаларига сероб жойларда қурилган. Бунга Шеробод беклиги кўрғони ёрқин мисолдир. Баланд табиий тепалик устида бунёд этилган ички қисм иншоотлари ташқи тарафдан уч қатор девор билан муҳофазаланган. кўрғон марказий қисмида бек хонадони, унинг энг баланд жойида меҳмонхона жойлашган, кўрғонга пиллапоё орқали ён томони кунгурали устун билан муҳофазаланган дарвозадан қурилган.

Шунингдек, кўплаб карвонсаройлар ҳам ўлканинг тоғ ҳудудларида ва воҳа қисмларида қурилган. Бунга Кўхитангдаги ғузор Калиф савдо йўлидаги работ, Термиз Айванч карвон йўлидаги Хотинрабат кар^ вонсаройлари мисол бўла олади. Сўнгги ўрта асрларда Термиз ва Чағониённинг чекка ўлкаларга айланиб қолиши нафақат иқтисодий ҳаёт, балки илмфан ва адабиётнинг ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

**Денов беклиги.** Археологик топилмалар Дехнав (халқ тилида Денов гоҳо Дейнов) қалъасининг XVI асрга оидлигини, унинг мустаҳкам кўрғондан иборат бўлганини тасдиқлайди. Дехи нав (Янги қишлоқ) қалъаси қурилиши жиҳатидан мураккаб меъморлик обидаси ҳисобланади, унинг чор атрофида ҳимоя иншооти сифатида махсус чуқур хандаклар қазилган. қалъанинг диаметри (умумий айланаси) 110 м бўлиб, у қалин деворлар билан ўралган,

буларнинг барчасини қалъа қолдиклари ўрнида ўтказилган археологик тадқиқотлар исботлайди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, Деҳнав **XVIII** асрларда Бухоро амирлиги таркибидаги ривожланган шаҳарлар ичида карвон савдосининг марказларидан бири бўлган. Шаҳарда хунармандчиликнинг юздан ортиқ тури, айниқса кўнчарм тайёрлаш, этикдўзлик, тўқувчилик, зардўзлик, кандолатчилик, ўйинчоқсозлик ва бошқалар яхши ривожланган эди. Денов Сурхондарё воҳасидаги энг қулай географик ҳудудда жойлашган бўлиб, аҳолиси ўта меҳнаткаш, тупроғи ҳосилдор, иқлими деҳқончилик қилиш учун қулай, булоқлари ва дарёлари сувларга сероб бу минтақа сарҳадлари Ҳисор тоғ кўлтиқларигача чўзилган иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган маскан эди.

Денов **XIX** аср ўрталарида Бухоро амирлигининг Ҳисор ҳокимлиги мулки ҳисобланган. Денов Бухоро амирлигининг энг чекка ўлкаси ва беклиги эди. Д.Н. Логофетнинг яна ёзишича: «Денов Ҳисор ўлкасидаги энг йирик шаҳар бўлиб, у астасекин ўз қаддини тиклаб борган. Денов қалъаси қайта тикланмай, баланд деворлар билан тўсилган шаҳар аҳолиси дарё бўйлаб, қизилсув ёқалаб, Сурхондарё томонга қараб силжиб борган». Шарқшунос Б.Н.Литвиновнинг ёзишича, «Денов аҳоли кўп яшайдиган йирик шаҳар бўлиб, унда катта мадраса ва масжид фаолият кўрсатган, бу мадрасаларда Самарқанддан келиб таълим олишган».

**Бойсун беклиги.** Бойсун беклиги тоғ минтақасидан иборат бўлиб, унинг марказий шаҳри Бойсун тоғ этагида жойлашган ва икки томони баланд тоғлар билан ўраб олинган. Бойсун шаҳри сўлим гўша ва у шимолишарқий томондан жанубиғарбга қараб йўналган қуйи тоғ текислигидаги маскандир. Агар кўҳна тарихга назар ташласак, мил. авв. I аср ва милодий I асрлар оралиғида ҳозирги Бойсун шаҳри ўрнвда Поикалон (Пойи калон) номли мустаҳкам қалъашаҳар бўлганлиги эътирофини топган. **VIII** аср бошларида Бойсун ўрнида Чағониён шаҳарларидан бири Басанд мавжуд эди. Абу Исҳоқ Истахрийнинг «Китоб масолик ва алмамолик» («Мамлакатлар йўллари тўғрисида китоб»)ида ҳам ушбу маскан атамаси Басанд деб таърифланади. «Ҳудуд алолам»да «Басанд кўп сонли ва жанговар аҳоли яшайдиган мустаҳкам жойдир», деб қайд этилган. Басанд Чағониён марказидан Темир қопуқ орқали Самарқандга борадиган савдо йўли устида бўлиб, археологик манбаларга кўра, Басандда ҳаёт илк ўрта асрлардан мўғуллар истилосигача давом этган. Мўғуллар босқинидан вайрон бўлган шаҳар кейинроқ қайта тикланади ва Чигатой улуси таркибига мансуб кўчманчи туркий қавмлар унга «Бойсун» деб ном берадилар.

«Бойсун» атамаси таркибида «бой» ва «син» бирикмалари бўлиб, улар манбаларда «улуғ тоғ» ёки «катта тоғ» маъноларини англатиши гапирилади. қадимий туркий қавмларда турли табиий нарсаларга сиғиниш билан бирга тоққа сиғиниш ҳам мавжуд бўлиб, тоғлар муқаддас саналган. Маҳаллий ривоятларга кўра, бу ерда қадимдан туркий қавмларнинг давлат кишилари яшаган бўйиб, «Бойсун» атамаси бойлар қишлоғи маъносини англатган.

Бойсун ҳақида «Зафарнома» асарида тўхталиб ўтилган. XIX асрда Бойсун Сурхондарёдаги 3 та бекликдан бири бўлиб, унда бадавлат ўзбек аҳолиси яшаган. Катта тарихга эга бўлишига қарамасдан Бойсуннинг ўрта асрлардаги тарихи, XVII, XVIII, XIX асрлардаги фаолияти биз учун номаълум бўлиб қолган эди. Шарқшунос Н.А. Маевнинг ёзишича: «Бойсун энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, қадимги шаҳар қоддиқпари, модций маданият манбалари вайрон қилиб ташланган, қимматбаҳо тарихий ашёлар бунга мисол бўлади».

**Денов ва Шеробод бекликларидаги халқ ғалаёнлари.** XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг Денов ва Шеробод беклик (1885-1886)ларида йирик деҳқонлар қўзғолони бўлади. Деҳқонлар закот ва чорвадан олинадиган солиққа норозилик билдирадilar. 1868 йили Бухоро амири Музаффархонга (1855-1885) қарши Деновда йирик халқ ҳаракати бўлиб ўтади, натижада қўзғолон шафқатсизларча бостирилади. Турли хил солиқлар ҳаддан зиёд кучайиб, маҳаллий амалдорларнинг халққа жабрзулм қилиши кучайиб боради. Шеробод беги Содикбекбий ва қози мулла Абдурахимнинг тан „, олишича, нархнаво ниҳоят даражада юқори эди. 1 манн буғдой 18 танга, 1 қўй 12 танга баҳолангани, орадан бир ҳафта ўтиб 1 манн буғдой 26 тангага, 1 қўй 21 тангага нархи кўтарилганлиги тан олинган. Бухоро амирлиги қушбеги маҳкамаси ҳужжатларида Денов беклиги солиқ харажатлари ҳосил йиғимига нисбатан 15 фоиз юқори белгиланганлиги, Шеробод беклигида 5 манн буғдойдан 1 манн беклик фойдасига олиниб, ҳосилнинг 5 дан 1 қисми беклик хазинасига топширилгани, умумий харажатнинг 10 фоизи беклик манфаатларига йўналтирилгани натижасида халқнинг аҳволи ниҳоятда қашшоқлашиб қолгани таъкидланган.

Денов ва Шеробод бекликларида XIX асрнинг 80йилларидаги солиқ турлари қушбеги ҳужжатларида алоҳида белгиланган бўлсада, солиқаарга беклар томонидан маълум ўзгартишлар киритилган. Булар боғ солиғи, мева солиғи бўлиб, 1 таноб ер 18 танга миқдорида белгилаб қўйилган. Шеробод туманида боғ ва чорбоғлардан олинадиган солиқ 1 таноб ер учун 13 танга, 1 таноб беда учун 6 танга, 1 таноб полиз маҳсулотлари учун 12 танга қилиб белгиланган. Бироқ амлақдорлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, қушбеги ҳужжатларига амал қилмасдан 1 таноб боғдан 26 танга, 1 таноб бедадан эса 12 танга солиқ олганлар. Солиқларнинг тури XIX асрнинг 50-80йилларида ҳаддан зиёд кўпайиб, қўш пули, капсан солиғи каби солиқлар амалда бўлган. Ҳар бир ботмон ҳосил учун 1 минг пуд (32 фунт) ва чорак ҳисобидан солиқ олинган. XIX асрнинг 80йилларида Шеробод беклигида ҳар 10 ботмон ҳосилдан 5 грабл буғдой (ер солиғининг бир тури экин экилишдан олдин олинган) солиғи олинган. 5 грабл буғдой (5 пуд буғдой) ҳар 10 ботмон буғдой ҳосилидан олинган. Энг ачинарлиси шуки, белгиланган солиқдан 10 баробар кўп солиқ олинганлиги ўша давр ҳужжат ва манбаларида тасдиқланган.

Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида ва қишлоқларида XIX аср охирида даруғона, яъни маҳаллий беклик ва унинг атрофидаги амалдорлар

учун йиғиб олинадиган солиқлар ҳисобидан закот олинган. Бу солиқ Шеробод беклигида 100 минг танга, Денов беклигида 75 минг танга, Шўрчида 50 минг танга ҳисобидан йиғиб олинган. Шеробод, Бойсун ва Денов бекликларида XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтин пули, камиш пули, сув пули, чўп пули, тўй пули, даллол пули, муроб пули, амина пули каби турли хилда солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули, яъни 1 кўй 20 танга, 2 эчки 28 танга ҳажмида белгиланган. Шунингдек, маҳаллий бой оқсоқоллар меҳмон рамзи учун муштак солиғи ҳар бир деҳқон олган ҳосилдан 1 чора (2 кг) ҳосил солиғи берганлар.

Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули алоҳида ажратилиб, отаоналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга қушбеги ҳужжатлари асосида 1520 танга тўлаши қайд этилган. Шеробод бегининг мактаблар бўйича бошлиғи мулла Мансур мактаб пулини ҳар ойга 20 танга ҳисобига белгилаган. Бу эса ўша даврда фақатгина амалдор бой ёки фақат оқсоқолларнинг болаларини ўқитиш учун имконият яратган эди. Ўз навбатида бекликларнинг ижтимоийиқтисодий ва ҳарбий муҳофаза қобилиятларини мустаҳкамлаш учун турли хил солиқлар йиғиб олинган. Масалан, ариқ пули, тегирмон пули, майса пули, андоз пули ва ҳашар йиғими буларга мисол бўла олади. Шеробод беклиги муллasi Имомиддин амирга ёзган арзномасида Шеробод беги ва амлақдорлар халққа ҳаддан ташқари зулм ўтказётганлиги ва ҳашар ниҳоят даражада кўпайиб кетганлигини қайд этади. Солиқлар ичида харажат пули амирлик ва беклик ишларига жалб қилинган, яъни суғориш иншоотларини қайта таъмирлаш ишига 12 танга ҳисобида солиқ тўланган. Йўлларни таъмирлаш, сув қирғокларини таъмирлаш учун 11 танга ҳисобида солиқ олинган. Бекликлар ҳар бир ҳовли йўлдан фойдаланганлиги, юк ташиганлиги, кўмир ёққанлиги, ун ташиганлиги ва бошқа хил ишлар учун белгиланган солиқлар тўлаб борган. 1885-1886 йилларда Шеробод бегининг қозиси мулла Имомиддин Бухоро амирига ёзган ҳисоботида Шеробод беги Содиқбек ўзининг ўғиллари ва акаукаларига амлақдорлик мансабларини бўлиб бериб, боғларни ва экин майдонларини ўз ихтиёрларига олиб қолаётганлигини ёзган эди. Солиқлар ҳисобидан йиғилган молмулкни Содиқбек ўз ихтиёрига ўтказганлиги ҳодисалари ҳам ҳисоботда қайд этилган. Шунингдек, қози мулла Имомиддин ахборотида 4 манн буғдой солиғи ўрнига Шеробод беги Содиқбек мутлақо тап тортмасдан ўзбошимчаларча 8 манн буғдой солиқ олишни қўллаётганлиги ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари қушбеги ҳужжатларида қайд этилган бошқа солиқ турлари ҳам белгиланганидан кўп олинishi ахборотда айтиб ўтилган эди. Ушбу арзномани тасдиқлайдиганлар: Дўстёр ҳожи, Неъмат оқсоқол, Муҳаммадқул, Беган оқсоқол, Абдурахмон, Саид Муҳаммадбой ва бошқалар. Ахборотноманинг натижалари қушбеги назораттекширув даврида солиқ олиш ва юритиш ишлари бузилганлиги, белгиланган ҳар бир таноб ердан олинадиган солиқ юқори бўлганлиги, амлақдорликлар томонидан халқни талаш қучайганлиги тасдиқланган.

Ижтимоийсиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар адабиётда ҳам ўз

аксини топа борди. Бу даврда ҳам бошқа даврларда бўлгани каби Термизий тахаллуси билан кўплаб шоирлар самарали ижод қилдилар. қуйида улардан айримларининг ижоди билан танишамиз.

**Умар атТермизий асСўфий** (1454 йилда вафот этган) йирик тасаввуфчи олимлардан.

**Мавлоно қудсий Термизий Маҳжуб** дарвешлик тариқати йўлини тутиб, танҳоликда умр кечирган, шеърӣ девони бор. XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаб ижод этган. Ҳасанхожа Нисорӣ «Музаққирӣ аҳбоб»да шоирдан бир қшға келтиради.

**Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий.** XVII

асрнинг 30йилларида туғилиб, XVIII асрнинг 30йилларигача яшаб, 100 йилдан ортиқроқ умр кўрган. Замондошлари Мирзо Юсуф ва Малехо Самарқандӣ томонидан оловқалб, ўткир тилли адиб деб таърифланган Хожа Самандар Термизий ўз замонасида маънавият дастурини тарғиб этган таниқли алломалардан бири бўлган. Зотан, тахаллуси Самандар бўлган, тахаллусининг тушунчаси эса унинг руҳиятига монанд эканлигидан далолат беради. Унинг замондошлари адибни афсоналарда олов ичида туғилиб, олов ичида яшаган Самандарга ўхшатадилар. Ҳақиқатда адибнинг «Дастур улмулук» («Подшоҳларга қўлланма») асарини ўқир эканмиз, унинг олимона руҳият соҳиби, маънавият тарғиботчиси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. У 1695 йилда ёзилган «Дастур улмулук» асарининг хотимасида шундай деб ёзган эди: «Илтимосим шуки, агар ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса, бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жонидили билан уни кўришга ва ўқишга ҳавас қилса, унда ўқишга рағбат уйғота олса, асар муаллифини «қуръон»нинг онаси ёқимли «Фотиҳа» сурасини ўқиб ёд этинглар».

Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий ўзининг жўшқин руҳият соҳиби эканлигини узоқ йиллар дарвиш сифатида машриқу мағрибни кезиб чиқиб, жуда катта тажриба ҳосил қилганидан кейин, ниҳоят «Дастур улмулук» асарини ёзиб, қуйидагича ифодалайди: «Менинг руҳиятимда ўзига хос, худди ошиқмаъшуқлар оловли эҳтирос ила бирбирларини севганларидек, жўшқинликни, серғайратликни севиш, унга интилиш одати бор эди». Оллоҳ Хожа Самандарга насиб этган бундай муждалардан бири «Дастур улмулук» асари бўлиб, у 22 фаслдан (фаслларнинг номланиши нисбий бўлиб, бир фаслнинг ичида иккинчи бир фаслнинг номи билан боғлиқ бўлган хикматлар ҳам бор) иборат. Шунингдек, у ахлоқийтаълимий ва жангнома жанрида ёзилган бадиийтарихий анъанавий асардир.

**Абдуллоҳ Термизий** (1627 йили вафот этган) шоир ва хаттот, Васфӣ тахаллуси билан шеърлар ёзган. Асли термизлик, Ҳиндистонга кетиб Жаҳонгир (1605 1627) саройида яшаган. Бир қанча назмӣ асарлари мавжуд. Ҳиндистонда вафот этиб, Агра шаҳрида дафн этилган.

**Мир Муҳаммад Тақӣ Термизий** 1746 йилда туғилган, отасини Мирали Ризо Балгиромӣ^дейишган, демак, шоир Хуросоннинг Балгиром шаҳридан экан. Бўлажак шоир ўз отасқан таҳсил олади, у Тақӣ тахаллусида шеърлар битган, даврининг билимларидан бохабар шахс

ҳисобланади. Шоир отасининг наслнасаби термизлик саййидлар авлодидан бўлгани боис таҳаллуси ёнига Термизий нисбасини қўшиб ишлатган. Мир Муҳаммад шоирнинг исми, Тақий адабий таҳаллуси, Термизий дейилиши шоир аждодларининг келиб чиқиши термузлик саййидларга бориб тақалиши билан изоҳланади. Мир Муҳаммад шеърятни, назмни жонидан ортиқ севади, китоб мутолаасига қўп вақтини сарфлади. Оқибатда ўзи ҳам кўзга кўринган шоир бўлиб етишади ва шеърларини жамлаб шеърӣ девон тузади. Шоир Тақӣш ҳақидаги маълумотлар Ҳусайнқулихон Азимободийнинг «Тазкирайи наштари ишқ» асарида учрайди. Тазкирада Тақӣй шеърларидан битта рубоӣй ва битта фард мисол тариқасида берилган.

**Сўфи Оллоёр** XVII асрнинг иккинчи ярми XVIII асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод қилган. Сўфи Оллоёр умрининг бир қисми Чағониён мавзеларидан бири Вахшивор билан боғлиқ бўлиб, шоирнинг «Сабот уложизин» асари шу жойда яратилган.

**Масиҳо ибн қози Мулло Мунтаҳойи Бойсунӣй** XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган, даврининг етук хаттотларидан, санъаткор шоирлар тоифасига мансуб. Шоирнинг «Раъно ва Зебо» достони бор, исми Масиҳо ва таҳаллуси ҳам Масиҳодир, ўз исмини адабий таҳаллус сифатида қўллаган. У ҳақда қори Раҳматулло Возеҳ (1817-1894) «Тухфатул аҳбоб фи тазкират ул асҳоб» («Дўстлар тухфаси ва суҳбатдошлар зикри») тазкирасида маълумот бериб ўтади: «Масиҳо, қози Мулло Мунтаҳойи Бойсунӣйнинг фарзанди, исмини таҳаллус қилиб олди, Бухоронинг машҳур хаттотларидан, настаълиқ хатини яхши ёзар эди. Бойсун шаҳри қозилари авлодига мансуб». Возеҳ яна давом этиб ёзади: «Маҳфилоро» китобидан «Раъно ва Зебо» ҳикоятини маснавий тарзида назмда ёзди».

«Маҳфилоро» туркман адиби Бархурдор Фарохӣй (XVII аср)нинг қаламига тегишли насрий асар, унинг таркибида Шарқ халқларининг қўплаб ҳикоятлари жамланган, Мирзо Масиҳо ана шу асардан «Раъно ва Зебо» ҳикоятини назмга солади. «Раъно ва Зебо» катта ҳажмдаги дoston, у тўрт ярим минг байтдан иборат ва 1882 йили шоирнинг ўзи томонидан қўчирилган нусхаси бизгача етиб келган. Мирзо Масиҳога «Маҳфилоро» таркибидаги «Раъно ва Зебо» ҳикояти ёқиб қолади.

Шоир Масиҳо Бухоро амирлари Насрулло (1826-1860) ва Музаффар (1860-1885)лар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган. У отаси Мунтаҳо вафотидан сўнг Бойсун қозилиги вазифасини бажаришга киришади, албатта, бу вазифа юксак масъулиятни тақозо этар эди. Боиси иш юзасидан шоир турли табақа вакиллари билан учрашар, у хоҳ камбағал, хоҳ бой бўлсин, ҳукмнинг адолатли бўлиши шарт эди. Чунки, қозининг иши доимо кишиларнинг юмушини тўғри ҳал этиб беришга қаратилмоғи лозим.

XVIII асрнинг биринчи ярмида давом этган ўзаро урушлар ва кўзғолонлар Бухоро амирлигини талонторож қилиб қолмасдан, балки мамлакатнинг иқтисодӣй ва сиёсий қудратини ҳам пасайтиради. XIX аср бошларига келиб ягона хонлик ўрнида Бухоро, Хива, қўқон хонликлари ташкил топади. Мамлакатнинг парчаланиши Ўрта Осиёга чор Россияси

мустамлакачиларининг кириб келишини анча осонлаштиради. Чор ҳукумати Ўрта Осиёга инглизларнинг кириб келишининг олдини олиш учун дадил ҳаракатлар бошлайди. Айниқса, Бухоро амирлигининг жанубий сарҳадлари, хусу % сан, Термизни эгаллашга алоҳида эътибор беради.

Россиянинг Туркистонга истилоси арафасида Сурхон воҳаси Бойсун, Шеробод ва Юрчи бекликларидан иборат бўлиб, бу замин Бухоро амирлигининг «Шарқий ерлари» ёки Шарқий Бухоро деб аталган. Чор Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасида 1873 йил 28 сентябрда шартнома тузилади. Шартнома 17 моддадан иборат бўлиб, унинг 3моддасида: «Бухоро амирлигига қарашли Амударё қисмида Бухоро кемалари ва рус пароходлари, шунингдек, бошқа флот кемалари қаторида ҳукумат ҳамда шахсий кемаларга эркин сузишга рухсат берилади» дейилса, 4моддасида: «Керак ва қулай бўлган Амударёнинг Бухоро қирғоқларида руслар ўзининг тўхташ жойи ва товар омборлари қуришга ҳақлидир», деб ёзилган эди.

1888 йил 23 июнда имзоланган қўшимча шартномага биноан унинг моддалари қайта кўриб чиқилади ва рус фуқаролари Янги Бухоро (ҳозирги Когон), Чоржўй, Карки шаҳарларида яшашлари мумкин, деб топилади. Бувдан ташқари мазкур протоколга кўра, асосан Амударё қирғоқлари бўйлаб рус манзилгоҳлари барпо этиш кўзда тутилади. Худди шу вақтда Термизнинг Амударё қирғоғига туташиб кетадиган Паттакесар қишлоғи ёнида руслар истиқомат қилиши учун яшаш жойларини барпо этиш бошланган эди.

Бу даврда қадимги Термиз атрофида унча катта бўлмаган, яъни тахминан 1257 кишилиқ аҳолига эга Паттакесар ва Солиҳобод қишлоқлари борлиги қайд этилади. 1893 йил 15 январдаги РусБухоро шартномасига биноан Термиз шаҳри Рус подшосига «совға сифатида инъом этилади». Шундан кейин бу ерга 7чегара округига қирувчи рус ҳарбий қисмларини жойлаштириш ишлари бошлаб юборилади. 1894 йилда Термиз қалъаси қурилиши ва унда рус қўшинларининг жойлаштирилиши туфайли Термизда телеграф линиялари тортилади. Чор Россияси Чоржўй, Бухоро, қарши, Термиз, Калиф гарнизонлари билан алоқа йўллари тиклаганлари ҳолда унинг Бухоро амирлиги учун зарурлиги билан мутлақо қизиқмайдилар. Натижада Бухоро амирлигининг савдосотик йўллари астасекинлик билан бўлсада, издан чиқа бошлайди. Амударё соҳилида рус ҳарбийлари қалъасининг қурилиши муносабати билан чор ҳукумати 1900 йилда Термиз Самарқанд йўлини таъмирлайди.

1894 йил 24 июлда чор Россиясининг сиқуви ҳамда Бухоро амирлигининг Божхона иттифоқига қўшилиши , билан Термизни рус ҳарбий манзилгоҳларидан бирига айлантириш ишлари янада тезлашиб кетади. 1894 йил : декабрь ойи бошларида Амударё чегара қоровуллиги Ғ бригадаси тузилиб, у Каркидан Йола қишлоғигача . бўлган жойларни назорат қилиши белгилаб қўйилади. Шу вақтнинг ўзида Карки, Калиф, Паттакесар, Айвонч, Сарой божхона пунктлари ва Чубек ҳамда Боғариқ ўтиш чегара жойлари ҳам ташкил этилади. 1894 йил 12 декабрда Термиз харобаларидан 8 км нарида Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиш ирмоғида

кема тўхташи учун қулай бўлган Паттакесарга 31Амударё чор ҳарбий чегара қўшинлари келиб жойлашади. Чор қўшинлари Паттакесар қишлоғига келиб тушиб дарёдан 2 км юқорида қалъа қуради, туб ерлик аҳоли унга «Тупроққўрғон» деб ном беради. Паттакесарга келган чор қўшинлари беш йўналиш бўйича кузатув назоратини ўрнатишади, яъни: 1) Шўроб кузатув пунктига 10 отлик, 10 пиёда, 2 эркин ёлланган ҳарбий; 2) Маймунтўқай кузатув пунктига 9 отлик, 10 пиёда ва 2 ёлланган ҳарбий; 3) Орол (Пайғамбар ороли) кузатув пунктига 6 отлик, 2 та пиёда ва 1 та эркин ёлланган ҳарбий; 4) Паттакесар кузатув пунктига 9 та отлик, 11 та пиёда ва 3 та ёлланган ҳарбий; 5) Айритом кузатув пунктига 8 та отлик, 8 та пиёда ҳарбий жойлаштирилади.

Амударё бригадаси қароргоҳи Паттакесарда жойлашган бўлиб, унда 2 штатофицери, 5 та оберофицер, 1 отлик, 7 пиёда, 22 сафда турмайдиган ва 2 эркин ёлланган аскарлар хизмат қилган. Бундан ташқари штаб ҳузурида ўқув бўлими бўлиб, унда оберофицер, 24 отлик ва 2 та сафда турмайдиган аскарлар бор эди. Ҳарбий назорат, қуроляроқ устахонаси ва омборхона ҳам штаб ҳузурида жойлашган. Академик В.В. Бартольднинг қайд этишича, 1900 йидда руслар жойлашиб олган Паттакесар шаҳарча аҳолиси 8.052 нафар эркак ва 2.069 нафар аёлдан ташкил топган. Яъни аҳолининг асосий қисми рус ҳарбий кишиларидан иборат бўлиб, руслар янги Термиз шаҳрида ўрнашиб олиб, уни Россия манфаатларига мос келувчи сиёсий ва ҳарбий марказга айлантиришга ҳаракат қила бошлаганлар.

Термизда қурилиш ишлари 1895 йидда бошланади ва шаҳарни ўз қўлида сақлаб қолиш учун мустамлакачилар зудлик билан 1897 йил июнида салавотлик акаука Сайид Олим ва Сайид Али хўжалардан 43 десятина (1 десятина 1,09 га тенг) ер сотиб олади. Бундан ташқари Паттакесар шимолидан 1200 десятина ер сотиб олинади. Сотиб олинган ерларда ҳарбийлар учун турар жойлар, «Офицерлар уйи», касалхона, отхона, қуроляроқ, озиковқат омборхоналари қурилади. Термизда рус истехкомлари Амударё соҳили бўйлаб қурилади.

Рус чоризми ҳарбий ишларни кучайтириш мақсадида 1895-1900 йилларда ҳарбий қалъа ва шаҳар муҳофаа деворлари қурилишига 57 минг рубль пул сарфлайди. Сурхон воҳасини келажакда тўлиқ истило қилиш мақсадини ҳисобга олиб, мустамлакачи ҳукумат 1897 йил баҳорида ПетроАлександровскдаги 4Оренбург казак полкини ва 13Туркистон батальонини, 9Туркистон полкини, 6Сибирь ўқчи полкини ва Тобин артиллерия ротасини, Тошкент дружиналарини, 546казак дружинасини Термиз шаҳрига олиб келиб жойлаштиради. Бухоро амири 1900 йил 22 январда чоризмнинг сиқуви билан шимолда қорақум чўли, шимолишарқда Сурхондарё, жанубишарқда Амударё билан чегараланган ва умумий майдони 10.514 десятинадан иборат ерларнинг ҳаммасини бепул фойдаланиш учун чор ҳукуматига бериш тўғрисидаги актни имзолайди. Бухоро амири пулсиз фойдаланишга берилган ерлар эвазига унга рус генерали чини, яъни унвонини беришни ёхуд «АндрейПервозванный» олий белгиси билан мукофотлашни талаб этади. Амир талаби қондирилиб, унга рус генерали

чини берилади. Шундай қилиб, «рус генерали» унвони эвазига Термиз шаҳри ва унинг атрофидага ерлар мустамлакачилар ихтиёрига берилади.

Чор ҳукумати Термизга ҳарбий қалъа сифатида катта эътибор берсада, туб ерлик аҳолининг ижтимоий аҳволи мутлақо эътибордан четда қолган эди. Термиз гарнизони бошлиғи генералмайор Бароновскийнинг 1902 йил 29 августда Бухородаги сиёсий агентлик номига ёзган рапорти бунга яққол далил бўла олади. Тўғри, бу рапорт танқидий тарзда ёзилган. куйида мазкур рапортдан бир парча келтирамиз: «Ўзи кўргон деб, номи шаҳар деб аталган Термизимизни уқувсиз шаҳар совети ва қўшин сафида хизмат этувчи, тезтез алмашилиб турадиган паст чинли ҳарбийлардан иборат тажрибасиз полиция бошқармоқда, санитария назорати йўқ, даволаш муассасалари йўқ, яқинда қорамоллар ўртасида ўлат касаллиги тарқалди. Ҳарбий медицина инспектори 1902 йил 13 июндаёқ уч ветеринар врачнинг Термизга сафарга жўнатилишини хабар қилган эди. Лекин август ойи охирлаб қолишига қарамай, ветеринарлардан биронтаси Термизга етиб келмади. Ўлат касали бўлса, уларнинг келишини кутмасдан, ўладиган моллар қирилиб бўлгач, ўзиданўзи тугаб қолди, граждандар бекорданбекорга касал бўлиб қирилиб кетаётирлар. Туб ерлик аҳоли учун хусусий амбулатория бор, амир бу амбулатория учун уч юз сўм ажратиш ҳақида фармон берган. Аммо, Бухоро ҳукумати, Сиз жаноби олийлари талаб қилишингизга қарамай, ўз амирининг фармонини бажаришни истамайди. Безорилик ва ароқхўрлик авж олган, унга қарши кураш олиб бориш учун маблағ йўқ, полиция бошқармаси ҳам йўқ. Уқувсиз полицмейстер қўшин сафида хизмат қилувчи офицер, қуролсиз куйи чиндаги ҳарбий хизматчилардир. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, ҳатто граждандар полициячиларни тутиб уришади, полиция уйи қулаб, бузилиб кетаётган иморатда жойлашган, полициядан қочиш ҳеч гап эмас. Полицияда қамокқа олинганларни овқатлантириш учун ҳеч нарса йўқ, суд ҳам, жазо бериш ҳам йўқ. Даъвогарлар менга мурожаат қиладилар. Даъволарни текшираман, яраштираман, лекин ножўя ишлар, жиноятлар учун жазо беришга ҳуқуқим йўқ. Ўғирлик ва фирибгарлик авжига чиқмоқца, баъзи ўғирликлар шундай усталик билан қилинадики, бу касбнинг тилини билган усталар борлигидан шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу ерда сув йўқдек, аммо барча ўғирликларнинг изи сувга чўмгандай ғойиб бўлиб кетаверади. Жавобгарликка тортилган жиноятчилар судга фақат истехзо билан кулиб қарайдилар, холос, шундай тушган офат эди ва ҳар йили бу касалликлардан нобуд бўлганлар сони туғилган болалар сонидан кўп бўларди. Бу тасодифий ҳол эмас эди, чунки Бухоро амирини турлитуман солиқ ва тўловлар йиғиб олиш қизиқтирар, чор ҳукумати эса Термизга ҳарбий жиҳатдангина аҳамият бериб, туб ерлик аҳолига мутлақо эътибор бермас эди. Термизда рус божхона вакилининг давлат ҳисобига эпидемияга қарши кураш чоралари кўришни сўраб ёзган мактубига амир «Ажали етганлар ўлар, худо умрини берганлар соғайиб кетар. Бунинг олдиндан билиш ҳам, бирон чора билан ёрдам бериш ҳам ҳеч кимнинг қўлидан келмайди», деб жавоб берган. Шу жавобнинг ўзи Бухоро

амирининг ўз тасарруфидаги халқига қандай қараганини яққол кўрсатиб турибди. Ниҳоят, чор ҳукумати 1904 йилда соғлиқни сақлаш ишларига Термизнинг маҳаллий бюджетидан 210 рубль ажратади.

Шеробод воҳаси ерларини эгаллаб олиш, катта пахта монополиясини вужудга келтириш мақсадида кўплаб мутахассислар жалб этилади. Айниқса, ҳарбий муҳандис А. Г. Ананьев бу борада бир қатор ишлар қилади. У ўзининг «Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш» асарида минглаб одамларнинг яшаши учун қулай шароитлар мавжудлигини маданий аҳамиятдан ташқари, Шеробод даштларини суғориш Россия давлати учун муҳим иқтисодий қимматга эга эканини ҳам таъкидлайди. У, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «1) Ҳарбий нуқтаи назардан, Термизда жойлашган отрядларнинг стратегик ҳолатини яхшилайти, зеро, улар гуллаётган ҳудудда жойлашиб олиб, ўзларини озиқовқат ва ишчи кучлари билан таъминлаш имкониятига эга бўладилар ва сафар учун зарур воситаларни ҳам топадилар; 2) Иқтисодий томондан, Россияга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун муҳим бозор яратилади, рус бозори эса бир миллион пуддан зиёд пахта толасига эга бўлади. Бу эса бизни Америкага қарамликдан озод қилади, пахтадан ташқари муҳим стратегик аҳамиятга эга темир йўл қурилишини маблағ билан таъминлашга имконият яратади;

3) Табиий шароитга таъсири нуқтаи назаридан, тропик иқлими, шубҳасиз, яхшиланади, бу эса ўз навбатида ҳудуддаги санитария ҳолатининг яхшиланишига олиб келади; 4) Маҳаллий аҳамияти: Термиз суғориш тизимининг заиф томонларини мустахкамлаш мумкин бўлади, зеро, бу тизим Сурхон суви зарбаларига бардош бера олмайди, кўплаб қўшимча сув ҳавзаси қуришни талаб қилади. Бундан ташқари давлат тасарруфидаги суғориладиган ерларни 400 десятинадан то 10000 десятинагача етказиш мумкинки, бу ҳам чор Россияси хазинасини бойитишга хизмат қилади».

Чор ҳукумати туманлаштириш ва ҳудудий бўлинишларда қуйидаги ҳолатларга ўз эътиборини қаратди: 1) Иқлим ва тупроқ ҳосилдорлиги; 2) Ерни ўзлаштириш манбалари; 3) Ер юза қисмининг жойлашиши;

4) Ишчи кучлари; 5) Сув таъминоти. Машҳур Занг каналини қазииш 1908 йили бошланиб, бу машаққатли иш 1914 йилга келиб тугалланади. Бу ариқнинг чизмаси туб ерлик Эшонбек номи билан боғлиқ бўлиб, у от устида юриб, 5560 километрлик қазиладиган ариқнинг йўлини кўрсатиб берган. Умуман, чор ҳукумати Сурхон воҳасига нафақат ҳарбий, балки иқтисодий манфаат нуқтаи назари билан ҳам қарайди. Пахта масаласида Америка тобелигидан чиқиш ҳамда туб ерлик аҳоли меҳнаткашлигини суиистеъмол қилиб, чор ҳукумати кўзга кўринган етук мелиораторлар, ирригаторларни бу ерга келтиради. қисқа вақт ичида суғориш шаҳобчалари тизимини яратиш туфайли чор Россияси хазинасига фойда олиб келаётган экин майдонларини 4000 десятинадан 10000 десятинага етказиш Асосий саволларлаштирилади.

Бухоро амирлигининг рухсати билан 1912 йил 23 февралда рус муҳандиси А. Г. Ананьевга Шеробод водийсидаги 72000 десятина ер фойдаланиш учун шартнома асосида берилади. Шартномани Бухоро амирининг Ер ишлари бўйича вазири Мирза Насруллобой кушбеги имзолайди. Шартномага мувофиқ, Бухоро амири Шеробод ва Бойсун беклигига қарашли қуйидаги ерларни А. Г. Ананьевга бепул фойдаланишга тақдим этади. Ушбу мулклар 12000 десятинадан иборат қорақамар ҳудудини, 23000 десятинадан иборат Бешқўтон ҳудудини, 30000 десятинадан иборат Ангор ҳудудини, 6000 десятинадан иборат Янгиариқ ҳудудини, Амударё ва Каттақум мавзеси ҳудудларини ўз ичига олади.

Чор амадцори Р.Ю.Рожевицнинг Жанубий Бухорога қилган сафарига доир ёзган кундаликларида Шеробод беклигининг географик жойлашуви хусусида қуйидаги фикрлар баён қилинган. Шеробод беклиги ҳудуди Шеробод тоғларининг тугаши қисмида жойлашган бўлиб, Термиз томонга чўзилиб, лой, қум ва тупроқдан иборат. Ангорнинг жанубий қисми ҳамда Амударё томон чўзилган йўлнинг 1015 вёрстда, асосан, туя Ўрқачлари каби қумликлар ястаниб ётибди. «Янги Термиз билан Эски Термиз оралиғи 6 вёрст бўлиб, энг қадимги Термизнинг харобалари билан улашиб кетган жуда кўп қабр қолдиқларини оралаб Термиз шаҳрига кириб келдик». Доктор Лилендера Бухоро мулкларининг бошқа ҳудудларини кўришдан олдин Термизда бир неча кун дам олади. У томондан Паттакесардаги мавжуд бозорларда маҳаллий бойлар рус, арман, яҳудий ва форсийларнинг савдо дўконлари билан биргаликда иш олиб борган ҳамда шаҳар аҳолиси асосан солдат ва офицерлар оиласидан иборат эканлиги ёзиб қолдирилган.

Подшо Россияси Марказий Осиё ҳудудидаги вазиятни ҳисобга олиб, асосан Термиз орқали юк ташиш ва хом ашё олиб кетишни кўпайтириш мақсадида Бухородан Термизгача, Термиздан Ҳисоргача ҳамда Термиздан Кўлобгача темир йўл қуришни тезлаштиришга эътиборини қаратади. қурилажак темир йўл амирлик марказини Шарқий Бухоро ҳудудидаги беклик билан яқиндан боғлар эди. Мазкур 9 та бекликларда 470 минг киши истиқомат қилиб, улар томонидан йилига 528 минг ботмон буғдой, 272 минг ботмон арпа, 113 минг ботмон тарик, маккажўхори ва бошқа экинлар ҳамда 152 минг ботмон шоли етиштирилган. Шарқий Бухоро бекликларида ички бозор кам тараққий этган бўлиб, ташқи бозорга чиқиш кўплаб муаммолар мавжуддиги туфайли анча суст ривожланган. Бекликларни қийнаб келаётган муаммолардан бири бу транспорт қатновининг яхши йўлга қўйилмагани эди.

Бухоро амири қоратегин ҳукмдори Неъматуллабекка қоратегинликларни темир йўл қурилишига сафарбар этиш тўғрисида фармон беради. Темир йўл қурилишида иштирок этаётган ҳар бир ишчи учун иш ҳақи темир йўл қурилиши бошқармаси томонидан ажратилади ва маблағ Неъматуллабек ихтиёрига ўтказилади. Неъматуллабек темир йўл қурилишида иштирок этаётганларга иш ҳақи тўламасдан, уларни ҳарбий тайёргарлик кўриш учун қилинаётган иш сифатида қурилишга сафарбар этади. қурилишда 23 мартадан навбат билан иштирок этган деҳқонлар

ишнинг оғирлиги, иш ҳақининг тўланмаслигидан азоб кўрадилар, кўплари вафот этадилар ва Неъматуллабек устидан губернаторга шикоят қиладилар.

Ўрта Осиё халқларининг бошқа давлатлар билан иқтисодий ва савдо алоқалари бундан кейинги асрларда ҳам жадал олиб борилган. Пётр I даврида, унинг кўрсатмасига биноан, 1717 йилда князь БековичЧеркасский бошчилигидаги экспедиция Астрахандан Хивагача бориб Амударёнинг Оролгача қуйиладиган сув йўлини ҳам ўрганиши керак эди. Бироқ БековичЧеркасский экспедициясининг Хива хони Шерғозихон томонидан кириб ташланиши натижасида Пётр I нинг бу кўрсатмаси бажарилмай қолади. Босқинчилар томонидан Ўрта Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида истило қилинган, 1873 йил 27 апрель кунини Флотилия бошлиғи, 1 ранг капитани Ситников бошчилигида 2 та пароход таркибида 3 та баржа билан Амударёга кириб келади. Пароход Улқун дарёси бўйлари билан қўнғиротга қараб жўнайди. Бироқ Амударёнинг дельталари ўрганиб чиқилмаганлиги натижасида экспедициянинг олдинга силжишига йўл қўйилмайди. 1873 йил 1 августга келиб генерал штаб полковниги Н.В.Каульбарс Амударёнинг қуйилиш жойларини текшириб, кема қатнамайдиган йўлнинг Орол денгизига чиқиладиган жойларини излайди ва Амударёнинг қуванЖарма, Дауқара кўли ва Ялисув дарёсининг қуйилиши орқали чиқса бўлишини аниқлайди. Бу йўл билан Козалинскдан (Сирдарёдаги флот базасидан) Орол денгизи орқали Амударёда доимий равишда юк ташила бошланади. Кейинроқ эса Амударё қирғоғида қабақли кўрғони ва мудофаа иншооти қурилиб ишга туширилади.

Чоржўй шаҳрида 1888 йили Амударё ҳарбий флотилиясининг биринчи «Подшо» ва «Царица» номли кемалари, пароходлари ташкил этилади. Ўша вақтда бу кемалар, пароходлар дарё транспортидаги янги кемалар ва пароходлар эди. Бу кемалар 520 от кучига эга бўлиб, улар темир йўл орқали ташиб келтириладиган Боку нефтининг мазутлари билан юритиларди. Амударё бўйига Амударё ҳарбий флотилияси кемаларидан ташқари «Хива» номли акционерлик жамияти ва майда қайиқ эгалари ҳам фаолият кўрсатарди. Амударё йўналиши бўйлаб шундай қийинчиликларга қарамасдан XIX аср охирида ўн битта кема ва ўн тўққиз дона баржа сузиб туради. Баржалар (шатакка олиб юриладиган юк кемаси) фақат дарёнинг юқорисига қараб шатакка олинар, қуйи томонга қараб эса бу баржалар ўзлари сузар эди. Ҳарбий флотилия кемалари билан йил давомида 15 минг тонна ҳар хил юклар ва 2025 минг йўловчи (асосан ҳарбийлар) ташилади. Чоржўйдан Термизга ва пастга қараб Тўрткўлгача қўнғиладиган рейс бир ойга яқин вақтни олар эди. Кам юк кўтарадиган флотни Амударёда асосан қайиқлар ташкил қиларди, уларнинг сони 1500 дона бўлиб, бу қайиқлар маҳаллий ўрмонларда етиштирилган толлардан ясалган эди. Толлар асосан ҳўл томирлари билан олинар ва ёғоч шираси билан бўялар, бу эса ёғочни чириб кетишидан асраган. Маҳаллий толдан ясалган, палубаси бўлмаган ёғоч кемалар 2040 тоннагача юк кўтарган.

Бу кемаларнинг ташқи корпуси каттиқ чорқирра (устун)лар билан ўзаро бириктирилган. Бундай қайиқларнинг унчалик қуввати бўлмай, вазни

хам оғир бўлиб, бошқаришда катта қийинчиликлар туғдирар эди. Марказий Осиёга Сибирнинг нина баргли ўрмонларидан кесиб келинган ёғочларнинг келтирилиши натижасида рус хунармандлари бу ёғочдан енгил қайиқлар ясай бошладилар. Бу кемалар кейинчалик ўрис кемалари деб атала бошлади. Бу енгил қайиқларнинг кўпайиши натижасида маҳаллий тол қайиқлар истеъмолдан сиқиб чиқарилди. Термиз шаҳрига барча юклар Самарқанддан курукликдан ва Амударё орқали олиб келинар эди.

Чоржўидан Термизга 1894 йилнинг август ойида биринчи катерлар гуруҳи почта ва юкларни қўриқлаш мақсадида келтирилади. Шунда улар Сурхондарёнинг ичкарасига икки километр юрадилар ва бу ерда ўзларининг қароргоҳларини ташкил қилмоқчи бўладилар. Кеч кузда Сурхон дарёсида сув камайганлиги сабабли қароргоҳ курукликца қолиб кетади. қароргоҳ 1896 йилга келиб Амударё бўйига кўчирилади.

Шундай қилиб, Сурхон воҳасида дарё портининг илк манзилгоҳи вужудга келади. Умуман олганда, XIX аср охири XX аср бошларида воҳанинг ижтимоийсиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида анча орқага кетишни қузатиш мумкин.

#### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.
2. Турсунов С.Н. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида.Т., 2001.
3. Жалолиддин Мирзо Термиз тарихи Тошкент, «Шарқ» 2001
4. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.: Мерос, 1997.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи. 1994.
6. Ананьев А.Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон суви ёрдамида суғориш лойиҳаси. Т.: Шарқ, 2002.
7. Жалолиддин Мирза. Термиз тарихи. Т.: Шарқ, 2001.
8. Хўжасамандар Термизий. Дастур улмулук. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
9. Чағониён тарихи. Тўплаб нашрга тайёрловчи А.Хидиров. Т.: Ислом университети, 2002.
10. Қодиров Б., Муртозаев Б. Чағониён адабиёти, Т.: Янги аср авлоди, 2002.

#### **СУРХОН ВОҲАСИ**

**1917-1941 йилларда БХСРнинг ташкил топиши ва Сурхон воҳасидаги миллий-озодлик ҳаракатлари**

#### **АСОСИЙ САВОЛЛАР:**

1. Сурхон воҳасида мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари.
2. Сурхон воҳасида миллий озодлик ҳаракатлари.
3. Қатағонлик йилларида Сурхон воҳаси.
4. XX асрнинг 20-30-йилларида Сурхон воҳасида ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳвол.

## Таянч сўзлар

Термизда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Бухоро амирлигининг ағдарилиши. Истиқлолчилик ҳаракатлари. Сурхондарё округининг ташкил топиши. XX асрнинг 20-30-йилларида округ қишлоқ хўжалиги. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Қатағонлик йилларида Сурхондарё. XX асрнинг 20-30 йилларида Сурхондарёда маориф ва маданият. Сурхондарё вилоятининг ташкил топиши.

Большевиклар октябрь тўнтаришидан сўнг ҳокимиятни қўлга киритгач, ҳақиқий халқ ҳокимияти ва чинакам демократия ҳукмронлик қиладиган жамиятни барпо этишни ваъда қилган эдилар. Бу жамият кенг халқ оммасининг эҳтиёжларини қондириши, унинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди. Тарих тажрибасининг далолат беришича, халқ ҳокимияти ғояси бир гуруҳ инқилобий ҳаёлпарастларнинг ўйлаб чиқарган нарсаси эмас, балки мазлум «қуйи» табақаларнинг одамини одам эксгаугатация қилмайдиган, инсоннинг эркин камол топиши учун ижтимоий адолат тантана қиладиган ва тенг имкониятлар мавжуд бўладиган ижтимоий тузумни кўп асрлардан буён орзу қилиб келган интилишининг якунидир. Халқ ҳокимияти бу ўзиниўзи идора қиладиган давлат бўлиб, унда ҳар бир кишининг эркинлик даражаси бошқарувда бевосита ёки вакиллик йўли билан иштирок этиши билан белгиланади. Халқ ҳокимияти бу маданиятли демократиянинг базали негизини ташкил этади, афсуски, большевиклар марксча назарий қоидаларга амал қилиб, илғор халқ ҳокимияти ғояларини ҳалокатли, мустабид тузумни барпо этишнинг мафкуравий куролига айлантирдилар. Февраль инқилобининг ғалабаси Россияда «буржуа демократик» давлати тизимининг амалий муаммосини кун тартибига қўяди ва давлатчилик назариясига катта қизиқиш уйғотади. Рус чоризмининг таркибий қисми бўлган Термиз шахрида ҳам инқилобий ўзгаришлар бўлиб, ҳарбийлар бошқарув қўмитаси тузилади ва Термиз гарнизонининг барча ҳарбий қисмларида 1917 йилнинг 10 мартада митинглар бўлиб ўтади. Аскар қўмитаси Термиз пахта тозалаш заводи ишчиларининг ТермизПаттакесар «Ишчи иттифоқи» билан алоқа боғлайди. Натижада 1917 йилнинг 19 мартада Термиз гарнизони аскарлари ва зобитлари ноибларининг бирлашган йиғилишида Термиз-Пагтакесар ҳарбий қўмитаси тузилади, унинг ҳуқуқ ва вазифалари белгиланади ҳамда 6 кишидан иборат ҳайъат сайланади. 1917 йилнинг 21 апрелида Термизда ишчи ва аскарларнинг бирлашган митинги бўлиб ўтади ва 22 апрелда зобитлар уйида Ишчиаскар депутатлари совети тузилганлиги эълон қилинади. Совет раислигига Преображенский (Тошкентда ўддирилган 14 комиссарнинг бири), котиблигига эса Круликовский сайланади (у кейинчалик Термизда яшаб вафот этган). 30 апрелда Паттакесар деҳқон ноиблари совети тузилади, унга 546 казак дружинасининг собиқ аскарлари, яъни ҳарбий хизмат муддатини ўтаб, захирага чиққан деҳқонлар аъзо бўладилар. Паттакесар деҳқон ноиблари совети Термиз аскаришчи ноиблари совети билан қўяшлиб, 1917 йилнинг 7 майида Термиз-Паттакесар аскаришчи ва

деҳқон ноиблари совети ташкил топади. 1917 йилнинг I июлида ўз ишини бошлаган Термиз-Паттакесар аскаршичи ва деҳқон ноиблари совети кенгашида маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди.

Советлар сиёсатининг Сурхон воҳасига кириб келиши кескин кураш шароитида амалга ошди, маҳаллий халқнинг асосий қисми бу янги ҳокимияши норозилик билан кутиб олади. Бухоро амирлиги даврида катта ҳарбий, иқтисодий, сиёсий мавқега эга бўлган Сурхон воҳасини советлар ҳукумати ўз қулида маҳкам сақлаб қолишга жиддий киришади. У оддий меҳнаткаш халқни зудлик билан ўз томонига ағдариб олиш мақсадида халққа бепул, ўйлаганидан ортиқча мулк ваъда қилиб, ишлаб чиқариш қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий гушунчаси йўқ, сиёсий билимларни етарли эгаллаб олмаган халқни ўз сиёсати чегарасига киритиб олади. Натижада совет ҳукумати миллий хусусиятларни чуқур ўрганиб, ички зиддиятлардан фойдаланишга, қаринюшуруғларни, миллий этник гуруҳларни бирбирига қарамақарши қўйишга ҳаракат қилади. Бундан сиёсий манфаатлар йўлида усталик билан фойдаланади. Миллатнинг фахри бўлган олиму фозиллар, йирик маҳаллий бойлар, ўткир зеҳнли дин вакиллари, маҳаллий халқ ўртасида ишбилармон, иш бошқарувчиликда катта обрўга эга бўлган нуфузли одамларни сиёсий ҳаёт йўналишидан олиб ташлаш ва йўқотишга жиддий киришади. Бу сиёсат туфайли 20-йилларда воҳанинг минглаб аҳолиси қаттиқ сиқув остига олиниб, бир қисми қатағонлик сиёсати билан сургун қилиниб, иккинчи қисми эса кириб ташланадк. Халқнинг асосий қисми эса қуруқ ваъдалар таъсири остида советларнинг нотўғри сиёсатига эргашиб кетади. Амирликнинг қулатилиши арафасида Бойсунда йирик ер эгаси Суюн Пинхос ўғли ихтиёрида 600 гектар экин майдони бўлиб, унинг ерлари зўрлик билан тортиб олиниб, 13 та дўкони ҳам янги ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор асосида давлат ихтиёрига ўтказиб юборилади. Илм-маърифат ва маданий покликка даъват этувчи ислом динига ҳам кескин зарба берилади. Жумладан, Бойсундаги 2 та кичик мадраса, Шерободдаги ўрта таълим мадрасаси, Деновдаги 2 та ўрта таълим мадрасалари ёпиб ташланади ва талабалар қаттиқ сиқувга олинади. Узоқ асрлар давомида яратилган қимматбаҳо ва нодир китоблар, қўлёзмалар, ноёб миллий санъат обидалари йўқ қилинади. Бойсун, Шеробод, Деновдаги беклик саройлари, масжидлар, мадрасалар «хурофот белгиси» сифатида бузиб ташланади. Сурхон воҳаси аҳли «Саид Олимхон ҳазратларига ёрдам берган» деган сиёсат таъсири қурбони бўлади. 1920 йил 10 сентябрда Амир Саид Олимхон Дарбандга келиб, Бойсун беги ҳамроҳлигида 11 сентябрда Ёлғизбоғ ва Тўда қишлоқлари орқали Бойсунга жўнаб, Чорчинорда тўхтади. Инқирозга учраган амир ўз давлатида мафкуравий бирликни, ўзаро ҳамфикрлиликни вужудга келтиролмайди ҳамда қизил ҳокимиятга қаршилиқ кўрсата олмайди. Ўша даврда маҳаллий халқни чалғитувчи мансаб учун ўз халқини сотиш эвазига обрў орттиришга уринувчилар ҳам кўп бўлади, чунки Дарбанд, Бойсун, кўрғон воқеалари бунинг исботидир. Баъзи бир кимсалар

арзимаган ваъдалар ҳисобига миллий ғурурни, орномусни, виждонни сотиш йўлига ўтадилар. 1941 йили Шеробод тумани Истара қишлоқ кенгашида Сагизов Раҳмонга 75 гектар ерга буғдой, 40 гектар ерга арпа экинини экмасдан давлат Асосий саволларсини бузди, деб айб қўйилган бўлса, Норбоев Эшқувват инқилобга қарши тарғибот ишларини олиб бориб, тескари муносабатда бўлишга чорламоқда, Таллашқон қишлоқ кенгашидан 27 ёшли Ҳимматов Хуррам деҳқончилик Асосий саволларсини барбод этувчи, деб жиноий жавобгарликка тортилади.

Мустабид тузум сиёсий мафкурасининг асл қиёфасини турли йўналишлар, хийла-найранглар билан яширишга уриниб, ўзбек миллатининг кўзга кўринган фидойиларини йўқ қилиш, қириб ташлаш билан қаттиқ шуғулланиб, қатағонлик усулини кенг қўллади. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя. Инсоний кадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди». Ушбу давр воқеийлиги вилоят тарихий ҳаётидан бир лавҳа мисолида акс эттирилса-да, қатағонлик йиллари халқимизга ўтмишнинг бу аччиқ қисматини доимо хотира сифатида эслашга даъват этади.

## **МУСТАБИД ТУЗУМ ДАВРИДА СУРХОНДАРЁ САНОАТИ**

Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси қарори билан Сурхондарё округи 1925 йилнинг 18 январь куш Бойсун, Сариосиё, Шеробод уездларига бўлинди. Бойсун уезди маркази Бойсун шаҳри бўлиб, уезд учта тармоққа Бойсун, Дарбанд ва қумқўрғонга бўлинган. 1926 йил 31 августдаги қарор билан эса қумқўрғон тармоғи Жарқўрғон тармоғи деб юритила бошланди.

Сурхондарёда маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар турли даврларда амалга ошириб борилди. Сариосиё тумани Ўзбекистон МИҚ сессиясининг 1926 йил 29 сентябрдаги қарори билан Сурхондарё минтақаси таркибида ташкил этилиб, у 20 та қишлоқ кенгаши, 124 та аҳоли маркази, 376 та хўжаликни ўз ҳудудига олган эди. Уларда 20213 нафар аҳоли истиқомат қиларди.

Вилоятда пахта етиштиришнинг ўсиб бориши уни қайта ишловчи саноат корхоналарини қайта қуришни тақозо этди. 1918 йили Термиз пахта тозалаш заводи Давлат ихтиёрига ўтказилди ва иш куни 8 соат қилиб белгиланди. Юқорида таъкидланганидек, вилоятда пахта Ҳосилдорлигининг ўсиб бориши янги пахта тозалаш заводи қуришни тақозо этди. Янги корхонани вилоятда пахта етиштирадиган районларга яқинлаштириш учун Шерободда қуриш мўлжалланди ва 1926 йилда Шеробод жингаузи фойдаланишга топширилди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.
2. Турсунов С.Н., Кичкилов Ҳ. Термиз йилномаси. Т.: Шарқ, 2001.
3. Бердиев Ҳ., Эрматов Ҳ. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.: 1991.

4. Азимов М. Термиз тарихи. Термиз, Жайхун, 2001.
5. История Узбекистан в источниках. Т.: Фан,
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 111. Т.: 20002006.
7. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. Т.: Маънавият, 2000.
8. Ражабов Қ. Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши уқураш. Т.: Маънавият нашриёти, 2002.
9. Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасратли тарихи. Т.: Нур, 1996.
10. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. Термиз, Жайхун, 1996.
11. Турсунов С.Н. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. Т.: Шарқ, 2004.

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА АСОСИЙ САВОЛЛАР:**

1. Фашизм агрессиясининг бошланиши ва вилоятда фронтга сафарбарлик.
2. Уруш йилларида вилоят қишлоқ хўжалигидаги аҳвол.
3. Сурхондарёликларнинг фронтдаги қаҳрамонликлари.
4. Сурхондарёликларнинг фронтга ёрдами.

Таянч сўзлар:

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Фронтга сафарбарлик. Мудофоа фондлари. Уруш йилларида вилоят саноати. Қишлоқ хўжалиги. Сурхондарёликларнинг фронтдаги жасорати. Озод қилинган ҳудудларга ёрдам.

Урушнинг бошланиши Сурхон воҳасида яшаётган тинчликпарвар кишиларнинг ҳам қалбларини ларзага солди, уларда фашизмга нисбатан қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳисси уйғонди. Урушнинг совуқ хабари эшитилган дамларданок воҳа меҳнаткашлари ҳам ушбу бошланган урушни қораловчи, фашизм билан бўладиган жангга доимо тайёр эканлигини билдирувчи ва айни вақтда ишлаб чиқаришда янги ғалабаларга эришиб фашизм устидан қозонилган ғалабани яқинлаштиришга ундовчи митинглар ўткази бошладилар.

1941 йилнинг 22 июнь куни, яъни совуқ уруш хабари тарқалган куниёқ Термиз тумани «Паттакесар» қишлоқ кенгаши аъзоларининг кўп минг кишилиқ митингги бўлиб ўтди. Унда «Керак бўлса кетмонларимизни милтиққа айлантирамиз, бироқ қора кучларнинг гўзал полизларимизга чўчка тумшукпарини тикишига йўл қўймаймиз», деган мурожаат қабул қилинган бўлса, 23 июнь куни «Ховдак» нефть кони ишчилари эса фашизмга қарши бўлиб ўтган митингда: «Биз шу кундан бошлаб ўзимизни сафарбар қилинган деб ҳисоблаймиз», деган хитобномани қабул қилдилар. Денов тумани «Ҳазарбоғ» давлат хўжалиги 4-бўлим тракторчиси Отай Рахмонов ўзини фронтга жўнатишларини сўраб ҳарбий комиссариатга ёзган аризасида: «Мен техникани бошқаришни биламан, автомашинада ишлашим мумкин. Уйда отаонам ва хотиним бор. Уларнинг ҳаммаси

меҳнатга лаёқатли, мени фронтга жўнатишларингизни сўрайман. қасамёд қилиб айтаманки, ишончни оклайман, фашистларни беомон савалайман», деб ёзган эди. Термиз шаҳар «Правда газетаси» номли мактаб ўқитувчиси Ф. Ҳакимова шаҳар ҳарбий комиссариатига ўзини ҳаракатдаги армиянинг санитария дружинасига қабул қилишларини сўраб ариза беради. Шунингдек, шерободлик Тилло Файзиева, термизлик Вера Вялочкина, Анна Шумихина, А. И. Фомина каби ўнлаб аёлларнинг номлари юрт озодлиги учун жанггоҳларда жон олиб, жон берган жасур хотинқизлар қаторида ҳарбий-тарихий солномаларда қайд этилган.

Умуман, уруш бошланган даврда ҳарбий комиссариатларга ўзларини фронтга сафарбар қилишларини сўраб вилоят миқёсида икки мингдан ортиқ ариза тушади. 1941 йилнинг июньиюль ойларида эса 20 минг киши кўнгилли бўлиб фронтга жўнади. Фашизм балосини йўқотиш учун ўзининг турмуш ўртоғини жангга кузатаётган аёллар уларга душманга аёвсиз қирғин солиш топшириғини бера бошладилар. Термиз тумани «қизил чегара» жамоа хўжалиги аъзоси Шомирбобо Мирзаев ўз ўғлини аскарликка кузатиб бундай деган эди: «Ўғлим, мард бўл, ботирлик билан кураш. Мен ҳам шу ерда сенинг ўрнингни босиб, юртимизни ёв кира олмас кўрғонга айлантириш учун бор кучимни сарф қиламан».

1941 йилнинг 15 октябрига қадар бўлган вақт мобайнида вилоят бўйича 800 нафар хотинқиз «фронтга кетган йигитларнинг ўрнини олиш керак», деган чақириқ билан чиқди. Ҳаёт ҳарбий изга солинган мамлакатда уруш бўлаётган экан, ҳарбий тайёргарликка бепарво қараб бўлмайди. Фуқаролар қанчалик ҳарбий техникани кучли ўрганса, ғалаба дақиқалари шунчалик яқинлашади. Зеро, қўлида қурол кўтариб, ўз озодлигини ҳимоя қилишга ўрганмаган халқ озод қолиши мумкин эмас. Шу муносабат билан собиқ СССР Мудофаа қўмитасининг 1941 йил 23 июлдаги «Фуқароларни умумҳарбий тайёргарликдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ урушнинг дастлабки ойларида вилоятда 21494 киши ҳарбийча юриш, граната ирғитиш ва бошқа турли ҳарбий машғулотларни ўрганди. Шунингдек, 1941 йилнинг июльавгуст ойларида 1800 киши иштирокида пиёдаларнинг 1025 км масофага ҳарбий юриши ўтказиди.

Уша жанговар йилларда Сурхондарё вилоятига ҳам Ўнга яқин саноат корхоналари эвакуация қилинди. Кўчириб келтирилган саноат корхоналари асосан вилоятнинг Термиз шаҳри ва Денов туманларида жойлаштирилди. Жумладан, Павлоград, Чертков, Приколотенск ёғ заводлари Денов туманида, Чернянский, Ставропольский ёғ корхоналари эса Термиз шаҳрига жойлаштирилди. Бироқ, шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, саноат корхоналарининг вилоятга кўчириб келтирилиши ва ишга туширилишида жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Бу қийинчиликлар биринчи навбатда малакали техник ходимларнинг ва моддий ресурсларнинг етишмаслиги натижасида юзага келди. Жумладан, Украинанинг Павлоград вилоятидан келтирилган ўсимлик мойи ишлаб чиқаришга мослашган асбобускуналар Денов пахта тозалаш заводи сушилқаси биносида жойлаштирилди. Шу билан Денов ёғэкстракция заводи қурилишига пойдевор қўйиди. Завод

республика Мудофаа қўмитаси Асосий саволларсига биноан 1944 йилда ишга туширилиши ва 60 минг тонна чигитни қайта ишлаши лозим эди. Лекин мавжуд вазиятдан тўғри ва унумли фойдаланган завод аҳли қурилишмонтаж ишларини жадал суръатларда бошлаб юборди. Айниқса, П. Морозова ва И. Васильенко бригадаси ишчилари кечаникеча, кундузникундуз демасдан меҳнат қиддилар. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди ва завод 1943 йил январь ойига келиб ўзининг биринчи маҳсулотини бера бошлади. 1943 йилнинг IV чорагида завод ишга тушди, мазут бўлмаганлиги сабабли у шелуха ёкилиб иситилар эди. Завод ҳар бир сменада уч юз, тўрт юз килограммгача мой ишлаб чиқара бошлади. Шу йиллар мобайнида йилига 979 тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарди, чигитни ишлаш 10769 тоннага, чигитдан олинадиган мой эса 11 фоизга етди.

1942 йилнинг март ойигача бўлган вақт мобайнида Сурхондарё вилоятига 719 оила ёки 1862 киши эвакуация қилинди. Эвакуация қилинган аҳолининг 480 нафари эркак, 1059 нафари аёл, 323 нафари болалар, ёки кўчиб келтирилган аҳолининг 1480 нафари ишга яроқли эди. Вилоятга кўчирилган ишга яроқли аҳоли тезда ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Жумладан, ишга яроқли ана шу аҳолининг 1209 нафари жамоа ва давлат хўжаликларида ишга жойлаштирилган бўлса, 271 киши эса турли ташкилот ва муассасаларга ишга жалб қилинди. 1942 йилда тошкентлик аёллар республиканинг барча аёлларига мурожаат қабул қилди. Унда «Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва боқимсиз қолган болаларга жамоат ёрдами кўрсатиш умумхалқ ҳаракатини авж олдирайлик. Ҳар бир ишчининг, ҳар бир колхозчининг, хизматчининг, зиёлининг оиласи, ҳар бир корхона, жамоа хўжалиги ва давлат хўжалиги шу болаларни жойлаштириш ва тарбиялашда фаол қатнашсин», дейилган эди. Тошкентлик аёлларнинг мурожаатидан руҳланган Сурхон воҳаси меҳнаткашлари ҳам отаонасиз қолган болаларга астойдил ғамхўрлик кўрсата бошлади. Вилоят меҳнаткашлари отаонасиз қолган болаларга ёрдам сифатида 18800 сўм пул тўпладилар ва отаонасиз қолган болалар фондига топширдилар. Меҳридарё сурхондарёликлар отаонасиз қолган болаларга ғамхўрликлар қилиш билан бирга уларни ўз хонадонларига олиб келиб тарбиялаб, вояга етказиш ишида ҳам фаол иштирок этдилар, норасидаларга оталик ва оналик меҳрини кўрсатиб, етимлик алами билан жароҳатланган дилларга малҳам бўлдилар. Жумладан, ана шундай меҳрибон инсонлардан Шеробод тумани ғуржак қишлоғида яшовчи Эгамберди қувватов 5 ёшли ўғил болани, вилоят халқ таълими ходими Лесенкин 5 ёшли қиз болани ва уй бекаси К. И. Колесова 2 ёшли қиз болани ўз тарбиясига олдилар.

1942 йилнинг иккинчи ярмига келиб вилоятга кўчиб келтирилаётган аҳолининг сони ортиб борди, масалан, 1943 йилда вилоятга яна 966 киши кўчириб келтирилди. Кўчиб келтирилган аҳолининг 121 нафари эркаклар, 437 нафари хотинқизлар, 208 нафари 1 ёшдан 8 ёшгача бўлган болалар, 200 нафари эса 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган Ўспиринлар эди. Жумладан, 1283 Польша фуқароси Сариосиё туманида ўрнашган бўлса, 575 киши эса Денов туманига кўчириб келтирилди, 548 киши эса Шўрчи туманидан бошпана топди.

Меҳридарё шўрчиликлар кўчириб келтирилган ушбу жабрдийдаларга ёрдам тариқасида 2615 сум пул ажратди, 59 кишига эса моддий ёрдам уюштирди. Шунингдек, 81 та турли хил уйрўзгор буюмлари, ж у м л , 23 та кўрпа, 20 дона кўйлак, 18 дона шим, 2 этик, 1 жуфт туфли ва бошқа турли маҳсулотлар инсонпарварлик ёрдами кўрсатдилар. Бошланиб кетган уруш вилоят саноатчиларининг олдига ҳам бир қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўйган эди. Бу муаммолар аввало ишчи мутахассислар етишмаслиги, ҳарбийча ишлаш усулларига ўтишдаги объектив ва субъектив қийинчиликларда намоён бўлди. Лекин шундай бўлсада, ишчилар уруш даври талабларини инобатга олиб, станоклар оддвда 1618 соатлаб меҳнат қилдилар. Албатга, кўтшаб ишчиларнинг фронтга сафарбар қилиниши маълум маънода саноатни мутахассислар билан таъминлаш ишини қийинлаштирди. Мисол учун 1941 йилда вилоят саноат корхоналарида 3766 киши ишлаган бўлса, 1942 йилга келиб ишчилар сони 3316 кишига тушиб қолди. Шу муносабат билан саноат корхоналарида: «Урушга кетган сафдошларимиз ўрнига ҳам ишлайман», деган чақириқлар авж олди. Кўплаб аёллар ва болалар саноат корхоналарида ишлаш истагини билдириб саноат корхоналарига ишга жойлаша бошладилар. Шу билан бирга ҳар бир саноат корхонаси қошида ишга янгидан келганлар малакасини ошириш ва янги ишчи мутахассислар тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил қилина бошлади. Жумладан, илгари рўзгор иши билан банд бўлган 595 хотинқиз уруш бошланиши муносабати билан турли корхоналарга ишга жалб этилди ёки ана шу аёллардан 322 таси цех, смена ва бригада раҳбарлига лавозимларида фаолият юрита бошлади. Уйрўзгор ишлари билан банд бўлган термизлик Майорова уруш бошланиши билан Термиз пахта тозалаш заводига ишга кириб, бирданига икки ихтисосликни эгаллади ва кундалик Асосий саволларни 160200 фоизга бажариб, ҳукуматнинг медалини олишга мушарраф бўлди. Шу билан бир қаторда ҳар бир туман ва вилоят марказида ёки саноат корхоналари қошида қисқа муддатли курслар ташкил этилган эди. Ушбу курслар янги ишчи мутахассислар тайёрлаш, ишчиларнинг техник малакаларини ошириш иши билан шуғулланди.

Барча саноат корхоналарида «иккиюзчилар», «учюзчилар» ва «тўртюзчилар» ҳаракатлари ниҳоятда авж олди. Жумладан, Ворошилов нефть трести ишчилари Ружин, Хусаинов ва Агановлар июнь ойи Асосий саволларсини 250 фоизга бажарган бўлса, июль ойида эса Асосий саволларни 280 фоизга уддаладилар. Нефтчиларнинг меҳнат зафарларидан илҳомланган Термиз шаҳридаги «Золотопромат» артели ишчилари ҳам кунлик Асосий саволларларини 200250 фоизга бажаришга эришдилар. 1941 йилда асосий саноат ишлаб чиқариш ҳажми 48,9 млн. сўмга етди, ваҳоланки 1913 йилда бу рақам атиги 0,2 млн. сўмни ташкил этар эди.

Вилоят саноатчилари 1942 йилда ҳам жуда катта кучғайрат билан ишладилар, вилоят миқёсида стахановчилик ҳаракати ниҳоятда авж олди. Саноатчилар фашизм билан бўлаётган жангларда жон олиб, жон бераётган жангчиларнинг жасоратларини қалбан хис этиб, уларга кўплаб саноат

маҳсулотлари етказиб бериш ишини авж олдириб юбордилар. «Ўша оғир йилларда «Прогресс», «Родина», «Золотопромат» каби тикувчилик корхоналари кўплаб кийимкечаклар тикиб, ойлик ва йиллик Асосий саволларларини 150160 фоиз қилиб бажардилар.

Бўлаётган урушда жангчиларни озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларнинг соғликлари ҳақида қайғуриш ҳам фронт ортидаги барча меҳнаткашларнинг бош вазифаларидан бири эди. Шу муносабат билан Термиз ёғ заводи жамоаси вилоятнинг барча эркак ва аёл ишчихизматчиларига очик хат билан мурожаат қилди. Очик хатда «қадрли ўртоқлар!!! Фашист газандаларини қираётган ҳимоячиларимизнинг соғлиғини саклаш учун қўлимиздан келган ёрдамимизни берайлик. Термиз ва Деновдаги мой заводларига мой, сут ва бринза топширингиз. Сизнинг ўз эҳтиёжингиздан орттириб берадиган маҳсулотларингиз жангчиларнинг соғлиғини мустаҳкамласин. Уларнинг ғалаба қозониш соатларини янада яқинлаштирсин», дейилган эди. Термиз ёғ заводи ишчилари чақириғидан рухланган жамоа ва давлат хўжаликлари чорвадорлари: «Фронт Учун янада кўпроқ сут ва ёғ берамиз» шиори остида кўплаб сут ва чорва маҳсулотларини Денов ва Термиздаги ёғ заводларига топшира бошладилар. Натижада ермиз ёғ заводи сутни ва сут маҳсулотларини кунлик қайта ишлаш Асосий саволларсини 200250 фоиз бажариб, фронт эҳтиёжлари ва ҳарбий госпиталлар учун кўплаб сут маҳсулотлари жўната бошлади. таълимтарбия берди. 1943 йилда вилоят кутубхонасида жангчиларнинг жасоратига бағишлаб кўргазмалар ташкил этилди. Биргина 1941 йилда вилоятнинг Термиз шаҳри ва 6 та туманида 19 та алоқа бўлими ташкил этилган бўлса, 1941 йилнинг ўзида 190 нафар хат ташувчи вилоят аҳолисига 10 млн. нусхага яқин газета ва журнал етказиб берди. Ўша йилларда электрлаштириш ва радиолаштиришни ривожлантириш юзасидан ҳам катта ишлар амалга оширилди ва вилоят бўйича 660 та телефон аппарати, 766 та радио нуқтаси ўрнатилди.

Уруш йилларида вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари ҳам самарали меҳнат қилдилар. Театр жамоаси меҳнаткашларга Уйғуннинг «Она», С. Абдулла ва Чустийнинг «қурбон Умаров», шунингдек, М. С. Урдободунинг «Беш сўмлик келин», У. Гажибековнинг «Оршин мол олон», С. Абдулла ва Т. Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухра», Комил Яшиннинг «Нурхон», «Офтобхон» ва «Ёрилтош», «калтис ҳазил» пьесаларини намоиш этишди. Бу йиллари вилоят театрида З. Олимов, А. Олимова, Х. Бобохонова, Пўлатова, Йўлдошева, Ҳ. Муҳиддинов, Шукуров, Рўзиев ва Одилова каби санъаткорлар самарали меҳнат қилдилар. Театрнинг ижодийбадий ишларига эса Миробид Мусаев раҳбарлик қилди. Вилоятга эвакуация қилинган Харьков оперетга театри ижодий аҳди билан бўлган ўзаро тажриба ва фикр алмашувлар, ижодий сафар билан келган машхур санъаткорлар Аркадий Райкин, Максим Штраух, Мария Бабановалар иштирокидаги учрашувлар театр ҳаётида катта таассурот қолдирди.

Вилоят аҳолисининг соғлиғини сакпаш ишларида А. С. Пушкин, эрхотин Туминовлар, С. М. Салмин, А. Г. Нежегородова, Д. С. Сергеев, М. К.

Мусабоев, А. З. Зоҳидова, Я. К. Мўминов, К. С. Зоиров ва Д. С. Додимов каби шифокорлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Умуман, Сурхондарё аҳди Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам фронтда, ҳам фронт ортида алоҳида жонбозлик кўрсатиб, машаққатли азобуқубатлар ва йўқотишларга бардош берди. Ер юзини фашизм балосидан асраб қолишдек муқаддас ишда иштирок этиб, ўзига хос қаҳрамонлик намунасини намоиш этди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Турсунов С.Н. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида.Т., 2001.
3. Турсунов С.Н., Пардаев Т. Унутилмас жасорат. Т., «Маънавият», 1995.
4. Авлиёқулов Қ, Эргашев Р., Исмоилов Р, Сурхон юлдузлари, Т., 1995.
5. Козловский В.Н. Термиз шаҳрининг тарихи, Т., 1959.
6. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя, Т., «Академия»,2001.
7. Турсунов С.Н. Денов ёғ-экстракция заводи тарихидан лавҳалар., Денов, 1992.
8. Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари, Термиз «Жайхун», 1993.

## **СУРХОНДАРЁДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ (1946-1990 йиллар)**

### **АСОСИЙ САВОЛЛАР:**

1. Урушдан кейинги йилларда вилоят саноати
2. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги аҳвол
3. Маориф, маданият ва адабий ҳаракатчилик

### **Таянч сўзлар**

Мустабид тузим шароитида вилоят саноати. Қишлоқ хўжалиги: янги ерларни ўзлаштириш, ютуқлар ва муаммолар. Ижтимоий муаммолар, уларнинг сабаблари. Маданий ҳаёт, ютуқлар ва муаммолар. Воҳа адабий ҳаракатчилиги.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Ўзбекистонда тинч давр талабига биноан халқ хўжалигини тиклаш ишлари бошланди. Бутун иқтисодиётни, шу жумладан, саноатни қисқа вақт ичида давр эҳтиёжларини қониқтирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш учун аввало бир қатор етакчи тармоқларнинг бир томонламалигини бартараф этиш зарур эди. Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ саноат тармоқларини ривожлантиришдан иборат эди. Уруш бевосита республика ҳудудида бўлиб ўтмаган бўлсада, лекин жуда катга зарар келтирди, айниқса, пахтачиликка катта зиён етди. Уруш йилларида, хусусан, 1942-1943 йилларда республика

жамоа хўжаликларида пахта майдони 212 минг гектар ерга ёки 24 фоизга, давлат хўжаликларида 15,1 минг гектар ерга ёки 33 фоизга қисқариб кетди. Бунинг асосий сабаби пахта экин майдонлари ўрнида дон экинлари, қанд лавлаги, каноп экиш бир неча баробар ортганлиги эди.

Худди шу манзарани Сурхондарё вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Агар 1941 йилда вилоят бўйича 104 минг гектар ерга дон экилган бўлса, 1943 йилда бу рақам 165 минг гектар ерни ташкил этди. Вилоятда 1941 йилда 70000 тонна пахта ҳосили олиниб, гектарига 17,1 центнерни ташкил этган бўлса, 1945 йилда 43 минг тонна пахта етиштирилиб, гектарига борйўғи 10 центнерни ташкил этди, холос. Пахта ҳосилининг камайиши пахта хом ашёси ҳисобига ишлайдиган пахта тозалаш, ёғмой, тўқимачилик корхоналари ишига салбий таъсир кўрсатди. Республика кишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни қайта тиклаш ва янада кўсаттириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Пахта экиладиган майдонларни тўла равишда қайта тиклаш, пахта ҳосилдорлигини кескин равишда кўтариш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш зарур эди.

Шу мақсадда 1945 йил 14 июнда собиқ ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида», 1946 йил 2 февралда эса «1946-1953 йиллар даврида Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш Асосий саволлари ва тадбирлари тўғрисида» махсус қарорлар қабул қилди. Пахтачиликка алоҳида эътибор берилиши уни қайта ишловчи саноат тармоқлари ривожига кенг имкониятлар очди. 1946 йил октябрь ойида вилоят партия комитети пленумида 1946-1950 йилларда Сурхондарё вилояти халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг беш йиллик Асосий саволлари қабул қилинди. Беш йиллик Асосий саволларда пахтачилик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди, яъни 1950 йилда вилоятда пахта етиштиришни 34,7 минг тоннага, урушдан олдинги даврга нисбатан 54,2 фоизга ўстириш кўзда тутилди. Шу сабабли вилоятда пахта заводлари ва ёғ заводи ишини қайта қуриш, уларни замонавий техникалар билан жиҳозлаш Асосий саволларлаштирилди.

Урушдан кейинги йилларда пахта саноатининг энг муҳим компонентларидан бири саналган пахта тозалаш заводларининг техник қувватини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Пахтачиликка эътиборнинг кучайтирилиши туфайли Сурхондарё пахта тозалаш трестига қарашли 3 пахта тозалаш заводига қуйқдаги миқдорда капитал маблағ сарфланди:

Мана шу ажратилган маблағлар ҳисобига янги пахта тозалаш заводлари қуриш ишлари ҳам бошланди. Хусусан, 1947 йилдан бошлаб Шўрчи пахта тозалаш заводи қурилиши бошланди, бу корхона қурилишига 5 млн сўм миқдорида капитал маблағ ажратилди. Аммо вилоят иқтисодиёти учун катта фойда берувчи бу корхона қурилишига яхши эътибор берилмади, ажратилган маблағлар етарли даражада ўзлаштирилмади, бунинг натижасида катта миқдордаги маблағ беҳуда

сарфланди. Бунинг сабаби вилоятдаги кўплаб пахта тозалаш заводларининг хом ашё етказиб берувчи туманлардан узокца жойлашганлиги эди. Масалан, Термиз пахта тозалаш заводи Термиз ва Шўрчи туманларида етиштирилган пахтани қайта ишлайди. Корхонанинг Жарқўрғон пахта тозалаш пункти 65 км, Сурхон 80 км, қумқўрғон 110 км узокдикда жойлашган. Пахтани келтириш асосан темир йўл транспорти орқали амалга оширилди, бунинг учун 5718 темир йўл вагони жалб қилинди. Шўрчи пахта тозалаш заводи қурилиши эса 1961 йилга келиб ниҳоясига етди. Бу давргача қанчаданқанча маблағ беҳуда сарфлангани юқорида келтирилган мисолимиздан аён.

Урушдан кейинги йилларда вилоятнинг шимолий туманларида пахта етиштиришнинг кўпайиб бориши янги пахта тозалаш заводи қурилишини тақозо қилди. Шу сабабли 50йилларда Узунда пахта тозалаш заводи қурилиши Асосий саволларлаштирилди. 1950 йилда бу корхонада 197 минг сўмлик қурилишмонтаж ишлари бажарилиши керак эди, аммо бу маблағнинг 4 фоизигина ўзлаштирилди, холос. Худди шу даврда Шўрчи ва Жарқўрғон пахта тайёрлаш пунктлари қурилиши ҳам жадал усулда олиб борилди. 50йилларнинг иккинчи ярмида вилоятнинг шимолий туманларида пахта етиштириш йилданйилга ошиб бориши сабабли бу туманларнинг пахтасини қайта ишлаётган Денов ва Хайробод пахта тозалаш заводларининг қуввати етишмаётганлиги очик сезила бошланди. Шу сабабли вилоятдаги бешинчи Узун пахта тозалаш заводи қуриб фойдаланишга топшириш биринчи даражали вазифа сифатида қаралди, 1957 йилда бу завод фойдаланишга топширилди. 1960 йилда вилоятнинг шимолий туманларида 148,3 минг тонна пахта етиштирилди. Денов, Хайробод, Узун пахта тозалаш заводлари етиштирилган пахтанинг 134,7 минг тоннасини қайта ишлади.

Умуман, айтиш мумкинки, 1946-1960 йилларда Сурхондарёда янги пахта тозалаш заводлари бунёд этилди. Лекин 1960 йилга келиб вилоятда 5 та пахта тозалаш заводи фаолият юритиб, улар томонидан 135,6 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлсада, вилоят иқтисодиётини, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга унчалик ҳам кўп ижобий таъсир кўрсата олмади, чунки етиштирилган пахта толаси, линт, момик тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилиши учун Россиянинг марказий шаҳарларидаги тўқимачилик фабрикаларига, шунингдек, Германия, Болгария, Чехословакия, Франция каби давлатларга юборилган. Янги пахта тозалаш заводларининг ишга тушиши, албатта, вилоят иқтисодиёти ривожига ўзига хос ижобий роль ўйнаган, бу шубҳасиз.

Юқорда таъкидлаганимиздек, ажратилган маблағлар фақат янги пахта заводлари қуришига эмас, балки мавжуд пахта тозалаш заводларини реконструкция қилишга ҳам қаратилган. Вилоятнинг энг кекса саноат корхонаси саналган Термиз пахта тозалаш заводи 1946 йилда яна янги жиҳозлар билан қуруллана бошлади. Корхона янги техника билан жиҳозлаш давом эттирилиб, 1948 йилда баҳоси 13345,20 сўмлик вентилятор, 19535 сўмлик ҳовуз, 18665 сўмлик «Ленинец» номли лентали

транспортёр ишга туширилди. Заводда амалга оширилган ишлар, албатта, ўз натижасини берди ва 1949 йилда завод жамоаси Асосий саволлардаги 8820 тонна тола ўрнига 9675,7 тонна тола ишлаб чиқариб, Асосий саволларни 103,7 фоизга уддалади, Асосий саволлардан ташқари 855,7 тонна тола ишлаб чиқарди. 1946-1950 йиллар ичида Денов, Шеробод, Ҳазарбоғ пахта тозалаш заводлари ҳам қайта таъмирланиб, янги замонавий жиҳозлар билан қуроллантирилди. Денов пахта тозалаш заводига 590 от кучига тенг бўлган «Болдуин» маркали дизель, генератор, электромоторлар, эски «ТЕМ» маркали линтерлар ўрнига янги «ХЛМ» маркали линтерлар, беш барабанли тозалагич ва чигитни узатувчи транспортёрлар ўрнатилди. Урушдан кейинги йилларда Шеробод пахта тозалаш заводининг қувватини ошириш вилоят хўжалик раҳбарларининг диққат марказида бўлди. Корхона замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишларига биргина 1949 йилда 18 минг сўм маблағ ажратилди. Мана шу маблағлар ҳисобига корхонада чигитни узатиш механизациялаштирилди, гидравлик пресс, беш барабанли тозалагич ўрнатилди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, Асосий саволларда кўзда тутилган барча ишлар турли сабабларга кўра амалга ошмади. Масалан, Термиз пахта тозалаш заводида «Метеор-75» маркали двигатель, 2 дона «ХЛМ» маркали момик ажратгич, 1000 тонна пахта ҳосили сиғадиган омбор, пресслар учун электромоторлар, Денов пахта тозалаш заводида лаборатория, эстакадо, тош ушловчи, ток берувчи двигателлар, Шеробод пахта тозалаш заводида энергия берувчи двигатель, момик тозалагич ускуналари ўрнатилмади. Албатта, бу ишларнинг бажарилмаганлиги корхоналарнинг нормал суръатда ишлашига салбий таъсир кўрсатди. Шу йиллар давомида Денов пахта тозалаш заводининг электр токига бўлган талаби, Шеробод пахта тозалаш заводининг эса механизациялаш талаби қондирилмади.

Маълум бир камчиликларга йўл қўйилган бўлишига қарамасдан, 1946-1950 йилларда Сурхондарё пахта тозалаш трестида баъзи бир ишлар амалга оширилдики, буни биз инкор эта олмаймиз. Биринчи навбатда пахта тозалаш заводларининг техник жиҳозланиш даражаси яхшиланиб борди: Пахта тозалаш корхоналарининг замонавий техника ва технология билан жиҳозланиши кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратди: бўлиб, ҳар минг киши ҳисобига туғилиш 43,1% дан 41,5% га тушиб қолди. Вилоятда ишга қобилиятли ёшлар йил ҳисобига 18 минг кишига кўпайиб борди. Аҳолининг 58 минг кишиси ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда турли соҳаларда таълим олди. 1989 йилда вилоятда 127 минг киши меҳнатга қобилиятли ҳолда иш йўқлигидан ишламади. Собиқ СССР ҳуқуқронлиги йилларида вилоят саноати асосан бир томонлама ривожланди. Вилоятда саноат корхоналарини қуриш ниҳоятда суст амалга оширилди. қурилган саноат корхоналари ҳам асосан хом ашёга дастлабки ишлов беришга ихтисослашган эди. қолаверса мустабид тузумнинг нотўғри иқтисодий сиёсати оқибатида бутун республикада пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши вилоят халқ хўжалигини ҳам четлаб ўтмади. Натижада Сурхондарё вилояти

ҳам аграр тизимга ихтисослаштиридди. Аҳолини қўшимча ишчи ўринлари билан таъминлаш, саноат корхоналари барпо этиш борасида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар эътиборсиз қолдирилди. Шунга қарамасдан воҳанинг фидойи инсонлари вилоят саноат корхоналари сонини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида тинимсиз ҳаракат қилиб, вилоят саноати юксалишига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда вилоятда қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд муаммоларни тезроқ тугатиш, моддийтехникавий аҳволни яхшилаш каби вазифалар турган эди. Ишчи кучининг етишмаслиги, малакали мутахассислар кўпчилигининг урушда ҳалок бўлганлиги, давлат томонидан етарли даражада ёрдамнинг йўқлиги натижасида жамоа хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имконияти анча чегараланган эди. Ачинарлиси шундаки, оғир аҳволга қарамай, Марказдан берилаётган кетмакет кўрсатмалар, имкониятни ҳисобга олмай Асосий саволларлаштириш, қўшимча маҳсулотларни етказиб бериш тўғрисидаги буйруқлар халқнинг турмуш даражасини қийинлаштириб қўйди. Шундай шароитда ҳам вилоят меҳнаткашлари ўз зиммасидаги Асосий саволлар ва топшириқларни бажаришга ишонч билан киришдилар. Узун туманидаги мавжуд 32 та хўжаликдан 28 таси Асосий саволларни ошиғи билан бажариб, шундан 11 таси ҳар гектардан 1520 центнердан ҳосил олди. Ўринбой Йўлдошев етакчилигидаги «Янги куч» жамоа хўжалиги аъзолари ҳар гектар ердан 21 центнердан, шу жамоа хўжалигидаги Ёқубжон Ҳожиматов бошлиқ звено аъзолари 35 центнердан ҳосил олди. Тумандаги Самад қурбонов етакчилик қилаётган Ворошилов жамоа хўжалиги аъзолари 1945 йил деҳқончилигидан 475,000 сўм, чорвачиликдан 1 млн. 500 сўм даромад олди. Жамоа деҳқонларининг йиллик меҳнатига 664 минг сўм пул, 650 центнер ғалла ва 481 центнер гўшт тақсим қилинди. Шу тариқа ўртача ҳар бир меҳнат кунига 5 сўмдан пул, 200 граммдан ғалла ва 36 грамдан гўшт тўғри келди.

Урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ниҳоятда оғир кечди, чунки техника таъминотининг танглиги, мавжуд техниканинг урушга сафарбар этилганлиги, ишчи кучининг етишмаслиги, қишлоқ хўжалигини биладиган малакали мутахассисларнинг йўқлиги бунга сабаб бўлди. Деҳқончилик учун уруғликнинг камлиги, жамоа хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан заифлиги қишлоқ хўжалигини тезда ўнглаб олишга имкон бермади. Ўз навбатида деҳқонлар барча қийинчиликларни бартараф этишга киришиб, 1946 йили 3700 гектар ерга чигит экиб, 63800 тонна пахта, шундан 2763 тоннаси ингичка толали пахта етиштириб, ҳосилдорликни 14,8 центнерга кўтардилар.

Пахта етиштиришнинг урушдан аввалги даражасини жадал тиклаш ва уни янада кўпайтириш вазифасига катта эътибор берилди ҳамда пахтачиликка вилоят қишлоқ хўжалигининг ҳал қилувчи тармоғи деб қаралди. Шўрчи туманида 1945 йили қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни Асосий саволлар асосида олиб бориш, меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил этиш, ҳосилдорликни ошириш, янги

навлар яратиш соҳасида сезиларли тадбирлар амалга оширилди. Жамоа хўжаликларига жамоат ёрдамини кучайтириш туфайли 49 та хўжаликдан 33 таси пахта тайёрлаш Асосий саволларсини ошириб бажарди. Туман пахтакорлари 6330 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 11,1 ўрнига 12,95 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш йиллик Асосий саволларсини муддатидан илгари 122,4 фоиз қилиб бажарди. Тиловов етакчилигидаги «1 Май» жамоа хўжалиги, Элмуродов етакчилигидаги «Ленинобод» жамоа хўжалиги ва «Ёш ғайрат» жамоа хўжалигидан Жўраев етакчилигидаги звено аъзолари ҳар гектардан 109 центнердан, Зубборов бошлиқ бригада 45 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олиб, катта меҳнат зафарига эришдилар.

Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг кучайиши кўплаб салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Аммо ўша йилларда республикада «одил» ҳокимларнинг кучғайрати билан халқ онгига пахтачиликни жадал ривожлантириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини оширишнинг объектив асоси эканлиги, бу ўзбек халқининг собиқ Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан «мустаҳкам алоқа» ва «бузилмас дўстлиги» ифодаси эканлиги сингдирилди. қишлоқ хўжалигининг техника тараққиёти йўлидан боришини таъминлашда республикадаги қишлоқ хўжалик машинасозлига корхоналари ва илмий салоҳият катга роль ўйнаши лозим эди. Урушдан кейинги йилларда вилоят қишлоқ хўжалиги зўр бериб, зиддиятли тарзда ривожланиб борди. қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш даражаси кескин равишда пасайиб кетди, пахтачшкка жиддий зиён етказидди, чорва тўёғи камайди, унинг маҳсулдорлиги пасайиб кетди.

Машинатрактор паркларининг техникавий ҳолати ниҳоятда ташвишлантирарли ҳолда эди. Бу парклар 8 10 йиллар мобайнида янгиланмаган, обдон ишдан чиққан, эскириб қолган машиналардан иборат бўлиб, тракторларнинг 33%и капитал таъмирлашни, 11%и қайта тиклашни талаб қиларди. Зарур техниканинг йўқлиги дала ишларининг сифатига ноқулай таъсир ўтказар эди ва оқибатда меҳнат чиқимлари кўпайди, меҳнатни ташкил қилишнинг қадимий қоқоқ шакллари авж олиб кетди. Чунончи, урушдан кейинги йилларда ҳам вилоятнинг кўпгина ғаллакор хўжаликларида экин ўроқ билан ўрилиб олинар эди, ўрилган ғалла чорва молларининг тўёғи билан, бир қанча туманларда эса тошлар ёрдами билан янчиларди. Урушдан кейинги ҳаётнинг мураккаб шартшароитлари Иттифоқ раҳбарияти олдига ижтимоийиқтисодий тараққиёт йўналиши ва йўлйўриғини янгилаш, бошқарув тизимини замон талабига мувофиқ такомиллаштириш заруриятини кўндаланг қилиб қўйди. Замоннинг ўзи катта ўзгаришлар ясашни талаб қиларди, зотан халқ хўжалигини тинч давр эҳтиёжларига мослаб қайта қуришнинг манбаларигина эмас, балки ўша йиллардаги жамиятнинг маънавий ҳолати айна шундан иборат эди. Ўша даврни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг эслашича, одамлар истиқболга катта умид билан қарардилар, туб ўзгаришларни кутардилар. Афсуски, бу орзуумидлар амалга ошмади.

Шундан кейинги воқеалар кўрсатганидек, либераллаштириш ўрнига, кўп ўтмай мустабид тартибқоидалари янада мустаҳкамланиб борди. Уруш жамиятда жиддий йўқотишларга олиб келди, тинч бунёдкорлик ишларида ўз истеъдоди ва қобилиятларини намоён қилишга улгура олмай, жангоҳдарда ҳалок бўлган миллионмиллион ёшларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмади. Буйруқбозликмаъмуриятчилик тизими ходимларни танлашнинг номенклатура тамойили ҳукмрон бўлган бир шароитда эса, бу ҳол манфаатлари мансабпарастликка, шуҳратга, шахсий қулайлик ва фароғатга эришишга қаратилган шахсларнинг хизмат зиналаридан кўпинча юқори кўтарилишига олиб келди. Бу даврда Сталин ва Берия назорат қилган зулмкор восита мустабид тартибини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин эгаллар эди. Одил фикрловчи ходимларни таъқиблаш, улар устидан чақимчилик қилиш ва уларни назорат остига олиш билан шуғулланувчи тизим пухта ишларди. қишлоқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари учун турли касбдаги малакали кадрларни тайёрлаш ва аграр корхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдан иборат кенг қўламдаги дастурни амалга ошириш зарур эди.

Вилоят раҳбарияти қишлоққа оммавий касбдаги механизатор ва техник кадрларни, қишлоқ хўжалик меҳнати учун малакали ходимларни кўпайтиришга асосий эътиборини қаратди. Бу вазифанинг муҳимлигига сабаб шу эдики, уруш натижасида колхозчилар ва аграр ишчиларнинг кадрлар таркиби анча янгиланган эди. Кадрлар таркиби асосан меҳнат стажига, зарур касбий билимларга эга бўлмаган хотинқизлар, ўсмирлар билан тўлдирилди. Чунончи, 1947 йилда ўтказилган тадқиқотга мувофиқ вилоят давлат хўжаликларида ходимларнинг 50% га яқини 3 йилдан камроқ стажга эга эди. Тинч қурилишга ўтиш пайтига келиб механизаторлар сони бироз кўпайди, лекин уларнинг сони мутлақо етарли эмас эди. Ҳолбуки, урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча жараёнларини яхлит механизациялаш юзасидан илгари сурилган йўл деҳқончиликда ва чорвачиликда техника тараққиётининг асосий соҳалари сифатида иш кўрувчи жуда кўплаб янги механизатор ва техник кадрларни ўқитишда етакчи аҳамият ўйнади. Бироқ шуни ҳам уқғириб ўтиш керакки, урушдан кейинги дастлабки йилларда механизаторларни касбга ўргатиш амалиётида жиддий қийинчиликлар мавжуд эди. Жумладан, малакали механизаторларни ва ишчиларни тайёрлаш учун зарур моддий база йўқ эди, механизаторлар тайёрловчи кўпчилик мактаблар эски биноларда жойлаштирилган эди. Турли ашёлар, кўргазмали қўлланмалар, зарур ўқув асбобускуналари, махсус адабиётлар етишмасди. Аслида барча ўқув юртларида ўқитувчилар таркиби тўддирилмаган эди, штатда турган ходимларнинг касбий даражаси эса кўпинча паст бўларди. Масалан, Ҳазарбоғ (Денов), Коммунизм (Шеробод), Сурхон (Жарқўрғон) мактаблари педагогларининг 60% махсус маълумотга ва педагогик малакага эга эмас эди. Вилоят раҳбарияти эса сталинча раҳбарият манфаатларини таъминлашга интилиб, ўзбек халқининг эҳтиёж ва талабларини мутлақо эътиборга олмади. Бунинг

натижасида пахта миллий бойликдан кўра кўпроқ минглаб деҳқонлар учун катта кулфатга айланди. 1946-1948 йилларда вилоят деҳқонлари давлатдан 80 та занжирли НАТИ, 157 та универсал тракторлари ва бошқа техника жиҳозлари сотиб олди. Вилоятнинг Шеробод туманида қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бериш ошиб бориб, «НАТМ75», «ХАТЗ», «СТЗ» реакторлари етказиб бериш 25 фоизга, тракторлар 35 фоизга ва комбайнлар 15 фоизга ўсди. Урушдан кейинги йилларда хўжаликларни йириклаштириш амалга оширилди. Жаркўрғон туманидаги Охунбобоев, Тельман, Пахтабод номли майда хўжаликлар 1948-1950 йилларда Норали Боймуродов хўжалигига бирлаштирилди. Натижада қудратли, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжалик вужудга келди. Унинг ихтиёрида 26328 гектар ер бор эди.

Тўртинчи беш йиллик мобайнида ирригация қурилиши авж олдирилганлиги натижасида Сурхондарё вилоятида суғориладиган ерларнинг каттакатта массивлари ўзлаштирилди. Ўзбекистон Компартиясининг Х курултойи қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш, пахта майдонларини кенгайтириш ва унинг ҳосилдорлигини гектар бошига 25 центнерга етказиш вазифасини ўртага қўйди. Шу муносабат билан ирригация қурилиши ва ирригациямелиорация ишларини механизациялаш ишлари жадаллаштирилди. 1946-1948 йилларда вилоятда ирригациямелиорация ишларига катта эътибор берилиб, Денов-Юрчи ботқоқлигида мелиорация ишларининг олиб борилиши, Душанбеқоратоғ, Ҳазарбоғ ва Занг каналларини қайта таъмирлаш 40 минг гектарга яқин ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ва 7 минг гектарга яқин янги ерларни ўзлаштириш имконини берди. Натижада 1948 йилнинг ўзида пахтадан 185 млн. сўм даромад олинди. Тўртинчи беш йиллик даври колхоз тизимини мустаҳкамлашга уринишлар билан тарихда ўрин олди.

Бундай уринишлар мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифаларига мувофиқ тарзда хўжаликларнинг ишлаб чиқариш имкониятини фаоллаштириш заруриятини тақозо этган эди. Хўжаликларни бошқариш тизимини бирмунча такомиллаштириш ва унинг аъзолари меҳнатини ташкил этишни янада яхшилаш, қишлоқ хўжалик артели уставига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш, ҳаддан ташқари кенгайиб кетган маъмурий аппаратни қисқартириш, колхоз ишлаб чиқаришини Асосий саволларлаштиришни яхшилашга интилиш колхоз тузумини ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг асосий мазмуни бўлди. Сталинча зулмкорлик тартиби ҳукм сурган, колхоз тизими табиатининг ўзи чуқур ўзгариб, издан чиққан, деҳқонлар эса ердан ва паспортдан маҳрум бўлишига қарамасдан, Сурхондарёда қишлоқ хўжалиги ўсиб борди.

хўжаликни бошқаришнинг буюрокрatik ва валютаристик тартиблари шахсий ташаббусни бўғиб қўйди. Оқибатда вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор нуқсон ва камчиликлар юзага келди.

Жаҳонни ўз гирдобига тортган уруш ғалаба билан тугалланди, ҳаёт астасекинлик билан изга туша бошлади. Сурхон воҳасида уруш даврида издан

чиққан халқ хўжалиги қаторида маориф ва маданият ҳам қайта изга туша бошлади. Уруш вилоят аҳолиси учун ниҳоятда катта синов бўлди, хусусан, маориф ва маданият даргоҳдарининг ходимлари уруш даврининг оғир ва машаққатли синовларига мардонавор бардош берди. Кдрғинбарот уруш жангоҳларида воҳадан кетган кўплаб ўқитувчилар шаҳид бўлдилар, бу эса мактабларда ўқитувчилар сонининг камайишига олиб келди. Аммо шунга қарамасдан тиклаш даврининг барча қийинчиликларини бўйнига олган халқ ҳар бир синовга мардонавор тарзда жавоб берди. Урушдан кейинги йилларда янги мактаб биноларини қуришга ҳамда мавжуд ўқув биноларини кенгайтиришга ва таъмирлашга имкон бўлмади, қолаверса, мактабларда дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари етишмас эди. Шунга қарамасдан, ўз касбига фидойи бўлган ўқитувчилар ёшларга билим беришда намуна кўрсатиб тинмай меҳнат қилдилар. Ана шундай ўқитувчилардан сариосиёлик Нарзулла Норов, Термиз шаҳридан В. А. Шеварнадзе, Бойсун туманидан Байна Чингизбоева, Шеробод туманидан Сувон Эшбоев каби ўнлаб ўқитувчиларнинг номлари вилоят маорифи солномаларидан абадий жой олди. Уруш йилларидаги самарали меҳнатлари учун моҳир педагог Саодат Назарова 1946 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди.

Вилоятда 1946ў47 ўқув йилида 280 та мактаб фаолият кўрсатди, шунингдек, уруш даврида отаонасиз қолган 2000 нафар бола мавжуд 15 та болалар уйида тарбиялана бошлади. Бу даврда вилоят мактабларининг малакали ўқитувчилар билан таъминланиш даражаси ниҳоятда оғир аҳволда эди. Агар 1947ў48 ўқув йилида вилоят мактабларида 1890 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, улардан қарийб 1000 нафари ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди. Бу даврда вилоят мактабларига мутахассислар тайёрлаб беришда Термиз педагогика билим юрти алоҳида ўрин тутди. 1949ў50 ўқув йилидан бошлаб етти йиллик мажбурий таълим жорий этидди, бу эса айни вақтда мактаблар сонини кўпайтириш, мавжуд мактабларнинг моддийтехник таъминотини яхшилашни талаб қиларди. Ушбу ўқув йилида вилоятда 5 та бошланғич мактаб етти йиллик мактабга айлантирилди ва қишлоқ жойларидаги бошланғич мактаблар имкон қадар кенгайтирилди. Агар 1947 йилда вилоятда 270 та бошланғич ва тўлиқсиз ўрта, 10 та ўрта мактаб бўлган бўлса, 1949ў50 ўқув йилига келиб вилоятдаги мактаблар сони 285 тага етди, шундан 11 таси ўрта, 136 таси етти йиллик ва 138 таси эса бошланғич мактаблар эди. Ўша даврда қишлоқлардаги мактаб ёшидаги аҳолини мактабга жалб қилишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Кўплаб ёшлар бошланғич билим билан чекланиб қолаётган эди, айниқса қиз болаларни ўқишга тортиш паст даражада эди. Агар 1949-50 ўқув йилида вилоятдаги мавжуд 11 та ўрта мактабни 150 нафар ўқувчи битириб чиққан бўлса, шулардан 13 нафаригина қизлар эди. Бу ҳолат воҳадаги мактаб ёшидаги қизларни ўрта умумий таълимга тортишни кескин купайтириш лозимлигини билдирарди.

1950-51 ўқув йилида қўшимча 16 та бошланғич мактаб очилди, мавжуд 43 та бошланғич мактаб эса етти йиллик мактабларга айлантирилди.

Шунингдек, 32 та мактабда қўшимча янги ўқув бинолари қурилди. Бу мактаблар асосан оталиқ ташкилотлари ҳамда жамоа ва бошқа хўжаликларнинг кучи билан қурилган бўлиб, уларнинг моддийтехник таъминоти ўта паст даражада эди. Кўпгина мактаблар мослашмаган биноларда жойлашган эди, қолаверса, мактабларда иситиш тизимлари, зарур асбобукуналар ва мебеллар етишмасди. Бу ҳолат нафақат вилоятда, балки бутун мамлакатда кўзга ташланар эди. Буни келтириб чиқарувчи сабаб шу эдики, мустабид тузум ҳукмронлиги даврида халқ таълими тизими «қолдиқ принципи»га асосан маблағ билан таъминланарди. Маориф ва маданиятга қилинадиган сарфхаражатлар умумий бюджет маблағларининг 23 фоизидан ошмас эди. Мактаб ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш даражаси ҳам ўта ночор ҳолатда эди. Бундай салбий ҳоллар ўқувчи ёшларнинг мактабларни битирмасдан ташлаб кетиш ҳолатларига олиб келарди.

Мактаб таълими билимларни мукаммал эгаллаб олган, жамоат ҳаётига фаол қўшилиб кета оладиган, турли ўқув муассасаларига кириб ўқий оладиган, саводхон ёшларни етиштириб чиқаришни кўпайтиришга имкон бера оладиган жиддий ислохотларга муҳтож эди. қишлоқ жойларда ёшларнинг тўлиқ ўрта маълумот олиши учун етарли шартшароитлар мавжуд эмас эди, бу эса қишлоқда\*билимдон ёшларнинг ўқиш ва билим олишга бўлган қизиқишини маълум даражада сўндирарди. қишлоқ жойларда яшовчи ёшларнинг тўлиқ ўрта маълумот олишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1950 йил 22 сентябрда «Ёшларга ўрта маълумот олишлари учун зарур бўлган чоратадбирларни кучайтириш» юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан узоқ жойларда яшовчи ёшларнинг тўлиқ ўрта маълумот олишлари учун шаҳар ва посёлкалардаги айрим мактаблар қошида интернатлар ташкил этилди. Ана шундай маъсгаблар Шўрчи туманидаги 1ўрта мактабда, Денов шаҳридаги 2ўрта мактабда, Бойсун туманидаги 1ўрта мактабда иш бошлади. Шунингдек, ишчи ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитишни ташкил қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилди, масалан, вилоятда 4500 нафар ишчи ёшлар кечки мактабларда таълим ола бошлади.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб вилоятда мактаблар ва уларда таълим олувчи ўқувчилар сони ортиб борди. Агар 1950ў51 ўқув йилида вилоят бўйича 15 та ўрта мактаб фаолият юритган бўлса, 1954-55 ўқув йилига келиб ўрта мактаблар сони 34 тага етди, 1959-60 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 85 тага етди. Бу даврда вилоятдаги мактабларни малакали ўқитувчилар билан таъминлаш даражаси деярли қониқарли ҳолатда эмас эди. Барча мактабларда 3144 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, шундан 322 ўқитувчи олий маълумотли мутахассис эди, холос. Шунингдек, 544 нафар ўқитувчи умумий ўрта маълумотга эга бўлиб, касбий педагогик маҳоратга эга эмас эди. Бу ҳолат вилоятда ўқитувчилар тайёрлаш масаласи долзарб муаммога айланганлигидан дарак берар эди. 1953 йилга келиб Сурхон воҳасида ҳам вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташкил топди ва жойлардаги мактаб ўқитувчиларига услубий ёрдам кўрсатишда,

илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ҳамда вилоятдаги мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда катта ишларни амалга ошира бошлади. Вилоят мактабларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 1955 йидда Термизда икки йиллик ўқитувчилар институти базасида Термиз Давлат педагогика институти ташкил этилди. Ушбу илм даргоҳи қисқа вақт ичида вилоят мактабларига 353 нафар ўқитувчи етиштириб берди. Аммо Сурхондарё ва қашқадарё вилоятларининг 1961 йидда бирлаштирилиши натижасида, халқ хўжалигининг барча тармокларида бўлганидек, бошқарув ишларида ҳам жиддий қийинчиликлар юзага келди. Шу сабабли ҳам Термиз Давлат педагогика институти қарши Давлат педагогика институтига қўшиб юбориди. 1964 йилда ушбу икки вилоят қайта бўлинганидан сўнг, 1965 йилда Термиз Давлат педагогика институти яна қайта ташкил этилди ва институтга 1968 йили атокли адиб Ойбек номи берилди.

Дастлабки даврда институтда 3 нафар фан номзоди, 24 та ўқитувчи 250 нафар талабага таълим берди. Йиллар ўтиши билан институт вилоятдаги йирик илмий ва маданий марказга айланиб борди. Унинг ташкил этилиши ва ривожланишига, ўқувуслужий ишларнинг такомиллашиб боришига, етук малакали кадрлар тайёрланишига кўплаб қобилиятли ва ишчан раҳбарлар, олимлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Жумладан, ректорлардан: география фанлари номзоди Ўлмас Абдуқаюмов (1954-1956), филология фанлари номзоди М. Саматов (1956-1960), филология фанлари номзоди Собир Солиев (1965-1967), тарих фанлари номзоди Владимир қодиров (1967-1968), филология фанлари номзоди Х. Холиёров (1968-1970), биология фанлари номзоди Абдурахмон қулмаматов (1971-1974), педагогика фанлари доктори Олтибой Ҳайтов (1974-1983), академик Н. Тўраев (1983-2000), профессор С. Турсунов (2000-2001), физикаматематика фанлари доктори Ч. Саидов (2001-2002), профессор Х. Аллақулов (2002)лар институтнинг ҳар жиҳатдан кенгайишида, янги ўқув биноларининг қурилишида, илмийпедагогик кадрларнинг тайёрланишида, моддийтехник базанинг мустаҳкамланишида самарали меҳнат қилишди.

Вилоят халқ маорифи тармоклари 1959-1965 йилларда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди ва халқ маорифининг моддийтехник таъминоти бирмунча мустаҳкамланди, айти чокда мактаблар малакали мутахассислар билан тўддирилди. 1965 йилга келиб саккиз йиллик вағ ўрта политехника таълими мактаблари 397 тага етди, уларда 130764 ўқувчи таълим ола бошлади, уларга 4117 нафар ўқитувчи таълимтарбия берган бўлса, шулардан 1473 нафари олий маълумотли эди. Бу даврда ўқувчиларнинг турли касбхунарларни эгаллаб олишлари борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан 1959 йил мартида «Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида» қабул қилинган қонун ўқитишни янада ривожлантириш, таълимни ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, ёш мутахассислар етиштириб чиқариш сифатини ошириш мақсадларида бутун ўқувтарбиявий ишни такомиллаштиришни кўзда

тутарди. Ана шу мақсадда вилоятдаги мактаблар ишини қайта қуриш ва таълимни ижтимоийфойдали меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлаш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди. Ўқувчиларни касбхунарга тайёрлашни кенгайтириш борасида талай ишлар қилинди. Ўн бир йилликка айлантирилган 60 та ўрта мактабда ишлаб чиқариш таълими жорий этилиб, уларнинг 49 таси қишлоқ жойларида, 11 таси эса шаҳар жойларида ташкил этилди. 1961ў62 ўқув йилида бошланғич мактабларнинг бир қисми ва барча етти йиллик мактаблар саккиз йиллик мактабларга айлантирилди. Умумий мажбурий таълимга ўтиш яхши самаралар берди, буни ўқувчиларнинг турли сабаблар билан ди тарихи» (Термиз, 1996), доцент А. қулмаматовнинг «Умurtқасизлар зоологияси» (Тошкент, 1987), доцент Т. Аннаевнинг «Раннесредневековме поселения Северного Тохаристана» (Тошкент, 1988), профессор У. Умаровнинг «Халқ маорифи иқтисодиёти» (Тошкент, 1981) ва бошқа қатор олимларнинг дарслик ҳамда қўлланмалари чоп этилиб, фан равнақига катта улуш қўшидди. Сурхондарёда иқтисодий, маданий ҳаётни тарғиб этишда «Сурхон тонги» газетасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Газета 1935 йилда ташкил топиб, дастлаб «қизил чегара», 1956 йил 21 майдан «Ленин байрога», 1991 йиддан «Сурхон тонги» номи билан нашр этилди.

Сурхон воҳаси адабий ҳаракатчилиги сарчашмалари улуғ адиблар Дақиқий шоҳноманавислиги, Мунжик ҳажвнавислиги, Адиб Собир Термизий ғазалнавислиги билан йўғрилган. қалблари фахру ғурурга лиммолим, ижоди кўнгиллар сурурига тўла бу аллома шоирлар Термиз ва Чағониён адабий муҳитида нашъу намо топган эдилар. Кўҳна Термиз ва Чағониён ўз ризқини Чағонруд (Сурхон) ва Туркондарё (Шерободдарё) ҳамда Окус (ОғузАмударё)дан олгани каби воҳанинг шеърият анъаналари туб маънода бахшичиликдан ибтидо топгани янада мароклидир. Дарҳақиқат, бахшичилик Сурхон шеъриятининг илк маншаси сифатида ўзига хос жиҳатларни намоён этади. Дўмбира жаранги, бахши оҳанги, қахрамонлар тасвири, эл тақдири бирбирига қоришиб, омукталашиб кетади. Шеробод бахшичилик ва дostonчилик мактаби сарҳадлари жуда кенг бўлиб, унинг ўз тарихи, ўз тақцири, ўз тадрижи, ўз йўналиши бор, унинг ҳудудига Жанубий Тожикистон, қашқа воҳаси, Туркманистоннинг айрим туманлари ва Шимолий Афғонистон дахддор.

Шеробод дostonчилик ва бахшичилик мактабининг донгдор намояндалари ва қатор асосчилари мавжуд ҳамда улар вужудга келтирган ўзига хос ажойиб анъаналар ҳануз давом этиб келмоқца. Шеробод бахшичилик мактабининг йирик вакилларида бири **Шерназар бахши Бердиназар** (айрим манбаларда Бекназар, таваллуд ва вафоти саналари 18551915) ўғли (1866 1920) дир. У Шеробод туманига тобин Озон қишлоғида туғилган, айтишларича, 78 ёшларидан дўмбира чертиб, дoston айта бошлаган экан. Унинг устози қосим юзбоши бўлиб, у 20 яшарлигида Бухоро амирлиги ҳамда Хоразм хонлигининг кўзга кўринган бахшилари билан айтишиб, уларни қойил қолдирган. Шеробод бахшиларининг ушбу силсиласи ва сулоласи аслида Бобо шоирдан ибтидо топади, туб

шерободлик бўлган бу шоир XIX асрнинг бошларида ўтган. қосим юзбоши ана шу Вобо шоирнинг шогирди бўлган, ўз навбатида қосим юзбоши Холмурод қосим ўғли, Алим юзбоши ва Шерназар Бердиназар ўғли сингари бахшиларни тарбиялаб вояга етказишда хизмати улғудир. Шерна бахши ҳам устози қосим юзбоши изидан бориб, айна балоғатга етган 17 ёшида Шеробод беклигининг номдор бахшиси Ниёзали жебачи билан айтишади ва бу айтишувда ғолиб чиқади. Шерна бахши ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Ҳисор ва бошқа бекликларнинг бахшилари билан беллашади, беллашув ғолиби сифатида бахшилар сардорига айланади.

Шерна бахши номи билан боғлиқ элликдан зиёд достонлар мавжудлигини биламиз ва ундан 20 дан ортиқ достон ёзиб олинган. У ўзидан кейинги авлодга мансуб кўплаб бахшиларнинг устози ҳисобланади, чунончи, Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли, Мамарайим бахши Сафар ўғли, Бўрибой бахши Аҳмад ўғли унинг шогирдларидир. Шунингдек, озонлик Нормурод бахши Шерна ўғли, гиламбоплик Аҳмад бахши, Нурали бахши Боймат ўғли, оққўрғонлик Юсуф бахши Ўтаган ўғли, ғўринлик Жўра Эшмирза ўғли каби илғор бахшилар ҳам Шерна бахшининг севимли шогирдлари қаторига киради.

Шеробод достончилик мактабининг вакилларида яна бири машҳур бахши **Шотўра юзбоши Бойқул ўғли** (18871947)дир. Шотўра юзбоши Шеробод тумани, Калламозор қишлоғида таваллуд топади, отаси Бойқул шоирдан бахшичилик сирларини ўрганади. Бойқул бахши бир неча марта Бухоро амири Музаффархон ҳузурида достон айтиб бахшичилик васиқасига соҳиб бўлади. Шотўра бахши ота изидан бориб элу улусга танилади, халқнинг тўю шодиёналарида хизмат қилади, ўз достонлари билан кишиларни хушнуд айлайди. Шотўра бахши «Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркумига оид қирққа яқин достонларни юксак маҳорат билан куйлаган. Бундан ташқари «Ёдгор», «Шодмонбек», «Савдогар» номли бошқа қатор достонлар ҳам унинг ижод бисотидан ҳисобланади.

Ўзининг бетакрор овози, ўзига хос сози билан Шеробод бахшичилик мактабида унутилмас из қолдирган ва янги ўзанини ярата олган бахшилардан саналмиш **Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли** (18891975, Шеробод, Озон қишлоғи) икки ёшида онадан етим қолади ва тоғаси Шерна бахши кўлида тарбия топиб, вояга етади. Мардонақул бахши Шерна бахшига ҳам жиян, ҳам фарзанд, ҳам куёв, ҳам шогирд бўлиб, у Шерна бахшидан достончилик сирларидан, бахшичилик сехрларидан таълим олади. Мардонақул бахши достончиликда ўз усулини ихтиро қила олган етук санъаткорлар сафида туради. Ундан ёзиб олинган «Алпомиш» достони намунаси шу мавзудаги бошқа достонлар ичида етакчи ўриндадир. Мардонақул бахшининг достончиликдаги анъаналарини деновлик бахшилардан Тошмурод Тўра ўғли (таваллуди 1897), Эшмурод Шердон ўғли (таваллуди 1904), ангорлик Раҳим бахши (таваллуди 1899), қиём бахши Чори ўғли (таваллуди 1907), бойсунлик Улаш бахши ғози ўғли (18921969), шерободлик Али Саид Ҳайитназар ўғли (19021953), тожикистонлик Бўри бахши Аҳмад ўғли (таваллуди 1914) ва бошқалар

юксак маҳорат билан давом эттирдилар. Аслида Шотўра юзбоши, Мардонакул бахши, Мамарайим бахши, Умир бахши, Бўри бахши ижоди билан алпомишгўйликнинг янги босқичи бошланди. «Алпомиш» достони мавзуининг чинакам қирраларини намоиш этиш ҳозирда Сурхон воҳаси бахшилари томонидан ўша қадим ва устувор анъана асосида давом эттирилмоқда. Дарҳақиқат, Чорша бахши, қора бахши, Боборайим бахши, Чори бахши, Хушбоқ бахши, Шоберди бахши, Жуманазар бахши, Абдуназар бахши, Шодмон бахши, Зулхумор бахшилар тилида «Алпомиш» достони жаранглаб иккинчи умрини бошлади. Булар орасида Чорша бахши, Хушбоқ бахши, Боборайим бахши, Шоберди бахши ва Жуманазар бахши сингарилар ўзига хослик жиҳатидан айрича табиатли ижодкорлар сирасига тааллуқлилиқ касб этади.

**Чорша бахши** (1932 йил, Шеробод, Каттатут қишлоғи) ижоди олдинги аجدод бахшилари билан кейинги авлод бахшиларини боғлаб турувчи занжир. У болаликдан қўшиқ ва ашула айтишга қизиққан, қишлоғидаги Назар бахши, Эсон бахши, озонлик Мардонакул бахши, такиялик Жўра бахшилар даврасида кўп бўлган, улардан дуои фотиҳа олиб, терма ва достонлар айтишни бошлаган. Чорша бахшининг юздан ортиқ термалари бор ва у элликдан ошиқ достонни ёддан билади. Чорша бахши ижодига тегишли «Тошбосар» (1998), «Ҳурсўна» (1999), «Ёдгор» (2000) достонлари нашр этилган, шундан иккинчи ва учинчи достонлар Алпомишнинг қизи ва ўғли тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Бахшининг ҳали нашр юзини кўрмаган ва элга етиб бормаган «Кўнғириёт» достони эса ғоя эътибори ила турфа мазмунга бойдир, достон қаҳрамони кўнғириёт асли Бойсарининг ўғли. Шоҳимардон пирнинг айтишларича, Бойсари ёт элда ўғил кўриши мумкин эди, шундан Бойсари қалмоқ элидан қайтмай, у ерда узок муддат қолиб кетади. қалби уммон қадар чексиз Чорша бахшининг «Олпонбек» (Алпомишнинг ўғли), «Шоҳ Шайх Мардон бобо» номли ажойиб асарлари нашр эғалиш арафасида турибди. Шафқатсиз ўлим шоирни 2002 йили 20 февралда бизнинг орамиздан олиб кетди. **Боборайим бахши Маматмурод ўғли** (1936 йил, Узун, Томчи) ўз услуби жиҳатидан, ўз ижодий фаолияти билан бошқа бахшилардан тубдан фарқ қилади. У хониш қилганда эшитувчини лол қоддиради, ўзига ром этади, унинг овози тингловчининг қалбини сурурга тўлдиради, дилига хушнудлик солади, унинг қўшиқлари кишини ҳудудсиз оламга етаклайди. Боборайим бахшининг отаси Маматмурод бобо дўмбирани тилга кирита оладиган етук санъаткорлар сафида турган, у соз чалганда эшитувчининг қалбини тирналаган. Шундан бўлса керак, Маматмурод бобо хонадонида бахшилар жам бўлишиб достонлар куйлашган, термалар айтишган. Уларнинг хонадонида Мирзокул бахши, Чори бахши, Абдуллахон эшон каби машҳур бахшилар тезтез меҳмон бўлиб туришар эдилар.

Ана шуларнинг барчаси Боборайимнинг келгусида истеъдодли бахши бўлиб етишувида замин ҳозирлади. Унга устозлари Мирзокул бахши ва Чори бахшилар бахшичилик сирларидан сабоқ беришди. Боборайим ёшлигидан

дўмбирани хонишга келтира олар эди, бу унга отаси Маматмурод бободан ўтган бўлса ажаб эмас. У дўмбирада «Сарвиноз», «ғарибнома» куйларини қиёмига етказиб чалади ва атрофдагиларни доимо қойил қилади. Боборайим бахши Маматмуродов 1991 йили Республикамизда бўлиб ўтган Марказий Осиё ва қозоғистон бахшишоирлари иштирокидаги нуфузли танловнинг бош совриндори бўлди. Яқинда бахшининг «Сарвиул. Авазхон ота юртида» номли дostonлари нашр этилди. «Авазхон ота юртида» дostonи «Гўрўғли» туркуми дostonларига қўшилган янги бир асар сифатида ўз ардоғига эга, зеро, ушбу дoston анъанавий «Гўрўғли» туркуми дostonлари орасида янги мавзу, янги мазмун талқинлари эътибори билан ҳам ажралиб туради.

Боборайим бахшининг фарзанди **Равшан Маматмуродов** (1969) ҳам дўмбирани хонишга келтиришда отасидан қолишмайди, терма айтишда ва дoston куйлашда анча тажриба тўплашга улгурган, кўплаб дostonларни ёддан билади. У 1987-1992 йилларда Термиз Давлат Университетининг ўзбек тили ва адабиёти кувдузги бўлимида таълим олди, мактабда ишлади, бахшиларнинг жами кўриктанловларида ҳамisha иштирок этишни канда қилмайди.

**Хушбоқ бахши** (1942 йил, Шеробод, Озон қишлоғи) машҳур Мардонакул бахшининг фарзанди, унга бахшичилик она сути билан кирган, у талай бахшилар танловининг ғолиби. Хушбоқ бахши «Соқи булбул», «Малла савдогар», «Сув пари», «Зарнигор», «Балогардон» дostonларининг янги кўринишларини яратди. Хушбоқ бахши ижросидаги «Алпомиш» ўзига хос қирраларга эга ва «Алпомиш» дostonи айна шу ижро туфайли ўзининг иккинчи умрини бошлади, десак муболаға бўлмайди. «Алпомиш» киносценарияси ҳам Хушбоқ бахши томонидан ёзидди, айна пайтда у қатор шогирдларнинг устозидир. Элга танилган атоқли куйчи, республикада биринчи «Ўзбекистон халқ бахшиси» номли юксак унвон соҳиби Шоберди бахши Болта ўғли ҳам худди шу Хушбоқ бахши Мардонакул ўғлидан бахшичиликнинг илк сабоқларини олган эди.

Эндиликда Шеробод бахшичилик мактабининг янгиянги вакиллари ва авлодлари пайдо бўла бошлади, ушбу мактаб намояндаларининг ижодиётига алоҳдда диққат эътибор кучайди. Ана шу тариқа бу мактаб ижодкорларининг довуғи ошиб, элнинг ихлосу эътиқодига сазовор бўлмокда. Бахшичилик, дostonчилик билан шеър ва поирлик анъаналари ривожлана бошлади, бахши ва шоир, терма ва шеър тушунчалари ягона бир нарсанинг икки тенг палласи бўлгани сингари, улар бирбирининг тажрибасидан илҳом олди ҳамда ижодий таъсирланди. XX асрнинг 30йилларида ана шу ажойиб анъана янги кўринишда жиолана бошлади. Адабиёт ўзи яшаган ҳар бир замонга, ҳар бир заминга ҳамнафасдир, у қайси даврда пайдо бўлса, ўша даврнинг хусусиятларини ўзида тажассум этади. Зеро, ёзувчи ижодида у яшаган муҳит, уни етиштирган халқ турмуши, тили, орзуармонлари, истакниятлари ифода этилади. Сурхон воҳасида бахши ва шоир атамалари бир сўздек жарангдорлик ҳамда оҳангдорлик кашф этади. Ўзбек шеърияти бўстониға кириб келган Раъно Узокова шу ўлка кучоғида унибўсди, Теша Сайдалиев эл олқишиға сазовор бўлди, Низомжон

Парда шеърларидаги фалсафий тасвир ва таъриф китобхонлар диққатини ўзига тортди.

Ўзбек насрида такрорланмас мақомга эга Шукур Холмирзаев Сурхон воҳасининг сўлим табиати лавҳаларини, заҳматкаш инсонларининг тарихини, тақдирини ўзбек адабиётига олиб кирди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ўзбек ҳикоянавислигида янги ўзан ихтиро қилиш баробарида Тошкентдек шаҳри азим бағрида Сурхон адабий ҳаракатчилигини вужудга келтирди. Эркин Аъзам, Усмон Азим, Нодир Нормат, Мирза Кенжабек, Сирожиддин Саййид, Эшқобил Шукур, кўчқор Норқобил, Салим Ашур, мий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг (1963-1967)да таълим олди, фалсафа фанлари номзоди, зулхиссонанин ижодкорлардан. Унинг «Ҳофиз даллол» (1991), «Эсиз «Наполеон» (1996), «Узоқ яшаш сири» (2000), «Аз янгам наражад» («Янгамдан ранжиманг», 2000), «Элим, юртим деб яшаса одам» (Б.Ёриев билан ҳаммуаллифликда, 2001) каби турли хил тўпламлари китобсевар дўстларга тақдим этилган. Шу каби ижодкорнинг болаларга атаб ёзган айрим шеърлари «қирқ оёқ ва қирқ пайпоқ» (1990) тўпамидан ҳам жой олган. У келажакимиз бўлмиш болаларимиз дунёсини чуқур мулоҳаза этади, шоирнинг «Узоқ яшаш сири» шеърий тўплами айна уларга бағишланган. Айниқса, тўпламдаги топишмоқлар, бош қотирмалар болаларни ўйлашга ундайди.

Орифийнинг «Ҳофиз даллол» ҳикоялар тўпламида қам болаларбоп ҳажвиялар мавжуд, шулардан бири «Болага сир берманг» деб аталади ва унда бола табиатига хос шумлик акс этирилади. Унинг ҳикояларида ва шеърларида етакчи мавзу ҳалоллик, поклик, комиллик бўлиб, яхшилик, эзгулик ғоялари илгари сурилади. У ўз шеърларида кишиларни камтарликка чорлайди, худди шу хислатлар кўпроқ раҳбарларга тегишли эканига ҳам очиқ ишора қилади.

Воҳа адабий ҳаракатчилигига оид чизгилар бу борадаги барча жабҳаларни қамраб олган, деб бўлмайди. Бу мавзу ҳали кўплаб янги номлар билан бойитилиши лозим, ушбу соҳада изланишлар тинмай давом этирилиши айна муддаодир.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Турсунов ва бошқ. Сурхондарё тарихи. Т.: Шарқ, 2004.
4. Авлиёкулов Қ. Ва бошқ. Сурхон юлдузлари. Т.: 1995.
5. Бердиев Ҳ., Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.: 1991.
6. Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи. Термиз. Жайхун, 1996.
7. Мустақиллик маънавият ва тарбия. ТерДУ илмий тўплами. Т.: 2000.

8. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. Термиз. Жайхун, 1996.
9. Термиз йилномаси. Тузувчилар: С.Турсунов, Ҳ.Кичкилов Т.: Шарқ, 2001.
10. Турсунов С.Н, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш шартлари ва пасайиш омиллари. Т.: 1996.

## **СУРХОНДАРЁ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АСОСИЙ САВОЛЛАР:**

1. Вилоят саноати
2. Қишлоқ хўжалиги
3. Халқ таълими ва маданият.
4. Адабий ҳаёт.
5. Соғлиқни сақлаш тизими.

### **Таянч сўзлар:**

Мустақиллик ва кенг имкониятлар. Ислохотлар жараёни ва унинг вилоят ҳаётидаги асоси. Вилоят саноати янги одимлар сари. Қишлоқ хўжалиги ислохотлар, мулкчилик шакллари ва истиқболлар. Мустақиллик йилларида маданий ҳаётдаги туб сифат ўзгаришлар. Сурхондарё тиббиёти янги давр шароитида.

Миллий истиқлолнинг қўлга киритилиши билан бутун мамлакатда бўлганидек, Сурхон воҳасида ҳам ҳар томонлама ривожланиш учун улкан имкониятлар юзага келди. Мустабид совет тузуми даврида вилоят саноати ўта бмқик тарзда маълум бир йўналишлар асосида ривожланган бўлиб, асосан ярим тайёр маҳсулотлар, яъни хом ашёга биринчи ишлов беришга ихтисослашган эди. Саноат корхоналарининг кам миқдорда бунёд этилиши оқибатида вилоят асосан аграр ишлаб чиқаришга мослашиб қолган эди. Шу сабабли ҳам вилоятда пахтачилик саноати, озиқовқат саноати ва қурилиш саноатига ихтисослашган баъзи бир корхоналар бунёд этила бошлади. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкчиликка хос кўп укладли тизимнинг шаклланиши, қолаверса Республика ҳукуматининг ва вилоят ҳокимиятининг ташаббуси билан вилоятда саноат корхоналарини кенг миқёсда барпо қилиш, вилоят саноатига чет эл инвестицияларини киритиш ва бу орқали қўшма корхоналар, ўрта ва кичик корхоналарни шакллантириш борасида самарали силжишлар амалга оширилди. Мулкчилик янги шакллариининг вужудга келиши, кишиларда ҳақиқий мулкдорлик туйғусининг қарор топиши, ишлаб чиқариш жараёнининг тамомила янги тартибда ташкил этилиши вилоят саноатида ҳам улкан ўзгаришлар ясалишига олиб келди. Натижада ўтган давр оралиғида вилоят саноати ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан янги паллага қадам қўйди. Натижада илгари фақат аграр соҳага ихтисослашган вилоят хўжалиги замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналарига эга бой ҳудудга айланди. Натижада воҳада ёқилғиэнергетика саноати, машинасозлик саноати, қурилиш материаллари саноати, пахта тозалаш саноатидан иборат индустриал мажмуа таркиб топди. Шунини алоҳида

таъкидлаш жоизки, советлар даврида Ўзбекистоннинг саноат тараққиёти жиҳатидан энг кам ривожланган вилояти бу Сурхондарёдир. Сурхондарё вилояти ўз саноатининг ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда республикада ўнинчи ўринда турарди. Саноат қолоқлигини бартараф этиш учун бутун республикада бўлгани сингари Сурхондарёда ҳам аниқ чоратадбирлар амалга оширила бошлади. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Айниқса, пахта тозалаш саноати соҳасида маълум бир ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошлади.

Мустақилликнинг илк босқичларида маълум бир қийинчиликлар бўлди, хусусан, собиқ Иттифоқ давридаги алоқалар узилгач, таъминот издан чиқди. Кўпгина пахта тозалаш заводларида эҳтиёт қисмлар, асбобускуналар, жиҳозлар етишмаслигидан анча қийинчиликлар юз берди. Юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал этиш учун корхоналарнинг мавжуд ички имкониятларидан фойдаланишга тўғри келди, бу эса албатта, ўзининг ижобий натижаларини берди. Агарда 1990 йили вилоятда мавжуд 11 та пахта тозалаш заводи 143,5 минг тонна тола ишлаб чиқарган бўлса, 1991 йилда бу рақам 145,4 минг тоннани ташкил этди. Вилоят енгил саноат корхоналари 1992 йили 1 247 000 погон метр шойигахлама, 99,5 млн. сўмликдан кўпроқ тикувчилик буюмлари, 20,1 минг жуфт пойафзал, 19,2 минг дона трикотаж буюмлари, 5,2 минг дона пайпоқ, 2,3 тонна йигирилган ип тайёрлади.

Сурхондарё енгил саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлган пахта тозалаш заводларида янги технология билан қуроллантириш ишлари олиб борилди. Агарда 80йилларда мавжуд пахта тозалаш заводларида «Меҳнат» агрегатлари фаолият юритган бўлса, энди уларнинг ўрнини УХК машиналари эгаллади. Бунинг натижасида аввало иш унумдорлиги ошди, цехлардаги чанг микдори ярмига камайди. «ВЦ12» ва «УВЦ12» русумли вентиляторлар ўрнатилди ва «ОВМ» ўрнини «ВТМ» механизмлари эгаллади. Тукли чигитни ушлаб қолиш мақсадида «РХ» механизми, аррали цехда эса янги «5ЛГТ» шитерлари ишлай бошлади. Албатта, бажарилган ишлар ўз натижаларини бера бошлади, хусусан, пахта тозалаш саноати бирлашмаси 1994 йилни муваффақиятли якунлади. Пахта тозалаш заводлари 131,6 минг тоннадан кўпроқ тола ишлаб чиқарди, Асосий саволлар 102,2 фоизга бажарилди. Тола ишлаб чиқариш ҳажми 1993 йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайди, момиқ тайёрлаш ҳажми салкам 108 фоизга уддаланди, 237 минг тонна чигит тайёрланди.

Мустақилликка эришгач, пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола сифатига алоҳида эътибор берила бошланди. Чунки Иттифоқ даврида тола қаерга, қанчадан сотилишини фақат Москва ҳал қиларди, энди бу масалани ҳар бир корхонанинг ўзи ҳал қила бошлади. Маҳсулотнинг жаҳон бозорида харидоргир ва сифатли бўлиши учун ҳаракат бошланди. Масалан, 1993 йилда ишлаб чиқарилган толанинг 82,5 фоизи сифат белгиси талабига жавоб берган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 94,2 фоизни ташкил этди. Момиқнинг 98,6 фоизи Давлат стандарти талабларига жавоб берди ва йил мобайнида 10,9 млн. сўм фойда олинди. Бу кўрсаткич

натижасида 1993 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ўсишга эришидди. Шу йили Хайробод, Музрабод, Шўрчи, қизирик пахта тозалаш заводлари жамоалари яхши натижаларга эришдилар. Узун пахта тозалаш заводида нотўқима материал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, янги цех 1993 йилда 90,3 минг погон метр мато ишлаб чиқади. Бу эса заводларга ишлаб чиқарилаётган пахта тойларини ўровчи материалларга бўлган талабнинг бир қисмини қондириш имконини берди.

Бугунги кундаги вазифа сон эмас, балки сифатдир. Шу сабабли Сурхондарё «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси корхоналари жамоалари иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ёндашган ҳолда жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар 1994 йилда 131,6 минг тонна тола ва 6723 минг тонна момиқ ишлаб чиқардилар, натижада салкам 11 млн. сўм фойда олиниб, бу соҳада 1993 йилга нисбатан 11 баробар ўсишга эришилди. Вилоят пахта тозалаш заводи саноати бирлашмаси раҳбар ва мутахассислари тайёрланаётган тола сифатини янада ошириш мақсадида туманлардаги пахта тозалаш заводларини янги асбобускуналар билан жиҳозлашни йўлга қўйдилар. Денов, Шўрчи, Хайробод ва Жарқўрғон пахта тозалаш заводларида толанинг пишиқлигини ва унинг узилиш кучини яхшилаш мақсадида толани ҳўллайдиган махсус ускуналарни ўрнатдилар. Натижада заводларда тайёрланган толанинг пишиқдиги оширилиб, унинг узилиши 20 фоизга камайди.

Вилоят пахта тозалаш заводларида янги замонавий технологаялар асосида ишлаб чиқариш дадил жорий этила бошланди. Ангор пахта тозалаш заводида нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган цех ўрнатилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эни 90 сантиметр, бўйи 180 сантиметр узунликда чиқариладиган бўлди. Заводда 2,5 минг ўрнига 6 минг метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилди, ҳатто чиқиндилар қайта ишланиб, маҳсулот олина бошлади. Бу тадбиркорлик натижасида ҳар ойда Асосий саволлардагидан 50 60 тонна кўп момиқ ишлаб чиқариди, чунки 1 тонна момиқ жаҳон бозорида 500 долларга баҳоланди.

Сурхондарё вилояти асосан пахта етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли ҳам воҳада пахта тозалаш саноатининг алоҳида ўрни мавжуд. Агар 1910 йилда воҳада дастлабки пахта тозалаш заводи қурилган бўлса, ўтган давр мобайнида бир бутун пахта тозалаш саноати таркиб топди. 1995 йилга келиб, ушбу саноат таркибида 11 та қудратли 12 батареялик пахта тозалаш заводлари ва 45 та пахта пункти мужассамлашди. Вилоят пахта тозалаш саноати корхоналарининг тола ишлаб чиқариш қуввати эса 132 минг тоннани ташкил қилди. Мустақиллик даврида Сурхондарёда янги пахта тозалаш заводлари қурилиб ишга туширила бошланди. Жарқўрғондаги «Бунёдкор2» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг ишлари олқишга лойиқ. Улар қумқўрғон пахта тозалаш цехларини замонавий серунум машиналар билан жиҳозлашди ва йилига 30 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган корхонани фойдаланишга топширдилар. Ҳудди шундай корхона Тўпалангда ҳам бунёд этилди. Умуман, воҳада пахта тозалаш саноати

борасида жиддий ютуқлар ва ўзгаришлар бўлмоқда. Вилоятнинг ягона иппиғирув фабрикаси бўлган Жарқўрғондаги корхона 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айланди, кишиларнинг меҳнатга, мулкка муносабатларида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Бунда қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: ҳиссадорлар 1996 йил давомида амалдаги нархларда 190,1 млн. ўрнига 236,6 млн. сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарди, маҳсулот сотиш эса салкам 2,8 баробар кўпайди. Ҳиссадорлар ўтган йилни 1309 тонна калава ишлаб чиқариш ва салкам 6,9 млн. квадрат метр мато тўқиш билан яқунладилар, меҳнат унумдорлиги 113 фоизга ўсди. Бундай ютуқларга мавжуд тўқув ва йиғирув дастгоҳларидан унумли фойдаланиш туфайли эришилди. Ўтган йили тўқув ишлаб чиқаришида корхоналарни янги техника билан қайта қуроллантириш Асосий саволларсининг биринчи навбати амалга оширилди. Россиянинг Чебоксари шаҳридан шартномага биноан келтирилган «Агу1005м» русумли тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада эни 90 сантиметр бўлган «Минтоколь32» ўрнига жаҳон андозаларига мос келадиган, эни 164 сантиметрли «БЯЗБ4794» артикулли мато тўқиш имконияти туғилди. Бу станоклар ёрдамида ўтган йили 1 млн. 395 минг квадрат метр мато тўқиди. Янги дастгоҳларнинг ҳосияти шундаки, улар серунум, сифатли маҳсулот тайёрлайди ва шовқинсиз ишлайди, ишчи кучини кам талаб қилади.

Янги дастгоҳлар туфайли 1996 йили тўқув ишлаб чиқаришида қувватлардан фойдаланиш даражаси 1995 йилга нисбатан 24 фоизга, йиғирув бўйича 9 фоизга ошди. Корхонада тўқима маҳсулотининг 70 фоизи, йиғирилаётган иппининг 65 фоизи сифат белгиси талабларига тўлиқ жавоб беради. Корхона ютуғини қуйидаги рақамлардан ҳам билишимиз мумкин: у йил давомида 257,2 млн. сўмдан кўпроқ ялпи даромад олган. Олинган соф фойда 7 млн. 862 минг сўмни ташкил этади, шундан 5 млн. 584 минг сўм ҳиссадорлик жамияти ихтиёрида қолган, 376 минг сўм маблағ моддий рағбатлантириш ва хайрия жамғармасига, 837,6 минг сўм эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадига йўналтирилгану

Бундай ютуқларни Бойсун шойи тўқиш фабрикасида ҳам кўриш мумкин. Агар фабрика тарихига назар солиб, ижтимоий динамикага назар қилар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қиламиз (маҳсулот ишлаб чиқариш минг сўм ҳисобида):

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий тадбирларнинг ҳал қилувчи бўғинида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни туради. Бунинг бош сабаби шуки, Ўзбекистон аҳолисининг 64% дан кўпроғи қишлоқда яшайди, қолаверса саноатга хом ашё етказиб берадиган, одамларни кийинтирадиган ҳамда тўйдирадиган соҳа ҳам қишлоқ хўжалигидир. Вилоят қишлоқ хўжалиги истиқлол йилларида жуда катта ўзгаришлар жараёнини ўз бошидан кечирди. Ушбу соҳани тубдан ислох қилиш, аҳолининг мулкка бўлган янгича муносабатини қарор топтириш осон кечмади. Бироқ амалга оширилаётган ислохотлар жараёни Сурхон деҳқони фаолиятида улкан ўзгаришлар ясади. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, мулкчиликнинг ширкат, ижара,

оилавий пудрат ва фермерлик шакллари қарор топди, хуллас, деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланди. Совет мустабид тузумидан мерос бўлиб қолган эскича ишлаш тартиблари ҳаётнинг шиддатли оқимларига бардош бера олмай қолди. Ўтган давр мобайнида вилоят меҳнат аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан синовлардан ўтиб, бой тажриба тўплади. Барча синов ва мавжуд қийинчиликлардан муваффақият билан ўтишда соҳа вакилларининг мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Меҳнат аҳли ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билганлиги ва қилинган заҳматнинг манфаатларидан баҳраманд бўлаётганлиги асосий белгиларчи омил бўлиб хизмат қилди. Истиқпол йилларида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг тамомила янги шакли фермер хўжаликларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Вилоят қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони йилдан йилга ошиб борди, буни қуйидаги мисолдан ҳам билиб олса бўлади. Агар 1992 йилда вилоятда жами 261 та фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, 1995 йилда мазкур хўжаликлар сони 2003 тага, 1999 йилда эса 2814 тага етди. Агар 1992 йилда вилоятдаги фермер хўжаликлари 2272 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлса, 1999 йилга келиб фермер хўжаликлари деҳқончилик қилаётган ер майдонининг сатҳи 14155 гектарни ташкил этди. Мулкчилик шаклларининг ўзгариши деҳқон ва чорвадорнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Мустақиллик йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида жуда катта тажриба қўлга киритилди. Оқибатда Сурхондарё деҳқончилик мактабининг азалий анъаналари қайта тикланди, республика ҳукуматининг бевосита ёрдами, вилоят ҳокимиятининг ташаббускорлиги ва воҳа деҳқонларининг тадбиркорлиги ва фидоийлиги эвазига деҳқончиликда «Сурхондарё тажрибаси» қарор топди. Зеро, мустақиллик йиллари Сурхон деҳқони учун улкан синовлар, ўнгланишлар ва тажриба тўплаш даври бўлди.

Мустақиллик даврида қишлоқ хўжалиги мукаммал ривожланиш йўлига тушиб олиши учун бирмунча қийин ҳолатни ўз бошидан кечирди. Чунки Асосий саволларлаштириш, ишлаб чиқаришни аниқ бир тизимга солиш, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиш, давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, техника таъминоти соҳасида мавжуд бўлган бебошликка чек қўйиш муҳим масала эди. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳаққоний муносабатни шакллантириш бўлди.

Дастлабки даврда қишлоқ хўжалиги моддий-техник таъминотининг оғирлиги, маблағнинг йўқлиги қатор муаммоларни юзага келтирди. Маҳсулот етказиб берадиган экин майдонлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлиги, кўплаб экин майдонларини шўр босиб, ернинг захлаши ҳаддан зиёд кучайганлиги, ариқзовурларнинг кўмилиб кетиши туфайли тупроқнинг афар ҳолати жиддий бузидди. Собиқ совет даврида ҳукм сурган пахта яккаҳокишшигидан воз кечиш, экин майдонларининг асосий қисмини донли экинлар экадиган майдонга айлантириш, халқнинг озиқовқат маҳсулотига

бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш муҳим масала бўлиб қолди.

Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда унинг аграр соҳадаги ютуғи ниҳоятда муҳимдир. Бунинг катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни Асосий саволларлаш, хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа қишлоқ хўжалиги тармокларидир».

Шу кўрсатмалар асосида мустақил Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳозирги босқичда тубдан қайта ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Дехдон меҳнатини кадрлаш, унинг меҳнатига ҳаққоний ҳақ тўлаш, совет тузуми даврида йўл қўйилган хатокамчиликларни бартараф этиш, аграр сиёсат соҳасида тўғридантўғри бериладиган кўрсатмалардан эҳтиёт бўлиш, хўжаликлар иқтисодий мустақиллигини ўз ихтиёрига бериш долзарб масала бўлиб турди. Собиқ совет тузуми даврида чексиз янги ерлар ўзлаштирилиб, катта экин майдонлари вужудга келтирилиб, юзлаб суғориш шохобчалари, ўнлаб сув омборлари қурилсада, деҳқон турмушида ижобий ўзгаришлар бўлмади, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий қудратини кўтариш борасида амалий ишлар қилинмади. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, бу соҳа учун зарур бўлган моддийтехник таъминотни яхшилаш борасидаги ишлар туфайли Ўзбекистон ўзининг иқтисодий қудратини сақлаб қолди. Сурхондарё воҳасида 320 минг гектар суғориладиган ер бўлиб, ҳар гектар ерга 12,5 минг кубметр сув берилди.

Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг озиқовқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида донли экинларга алоҳида эътибор бериб, дон мустақиллигини таъминлаш борасида кескин чоралар кўрди. Донли экин майдонларини кенгайтириш билан бирга, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам бир қатор муҳим ишлар қилинди. Мамлакатда 1992 йили 56,20 минг гектар майдонга буғдой экилиб, ўртача 19,6 центнердан ҳосил олинди, жами 110105 минг тонна буғдой давлатга сотилди. Айниқса, суғориладиган экин майдонлари 34,13 минг гектарга етказилиб, ўртача 28,2 центнер ҳосил олинди, давлатга 96,419 минг тонна буғдой сотилди. Бу кўрсаткичларга пахта экин майдонларини камайтириш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисмига донли экинларни экиш ҳисобига эришилди.

Вилоят деҳдончилиги оғир иқтисодий шароитни бартараф этиб, 1994 йили 327 минг гектар суғориладиган ерга экин экилиб, шундан 219,3 минг гектари насослар ёрдамида суғорилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, Бандихон, Жарқўрғон, Олтинсой, Сариосиё ва бошқа туманларда 2025 гектар янги ер ўзлаштирилди. Шунингдек, 41,5 км масофадаги магистрал ва хўжаликлараро каналлар, 23,5 км масофадаги очиқ коллекторлар тозаланди. 1994 йил ноябрь-декабрь ойларида секундига 912 кубметр сув чиқариш қувватига эга бўлган 105 та насос станциялари,

жумладан, 533 та насос агрегатлари сифатли қилиб таъмирланди.

Вилоятда сабзавот, полиз ва картошка етиштиришнинг кўпайиши қуйидаги мисолларда ўз аксини топган: 1994 йили сабзавот экинлари 10,4 минг гектар майдонга экилди, ўртача ҳосилдорлик 170,0 центнерни ташкил этди, давлатга 177,60 минг тонна сабзавот сотилди. Шунингдек, картошка 2,9 минг гектарга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 84,4 центнерни ташкил этди, давлатга 24,45 минг тонна сотилди. Полиз 2,5 минг гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 141,8 центнерни ташкил этди, давлатга 35,62 минг тонна сотилди.

Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши асосида халқ ҳўжалиги тармоқларида ижобий силжишлар ўз таъсирини кўрсатди. 1995 йилга келиб қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш анча сезиларли ўсди пахта 370,6 минг тонна, дон 269,0 минг тонна, жумладан, буғдой 200,8 минг тонна, сабзавот 120,0 минг тонна, картошка 18,4 минг тонна, полиз 32,4 минг тонна, ҳўл мева 25,1 минг тонна, узум 75,1 минг тоннани ташкил этди. қишлоқ ҳўжалигида (барча тоифадаги ҳўжаликлар ва аҳоли билан биргаликда) маҳсулот ишлаб чиқариш 990,8 млн. сўмга етказилди. Дастлабки йилларда чорвачилик соҳасидаги қийинчиликлар, эътиборсизлик, айниқса чорва молларини талонторож қилиш, емхашак таъминотини издан чиқаришга доир одатларга чек қўйилиб, янги чорвафермер ҳўжаликлари, давлат бўрдоқчилиги мажмуаларининг ташкил топиши мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўл очди. Айниқса, бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар ўз самарасини берди. 1995 йили давлат хисобига 73,4 минг тонна мол ва парранда гўшти (тирик вазнда), 307,5 минг тонна сут, 68,2 млн. дон тухум, 1515,8 тонна жун, 1023 минг тонна пилла топширилди. Ўз навбатида вилоятда қорамоллар сони 44,3 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 906,3 минг бошга, паррандалар сони 692,0 мингтага етказилди. Давлат хусусий ва шахсий чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, моддиймаънавий ёрдамни ҳамда ҳуқуқий ҳимояни кучайтирди. техника ва технологияларни жалб этиш, ги агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш, одамларда меҳнатдан манфаатдорлик ҳиссини шакллантиришга ўхшаш жараёнларнинг ўзаро мужассамлашуви ва натижаси сифатида Сурхон деҳқонининг азалги шуҳрати яна қайта тикланди. 2003 йилда воҳа деҳқонлари орадаги 8 йиллик танаффусдан сўнг республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш Асосий саволларсини бажариб, муҳтарам Президентимиз И.А. Каримовнинг табригини олишга мушарраф бўддилар. Мазкур табрик хатида, жумладан, қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: Вилоят қишлоқ ҳўжалиги тараққиётида 2003 йил туб бурилиш йили бўлди, чунки бу даврда соҳа меҳнат аҳли давлатга ғалла, пилла ва пахта сотиш Асосий саволларларини ортиғи билан уddалаб, республикада карвонбошилиқ қилдилар. Вилоят қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 2003 йили мўлкўл ҳосил етиштирилди, жумладан, 345 минг тонна пахта, 61268 тонна картошка, 152410 тонна сабзавот, 36188 тонна полиз маҳсулотлари, 17505 тонна ҳўл мева, 56425 тонна гўшт, 242374 тонна сут, 77969,0 минг дон

тухум, 8971 дона қоракўл тери етиштирилиб, барча соҳада йиллик Асосий саволлар ортиғи билан адо этилди.

Албатта, Сурхон деҳқонининг ғалабаси ўзўзидан келгани йўқ, унинг замирида ҳалол меҳнат ва ерга чинакам эғалик ҳисси мужассам. Вилоят пахтакорлари 2003 йилда фақатгина пахтанинг ўзидан 75 млрд. 300 млн. сўмдан ошиқроқ даромад олишди. Шундан соф фойда 15 млрд. 600 млн. сўмни ташкил этди, рентабеллик даражаси эса 26,1 фоиз. Бу рақамларни 2002 йил ҳосили билан таққослаганда воҳа пахтачилигида ўтган бир йил мобайнида жуда катта бурилиш ясалганлигини кўриш мумкин.

Ваҳоланки, 2002 йилда вилоят бўйича пахта ҳосили жами 46 млрд. 800 млн. сўм даромад берганди. Соф фойда эса бор йўғи 2 млрд. 400 млн. сўм бўлиб, рентабеллик даражаси эса, 5,4 фоизни ташкил этарди. Воҳада қишлоқ ахлининг шижоаткорона ва фидокорона меҳнати ҳамда вилоят ҳокимлигининг талабчанлиги 2003 йилда эришилган ютуқларнинг бош омили бўлди. Умуман, вилоятда аграр соҳани ислоҳ қилишда ўтган давр мобайнида улкан тажриба тўпланди, меҳнат аҳдининг меҳнатга ва мулкчилик соҳаларига бўлган муносабатининг ўзгариши барча ютуқларнинг пойдевори саналади. Албатта, вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар кўламининг кенгайишида, мазкур соҳада мўлкўл ҳосил етиштириб олишда фидоий инсонларнинг алоҳида ўрни мавжуд. қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган ана шундай фидоий инсонларни ниҳоятда кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, Денов тумани С.Раҳимов жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев, Денов тумани «Лочин» фермер хўжалиги раиси Ўзбекистон қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев, Сариосиё тумани ҳокими Парда Мадиев каби фидокор инсонларнинг рўйхатини янада кўплаб келтириб ўтиш мумкин.

**Сурхондарё вилоятида ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат моллари билан тўлдириш ва уларнинг ҳажмини кўпайтириш бўйича 2009-2013 йилларга мўлжалланган махсус ҳудудий Дастури ишлаб чиқилди.**

Мазкур дастурга 95 та лойиҳа киритилган бўлиб, умумий қиймати 33,7 млн.АҚШ долларини ташкил этади ва ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида қўшимча равишда 2263 та ишчи ўринлари яратилиши Асосий саволларлаштирилган.

Шундан,


-озиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш учун 55 та лойиҳа киритилган ва 2,9 млн.АҚШ долларини ташкил этади ҳамда ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши бўйича қўшимча 497 та янги ишчи ўринлари;

-ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 40 та лойиҳа киритилган ва қиймати 30,8 млн.АҚШ долларни ташкил этади ва 1766 та янги ишчи ўринлари яратилиши Асосий саволларлаштирилган.

### Қишлоқ хўжалиги бўйича:


Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 105,9 фоизга бажарилган.

#### **Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**



**Мева-сабзавотчилик.** Вилоятда жами 143,1 минг тонна сабзавот, 81,6 минг тонна картошка, 15,2 минг тонна полиз, 27 минг тонна ҳўл мева ва 5,3 минг тонна узум маҳсулотлари етиштирилди.

#### **Сабзавот маҳсулотларини етиштириш (%да)**



**Чорвачиликни ривожлантириш бўйича.** Вилоятда жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ялпи ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ҳаракатдаги нархларда 179,0 млрд.сўмни ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги қорхоналари томонидан 2,5 млрд.сўм, фермер хўжаликлари томонидан 7,4 млрд.сўм ва деҳқон хўжаликлари томонидан 169,1 млрд.сўм маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Барча тоифадаги хўжаликларда чорва мол бош сонлари жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қорамоллар 635,6 минг бош (108,9%)га, шу жумладан, сигирлар 283,3 минг бош (108,1%)га, қўй ва эчкилар 1656,8 минг бош (106,0%)га, паррандалар бош сони 1735,7 минг бош (107,4%)га ҳамда отлар бош сони 14,2 минг бош (101,6%)га қўпайган.

**Ветеринария хизмати.** Вилоятда 2009 йилнинг январ-июн ойлари давомида ташкил этилган 262 та зооветеринария пунктларида 521,8 млн.сўмлик шартномалар имзоланиб, унга асосан 262,2 млн.сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Шартли равишда 1 та қорамолга хизмат кўрсатиш 408 сўмга тўғри келмоқда.

Вилоят бўйича жорий йил давомида аҳоли, фермер ва деҳқон хўжаликлари қарамоғидаги жами 82,3 минг бош сигирларни сунъий қочириш Асосий саволларлаштирилган бўлиб, вилоят “Чорванаслхизмат” корхонаси орқали 39129 доза насли буқа уруғи олиб келиниб, 38376 бош сигирлар суъний қочирилди.

**Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.** Вилоятда ҳозирги вақтда жами суғориладиган майдон 325690 гектарни ташкил қилиб, шундан шўрланмаган майдон 211662 гектар ва шўрланган майдонлар 113651 гектарни ташкил этади. Шундан кучли шўрланган майдонлар 1417 гектар.

Дастурга асосан жорий йилда мелиоратив тизимларни тозалаш ва яхшилаш учун 3250 млн.сўм ажратилиши ва 656 км. зовурлар таъмирланиши белгиланган.

2009 йилнинг январ-июн ойлари давомида 1544 млн.сўмлик ишлар яъни 446,68 км. зовурларда тозалаш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ҳамда 148,36 км. ёпиқ-ётик дренажлар таъмирланиши белгиланган.

2009 йилда 22 та объектда таъмирлаш ва тиклаш ишлари Асосий саволларлаштирилган бўлиб, ҳозирги вақтда 18 та объектда ишлар бажарилмоқда.

Вилоят бўйича зовурларни тозалаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш учун 8 та пудратчи ташкилотлар жалб қилинган бўлиб, улар техник жиҳозлар билан таъминланган. Ҳозирги вақтда зовурларни тозалаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш учун 50 та экскаваторлар, 16 та бульдозерлар жалб қилинган бўлиб, кунлик 130-140 метргача зовурларни тозалаш ва тиклаш ишларини олиб борилмоқда.

Умуман, ўтган йиллар мобайнида вилоят қишлоқ хўжалиги туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёнини бошдан кечирди. Натижада мазкур соҳада мулкчиликнинг қатор янги тартиблари, деҳқоннинг ерга ва мулкка бўлган ҳақиқий мулкдорлик муносабати қарор топди. қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва технологиялар жалб этилди, ерга ишлов бериш агротехникаси, сара уруғ тайёрлаш ва экиш борасида улкан тажриба тўпланди. Сурхон деҳқонининг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган мўлкўл ҳосил Республикамиз иқтисодиётига муносиб хисса бўлиб қўшилди. Мустақиллик йилларида вилоят қишлоқ хўжалиги туб сифат ўзгаришлар ва юксалиш даврини бошдан кечирди. Натижада аграр соҳада ҳам мулкчиликнинг янги шакллари, ерга эгалик қилишнинг янги турлари вужудга келди. Хуллас, вилоят қишлоқ хўжалиги янгиланиш ва тараққиёт палласига қадам қўйди.

Республикамизнинг миллий мустақилликни қўлга киритиши натижасида халқимиз маънавий ва маърифий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўла бошлади. Чунончи, ана шу даврдан эътиборан ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий руҳиятимизга мос томонлар ишлаб чиқилди, ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топа бошлади. Халқимиз қўлга киритган истиклол ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ислохотлар туфайли ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг кўплаб ижобий усуллари, миллий дунёқарашимизга ҳамоҳанг бўлган тизими қарор топа бошлади.

Жамиятнинг қанчалик даражада ривожланганлиги шу жамиятда истиқомат қилаётган ёшларга берилаётган таълим ва тарбиянинг қай аҳволда эканлиги билан белгиланади. Чунки ҳар томонлама ривожланган ёки ривожланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлат, аввало бўлғуси авлоднинг юксак даражада малакага эга бўлиши учун ҳар томонлама ғамхўрлик қилмоғи лозим. Халқимиз кўлга киритган истиқлол шарофати билан республикамиз халқ таълими тизими ҳам ҳар томонлама янгиланиш жараёнини ўз бошидан кечирмоқца. Чунончи, ўтган ўн икки йил давомида халқ таълими ва тарбия беришнинг янги усуллари ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилди. Ёш авлодни жаҳон жамоатчилиги талабларига жавоб берадиган даражада қилиб тарбиялаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Таълимтарбия масканларининг миқдор ва сифати ўзгарди, умумий мактаблар билан бир қаторда махсус ихтисослашган мактаблар, лицей ва гимназиялар ташкил этилди. Шунинг қайд қилиб ўтиш жоизки, вилоятда фаолият кўрсатиб, ёшларга таълим ва тарбия бераётган зиё масканлари ҳисобланган умумий таълим мактабларининг миқдори йилдан йилга ортиб бормоқца. Чунончи, 1990-91 ўқув йилида вилоятда 652 та умумий таълим мактаби фаолият кўрсатди, 1991-92 ўқув йилида эса уларнинг сони 685 тага етди.

Филоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари 1993 йил апрель ойида чақирилган сессиясида мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов вилоятда йиғилиб қолган кўплаб ижтимоийиқтисодий муаммолар қаторида таълим тизимидаги жумбоқларни ҳам рўйроқ кўрсатиб берган эди. Мамлакатимиз раҳбари вилоят фаолларининг йиғилишида вилоятдаги 43 та мактабнинг аҳволи ҳароб эканлигини, 483 та мактабда эса ўқиш икки сменада олиб борилаётганлигини қаттиқ танқид остига олган эди. 1993 йилдан 1994 йилга қадар ўтган бир йил мобайнида вилоят миқёсида 1700 ўринли 38 та янги мактаб қад ростлади, бу мактабларнинг 10 таси илгари ҳароб ҳолатда бўлган мактаблар ўрнида қурилди, 43 та мактаб қошида эса 820 ўринли қўшимча синф хоналари қуриб, шунингдек, яроқсиз ҳолга келиб қолган 14 та мактаб ялпи таъмирланди. 1993-1994 йиллар оралиғида вилоятда қурилган мактаблар бутун республикада бунёд этилган мактабларнинг тўртдан бир қисmini ташкил қилиши ҳам ушбу бир йил мобайнида вилоят халқ таълими тизимига катта эътибор берилганидан далолат беради.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов янги давр шароитида таълим тизимида ислохотларнинг зарурлиги ҳақида тўхталиб, «Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб боришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини рўйбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», деб бежиз таъкидламаган эди. Зеро, таълим тизимида туб ислохотлар ўтказмасдан, уни эски тузум қондиқларидан тозаласан, жаҳон таълим андозаларига кўтармасдан туриб, Ўзбекистоннинг маъқеини оширадиган, ҳар томонлама билимдон ва баркамол инсонларни вояга етказиб бўлмайди.

Республикамиз халқ таълими соҳасида бўлгани сингари вилоятимиз халқ таълими тизимида ҳам кейинги йилларда сифат ва миқдор ўзгаришларга эришидди. Буни қуйидаги мисол орқали билиб олиш мумкин: агар 1991 йилда вилоятда фаолият кўрсатган 714 та умумий ўрта таълим мактабида 335658 нафар ўқувчи

таълим олган бўлса, 1997 йилда 772 та мактабда 411686 нафар ўқувчи таълим олди, ёхуд 2000ў01 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг сони 780 тага, ушбу мактабларда таълим олаётган ўқувчилар сони эса 466772 нафарга етди. Оралиқцаги ўн йил мобайнида мактаблар сони 66 тага, ўқувчилар сони эса 131144 тага ортди.

Янги турдаги таълим муассасаларини очишга ҳам алоҳида эътибор берилди. 1993-94 ўқув йили мобайнида вилоятда ташкил этилган 6 та лицейда 1000 нафар ўқувчи, мактаблар қошидаги лицей синфларда 541 нафар ўқувчи, 443 та мактабда эса чуқурлаштирилган Асосий саволлар асосида 1696 нафар ўқувчи тахсил ола бошлади. Бу даврда вилоят мактабларида ёш авлодга таълимтарбия бериб келаётган ўқитувчилар сони ҳам йилданйилга ортиб борди. Буни қуйидаги мисол орқали ҳам билиб олиш мумкин. Агар 1990ў91 ўқув йилида вилоятдаги жами умумий таълим мактабларида 25200 нафар ўқитувчи меҳнат қилган бўлса, 1992ў93 ўқув йилида бу кўрсаткич 27700 нафарни, 1993ў94 ўқув йилида эса 29100 кишини ташкил қилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида вилоят мактабларвда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг маълумот даражаси ҳам анчагина юксалиб борди. »

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»га қонунини ҳаётга изчил жалб этаётган вилоят халқ таълими ходимлари ҳам кейинги йилларда қатор ютуқларга эришдилар. Хусусан, ана шу давр оралиғида янги, замонавий ҳамда жаҳон талабларига мос тарзда ёшларга таълим берадиган ўқув даргоҳлари бунёд этилди. Ана шундай ўқув даргоҳларидан лицейгимназия ва чуқурлаштирилган мактабинтернатларнинг очилиши юқоридаги фикримизнинг исботидир. Мана, бир неча йилдирки, АлҲаким атТермизий номидаги вилоят ёш математиклар ва физиклар мактабинтернати мураббийлари ёшларга аниқ фанларни самарали усуллар асосида ўргатаётган бўлсалар, Термиз иқтидорли болалар лицейи мураббийлари эса вилоятнинг юзлаб илмга чанқоқ болаларига жаҳон тили ҳисобланган инглиз тилини, информатика асосларини ҳамда иқтисодий билимларни ўргатишда қатор ютуқларни қўлга киритдилар.

Денов шаҳридаги М. Ломоносов номи 1-ўрта мактабда 1995 йили вилоятда биринчи марта ўқув маркази боғча, мактабгамназия синфи ташкил этилди. Гимназия синфи ўқитувчилари билим савиялари ва иқтидорлари бўйича, айниқса бадиий, тасвирий санъат, информатика ва ҳисоблаш техникаси ҳамда инглиз тили бўйича болаларга чуқурлаштирилган билим бера бошлади. Таълим беришнинг янги шакли ҳисобланган лицейлар ташкил қилиш борасида ҳам анчагина ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, 1995 йилда Термиз шаҳридаги Навоий номи 11-ўрта умумий таълим мактабида кимёбиология фанларига ихтисослашган махсус лицейсинф ташкил қилинди. Истиқлол берган яна бир улуғ имкониятлардан бири сифатида истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган услублари орқали ўқитишга эътибор кучайди. Агар 1991 йилда вилоятда 100 нафар ўқувчи жалб қилинган битта физикаматематикага ихтисослашган мактабинтернат фаолият кўрсатган бўлса, 20002001 ўқув йилида 3497 нафар иқтидорли ёшлар 19 та ихтисослашган мактабинтернатларда таълим ола бошлади. Ноёб истеъдодга эга бўлган иқтидорли ёшларнинг қобилиятини ошириш бораеида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда вилоятда 3 та истеъдоли болалар мактабинтернати ташкил этилиб, уларга 932 нафар ўқувчи жалб этилди. Шунингдек, 1266 нафар таълим мажмуаси, 466 нафар қобилиятли болаларга футбол сирларини ўргатадиган

3 та футбол мактабинтернати ташкил этилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар мезони анча юксалди. Олтинсой ва Бандихон туманларида 19992000 ўқув йиллари мобайнида иқтидорли болаларга мўлжалланган биттадан ихтисослаштирилган мактабинтернатлар ташкил қилинди.

**Шоберди бахши Болта ўғли.** Бўлажак бахши 1963 1965 йилларда ҳарбий хизматда бўлди, ҳарбий хизматдан қайтгач, ўзининг жонажон Мунчок қишлоғидаги Нодира номли мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Шоберди 1968 йили Термиз Давлат педагогика институти бошланғич таълим услуги факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди ва уни 1972 йидда тамомлади. Шобердининг бахшичилик фаолияти айрича жиҳатларга эга. Унинг ижодига тааллуқли терма ва дostonларнинг мавзуи ва мазмуни фалсафий мушоҳадаларга бой ҳамда долзарб муаммоларни қамраб олиши билан ўта муҳимдир. Унинг ижод бисотиға тегишли «Алпомиш», «Олтин қовоқ», «Кунтуғмиш», «Малла савдогар», «Сулувхон», «Санамгавҳар», «Ойпарчи» дostonларини эл севиб тинглайди ва бу дostonларни бахши мароқ билан куйлайди. Бахшининг «Меҳмондур», «Тилар», «Нима ёмон», «Кунларим», «Дўмбира», «Ойпари» ва бошқа талай термалари аллақачон эл олқишиға сазовор бўлган асарлар қаториға киради.

Шоберди терма айтадимиз, дoston куйлайдимиз, ҳаммасини юракдан куйлайди, куйлаганда ҳам сел бўлиб куйлайди ва барчани ўзига махлиё этиб дўмбирасини сайратади.

**Абдуназар бахши Поён ўғли** (1952) кейинги йилларда Сурхондарё дostonчилик мактабининг забардаст вакилларидан бири сифатида ўзининг хуш овози, сержило сози билан элюрт орасида обрў топди. У 2003 йили «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвонига мушарраф бўлди, бу эса унинг кучигақуч, ғайратигағайрат кўшди. Абдуназар бахшининг «Турсун мерган ва Рамазон чобоғон» дostonлари 2000 йили «Меҳнат» нашриётида чоп этилди, уни Ахмад Эшқурбон оққа кўчирган. Бундан ташқари шу дostonлардан айрим парчалар олимлардан Малик Муродов ва Абдуолим Эргашевлар тайёрлаган «Алпомишнома» (1999) тўпламидан ҳам ўрин олган. Яқинда бахшининг «Давронқул полвон» (2003) номли дostonи босмадан чикди. Дoston «Алпомиш авлодлари» туркуми сирасиға тегишли ва унда тоғли Хомконда туғилиб вояға етган Даврқул, унинг полвонлик ва чобоғонликдаги (чавандоз) доврўғи, бу борада унинг бутун бошли Жанубий Ўзбекистонда машхурлиги ҳикоя қилинади. Мазкур дoston, бир сўз билан айтганда, бахшининг мустақиллик йилларидаги ижодий изланишларининг самараси дейиш мумкин. У куйлаган «Алпомиш» дostonи ўзига хослиги билан ажралиб туради, зеро, ҳар бир бахшининг ўз «услуби, ўз усули бўлганидек, бу ҳодисадан Абдуназар бахши ҳам четда турмайди.

Яна шундай ижодкорлардан бири **Жуманазар Улуғов** (1947) бўлади. У моҳир муаллим, уста тадбиркор, шоир ва бахши, ажойиб оила бошлиғи, борингки, жами яхши сифату фазилатлар унда жамулжам. Бахши халқнинг дилидагини куйлайди, зотан, бахшилар ўз халқининг фидойиси, орномуси ва ҳалоллик намунасидир. Бахши халқнинг дилигина эмас, балки тили ҳамдир, бахши дўмбирани булбулдай сайратади, дўмбира ўз оҳанглари орқали халқ тарихини хониш қилади. Жуманазар бахши устод бахшиларнинг анъаналарига содиқ, уларнинг сабоғиға қатъий амал қилади, у дoston куйлаганда эл тўйини обод, улус кўнглини шод қилади. У дoston айтиш билан бирға бадий ижодға ҳам мойил, кундалик матбуотда унинг термаларидан ташқари, шеърлари ва ҳажвиялари эълон қилиб турилибди. Унинг «Авазхон ва Саёнхон» (1991) дostonи нашр этилган. Бу дoston «Гўрўғли» туркум

достонлар сирасига тааллуқли бўлиб, унда Гўрўғлининг фарзанди Авазхон ва унинг кадрдон дўсти Саёнхон воқеалари нақл қилинади.

Сурхон воҳаси бахшилар, чопоғонлар ва полвонлар юрти, шундан бўлса керак, бу элнинг тўю томошаси бахшисиз, кўпкарисиз, улоқсиз ва курашсиз ўтмайди. Элимиз тўйига, юртимиз тантанасига ўз куйқўшиқлари билан зеб бериб келаётган, воҳа бахшилар анъанасини янги усулларда жилокор қилаётган, Шеробод достончилик мактабининг янги авлод вакили **Шодмон бахши Хўжамберди ўғли** (1967)дир. Шодмон ёшлигидан қўлига дўмбира ушлади, термалар айта бошлади, истеъдоди ва иқтидори туфайли эл оғзига тушди, тўйхашамларда сидқидилдан хизмат қилди. 2003 йилнинг май ойида ўтказилган «Бойсун баҳори» халқаро фестивали доирасида «Бахшишоир ва оқинлар»нинг халқаро III фестивали иш бошлади. Ана шу анжуманда қўлида соз, минг турфа овоз, хонишларида юксак парвоз билан Шодмон бахши ҳам иштирок этди ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати, айти Шодмон бахшини фестивал ғолиби деб эълон қилди.

Ҳа, Сурхон воҳасида кизаёллар ҳам достон куйлайди, дўмбира чалади. Ўзбекистонда ҳозирча ягона ана шундай аёл бахшиларимиздан бири бу **Зулхумор Шерназаровадир**. У 1971 йили Жарқўрғон туманида туғилган, 1988 йили ўрта мактабни тамомлаган, шу кунларда мактабда муаллималик қилмоқда. Зулхуморда бахши шоир бўлишга ички бир интилиш ёшликдан бор эди, бу унинг беҳос қўлига дўмбира олишига туртки бўлди. қараса, қўли дўмбирага келишиб бораяпти, овози ҳам ёмон эмас, ўзига яраша жозибага эга. У илк сабоқни акаси Омон бахшидан олди, кейинроқ Шоберди бахши, қора бахши ва марҳум қодир бахшилардан достончиликбахшичиликдан таълим ўрганди. Зулхумор устози қора бахши ўргатган «Алпомиш»ни ички бир эпкинли ва нозик туйғулар билан куйлайди.

Воҳанинг яна бир ёш иқтидорли бахшиси **Рўзибой Турсунов** (1964). Шерободнинг Кампиртепа қишлоғида туғилиб вояга етган Рўзибой достончилик сирасорларини отаси Жаҳонгир Турсуновдан ўрганган, отаси дўмбирани турли усулларда сайратар экан. Бахши томонидан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Сулувхон», «Келиной», «ғубонак», «Ойпари», «Малла савдогар» каби достонлар севиб куйлаб келинмоқца. Шунингдек, «Сурхондарём», «Мустақил Ўзбекистон», «Устозим ҳақида», «Дўмбира мактови», «Шеробод ҳақида», «Гуллаяшна Ўзбекистон» номли термалари тингловчиларга анча манзур бўлди.

Вилоятда кўп йиллардан буён воҳа халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаш, уларни нашр эттириш билан шуғулланиб келинмоқда. Бу соҳада фольклоршунос олимлар қишлоқ ва овулларни кезиб ёдкаш, зукко қариялар билан учрашиб, улардан халқимиз ўтмишини, рухиятини, кайфиятини, маросимларини, удумларини, ҳар хил қизиқарли ўйинларини акс эттирувчи терма, кўшиқ, мақолматалларни ёзиб олиб, тўпладилар. Олимлардан Ҳ. С. Оқбўтаев, қ. У. Мамашукуров (марҳум), Р. Б. Мустафоқулов, журналист Н. Тўраевлар самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса фольклоршунос олим Р. Мустафоқулов (1946) халқ оғзаки ижодининг ўлмас намуналарини жамлашда баракали меҳнат қилмоқда. Унинг саъйҳаракати самараси ўлароқ, Чорша бахши Раҳматулла ўғлидан «Тошбосар», (1998), «Хурсўна» (1999), Хушбоқ бахши Мардонакул ўғлидан «Сокибулбул» (2002) достонлари ёзиб олиниб, нашр ишлари амалга оширилди ва китобхонларга тақдим этилди. Олимнинг халқ оғзаки ижоди соҳасидаги изланишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бу йўналишда у қатор

рисолалар яратди, чунончи, «Халқ педагогикаси сарчашмаси» (1995), «Алпомиш» талқинлари» (Б. Ёриев билан ҳамкорликда, 2000) шулар жумласидандир.

### **Соғлиқни сақлаш тизими**

Вилоятда асосан тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор мустақиллик йилларида бирмунча унди. Уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, республика илмий-услубий марказлари билан алоқаси мустаҳкамланди. Далилларга эътибор берсак, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 1990 йили 3399 нафар олий маълумотли шифокор ишлаган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 3549 тага етди. Жумладан, Олтинсой туманида 1990 йили 157 та олий маълумотли врач ишлаган бўлса, 1991 йилга келиб уларнинг сони 170 тага етди. Тиббиёт ходимларининг сони ошиб бориши аҳолига булган хизматни яхшилаш билан бирга янги даволаш бўлимларининг ташкил топишига, тиббиёт хизмати сифатини оширишга ҳам имконият яратди.

Юқорида қайд этилган рақамли кўрсаткичлар вилоятнинг қолган туманларида қуйидаги ҳолатда жойлашган. 1990 йилда олий маълумотли врачлар Ангорда 128 та, Бойсунда 131 та, Музрабодда 131 та, Деновда 357 та, Жарқўрғонда 230 та, қумқўрғонда 208 та, қизирикца 104 та, Сариосиёда 331 та, Шерободда 146 та, Шўрчида 248 та, Термиз шаҳрида 885 та, Денов шаҳрида 179 тани ташкил этган бўлса, 1991 йилга келиб Ангорда 128 та, Бойсунда 144 та, Музрабодда 110 та, Деновда 365 та, Жарқўрғонда 221 та, қумқўрғонда 213 та, қизирикда 105 та, Сариосиёда 271 та, Термизда 152 та, Узунда 165 та, Шерободда 171 тани ташкил этди.

Инсон учун авваламбор соғлиқ керак, донишмандлар айтганларидек, «Инсон учун биринчи бахт унинг соғлиғи, иккинчиси эса гўзаллиги». Шу туфайли вилоят аҳолисининг соғлиғини сақлаш мақсадида тиббиёт ходимлари сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. 1990 йилда касалхоналар сони 107 та бўлиб, улардаги ўринлар сони 16185 тани ташкил этди. 1997 йилга келиб касалхоналар сони 110 тани, ўриндиқлар сони эса 16835 тани ташкил этди. Касалхоналар сони туманларда ҳам йилдан-йилга ошиб борди, масалан, 1990 йили Олтинсойда 670 ўринли 6 та касалхона, Ангорда 3 та касалхона, Музрабодда 626 ўринли 7 та касалхона, Деновда 1545 ўринли 12 та касалхона, Жарқўрғонда 1340 ўринли 7 та касалхона, қумқўрғонда 940 ўринли 7 та касалхона, қизирикца 615 ўринли 5 та касалхона, Сариосиёда 1985 ўринли 16 та касалхона, Термизда 1190 ўринли 5 та касалхона, Шерободда 1150 ўринли 6 та касалхона, Шўрчида 990 ўринли 5 та касалхона, Термиз шаҳрида 3315 ўринли 18 та касалхона, Денов шаҳрида 630 ўринли 4 та касалхона бўлган.

Мустақиллик шарофати билан 1992 йилга келиб тиббиёт соҳасига бўлган эътибор янада кучайди, вилоятдаги кўпгина касалхоналар қайта таъмирдан чиқариди. Аҳолига бўлган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида хорижий мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида тиббиёт ходимлари ҳам четда қолмадилар. Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Бу ишларни амалга оширишда Термиз, Шеробод тиббиёт билим юртларининг ҳиссаси катта бўлди. Ўз навбатида Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари малака ошириш ва услубий ишлари билан ёрдам бериб келмоқда.

Вилоятда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 1992 йили 13283 тани ташкил этди. Туманларда эса бу ҳолат қуйидагича бўлди: Олтинсойда 678 тани, Ангорда 876 тани, Бойсунда 514 тани, Бандихонда 47 тани, Музрабодда 597 тани, Деновда 1530 тани, Жарқўрғонда 787 тани, қумқўрғонда 625 тани, Кдзирикца 443 тани, Сариосиёда 107 тани, Термизда 923 тани, Узунда 602 тани, Шерободда 852 тани, Шўрчида 826 тани, Термиз шаҳрида 2456 тани, Денов шаҳрида 421 тани ташкил этди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизими ишларини ривожлантириш ва яхшилаш учун 1989-1990 йилларда 1 млн. 220 минг сўмдан зиёд пул ажратилди, натижада шифохоналарнинг моддийтехник аҳволи анча яхшиланишига эришилди. Япония фирмаларида ишлаб чиқарилган 5 та ультратовушли, 85 та эндоскопик аппарат, «МТ322» маркали автокардистограф, чакалоқлар учун интенсив терапия блоки, «ВХ5» маркали аксиметрлар ўрнатилди. Дастлабки йиллардан бошлаб тиббиёт хизматини яхшилаш мақсадда пуллик хизмат жорий этилди. 1990 йили меҳнат аҳдига **2.086.100** сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган бўлса, 1991 йили бу кўрсаткич 1,7 мартага ошди. Энг муҳими, Шарқ табобатининг қадимги тажрибалари асосида даволаш мақсадида 1990 йилдан «Шарқ табобати» маркази ташкил этилди.

Албатта, мустабид жамият даврида собиқ Иттифоқнинг чекка ўлкаларига бошқа соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам кам эътибор берилиб, тиббий муассасалар моддийтехник базасининг етарли ривожланмаганлиги, доридармонлар ва тиббий асбобускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан етарли таъминланмаганлиги натижасида жойларда профилактикадаволаш ишларини кўнгилдагидек ташкил этишнинг имконияти бўлмади. Натижада аҳоли ўртасида юқумли сариқ касаллиги 1990 йилга нисбатан 1991 йил июнь ойида 78 фоизга кўпайиб, 4372 нафар киши касалланди. Оғир экологик шароит, турли хил кимёвий дорилардан кўп фойдаланиш туфайли жигар, буйрак, ўпка, рахит, кўз касалликлари кўп тарқалди. Вилоятнинг Термиз, Денов, Шеробод ва Шўрчи туманларида бу ҳолат оммавийлашди. Масалан, 1991 йил июнига келиб вилоятда вирусли гепатит 32, сил касаллиги 31 фоизга ўсди, бундан ташқари педикулез, бруцелёз касалликлари кучайди.

Мустақилликнинг дастлабки ойларида буларнинг олдини олиш соҳасида катта амалий тадбирлар ўтказилди. Нафақат соғлиқни сақлаш ходимлари, балки барча зиёлилар олдида ушбу хасталикларни келтириб чиқарувчи манбани аниқлаш ва унга қарши аниқ чоралар кўришдек муҳим масала кун тартибига қўйилган эди. Жойлардаги маҳалла қўмиталари, давлат ташкилотлари тиббий муассасаларнинг моддийтехник базасини ривожлантириш, махсус муассасаларни малакали ходимлар билан таъминлашга эътиборни кучайтиришга киришди. 1991 йил охирида вилоятда ҳар 10 минг аҳолига 90 нафар тиббий ходим тўғри келди ёки меъёрга нисбатан 29,5 фоизни ташкил этди, холос. Бойсун, Музрабод, қизирик, Олтинсой туманларида аҳолачинарли бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатувчи мутахассислар етишмас, тажрибали мутахассислар кам эди. Вилоят аҳолисининг ўсиши ва аҳолининг соғлиғи масаласида 1992-1993 йилларда кўпгина ишлар амалга оширилди, чунончи, ўриндиқларнинг сифат даражасига эътибор берилди, беморлар учун қулай шартшароитлар яратила борилди.

Вилоят аҳолисининг ҳар 10 минг кишисига 1992 йилда 81,5% ўриндиқлар тўғри келган бўлса, 1993 йилга келиб 79,3% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни вилоят туманлари мисолида кўрсак, 1992 йилда Олтинсой туманида 56,6%, Ангор

туманида 61,3% бўлган бўлса, 1993 йилда Олтинсой туманида 65,5%, Ангор туманида 58,6% ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда аҳолининг ўсиб бориши натижасида ўриндиклар сони фоиз ҳисобида аҳоли жон бошига нисбатан кам бўлган. Юқорида қайд этилган рақамли кўрсаткичлар вилоятнинг қолган туманларида қуйидаги ҳолатда жойлашган: 1992 йилда Бойсунда 65,3%, Бандихонда 66,6%, Музрабодда 56,1%, Деновда 63,9%, Жарқўрғонда 63,0%, қумқўрғонда 52,2%, қизирикда 75,4%, Сариосиёда 87,3%, Термизда 172,1%, Узунда 43,3%, Шерободда 63,6%, Шўрчида 53,5%, Термиз шаҳрида 264,3%, Денов шаҳрида 72,4% ни ташкил этган бўлса, 1993 йилга келиб Бойсунда 55,9%, Бандихонда 59,8%, Музрабодда 53,3%, Деновда 61,5%, Жарқўрғонда 57,1%, қумқўрғонда 54,2%, қизирикда 71,6%, Сариосиёда 87,1%, Термизда 176,6%, Узунда 47,3%, Шерободда 61,2%, Шўрчида 51,5%, Термиз шаҳрида 259,9%, Денов шаҳрида 67,6% ни ташкил этди.

Шу туфайли вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бу масалада жиддий ўзгаришлар қилишни кун тартибидаги асосий масала деб тушуниб, бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида 1993 йили катта амалий ишлар бажарилиб, 605 беморга мўлжалланган касалхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 100 ўринли касалхона қайта жиҳозланиб, унинг атрофида 200 минг турли хил гул ва мева кўчатлари экилди. Термиз ва Денов шаҳарларидаги касалхоналар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари юқори даражада олиб борилди. Вилоят кўз касалликлари касалхонаси, айниқса ибратли ишларни бажара бориб, 5000 туп гул ва турли хил дарахт кўчатлари ўтказди. Вилоятнинг 1 касалхонасидаги янги 3 та катта бино мустақиллик йилларида қад кўтариб, 300 та беморни даволаш янги замонавий бино ва янги тиббий техник асбобускуналарни қабул қилиш билан бошланди. Умуман, дастлабки уч йил ичида тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун 30 млн. сўм миққорида маблағ ажратилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими беморларни соғайтириш билан бирга маданиймаърифий ишларни ҳам амалга оширди ҳамда бу соҳада қатор ижобий ишлар бажарилди, беморларга хизмат қилувчи маданий бўлимлар ташкил этилди.

Мустақилликнинг иккинчиучинчи йилларида малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларни моддиймаънавий жиҳатдан қўллабқувватлаш учун бир қатор тадбирлар ўтказилди. Шунинг учун мутахассисларнинг сони ва салмоғи ошиб борди, вилоятда 1992 йили 3318, 1993 йили эса 3395 нафар олий маълумотли табиблар аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. Бу кўрсаткичлар вилоят туманларида қуйидагича ўсиб борди: 1992 йили Олтинсойда 158 та, Ангорда 136 та, Бойсунда 124 та, Бандихонда 37 та, Музрабодда 211 та, Деновда 406 та, Жарқўрғонда 220 та, қумқўрғонда 211 та, қизирикда 104 та, Сариосиёда 271 та, Термизда 143 та, Узунда 182 та, Шерободда 152 та, Шўрчида 262 та, Термиз шаҳрида 998 та, Денов шаҳрида 203 тани ташкил этди. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, вилоят туманларида олий маълумотли шифокорлар сони йилданйилга маълум даражада ўсиб борди. Ўз навбатида бу мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун етарли даражада имкониятлар яратилмади. Чунки мутахассисларга етарли иш ҳақининг камлиги, моддий манфаатдорликнинг йўқлиги бу соҳада жиддий изланишлар қилишни талаб этди. Айниқса, ёш мутахассисларни рағбатлантириш, қўллабқувватлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилиши натижасида уларнинг ишга бўлган қизиқиши сусайиб борди.

Президентимиз И. А. Каримов соғлом авлод Ўзбекистоннинг келажаги

эканлигига тўхталиб, қуйидаги фикрни таъкидлаган эди: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқодоб ва умумбашарий ғоялар руҳда камол топган инсонни тушунамиз».

Кишининг тан соғлиғидан кўра ҳам, кўпроқ унинг руҳан камол топиб, ўзини соғлом тутиши муҳим эканлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг учун касалликнинг олдини олиш жуда зарур эканлигини аҳолига тушунтириш асосий тиббий йўлдир. Бу борада вилоятда тиббиёт маорифи соҳасида ҳам катта ишлар қилиниб, туман ва шаҳарларда тарғибот ишлари кўнгилдагидек олиб борилган. Вилоятда 1990-1993 йилларда 2 та республика миқёсида, 10 та вилоят ва 20 та туманшаҳар миқёсида ижобий ишлар қилинди. Ўтиборлиси шундаки, вилоятнинг Тожикистон, Афғонистон ҳамда Туркменистон билан чегарадошлиги, бу давлатлардаги оғир иқтисодий вазият ҳамда турлитуман юқумли касалликларнинг тарқалиши воҳага ҳам хавф солиб туради. Ана шу хавфли касалликларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида барча чоратадбирлар кўрилмоқда. Тегишли чоратадбирлар вилоят миқёсида бажарилиб, унинг натижалари мунтазам текширилиб борилмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. И.А. Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ» 1998.
2. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият. 2008.
3. И.А.Каримов. Ўнг асосий мезонҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.Т., Ўзбекистон, 2009. 26бет.
4. И.А.Каримов Ўзбекистон мустақиллик эришиш остонасида. 2011. Т.
5. С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи кўзгусида. Т.2001.
- 6.С.Турсунов. Сурхондарё вилоят тарихини ўрганиш. Т., 1997.
7. С. Турсунов ва бошқалар Сурхондарё тарихи. Т., «Шарқ» 2004.
8. Чағонийён илмий тўплам . Т. 2001.
9. Сурхондарё. Илмий тўплам. Т., 1997.
10. Термиз. Илмий тўплам. Т., 2001.
11. Мирзаев Ж. Термиз тарихи. Т., 2001.
12. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. Т.,1993.
13. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. Қомуслар Бош таҳририяти. 2001-2006. 123456789101112 жилдлар.
- 14.Шарафиддин Али Яздий, “Зафарнома”, Т., 1994.
- 15.С.Н.Турсунов, Темур ҳақида тарихий фикрлар, Термиз, 1993.